

Омонулла МАДАЕВ

# ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ



СН0000033028

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС  
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ  
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

Омонулла МАДАЕВ

**ЎЗБЕК ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ**

Университетларнинг Ўзбек филологияси ва Журналистика ҳамда  
педагогика институтларининг Тил ва адабиёт факультетлари учун  
ўқув кўлланма



Тошкент  
«MUMTOZ SO‘Z»  
2013

УДК: 821.512.133

КБК 82.3(5Ў)

*Масъул муҳаррир:  
Филология фанлари доктори, профессор  
Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ*

*Тақризчилар:  
Филология фанлари доктори, профессор  
Маматқул Жўраев;  
филология фанлари номзоди  
Абдумурод Тилавов*

82.3(5Ў)

M14

Мадаев, Омонулла.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди: университетларнинг филология ва журналистика факультетлари учун ўкув қўл. / О.Мадаев; масъул мухаррир Ҳ.Болтабоев; ЎзР олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий ун-ти. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2013. – 250 б.

УДК: 821.512.133

КБК 82.3(5Ў)

ISBN 978-9943-363-90-8

© Омонулла Мадаев, 2013

© «MUMTOZ SO'Z», 2013

---

## **МУАЛЛИФДАН**

Юртимиз мустақил республика сифатида шаклланиб ривож топаёттанига 20 йилдан оңди. Ўтган муддат давомида халқ ҳўжалигининг ҳамма соҳаларида, шу жумладан, адабиётшуносликда ҳам кескин сифат ўзгаришлари рўй берди. Маданият, санъат, адабиёт, халқ ижодига бўлган муносабат давлат мақоми даражасига кўтарилиди. Ўзбекистон радио ва телевидениеси, газета, журналларда миллатимиз оғзаки ижоди намуналари ва улар ҳақидаги маълумотлар мунтазам равишда ёритилмоқда. Олий ўкув юртларининг филология ва журналистика факультетларида “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” фани намунавий дастур асосида ўқитилмоқда. Мазкур дастурда халқимиз оғзаки ижоди миллий қадриятларимизнинг таркибий қисми экани, бадиий ижод ота-боболаримиздан кейинги авлодга қолдирилган маънавий мерос экани алоҳида таъкидланади. Аммо ўтган вақт давомида “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” фани бўйича янгича талқин қилинган, замон руҳи сингдирилган дарслик ва ҳатто қўлланманинг ёзилмагани ачинарли ҳол. Ана шу камчиликни муайян равишда бартараф қилиш максадида мазкур қўлланмани тайёрлашга журъат килдик.

Ўзбек халқ оғзаки ижоди асарларини қисқартмаган ҳолда нашр қилиш, уларнинг тарихимиз ва бугунги кунимиздаги ахамиятини англашдаги ижобий ўзгаришлар ташаббускори юртбошимиз Ислом Каримов бўлди. 1990 йилда, ҳали мустақиллик қўлга киритилмасдан аввал тақиқланган Наврўз байрами умумхалқ тантанаси дараҷасида нишонланди. Кейинчалик “Алпомиши” достонининг 1000 йиллик тўйи тантана қилинди. 2008 йил “Маънавият” нашриёти томонидан эълон қилинган “Юксак маънавият – енгилмас куч” китобида шундай дейилади: “Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимий тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз

хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлёзмалар, уларда мужассамлашган тарих, адабиёт, санъат, сиёсат, ахлоқ, фалсафа, тиббиёт, математика, минералогия, кимё, астрономия, меъморлик, дехкончилик ва бошқа соҳаларга оид қимматбаҳо асарлар бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир”<sup>1</sup>. Муҳими, ҳалқ ижоди, хусусан, оғзаки ижод асарлари миллат сифатидаги ўзбеклар табиатининг шаклланишидаги аҳамиятини юртбошимиз мөхият жиҳатдан юксак баҳолайди. Кўлингиздаги қўлланмада бу муносабат ҳар бир мавзуу баёнида ўз ифодасини топди.

Шунингдек, қўлланмани тайёрлашда, аввало, ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Ўзбек филологияси, Журналистика факультетида 40 йилдан ортиқ муддат давомида “Ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди”, “Оммавий ахборот воситалари ва ўзбек ҳалқ оғзаки ижоди” фанидан ўқиган маърузаларимиз, ўтказган амалий ва семинар машғулотлари, якин 50 йил давомида талабаларимиз иштирокида ташкил этилган фольклор экспедициялари натижалари, Ўзбек ҳалқ оғзаки ижодидан нашр эттирилган аввалги дарсликлардаги буғунги кунда ўз қадрини йўқотмаган фикр-мулоҳазалар, таниқли олимларимиздан Ҳ.Зарифов, М.Афзалов, М.Алавия, З.Хусаинова, О.Собиров, А.Қаҳхоров, Ж.Қобулниёзов, М.Саидов, Т.Мирзаев, К.Имомов, М.Муродов, Б.Саримсоқов, Т.Ашурев, О.Сафаров, А.Мусақулов, М.Жўраев, У.Жуманазаров, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқул ва бошқа таниқли фольклоршунос олимлар томонидан билдирилган илмий қайдлар асос бўлди.

Муаллиф қўлланманинг вужудга келишида ўзининг қимматли маслаҳатларини аямаган мутахассис қасбдошлирига ўзининг самимий миннатдорчилигини изҳор этади.



<sup>1</sup> Ислом Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Тошкент: Маънавият, 2008. – Б.31.

---

## КИРИШ

Маълумки, мазкур курс республикамиз вилоятлари университетлари ва педагогика институтларининг Ўзбек филологияси, айрим олий ўкув юртларидағи Журналистика факультетлари талабалари учун ўзбек адабиёти тарихи ҳақидаги илмий тизимнинг таркибий қисми сифатида ўқитилади. Унда халқ оғзаки ижодининг хос хусусиятларидан ташқари мақол, топишмоқ, асқия, латифа, лоф, қўшиқ, эртак, достон каби жанрлар доирасида фикр юритилади.

Ўтган асрнинг 80–90-йилларида олий ўкув юртларининг филология фақультетлари талабалари учун халқ оғзаки ижоди фанидан дарслер яратиш тажрибаси амалга ошган эди. Дастрлаб 1980 йилда “Ўқитувчи” наприёти Ҳ.Раззоков, Т.Мирзаев, О.Собиров, К.Имомовнинг муаллифлигига биринчи дарслерни эълон қилди. Кейинчалик 1990 йилда К.Имомов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқов, О.Сафаров муаллифлигига “Ўқитувчи” наприёти “Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди” дарслигини нашрдан чикарди. Бу дарслерда халқ оғзаки ижодига оид маълумотлар фольклоршунослик нуқтаи назаридан илмий асосда ўз ифодасини топган. Зарур ўринларда биз ҳам улардан фойдаланганмиз. Аммо юргимизда рўй берган ижтимоий ўзгаришлар асарларни таҳлил қилишда янгича ёндашишни такозо қилади. Чунки ўтган асрнинг 80–90-йилларида халқ оғзаки ижодидаги хос хусусиятлар, мақоллардан тортиб қўшикларгача, эртаклардан достонларгача асосан собиқ тузум мағкураси тазийкида ўрганилган ва таҳлил қилинган. Хусусан, жуда кўп ўринларда ўзбек халқи яратган асарлар камбағал ва бойлар синфи ўртасидаги қарама-қаршиликлар заминида баҳолангандан ўтган халқ тантаналари қаторида қайд қилингандан кўра ислом динидан аввал пайдо бўлганлигини, диний маросимларга алокаси

йўқлигини таъкидлаш билан оқлаб кўрсатишга эътибор берилган. Биз ўз кўлланмамизда асосий дикқатни халқ оғзаки ижоди асарларининг миллатимиз ҳаётида тутган ўрнини, маданий меросимиз таркибий қисми сифатидаги аҳамиятини, бадиий адабиёт намунаси эканлигини ёритишга қаратдик. Зеро, ҳозирги пайтда халқ мақоллари, кўшиқлари, эртаклари, достон ва бошқа жанрларни билиш баркамол авлоднинг бурчига айланганига гувоҳмиз. Халқ оғзаки ижоди дастурига биноан “Алла” ҳақида, болалар фольклори мавзусида фикр юритилади. Биз қўшиқлар юзасидан билдирилган мулоҳазаларда ҳам “Алла”ларга қисман тўхтаб ўтдик. Айни чоғда мавсум-маросим кўшиқлари юзасидан ҳам икки ўринда: “Қўшиқлар” ва “Мавсум маросимий фольклори”да маълумот беришга мажбур бўлдик. Шунинг учун мазкур кўлланмада учрайдиган айрим такрорлар борлигини қайд этмоқчимиз. Мазкур жанрлар ҳақидаги тушунчаларга эга бўлиш бугунги кун филолог ва журналист мутахассис учун ўта зарур хисобланади. Чунки халқ оғзаки ижоди бадиий адабиётнинг вужудга келишида ва шаклланиб ривожланишида дастлабки босқични ташкил этади. Журналист эса оғзаки ижод сарчашмаларидан баҳраманд бўлмасдан ўз соҳасида муваффақият қозона олмайди.

Демак, кўлланмадан асосий мақсад ўзбек халқи томонидан асрлар давомида яратилган оғзаки ижод намуналари ҳақида маълумот беришдан иборат.



## **ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ҲАҚИДА УМУМИЙ МАЪЛУМОТ**

Инсон қадимдан атроф мухитда рўй бераётган воеа-ходи-саларга ўз муносабатини билдирган. Бу муносабат, аввало, турли ҳатти-ҳаракатлар, овозлар, эхтирослар воситасида амалга ошган. Кейинчалик ҳис-туйгуларни сўзлар, сўз йиғиндиси, рақслар ифодалаган. Яна кейинроқ одамлар ўзларича дунёнинг, табиатнинг, ҳайвонлар, ўсимликлар, тоғлар, сувларнинг пайдо бўлишини изоҳловчи тўқима ҳикоялар ўйлаб топадилар. Йигитлар, кизлар мұхаббат қўшиқларини тўқийдилар. Қабила-уругнинг мард ва жасур йигитлари ҳақида, уларнинг ғаройиб қаҳрамонликлари ҳақида ағсона ва ривоятлар пайдо бўлади. Буларнинг ҳаммаси ҳали ёзув маданияти вужудга келмасдан олдин жамоа-жамоа бўлиб яшаётган аҳоли ўртасида шуҳрат топади. Бугунги кунда биз уларни “халқ оғзаки ижоди” деб аташга одатланганмиз.

Ота-боболаримизнинг айтмоқчи бўлган панд-насиҳатлари, эл эъзозлаган одам булишнинг талаб-қоидалари, Алп Эртўнга, Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик каби ажойиб юрт фарзандларининг ботирликлари, халқимизнинг урф одатлари, миллий фазилатларимиз санъат даражасига кўтарилиган сўз тизимларидан иборат мақол, қўшиқ, эртак, достон, болаларга бағишлиланган асарлар ва бошқа жанрлардаги намуналарда ифодасини топади. Шунинг учун ҳам халқ оғзаки ижодини миллий қадриятлар деб аташ одат бўлган. Халқ оғзаки ижоди илмда фольклор деб юритилади. Бу атамани 1846 йилда инглиз олими Уильям Томс таклиф қилган бўлиб, унинг маъноси “халқ донолиги” деган тушунчадан иборат. Аслини олганда, фольклор деганда, халқ томонидан яратилган ҳамма санъат намуналари тушунилади. Меъморлик, наққошлиқ, ганчкорлик, зардӯзлик, мусика, рақс, оғзаки адабиёт намуналари – ҳаммасини фольклор деб тушуниш кабул килинган. Ҳар бир санъат соҳасида иш олиб бораётган мутахассис ўзи танлаган турни “фольклор” деб атайверади. Масалан, мусикачи халқ куйларини, хореограф халқ рақсларини, архитектор халқ меъморчилигини, фольклоршунос олим халқ достонлари, эртакларини фольклор асари деб хисоблайди. Биз – сўз санъати сирларини ўрганувчи соҳада иш юритганимиз учун мақол, топишмок, лоф, асқия, латифа, қўшиқ, эртак, достонларни фольклор

намунаси сифатида ёзиб оламиз, таҳлил киламиз. “Фольклор” атамасини талаффуз қылганимизда халқ оғзаки ижодини тушунамиз. Халқ оғзаки ижодини ўрганувчи олим фольклоршунос ҳисобланади. Фольклоршунослик хозирги пайтда адабиётшуносликнинг таркибий қисмидир. Бадиий адабиёт халқ оғзаки ижодидан бошлиланади. Бинобарин, адабиёт тарихининг биринчи қисмини фольклор ташкил этади. Шунинг учун филология факультети талабалари мутахассис сифатида шаклланиш жараёнини халқ оғзаки ижодини ўрганишдан бошлайдилар.

Фольклор сўз санъатининг асосини ташкил этади. Айни чоқда фольклор асарлари ҳамиша жонли ижро билан алоқада бўлади. Шунинг учун эртак, қўшиқ, достон ва бошқа бир қатор оғзаки ижод асарлари ижро давомида синкретик санъат намунаси ҳисобланади. Синкретик сўзи бирлашмоқ, коришмоқ, аралашмоқ тушунчасини билдиради. Достон куйланганда мусика, сўз, саҳна санъатлари қоришиб уйғуллашади. Яъни баҳши дўмбира, соз чалиб хонанда сифатида ёқимли овозда достон айтади. Достон эса матндан – сўзлардан иборат бўлади, мусика асбобида ижро этилгани учун баҳши хонандалик, созандалик қилади. Айни пайтда достондаги воқеаларни товуш товланиши – саҳна санъати – актёрлик маҳорати билан ҳикоя қилади. Натижада синкретик санъат намунаси вужудга келади (бу ҳақда кейинги мавзуларда яна маълумот берамиз). Шунингдек, қўшиклар ёки халқ драмасига оид асарлар ижросида рақсга тушиш, саҳна харакатлари амалга оширилади. Бинобарин, ижро этилаётган асарнинг асосини сўз ташкил қылгани билан унинг тингловчиларга намойиш этилишини бошқа санъат турлари билан алоқасиз тасаввур кила олмаймиз. Хуллас, бугунги кунда мураккаблашиб кетган санъат турларининг кўпчилиги дастлабки босқичда халқ оғзаки ижоди асарларини ижро этиш жараёнида пайдо бўлган, шаклланган, ривож топган ва кейинчалик ўзига хос санъат турига айланган бўлиши мумкин десак, у қадар катта хатога йўл қўймаймиз.

### **Халқ оғзаки ижоди – сўз санъати**

Халқ оғзаки ижодининг сўз санъати эканлигини тушунишдан аввал санъатнинг ўзи нималигини билиш лозим. 5 жилдлик “Ўзбек тилининг изоҳли лугати”да (З-жилд, 442-б): “Санъат” [санعات] - иш, меҳнат; маҳорат; касб-хунар деб кўрсатилган. Агар изоҳдаги

сүзларга эътибор берсақ, санъат деганда, маҳорат билан амалга оширилган меҳнатни тушуниш англапшилади. Санъатни маҳоратсиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шунинг учун устозларимиз “Санъат – инсон аклу заковатининг буюк кашфиётидир” дейишдан толик-мағдилар. Айни пайтда, “Санъат маҳоратнинг энг олий даражасида вужудга келади” деган гапни ҳам кўп тақрорлар эдилар. Ҳакиқатан ҳам, санъатни тушуниш санъатни яратишдек мураккаб эканини билишимиз керак. Айниқса, филология, журналистика, тарих, фалсафа каби соҳа эгалари санъатни тушуниш, тўғрироғи, ҳис қилиш кобилиятига эга бўлишлари алоҳида фазилатдир. Одатда маҳсус маълумотга эга бўлмаган одамлар оддий тасвиirlарни санъат асари деб тушунадилар. Масалан, магазинларнинг олд қисмидаги реклама мақсадида намойиш қилинадиган расмлар: костюм кийган йигитлар, кўйлакли қизлар, нонларнинг турли хиллари, кийим-кечаклар тасвиirlари ва ҳоказолар. Аслида буларнинг биронтаси санъат асари ҳисобланмайди. Ҳатто буюк рассомлар ишлаган тасвирий санъат асарларидан олинган нусхалар – копиялар ҳам санъат асари бўлмайди. Ҳаддан ташқари чиройли безакланган чойнак, пиёла, лаганлар минглаб нусхаларда сотилади, улар санъат асари ҳисобланмайди. Чунки санъат асарлари санъаткор томонидан маҳорат билан яратилиши шарт. Шунинг учун санъат асарлари фақат санъаткор яратган ягона нусхада бўлади.

Маълумки, санъатнинг нақш, мусиқа, ҳайкалтарошлиқ, ганчкорлик, ўймакорлик, рақс, бадиий адабиёт каби ўнлаб турлари бор. Уларнинг ҳар бири ўз қуролига эга. Аммо айрим иморатлар олдидаги савлат тўкиб ўтирган шерлар, рақс гурухларида четда турган раҳбарига қараб ҳаракат қилаётган раккосалар, маъносиз кофияланган шеърларнинг санъатта ҳеч қандай алоқаси йўқ. Чунки қайд этилган вазиятлардаги “санъат” асарлари бизда ҳеч қандай хайрат туйғусини уйғотмайди. Ҳакиқий санъат асари билан муоммалада бўлганимизда эса руҳиятимизда муайян ҳиссий ўзгаришларни сезамиз. Санъат асари одамда инсон иқтидори, маҳорати, ақли, зақовати, ўзига хос қашфиёти билан мазкур асарга нисбатан хайрат, қойил қолиш туйғусини уйғотиши керак. Айнан шу фазилати билан санъат намунаси руҳиятимизни бошқаради.

Санъат асарининг яна бир ўзига хос хусусияти шундан иборатки, унинг қадри, баҳоси ҳеч қачон ҳажм, сон, миқдор билан ўлчанмайди. Ўнлаб тасвирий санъат намунасини яратиш, кўшиқ ай-

тиш, бадий асарлар ёзиш мумкин. Аммо уларнинг муаллифларини танимаслигимиз, ёдимизда сақламаслигимиз ҳам мумкин. Бироқ баъзан бор йўғи бигта санъат асарини ижод қилиш билан халқ маданияти хазинасидан муносиб ўринга эга бўлинган, тарихда из қолдирилган. Чунки санъат ўлчови маҳорат даражасининг юксаклиги, бадийликнинг мукаммаллиги билан белгиланади. Шундай килиб, санъат ҳақидаги асосий маълумотга эга бўлдик. Энди бевосита халқ оғзаки ижодининг сўз санъати намунаси эканини билишга уринамиз.

Аввало, хар бир санъат намунаси, санъат асари инсон яратган мўъжиза ҳисобланади. Асарга қўйиладиган талаб ундаги кашиф ёт, унинг олий даражадаги маҳсулот экани билан белгиланади. Бино-барин, оғзаки сўз санъатига мансуб асар ҳам шакли, мазмуни, ижроси, унда ифодаланган ҳаёт тасвири билан бизда ҳайрат туйғусини уйғотмоғи лозим. Агар ана шу ҳайратни айнан қандай фазилатлар ҳосил қилишини билиб олсан, фикр юритиш йўналиши мизда аниқ мулоҳазалар пайдо бўлади, таҳлил қилаётган асаримиз қадри янада аниқлашади. Шу мақсадни назарда тутиб, аввало, бадий адабиётга, хусусан, халқ оғзаки ижоди асарларига қўйиладиган асосий талабларни муҳтасар шаклда кўрсатиб ўтмоқчимиз. Зеро, бадий адабиёт билан ўз ҳаётини боғлаган шахс исталган сўз санъати намунаси билан танишганида, унга баҳо бериш мезонининг аниқ бўлиши мақсадга мувофиқдир. Факат ёдимиздан чиқмаслиги лозимки, бу талаблар сон ва мазмун жиҳатдан ўта чегаралангандан холда тавсия этилмоқда:

Биринчидан, хар бир сўз санъати намунаси, жумладан, халқ оғзаки ижодидаги қўшик, эртак, достон ва бошқа асарларда фикрий янгилик бўлиши лозим. Бу янгилик кичик ҳаётий воқеадан тортиб мураккаб ижтимоий вазиятларни баҳолаш билан белгиланади. Инсон ҳаёти давомида сонсиз-саноқсиз янгиликларга дуч келади. Катта авлод вакили тажрибасидаги оддий ҳақиқатлар ўшлар учун янгилик ҳисобланаверади. Шунинг учун халқ оғзаки ижоди асарларини эшитганимизда, улар билан китобдаги матн воситасида танишганимизда жуда кўп янги-янги фикрларга дуч келамиз.

Масалан, “Қозонга яқинлашсанг, кораси юқар, ёмонга яқинлашсанг, балоси” мақолидаги асосий фикр ёмонга яқинлашган одамнинг тақдирида нохуш воқеалар кўпайишидан огоҳлантиришидир. Лекин аслини олганда мақолнинг биринчи кисмида ҳам эҳ-

тиётлик белгиси аник күриниб турибди. Яъни халқ ёш ва ҳали турмуш тажрибасига эга бўлмаган фарзандга қозонга яқинлашаётганда қора қурум тегишидан эҳтиёт бўлишини тавсия қилмоқда. Қўшимча равишда айтиш мумкинки, ҳар бир инсон муайян вазиятда иш қиласар ва қарорга келар экан, эҳтиёт чораларини эсидан чиқармаслик лозимлиги уқтирилмоқда. Айни чоқда, оғзаки ижодимиз асарлари билан танишар эканмиз, миллат тақдирига ва ижтимоий вазиятларга боғлик муҳим аҳамиятга эга янгиликлар ифодала нишига гувоҳ бўламиз. Масалан, “Алпомиш” достонидаги фикрий кашфиёт бу ҳар бир фарзанд юртнинг бирлигини эъзозлаши кераклигини уқтиришдир. Сенга юртни бўлиш ҳақидаги фикрини тушунтиromoқчи бўлган одам факат сен учун эмас, миллат учун, халқ учун, ватан учун хавфлидир. Агар сен ўз она юртинг келажагини ўйласанг, уни бирлаштириш, жисплаштириш ҳақида бош котир, деган ҳақикат илгари сурилади. Ҳакимбек Қалмок юртига кўчган юртдошларини Кўнғирот-Бойсунга қайтариб олиб келади. Шунингдек, инсон кадрини асрар, ота-она ҳурматини бажо келтириш, ҳар бир фарзанднинг Алпомишдек мард, жасур, сўзига содик бўлиб ўсишини таъминлаш каби ҳаётий муаммолар достонда ўз ифодасини топган.

Иккинчидан, асар шакли ва мазмуни жиҳатдан мутаносиб бўлиши керак. Бадиий адабиётда жинс (айрим назарий китобларда – адабий тур) ва жанр тушунчаси бор. Жинс деганда, лирика, эпос, драма тушунилади. Лирикада ҳис-туйгу, ички кечинмалар; эпосда воқеа ифодаси, асар қаҳрамонларининг тақдири баёни; драмада сахна шароитида воқеаларнинг ривожи, қаҳрамонлар диалоглари воситасида ҳаётий лавҳалар тасвири тушунилади. Жанр эса жинсдан торроқ маънони билдиради. Ёзма адабиётда роман, қисса, ҳикоя кабилар; оғзаки ижодда достон, эртак, қўшиқ, мақол, топишмоқ, асқия жанрлари мавжуд. Ҳар бир жанрга мансуб асарларни шакл (шеърий ёки насрый), мазмун, ҳажм ва яратилишидан назарда тутилган мақсад бирлаштириб туради. Бир жанрда яратилган асарлар муайян шакл ва мазмунга эга бўлиши талаб қилинади. Бу талаб ҳамиша шаклининг мазмунга мутаносиб бўлишини тақозо этади. Одатда, шакл қанчалар ихчам, мазмун қанчалар кенг кўламга эга бўлса, асар шунчалар қадрлидир. Ҳалқимиз оғзаки ижодида қўпинча бундай фазилат мақолларда намоён бўлади. Бир жумладан иборат мақолнинг мазмунини ҳаётий далил ва мисоллар билан

соатлаб таҳлил қилиш мумкин. Лекин ҳамма жанрдаги асарларга ҳам бу ўлчов билан ёндашиш мумкин эмас. Хусусан, достонлар минг-минг мисралардан иборат шеърий ва ҳажм жиҳатдан катта насрий парчалардан ташкил топади. Уларнинг мазмуни миллатимиз вакилларининг ҳаётини тасвирловчи лавҳалардан иборат. Ҳалқ фарзандларининг ҳаёти эса эл ва юрт тақдири асосида ёритилади. Шундай қилиб, топишмоқ, асқия, қўшиқ ва бошқа жанрдаги асарлар ҳам ўзларида акс эттираётган мазмун билан шаклан мутаносиб бўлиши зарур. Айтмоқчимизки, бир-икки сахифа ҳажмига эга мақол ва топишмоқ бўлмагани каби айнан шундай ҳажмдаги достонни ҳам учратмаймиз. Мақол ва топишмоқларнинг ҳажми ўта сиқиқлиги, достонлар эса ҳажман кенглиги билан асрлар давомида ҳалқ хизматини бажариб келган.

Учинчидан, бадий асар, хусусан, ҳалқ оғзаки ижодида умуминсоний муаммолар ифодаланади. Албатта, ҳар бир ҳалқнинг ўз миллий хусусияти, миллий табиати, яъни миллий менталитети мавжуд. Аммо бу миллийлик бадий адабиётда умуминсоний муаммоларнинг акс этишига мутлақо салбий таъсири кўрсатмайди. Чунки ер куррасининг турли минтақаларида яшайдиган, турли динларга ишонувчи ҳалқларнинг ҳаётий муносабатларида муштарак нуқтапар жуда кўп. Ҳар бир миллатда Ватан, ҳалқ, ота-она, ака-ука, опасингил, ўғай ота, ўғай она, устоз, шогирд каби тушунчалар бор. Одамлар ўргасидаги муносабатларнинг асосиниadolat, андиша, ҳақиқат каби тушунчалар белгилайди. Шунинг учун ўзбек мақоллари мазмунида дунёдаги жуда кўп миллатларда учрайдиган ҳикматлар бор. “Зумрад ва Қиммат” эртагимиздаги воқеалар кўп ҳалқларда деярли ўзгаришсиз тақрорланади. “Алпомиш” достонидаги мардлик, жасурлик, одамийлик дунё ҳалқлари эпоси мавзулари ва ғоявий йўналиши билан уйғун. Эртакларнинг бирида (ўзбекларда) қўй ёки эчки, иккинчисида (хитойларда) гурунч, учинчисида (грузинларда) узум етакчи унсур сифатида иштирок этади. Ўзбек мақолида “Ойни этак билан ёниб бўлмас” дейилса, русларда “Шило в мешке не утаиш” (“Бигизни қопда яшира олмайсан”) мақоли машхур. Ҳар икки мақолнинг мазмуни бир бирига яқин. Маълум бўладики, оғзаки ижод асарларининг бош қаҳрамони, аввало, инсон ҳисобланади. Инсон эса маълум бир миллат вакили бўлиши керак. Оғзаки ижод асарларини эшитганимизда, ўқиганимизда биз ўзимизнинг ҳаётимиз ҳақида мушоҳада юритишга, тасвирланаётган во-

қеаларни мавжуд майший мухит билан қиёслашга ўрганишимиз, ҳар бир танишувдан фойдали маслаҳат олишга интилишимиз лозим.

Тўртингидан, ҳалқ оғзаки ижоди сўз санъати эканини айтдик. Бу фикр оғзаки ижоднинг санъат сифатини таъминлайдиган асосий омил сўз эканини тасдиқлади. Ҳар бир санъат турининг ўз куроли бўлганидек, оғзаки ижоднинг ҳам ўз куроли бор. Бу қурол сўз хисобланади.

Фикримизнинг қанчалар тўтри экани ҳалқимиз ижодидаги асия жанри мисолида тўлиқ исботини топади. Аввало, асия жанри (бу ҳақда асия мавзууда мукаммал маълумот берилади) дунёдаги бирорта ҳалқ оғзаки ижодида учрамайди. Жанрнинг асосини миллий тилимиздаги омоним сўзларнинг нихоятда кўплиги ташкил этади. Сўзларнинг шаклан бир хил, аммо мазмунан турли маъноларни билдириши бир сўзни талаффуз қилишда биратўла бир неча фикрни ифодалаш имконини беради. Натижада, сўз ўйини усули билан кулги пайдо бўлади ва асия вужудга келади. Ўзбек миллий тилининг бой ва ранг-баранг имкониятларга эга экани бошқа жанрларда ҳам намоён бўлади. Достон, эртак, кўшик каби турли жанрларга мансуб асарлар сўзларини бошқалари билан алмаштириш мумкин эмас. Бошқа сўз кўлланганда, асарнинг мазмунига, шаклига, жозибасига салбий таъсир кўрсатади. Бу ҳолатни оғзаки ижодимиздаги исталган намунанинг исталган сўзига нисбатан кузатиш мумкин. Масалан: эртаклар “Бир бор экан, бир йўқ экан...” деган сўзлардан бошланади. Шу жумланинг ўзида ҳикоя қилинаётган воқеанинг ҳаётда рўй берганига шубҳа пайдо бўлиши табиийдир. Эртак давомида эса биринчи жумладаги фикр ривожланади ва тасдиқланади. Ёки достонларда қайта-қайта қуийдаги мисралар такрорланади:

Дам шу дамдир, ўзга дамни дам дема,  
Бошинг омон, давлатингни кам дема.

Бу матннадаги сўзларни ҳам бошқалари билан алмаштирасак, мисраларнинг файзи, шукухи йўқолади. Ҳалқимиз яратган мақолларни ташкил этувчи сўзлар хусусида эса, умуман, тил лол қолади. Ўзингиз тасаввур қилинг, Махмуд Кошгарийнинг “Девону луготи-турк” асарида 300 га яқин мақоллар келтирилган бўлиб, уларнинг айримлари шу кунгача миллатимиз нутқида айнан такрорланади. Демак, минг йил аввал боболаримиз, момоларимиз бир мақолни қандай йўсинда талаффуз қилган ва қандай мақсадда айтган бўлса, сиз ҳам шундай ҳолатда кўллаяпсиз. Хуллас, “Юраккинамнинг

тафтига тандир қизийди, Кўзгинамнинг ёшига ўрдак сузийди” каби қўшиқ мисраларига дуч келар экансиз, тилимизнинг қанчалар кенг ва битмас-туганмас бойликка эга эканига ишонч ҳосил қиласиз.

Бешинчидан, халқ оғзаки ижоди бадиий адабиётнинг таркибий қисмидир. “Бадиий” сўзининг гўзал, ажойиб маъноларга эга бўлиши луғатларда қайд этилган. Асар матнини гўзал қилиб турадиган омил эса, кўпинча, бадиий тасвир воситаларига боғлик. Бадиий тасвир воситаларини мутахассислар “бадиий санъатлар”, “тасвир воситалари”, “шеър санъатлари” деб ҳам атайдилар. Уларнинг сифатлаш, ўхшатиш, муболага каби ўнлаб турлари мавжуд. Аслини олганда, ҳар бир бадиий санъат намунаси ҳам ўзига хос кашфиёт хисобланади. Эртакчи тасвираётган маликанинг гўзаллигини ўн тўрт кунлик ойга ўхшатади. Киз шу қадар латофатга эга бўладики, кулса, атрофга гул, йиғласа, дур сочилади. У юрганида оёғи остидаги излар ўрнидан райхон, жамбиллар ўсиб чикади. Достон қаҳрамонлари шу қадар жаҳлдорки, ғазабга тўлганида мўйловининг устини қиров босади, тикилганида тоғ-тошлар қумдек майдаланиб кетади.

“Бозиргон” достонида Гўрўғли ўттиз қўйнинг терисидан бўлган пўстинни, ўн беш қўйнинг терисидан бўлган чўгирма (пойабзад) кийиб дарё ёқалаб кетаверади. Бозиргон бўлса бир оёғини дарёнинг ўнг, иккинчи оёғини чап қирғоғига қўйиб, туяларни ўтказаётган бўлади. Юқорида қайд килинган тасвир воситалари оғзаки ижод асарларига ўзига хос файз бағишлайди. Тингловчи отнинг осмонда учшига, қари одамларнинг гўдак чакалокларга айланишига, ойнакдан дарё, тароқдан бутазорлар пайдо бўлишига ишонади ва бу тўқималарга қойил қолади.

Албатта, бадиий адабиётнинг, хусусан, оғзаки ижоднинг сўз санъати сифатидаги фазилатлари юқорида кўрсатиб ўтилган белгилар билан чегараланиб колмайди. Масалан, оғзаки асарларда ҳам, ёзма адабиётда ҳам ижодкор мажозий фикр юритиш усулидан фойдаланиши мумкин. Мажоз сўзи луғавий жиҳатдан “ўтиш жойи” маъносини ифодалайди. Лекин бу сўзининг бошқача айтиш, кўчма маъно ифодалаш маъноси ҳам бор. Бадиий адабиётда мажоз, асосан, восита тушунчасида қўлланади. Яъни бирор фикрни билдириш учун бошқача йўл танланади. Масалан, масалларда турли жониворлар, нарса-предметлар воситасида одамлар ўртасидаги муносабатлар ёритилади. Халқ оғзаки ижодидаги кўп жанрларда мажозий

фикр юритишдан кенг фойдаланилган. Айникса, мақолларда бу усул етакчи ҳисобланади. “Сичкон сиғмас инига, ғалвир боғлар думига”, “Отнинг яғири тойга қолар”, “Туяга янтоқ керак бўлса, бўйини чўзар” каби юзлаб мақоллар мазмун-моҳиятан кўчма маъно ифодаловчи ҳикматлардан иборатдир. Шу боис бадиий асарлар билан танишганда, муаллиф бир фикрни ифодалаши билан қандай мақсадни назарда тутганини тушунмасак, асарнинг асл баҳосини бера олмаймиз.

“Халқ оғзаки ижоди – сўз санъати” деганимизда, шунингдек, эртакчи, баҳши, қўшикчи, асқиябоз, латифачи ижроҷиларнинг тингловчиларга багишлаётган маънавий лаззатини ҳам унутмаслик лозим. Халқ қўшиклиарида акс эттан ҳис-туйгу, ички кечинмалар; эртаклардаги ғаройиб воқеалар; достонлардаги гўзал тасвиirlар, энг аввало, заргарона танланган сўзлардан иборатлиги, иккинчидан, уларнинг маҳорат билан ижро қилиниши асрлар давомида халқимизга завқ багишилаган. Шунинг учун ҳам мазкур асарлар ўзбек халқи маънавий хазинасининг бебаҳо қадриятлари сифатида ҳамиша эъзозланган.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Ўзбек тили ва адабиёти ўқитувчиси, журналист нима учун халқ оғзаки ижоди ҳакида маълумотга эга бўлиши керак?
2. Нима учун халқ оғзаки ижодини бадиий адабиётнинг илк намуналари деб баҳолаймиз?
3. Фольклор атамасига изоҳ беринг.
4. Синкремтик жанр дегандан нимани тушунасиз?
5. Санъат асари қандай фазилатларга эга бўлиши лозим?
6. Халқ оғзаки ижоди – сўз санъати эканини қандай белгилар далиллайди?

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 5-66.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараккиётининг пойдевори. Т.: Шарқ НМАК, 1997.
3. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – Т.: Ma'naviyat. 2008.
4. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т., Ўқитувчи, 1990.
5. Сафафров О. Ўзбек халқ оғзаки ижоди. Т.: Мусика, 2010.

---

## **ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ВА ҚАДРИЯТЛАРИ ДАВЛАТ МАҚОМИДА**

Маънавият қадим замонлардан инсон дунёкарашини, хатти-харакатини, жамиятда тугган ўрнини, халққа, ватанга, атрофидаги одамларга бўлган муносабатини бошқарувчи омил ҳисобланади. Маънавий қашшоқ кимса ҳаётда рўй бераётган воқеаларга лоқайд бўлади. Лоқайдлик эса тузатиб бўлмас оқибатларга олиб келади. Маънавий қашшоқ одам учун Ватан, халқ, оила каби мукаддас тушунчалар ёт. Шунинг учун кекса авлод, аввало, фарзанднинг маънавий дунёсини шакллантириш чорасини режалаштирган. Аслини олганда, халқ достонлари, эртаклари, кўшиклари, мақоллари ва бошқа ўнлаб жанрдаги асарлар ёш авлоднинг маънавиятини бойитиш, уни ҳақиқий инсон даражасига етишини таъминлаш мақсадини назарда тутган ҳолда яратилган. Ўтган асртагча буғунги кундаги матбуот, ўкув даргоҳлари, маданият марказлари, радио, телевидение, интернет каби таълим, маърифат тизими бўлмаган. Бу вазифаларни бажариш, асосан, халқ оғзаки ижоди зиммасига юклатилган. Натижада, халқ оғзаки ижоди халқ педагогикаси заминини ташкил этган. Одатда, халқнинг мустақиллиги, унинг равнақи бадиий адабиёт билан узвий боғланади. Оғзаки ижод эса, бадиий адабиётнинг ажралмас кисмидир. Шунинг учун халқ устидан хукм юритишга ҳаракат килган ҳокимият, аввало, унинг адабиётини бошқаришга уринган. Собиқ шўро тузуми шароитида халқ байрами – Наврӯз, “Алпомиши”, “Равшан” достонларимиз тақиққа учраган. Фольклор экспедициясига халқ оғзаки ижоди асарларини ёзиб олиш мақсадида чиққанимизда ислом динига оид асарларни ёзиб олиш маъкул кўрилмас эди. Бу ҳаракатларнинг ҳаммаси оғзаки адабиётимизни йўқ килиш ниятини амалга ошириш чоралари эди, холос.

1991 йил 1 сентябрда Ўзбекистон мустақил республика деб эълон килинди. Юртимиз ижтимоий ҳаётидаги бу ўзгаришни ўзбек халқи ўнлаб йиллар давомида орзикиб кутган эди. Мустақиллигимизнинг дастлабки кунлариданоқ давлатимиз ўтмиш қадриятларни

кайтадан тиклаш, одамлар қалбіда тутқунликда ётган маданий меросимизга кеңг йўл очиши сиёсатини амалга ошириди. Дунё илми тараккиётіга муносиб ҳисса қўнганд буюк алломаларимиз номлари, уларнинг кашфиётлари ҳакидаги маълумотлар қатори турли муносабатлар билан урф-одатлар, расм-руссумлар ҳам тилга олина бошлианди. Бу тадбирлар ҳар бир ўзбек қалбіда миллій ғурур туйғусини уйғотиш мақсадини назарда тутди.

Аслида, ўзбекларнинг дунёда илғор, беназир маданиятта эга бўлган халқ эканлигини тасдиқловчи фикрлар мустабайд тузум пайтида ҳам айтилган. Аммо бундай ҳур гапларнинг муаллифлари қатағон қилинган эдилар. Уларнинг кўпчилиги сирли вазиятларда ҳаётдан кўз юмдилар. Фитрат, Чўлпон, Қодирий, Отажон Ҳошим, Сулаймон Хўжа ва бошқалар эса ўйлаб топилган ёғон жиноятларда айбланиб отилдилар. Айримлари – Усмон Носир, кейинчалик Миртемир, Максуд Шайхзода, Саид Аҳмад, Шукрулло, Шухрат кабилар узоқ муддатта қамокқа олиндилар. Аммо эркинликни, ўтмишдаги халқ алломаларининг кашфиётларини тарғиб этувчи асарлар тизими мураккаб вазиятда ҳам тўхтаб қолмади. XX асрнинг 60-70-йиллари адабий ҳаётга ёш ижодкорлар сифатида кириб келган Эркин Воҳидов, Абдулла Орипов каби шоирлар “Ўзбегим”, “Ўзбекистон” каби поэтик асарлар яратдиларки, бу даврда яшаган юргдошларимиз Ўзбекистон қадимдан илм-маърифат, кашфиётлар ва кадриялар юрти эканига комил ишонч билдира бошладилар. Ҳалқимизнинг ҳақиқий фарзандлари саъй-ҳаракати билан “Ҳалқ оғзаки ижоди” туркумida “Алиомиш” достони, Эргаш Жуманбулбул, Фозил шоир, Пўлкан, Ислом шоир, Бола баҳши ижро этган эпос намуналари, халқ кўшиқлари, эртаклари, асқия, латифа, топишмоқларнинг нашр қилиниши нур устига нур бўлди.

Шунингдек, ўтган асрнинг 50-йилларида Иброҳим Мўминов, Воҳид Зоҳидов, Парсо Шамсиев, Солих Муталлибов, Ҳоди Зариф каби таникли зиёлилар турли сабаб ва важлар билан Маҳмуд Кошгарийнинг “Девону луғоти-т-турк” (Солих Муталлибов), Юсуф Хос Ҳожибининг “Қутадғу билиг” (Қаюм Каримов), Навоийнинг “Хамса”, Бобурнинг “Бобурнома” (Парсо Шамсиев) каби бир қатор асарларини нашрга тайёрладилар ва чоп этдилар. Қизиги шундаки, бизнинг олимларимиз мумтоз адабиёт намуналаридан собиқ шўро тузуми сиёсатига мос келмайдиган ўринларни атайин кескин танқид қилишар, бойлар ва йўқсиллар маданияти

ҳақида сиёсатбоп гапларни топишар, аммо асарларни тұлға нашр қилишдек олий ниятларига ҳам еришар зәйтілар.

Табиийки, “Собиқ шұро тузуми даврида бевосита халқ орасыда хукмрон сиёсатни танқид қылувчи халқ оғзаки ижоди асарлари яратылмадими?” – деган савол туғилади. Гап шундаки, халқ оғзаки ижоди асарлари ёзіб олинмаса, уларнинг оммалашуви учун шароит бўлмаса, вақт ўтиши билан бу асарлар ўз-ўзидан ғойиб бўлади: айтувчининг ёзидан кўтарилади, тақдир тақозоси билан айтувчи вафот этади ва ҳоказо. Уларни ёзіб олиш эса ҳамиша ҳам амалга ошавермайди. Бугунги кунда ўша пайтда дохий деб тан олинган тарихий шахслар ҳақида ўнлаб латифалар тўқилганини, макталаёттандар колхозлар, беш йилликларнинг асл қиёфаси қўшикларда танқид қилинганини эътироф этиш мумкин, холос. Жумладан, ўз пайтида Отажон Ҳошим томонидан ёзіб олинган қўшикларда колхоз тузумига, ҳамма экин майдонларига факат пахта экиш сиёсатига салбий муносабат билдирилган намуналар борлиги ҳақидаги хотиралар мавжуд, холос. Афуски, тақдир тақозоси, турли сабаблар билан бу ёзувлар йўколгап.

Мустақиллик, умуман, халқ қадриятларига, хусусан, халқ оғзаки ижодига бўлган муносабатда кескин ижобий ўзгариш ясади. Президентимиз Ислом Каримовнинг “Ўзбекистон буюк келажак сари” асаридаги “Мустақил Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий-ахлоқий негизлари” деб аталган бўлимда: “Ўзбекистонни янгилаш ва ривожлантиришнинг йўли тўртта асосий негизга асосланади”, – дейилган. “Бу негизлар:

- умуминсоний қадриятларга содиклик;
- халқимизнинг маънавий меросини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;
- инсоннинг ўз имкониятларини эркин намоён қилиши;
- ватанпарварлик”<sup>2</sup> – деб белгилаб қўйилган.

Юқорида қайд этилган тўрт негизнинг ҳар бири ё бевосита, ё бавосита халқ оғзаки ижоди, аждодларимизнинг бизга қолдирган маънавий бойлиги – панд, ўгитлари, эл-юрт қадрини эъзозлаш, миллатимиз ғууруини ҳимоя қилишдек олий туйғулар билан боғланади. Ҳақикатан ҳам, умуминсоний қадриятларга содиклик, аввало, миллий қадриятларга садоқат мезони билан ўлчанади. Зоро ўз

<sup>2</sup> Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 56.

қадрини билмаган фарзанд ўзганинг қадрига етмайди. Халқимиз оғзаки ижодидаги асарларда эса айнан ана шу ўз ифодасини топган.

“Ўзбекистон буюк келажак сари” асарида илгари сурилган фикрлар изчиллик билан ҳаётга татбиқ этила бошланди. Халқ юргобоши томонидан айтилган ҳар бир мулоҳаза бевосита давлат сиёсати сифатида рўёбга чикишига ишонди. Бундай мисоллар халқ оғзаки ижоди ҳам давлат мақомига эга эканини тасдиқлади.

Кадрлар тайёрлаш “миллий дастури”га мувофик Ўзбекистон маорифи соҳасида янги бир тизим сифатида вужудга келган Академик лицейларда ярим йил давомида “Ўзбек халқ оғзаки ижоди” номи билан махсус курс ўтиш режалаштирилди. Касб-хунар коллежларида ҳам дарс соатлари ажратилди. Тўғри, умумтаълим мактабларида ҳам халқ оғзаки ижоди ҳақида маълумот берилади. Аммо бу маълумот 5-9-синфларда ҳар йили 2-4 соат ҳажмда бўлиб, бир сафар ўқитилган мавзу келгуси йилгача ўкувчи ёдидан кўтарилади. Олий ўкув юргларида эса халқ оғзаки ижоди дарслари фақат Филология, Ўзбек тили ва адабиёти, Журналистика факультетларида мавжуд. Ҳозирги вазиятда ўрта маълумотга эга ҳар бир ёш йигит-қиз учун оғзаки ижодимиз меросидан баҳраманд бўлиш имкони яратилди.

Кейинги йилларда давлат томонидан халқ қадриятларига эътибор берилиши натижасида оғзаки ижод дурдоналарига бўлган қизиқиш анча жонланди. Фаргона, Наманган, Самарқанд, Қашқадарё, Сурхондарё, Хоразм, Жиззах вилоятларига уюштирилган экспедициялар материаллари айрим фольклоршунослар билдирган халқ оғзаки ижодида таназзул жарабёни бошлангани ҳақидаги фикрларнинг у қадар тўғри бўлмай қолганини тасдиқламоқда. Айниқса, 2009, 2010 йилларда Тошкент вилоятининг Ангрен, Қашқадарё вилоятининг Яккабоғ, Чирокчи туманларига, Шаҳрисабз шаҳри кишлоқларига қилинган сафарлар достон, кўшиқ, эртак, топишмок, ўлан жанрларида ёзиб олинган матнларга бой бўлди.

1998 йилда Фозил Йўлдош ижро этган “Алпомиши” достони нинг тўлиқ матни “Шарқ” нашриёт – матбаа концерни Бош таҳририяти томонидан нашр этирилди. Агар достонни 1928 йилда Маҳмуд Зарифов ёзиб олгани, шу пайтгача фақат турли қисқартиришлар билан нашр этиб келингани назарда тутилса, мазкур китоб биз учун не қадар азиз экани маълум бўлади.

1999 йил 9 ноябрь куни эса “Алпомиш”нинг минг йиллик түйи нишонланди. Бу тантанада сўзга чиққан юргбошимиз Ислом Каримов достоннинг миллатимиз фурурини тарбиялашдаги аҳамиятини алоҳида эктиросли сўзлар билан изхор этди:

“Алпомиш” – ўзбекнинг ўзлигини намоён этадиган, мард ва танти ҳалқимизнинг юрак-юрагидан чиққан, ота-боболаримиз авлодлардан авлодларга ўтказиб келаётган қаҳрамонлик қўшиғидир”.<sup>3</sup>

Нутқда достоннинг ҳалқ тарихига оид маълумотларга бой экани, ёш авлодни тарбиялашда жуда муҳим аҳамияти ҳақида фикр юритилади. Юртимиз бошлиғининг достонга нисбатан хурмати куйидаги жумлада ўз ифодасини топган: “Аслида ҳалқимизнинг қадимий ва шонли тарихи туганмас бир достон бўлса, “Алпомиш” ана шу достоннинг шоҳбайтидир”.<sup>4</sup>

Ҳалқ оғзаки ижодига бу қадар юкори баҳо беришнинг чукур илдизи бор. 1997 йил 29 август куни Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси IX сессиясида Ислом Каримов мамлакат келажагини белгиловчи “Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори” деб аталган нутқ сўзлади. Мазкур нутда шундай фикр берилади: “Чор Россиясининг Туркистон ўлкасидағи генерал-губернатори М.Скобелев: “Миллатни йўқ қилиш учун уни кириш шарт эмас, унинг маданиятини, санъатини, тилини йўқ қилсанг бас, тез орада ўзи таназзулга учрайди”, – деб айтган гапини эслашнинг ўзи кифоя қиласди”.<sup>5</sup>

Маълум бўладики, маданият, санъат, тил ҳалқнинг ҳалқ сифатида равнақ топишнинг бош омили экан. Ҳалқ ижоди эса маданият, санъат, тилнинг асосини ташкил этувчи таркибий қисмдир.

Шунинг учун ҳам 1997 йилда қабул қилинган Ўзбекистон Республикаси “Кадрлар тайёрлаш миллий дастури”да “Маънавий-ахлоқий тарбия ва маърифий ишлар” алоҳида бўлим сифатида тасдиқланиши бежиз эмас. Унда ёш авлодни маънавий-ахлоқий тарбиялашда ҳалқнинг бой миллий маданий-тарихий анъаналарига, урф-одатлари ҳамда умумбашарий қадриятларга асосланган самарали ташкилий, педагогик шакл ва воситалари ишлаб чиқилиб, амалиётга жорий этилиши таъкидланади.

<sup>3</sup> Каримов И. “Алпомиш” достоннинг 1000 йиллигига бағишланган тантанали маросимда сўзлаган нутқ. // Ҳалқ сўзи, – 1999. – 9 ноябрь.

<sup>4</sup> Ўша нутқ.

<sup>5</sup> Каримов И. Баркамол авлод – Ўзбекистон тараққиётининг пойдевори. – Т. 1997. – Б. 5.

Бугунги кунда эса мустақил ўзбек халки маданий ҳаётида қатор янгиликлар рўй бермоқда. Жумладан, “Ўзбекистон халқ баҳшиси” унвонининг таъсис этилиши, “Бойсун баҳори” байрамларининг ўтказилиши ўзбек халки ўтмиши билан бугунги кунини боғловчи ўзига хос кўпприк бўлиб хизмат қилмоқда.

2008 йилда “Маънавият” нашриёти Ислом Каримовнинг “Юксак маънавият – енгилмас куч” деб аталган китобини нашрдан чиқарди. Аввало, айтиш керакки, китобхон асарнинг бошидан охиригача халқ қадриятлари, ўтмиш маданият, тарих ҳақидаги чукур илмий мулоҳазалар билан танишади. Айниқса, муаллифнинг халқ оғзаки ижодига бўлган ҳурмати ҳар бир сахифада аниқ ифодаланиб туради:

“Аждодларимиз тафаккури ва даҳоси билан яратилган энг қадимги тошёзув ва битиклар, халқ оғзаки ижоди намуналаридан тортиб, бугунги кунда кутубхоналаримиз хазинасида сақланаётган минг-минглаб қўлзамалар... бизнинг буюк маънавий бойлигимиздир”<sup>6</sup>. Шунингдек, мазкур асарда юртбошимиз “Алпомиш” достони ҳақида янги фикрларни баён этар экан, ибратли хулосага келади: “Демак, халқимиз бор экан, – дейди у, – “Алпомиш” достони ҳам барҳаёт”.<sup>7</sup>

Муаллиф турли мавзулар йўналишида ўз мулоҳазаларини изҳор килар экан, уларнинг янада тушунарли бўлиши учун “Билаги зўр бирни, билими зўр мингни йикар”, “Қуш уясида кўрганини қилар”, “Маҳалла – ҳам ота, ҳам она”, “Тилга эътибор – элга эътибор”, “Уят – ўлимдан қаттиқ”, “Куч – адолатда” каби мақол ва буюк аждодларимизнинг доно сўзларидан фойдаланган. Натижада, бу намуналар юртбошимизнинг аввалги нутқ ва асарларидан ўрин олган “Ватанин севмоқ иймондандир”, “миллий ўзлик”, “халқ бошига тушган хавф”, “мудҳиш воқеалар олдида ҳолва бўлиб қолиш”, “чаламуллалар”, “ишингиз битса, бўлгани” каби халқона избора ва ҳикматли фикрлар қаторини тўлдиради.

Хуллас, халқимиз оғзаки ижодининг давлат мақомида эъзозланишини Ўзбекистоннинг мустақилликка эришишининг ижобий натижаси сифатида баҳолаш мумкин. Юртимиз баркамол авлодини халқ оғзаки ижодидан мукаммал маълумотга эга бўлмаган ҳолда тасаввур қилиб бўлмайди. Чунки оғзаки ижод достонларида ватанга хиёнат қилгандан кўра ўлимни афзал билган Равшан, бутун

<sup>6</sup> Каримов И. Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: Маънавият, 2008. – Б. 31.

<sup>7</sup> Ўча асар. – Б. 33.

харакатини парчаланган юртини бирлаштиришга бағишилаган Алпомиш, ўз Ватанини ички ва ташқи душманлардан ҳимоя қилган Гүрӯғли, оиласини мұқаддас билған Кунтуғмиш мадҳ этилади. Ўзбекнинг бутун фазилати, фалсафаси, донолиги, дунёкарапи, олий химматлилiği, турли ҳаётий вазиятларга муносабати мақолларда акс этган. Инсондаги меҳнатга муҳаббат, ишк туйғулари кўшиқларда энг гўзал ички кечинмалар сифатида ифодаланган. Эртакларда ҳалқимизнинг энг олий орзу-хаваслари намоён бўлади. Улар билан танишган ёш авлод ўзбек учун ватан, ҳалқ, оила, меҳнат, илм, фуур нақадар мұқаддас тушунчалар эканини англаб етади.

### **Савол ва топшириклар:**

- 1. Нима учун ҳалқ оғзаки ижоди давлат мақомига эришиди?*
- 2. Ислом Каримовнинг ҳалқ оғзаки ижоди ҳақидағи фикрлари юзасидан сұхбат ўтказинг.*
- 3. Собиқ шўро тузуми даврида ҳалқ оғзаки ижодига бўлган муносабат билан бугунги кундаги муносабатни мисоллар асосида изоҳланг.*
- 4. Ҳалқ оғзаки ижодини ўрганишининг инсон маънавий дунёсига таъсирини шарҳлаб беринг.*
- 5. Ислом Каримов нутқи ва мақоллари мисолида муаллифнинг ҳалқ қадрияtlарига билдирган муносабати ҳақида сўзланг.*

### **Адабиётлар:**

1. Каримов И.А. Ўзбекистон буюк келажак сари. – Т.: Ўзбекистон, 1998. – Б. 5-66.
2. Каримов И.А. Баркамол авлод – Ўзбекистон тарақкиётининг пойдевори. - Т.: Шарқ НМАК, 1997.
3. Каримов И.А. “Алпомиш” достонининг 1000 йиллигига бағишиланган тантанали маросимда сўзлаган нутки // Ҳалқ сўзи. – 1999. – 9 ноябрь.
4. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – Т.: Ma'naviyat. 2008.

---

## **ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИННИГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ**

Ўзининг дастлабки яратилиш давриданоқ халқ оғзаки ижоди халқнинг ёзилмаган тарихига айланди. “Оғзаки ижод”, “халқ оғзаки ижоди”, “оғзаки адабиёт”, “эл адабиёти” каби номлар билан аталган бадиий адабиётнинг ilk намуналари иккинчи томондан турмуш, хаёт дарслиги сифатида ёш авлодни тарбиялашдек мухим вазифани бажариб келди. Кейинчалик, ёзув маданияти пайдо бўлгач, ўзида сўз санъати асарларини яратиш иқтидорини хис қилган, халқ орасидан чиқсан одамлар бевосита халқ оғзаки адабиётига суюнган ҳолда индивидуал – якка шахс ижодига мансуб дастлабки асарларини яратдилар. Бадиий адабиётнинг бу йўналиши шакллашиб ривожлангач, ёзма адабиёт тушунчаси пайдо бўлди. Яратилиш усулига кўра фарқ килувчи оғзаки ва ёзма адабиёт бир-бирини инкор килмади, балки ижодий ҳамкорликни давом эттираверди. Аммо шу билан бирга ҳар бир адабиёт ўзига хос хусусиятларини ҳам йўқотмади. Бу жиҳатдан халқ оғзаки ижоди жаҳон фольклор-шунослиги фани тан олган бешта хусусиятга эга. Улар:

1. Анъанавийлик.
2. Оғзакилик ва бадиҳагўйлик.
3. Жамоалик ва оммавийлик.
4. Вариантлилик ва версиялилик.
5. Анонимлик (асарни яраттган муаллиф исмининг номаълумлиги).

Айни пайтда йиллар давомида халқ оғзаки ижоди асарлари билан яқиндан муносабатда бўлиш яна бир хусусиятнинг намоён бўлишини тасдиқламоқда. Бу хусусиятни *шартлилик* деб аташ мумкин. Аммо илмда шартлилик ҳакида етарли назарий тадқикот олиб борилмагани сабаб уни ҳам хос хусусият сифатида кўрсатиши ни лозим топмадик. Шу билан бирга азиз талабанинг тафаккурида пайдо бўлган қатор-қатор саволларга жавоб бериши мумкинлигини ҳисобга олиб шартлилик ҳакида ҳам айрим мулоҳазаларни баён этишни маъқул кўрдик. Бу ҳақда кейинрок тўхтalamиз.

Халқ оғзаки ижодининг хос хусусиятлари юзасидан бевосита маълумот беришдан аввал яна бир масалани қайд этиб ўтмоқчимиз. Гап шундаки, собик шўро тузумида сиёсий вазият нуқтаи назаридан ёндашган олимлар халқ оғзаки ижодининг асосий белгиси сифатида коллектив (жамоа) ликни илгари сурган эдилар. Бу фикр ўтган асрда эълон қилинган олий ўкув юртлари дастурлари ва дарслекларида мухим ўрин тутган эди. Мазкур тамойил оғзаки асарларни яратишида якка шахс иштирокини шубҳага соглан. Шунингдек, миллиатнинг бой ва камбағал синфларга ажратилиши бу ғоя билан далилланган. Гүё бир халқ ижод қилган асарлар икки қарама-карши гурухга ажратилган. Ҳатто бир асарнинг ўзи ҳам таркибида баён этилган воқеалар заминида икки хил баҳоланганд. Бундай мезон билан бадиий асарни таҳлил килиш ўта нотўғри хуласаларга олиб келиши мумкин эди. Ўз вақтида бундай хуласаларга келинди ҳам. Хусусан, “Алномиш”, “Равшан” достонлари айнан ана шу нуқтаи назардан таҳлил қилиниб, “халқчиллик байрориги остида” яратилган ва халққа қарши ғоя илгари сурилган асар сифатида тақиқланди. Аммо халқимиз оғзаки ижодига бўлган муносабат кескин ижобий томонга ўзгарган бутунги кунда оғзаки ижодининг хос хусусиятларини атрофлича, чукур илмий асосда қайтадан кўриб чиқиши имконига эгамиз.

Анъанавийлик халқ оғзаки ижодининг хос хусусиятлари қаторида асосий белги сифатида уларнинг ҳар бирига билдирилиши мумкин бўлган муносаби баҳони инкор этмаган ҳолда, аввалигидек жамоаликни эмас, анъанавийликни қўрсатиш максадга мувофиқидир. Чунки бутун дунё халқлари ижодида бўлганидек, ўзбекларда ҳам оғзаки ижод асарларининг яратилиши ва ижроси асрлар давомида шаклланган ва бутунги кунгача давом этиб келаётган анъаналарга суняди.

Халқ оғзаки ижодидаги анъанавийликни уч йўналишда таҳлил килиш лозим. Биринчидан, минг йиллардан бўён мақолдан топишмокқача, қўшиқдан достонларгача бўлган асарлар оғзаки анъанада яратилмоқда, оғзаки тарзда яшаб келмоқда. Иккинчидан, фольклор асарларининг ижроси ижро қилиниш вазияти (тўй ва бошқа вазиятлар) ва ижро усули жиҳатидан анъанага эга. Учинчидан, анъанавийлик оғзаки асарларнинг матнида намоён бўлади.

Аввало, анъана сўзининг маъноси билан танишайлик. Бу сўзга ўзбек тилининг изоҳли лугатида: “Ҳаётда қарор топган (топаётган)

удум, урф-одат ва бошқа амаллар<sup>8</sup> деб таъриф берилган. Агар таърифни тўй ёки бошқа йигинларни ўтказиш тартибига татбик килсак, мазкур тадбирни уюптириш қоидалари тушунилади. Бирор оғзаки ижод намунасининг ижро килинишини назарда тутсак, уни амалга оширишдаги мухит, вазият, ижро усулини тасаввур қиласиз. Ижро анъанаси деганда, дастлаб, унинг маросимларга алоқаси бор ёки йўклиги ҳал килувчи омил хисобланади. Хусусан, “Ёр-ёр”, “Келин салом”лар тўйда, марсиялар азада айтилса, лирик кўшиклар, лофлар, латифалар ҳаётда вужудга келган оддий вазиятда айтилиши мумкин. Топишмокларни, филология фанлари номзоди З.Хусаинова хабар беришига кўра, қадимги замонларда, асосан, тўйларда айтиш одати сакланган бўлса, хозирги кунда топишмок айтиш мусобакасини синфда, дам олиш пайтларида, баъзан йўл-йўлакай ўтказиш мумкин бўлмоқда. Шунингдек, ўтган асрнинг ўрталаригача маҳсус эртакчилар эртак айтиш учун тингловчиларни тайёрлаб олганлар, ижронинг кўнгилли чиқиши учун алоҳида жой, турли нарсалар (исирик, туз, кул, сочиқ, сув, нон ва ҳоказолар)ни шайлаб кўяр эдилар. Бугун эса бобо боласини овутиш учун истаган пайтда эртак айтиб бераверади. Машхур профессионал эртакчилар эса йўқ хисобида. Ижро анъанаси деганда, достон айтиш ҳақида алоҳида тўхташ зарур бўлади. Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан, Ислом шоирлар анъанаси бугунги кунда ҳам Шоберди бахши, Шомурод бахши, Қаҳхор бахши ижросида тўлик сакланган. Достон ижросидаги дўмбирада куй чалиш, терма айтиш, шеърий парчаларнинг мазмуни, бўғин сонига қараб куй танлаш ҳозир ҳам бор. Масалан, Чори бахши ҳаётлигига ҳузурига тез-тез борар эдик. Аммо бирон марта терма айтмай достон бошлиганини кўрмаганмиз.

Хоразм достончилигидаги анъана ҳам деярли тўлик сакланган. Хоразм бахшилари достонни ижро этишдан аввал, албатта, “Али-камбар” куйини тингловчиларга чалиб берадилар. Шундан сўнг достон айтиш бошланади. Агар Қашқадарё, Сурхондарё ва шу худудлар атрофидаги бахшилар дўмбира жўрлигига бўғизда достон айтсалар, Гурлан, Хива, Урганч атрофидаги бахшилар жўровозлика очик овоз билан достон ижро этадилар. Айтмоқчимизки, ҳалқ оғзаки ижоди асарларини ижро этиш анъанаси, умуман

<sup>8</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдлик. – Т.: Ўзбекистон давлат энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 89.

олганда, юртимиз вилоятларида, асосан, аввалги күринишда яшаб келмоқда. Фольклор экспедицияси пайтида қүшик айтадиган момолардан марсия матнини ёзип ололмаганмиз. Улар ирим килиб, бевакт құни-қүшниларнинг қүшик айтилаётган жойга саросимада йиғилишларини истамаганлар ва марсия айтишдан воз кечгандар. Бу ҳолат бугун ҳам сакланиб қолганига бир неча марта гувоҳ бўлдик. Шундай қилиб, оғзаки ижод асарларининг ижро анъанаси ҳали қайта-қайта ўрганишни талаб киласидиган соҳа хисобланади.

Анъанавийлиқдаги матн анъанаси ижродан анча мураккаб. Чunksи ҳалқ оғзаки ижодида асарнинг тўлиқ моҳияти унинг матнида намоён бўлади. Асадан назарда тутилган ғоя, мазмун, образ хусусиятлари, композиция унсурлари: баён, портрет, диалог, монолог; бадиий тасвир воситалари – буларнинг ҳаммаси ҳалқ ижоди қоидаларига суюнган ҳолда, анъанавийлик тамоилига асосланган тарзда сўз воситасида намоён бўлади. Эҳтимол, шунинг учун ҳам матн анъанаси ижроникидан кўра мураккаб тизимга эга.

Ҳалқ оғзаки ижодидаги матн анъанасининг ўзини ҳам икки күринишга ажратиш мумкин. Биринчидан, ҳар бир асарнинг жанр хусусиятларини белгиловчи анъанавийлик (ҳажм, шакл, мазмун) бўлса, иккинчидан, бадиий тасвир воситалари – бадиий санъатларда намоён бўладиган анъанавийлик.

Ҳалқ оғзаки ижодидаги матн анъанаси ҳар бир жанрга мансуб асарларда намоён бўлади. Хусусан, мақоллардаги ҳажм чекланганилиги, мазмун кўламининг кенглиги, қўшикларнинг лирик моҳияти, эртаклар ҳажмининг муайян ўлчов билан белгиланмагани (уларнинг мазмун ва тасниф турига кўра бир-икки сахифадан, эълият-олтмиш сахифагача бориши), достон ҳажмининг чекланмагани, латифалардаги воқеани қиска муддатда айтиб улгuriш қоидаси ва ҳоказоларнинг ҳаммаси матн анъанаси билан боғлиқдир. Шунингдек, эртакларнинг “Бир бор экан, бир йўқ экан...”дан бошланиб, “...муроду мақсадига етибди” билан тугалланиши, тез айтишда маълум товушлар талафузига эътибор берилиши, термаларнинг кўп-рок “Нима айгай?”, “Кунларим” мавзуларига бағишланиши ҳам матн анъанасига алоқадор. Булардан ташқари эртаклардаги “Тўнгич ботир йўлида кетаверсин, гапни кенжасидан эшитинг”, “Йўл юрибди, йўл юрибди, йўл юрса ҳам мўл юрибди”; достонлардаги:

“Худо қилган ишга банда кўнади,  
Бедов миниб, энди,bekлар жўнади”.

“Давлат кўнса гар чибиннинг бошига,  
Семурғ қушлар салом берар кошига”

каби қолип гал ва мисраларнинг эртакдан эртакка, достондан достонга кўчиб ўтиши хам бевосита матн анъанаси билан боғланади. Айниқса, достонлардаги “Қайга борасан?”, “Қайдан бўласан?” мазмунидаги эпик клише – қолиплар, от эгарлаш, от югуриши, жанг лавхаларидағи мисраларнинг айнан, деярли ўзгаришсиз такрорланишини матн анъанасининг таъсири сифатида баҳолаш мумкин. Шу ўринда таъкидлаб ўтиш жоизки, тингловчилар талаби билан эртакчи ёки баҳши бирор янги асарни ўзича ижод қилиб яратганда ҳам матн анъанасидаги юкорида кайд этилган қолиплардан ўрни билан фойдаланишга мажбур бўлади. Окибатда, ҳалқ оғзаки ижодида вужудга келган ҳар қандай янги намуна ҳам матн анъанасидан четда яратилмайди. Бу эса янги асарга яратувчи ва ижрочининг мутлақ муаллифлик қилиш имконини чеклайди.

Матн анъанасидаги иккинчи йўналиш ҳалқ оғзаки ижодидаги ўзига хос бадий санъатлар мажмуаси билан боғликдир. Маълумки, бадий адабиётда бадий воситаларнинг такрорланмас ўрни бор. Бу воситалар маънавий ва лафзий санъатлардан ташкил топади ва сўз санъати намунасига жозиба багишлайди. Ёзма адабиёт вакиллари лирик ва эпик асарларда ўзларининг маҳоратларини бадий санъатларни кашф қилишда ҳам намойиш этадилар. Ҳалқ оғзаки ижодида ҳам алоҳида иқтидорга эга ижрочи ўрни келганда бу соҳада ижод қилиш имконидан фойдаланади. Аммо аксари ҳолларда ижрочининг кашфиёт излаб ўзини қийнашига хожат йўқ. Чунки оғзаки ижодимизда аждодларимиз бу санъатларнинг гўзал намуналарини яратиб бўлганлар. Сифатлаш, ўхшатиц, истиора, муболага, ифrot, интоқ, ийхом, аллитерация каби бадий тасвир воситаларининг битмас-туганмас бойлиги оғзаки ижодимиз намуналарига асрлар давомида файз бағишлиб турибди. Қаҳрамоннинг йиллаб, ойлаб эмас, соатлаб катта бўлиши, гўзал қизнинг ўн тўрт қунлик ойга ўхшатилиши, малика кулганида атрофга гул сочилиши, йиғлаганида дур сочилиши, эпик қаҳрамоннинг тикилишидан тоғларнинг қумга айланиши, жаҳли чикканида мўйлабини қиров босиши каби ўнлаб санъатлар ўз вактида ижодий кашфиётлар даражасида қабул қилинган бўлса-да, эндиликда улар анъанавий воситалар ҳисобланади. Ҳалқ яратган асарлардаги

одамнинг қушига айланиши (трансфигурация)ни, мўъжизавий нар-саларни, ҳайвонларнинг инсон тилида гапиришини, илон, бўри, айиқларнинг асар қаҳрамонига ҳомийлик қилишини ҳам матн анъанаси сифатида баҳолаш мумкин. Маълум бўладики, ҳалқ оғзаки ижодидаги матн анъанаси ҳар бир асарнинг яратилишида бош мезонга айланади ва ёзма адабиётдан тубдан фарқ қиласди. Оғзаки ижод асарларини тадқик этишда фольклоршунос олим фольклор намунасида ўз ифодасини топган бу фазилатларнинг моҳиятини ҳис қилиши, типологик аҳамиятини аниқлаши, қиёсий тахлил усули билан ўзи ўрганаётган асарга ёндашиши муҳим аҳамиятга эгадир.

**Оғзакилик.** Ҳалқ оғзаки ижодининг иккинчи муҳим жиҳати унинг оғзаки яратилишидадир. Жаҳон фольклоршунослик илмида оддий ҳақиқат сифатида такрорланадиган энг муҳим фикрлардан бири фольклорнинг оғзаки яратилиши ва оғзаки яшashi ҳисобланади. Чунки бутун дунёдаги ҳалкларнинг оғзаки ижоди шу йўсинга бўйсунади ва шу қонуният асосида яратилади, яшайди. Ҳақиқатан ҳам, ўзбек ҳалқ оғзаки ижодидаги ҳамма жанрларнинг инсон руҳига, онгига, табиатига таъсири, кўпинча, унинг оғзаки ижроси билан белгиланади. Ҳатто шундай жанрлар ҳам борки, уларнинг ёзма, қолаверса, нашр килинган матнини ўқиш мазкур асар ҳақида ҳақиқий тасаввур ҳосил қилмайди. Хусусан, асқия, латифа, тез айтиш, топишмоқ каби жанрларни маълум бир муҳитдаги асар ижроси таъсири, уларни жонли вазиятда эшлиш, шу ҳолат интироқчиси сифатида ҳис этиш билан унинг матнини якка ҳолда ўқиш ўртасида ер билан осмонча фарқ бор. Бир қараашда матн жиҳатдан фарксиз бўлиб кўринган достонлар ижросида ҳам табиий ижро вазияти билан ёзма матнни ўқиш ўртасида катта фарқ сезилади. Бу фарқ баҳшиларнинг достонни айтиётгандарида аник кўринади. Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси орқали бир неча марта ҳалқ баҳшилари иштирокида сухбат ва кўрсатув уюштирилган бўлса, уларнинг биронтаси трактсиз, repetициясиз амалга ошимаган. Маълум бўлишича, баҳши оддий тингловчилар ўртасида ўзини эркин ҳис қиласар экан. Микрофон тақдим этилиши заҳоти, телекамеранинг фокуси баҳшига каратилгани замон ижрочи руҳий ҳолатида ўзгариш рўй берар экан. Бу ҳолат ҳатто машҳур Бола баҳши, Кодир баҳши, Болтабой баҳши, Чори баҳши ижросида ҳам

күзга аниқ ташланган. Демак, оғзаки ижро, ижро бўлганда ҳам табиий ҳолатдаги ижро асар файзида алоҳида ўринга эга.

Кейинги йилларда мутахассис эртакчилар билан муомала қилиш имкони бўлмагани сабабли бу жанрнинг оғзаки ижроси ва матнни ўкиш ўргасидаги кескин фарқ ҳақида бирор асосли фикр билдиришга ожизмиз. Аммо оғзаки ижродаги товуш товланиши, айрим сўзларга бериладиган мантикий урғу, ижрочининг хатти-харакатлари назарда тутилса, оғзаки ижоднинг оғзаки ижродаги афзаллиги бари-бир аник намоён бўлаверади. Хуллас, тўлиқ ишонч билан айтиш мумкинки, ҳалқ оғзаки ижоди асарларини оғзаки ижрода эпитет мазкур асарнинг матнини ўқишдан афзал ҳисобланади. Оғзаки ижро фольклор асарининг яратилиши, яшашида икки оқибатни тақозо этади. Биринчидан, оғзаки ижро ёзма адабиётда кузатилганидек, жиддий масъулиятдан холи бўлади: ёзма адабиёт вакили ижод қилаётган асарига тўлиқ масъуль ҳисобланади. Оғзаки ижрода эса бундай муносабат айнан оғзаки асар оғзаки ижро этилаётгани учун нисбатан заифлашади. Ҳалқ латифаларида муайян ижтимоий ҳаётда рўй берган ва бераётган ҳодисалар кескин сатирик тарзда танқид қилиниши мумкин. Аммо яратувчи шахснинг мавҳумлиги – анонимлиги энг ашаддий танқидий латифаларда ҳам “эмиш” шиори остида асарнинг яшашини таъминлайверади. Оғзаки ижро айни пайтда асарнинг оммалашувида ҳам ижобий аҳамият касб этади. Чунки ҳар бир эртак, достон, мақол, топишмоқ, латифа ижро этилгани заҳоти тингловчилар орасидаги маълум иктидорга эга шахс томонидан кайта ҳикоя қилиниши мумкин. Қайта ҳикоя қилаётган ижрочи эса асарни оғзаки эшиттгани ва оғзаки ижро этаётгани учун ҳар бир сўз, жумлани ўзгаришсиз тақрорлаш лозимлигидан ўзини холи ҳисоблади. Натижада, асарнинг мазмуни, ғояси, қаҳрамонлари тавсифи асосан сақлангани билан янги ижрочи ўз асарида шахсий ҳаётий кузатишларини, тажрибалар холосасини ифодалаш имконига эга бўлади. “Алломиш” достонини Фозил Йўлдош қаҳрамонли айтган, Эргаш шоир муҳаббатли айтган каби машхур мулоҳазалар бевосита оғзакилик фазилатларидан ҳисобланиши мумкин.

Аммо, иккинчидан, оғзаки ижро асари ёзib олинмагани тақдирда охир пировард ўлимга маҳкум этилиш эҳтимоли бор. Узоқ ўтмишда миллатимиз баҳтига ёзib кўйилган ўнлаб асарлар тақдери фикримизни тасдиқлайди. Оқилона фикр юритиб фараз

қилайлик. Геродот, Полиэн каби машхур тарихчилар Тўмарис, Широқ ҳакида маълумот бермаганларида, бу ривоят бизгача етиб келармиди?! Маҳмуд Кошғарий ҳазратлари томонидан мерос қилиб қолдирилган “Девону луготи-т-турк” асарида 300 га якин гўзал мақоллар ёзиб қолдирилган. Улар орасида “Ош тотуғи туз”, “Киши аласи ичтин, ийилқи аласи таштин” каби бугунги кунда ҳали фойдаланилаётган ва “Тулки ўз уясига қараб хурса, қўтирир бўлади”, “Яёв оти – чорик, кучи - озик” каби унунтилган мақоллар ҳам бор. Девондаги кўпгина мақолларнинг маъноси сақланган, аммо улар таркибидаги сўзлар ўзгарган. Хуллас, замонлар ўтиши билан миллият тилида рўй берган ўзгаришлар, ижтимоий, майший ҳаётдаги янгиликлар, айниқса, оғзаки ижод намуналарини ёддан биладиган инсонларнинг вафот этишилари оқибатида кўп ажойиб асарлар яшашдан тўхташи табиий бир ҳолдир. Айниқса, XX асримизнинг ўрталарида ҳалқ оғзаки ижодига бўлган муносабат совугани оқибатида бир қатор ажойиб асарлар йўқолиб кетди ва уларни қайта тиклаш мумкин бўлмай қолди.

Ўнлаб асарларнинг юзлаб варианtlари ҳакида гапирмаса ҳам бўлади. Айниқса, эртак ва достонларда оғзакиликнинг салбий томони алоҳида кўзга ташланади. Тўгри, бу жанрлардаги ижрочи томонидан йўл-йўлакай киритилган аҳамиятсиз, яъни асар сюжетига таъсир этмайдиган янгиликлар вариант нусхасини бермайди. Аммо иктидорли эртакчи ёки бахши тингловчиларнинг кизғин эътиборидан илҳомланиб баъзан қолипга тушган асар матнига аҳамиятли ўзгаришлар киритиши мумкинлигини ҳам эсдан чиқармаслик лозим. Чори бахши, Қаххор бахши Қодир ўғли ижросида бу ҳолат кўп рўй берган. Муайян вазият файзидан илҳомланган бахшилар янгидан-янги эпизодларни, воқса баёнларини ижро этилаётган достонга сингдириб кетишган. Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Ислом шоир, Пўлкан шоирларда бундай вазиятлар ҳамиша такрорлангани учун хоҳ ижобий, хоҳ салбий маънода пайдо бўлган вариант ижро тугагани заҳоти йўқ бўлиши ҳам табиий бир хол ҳисобланиши ажаб эмас.

Албатта, оғзакилик ҳакида фикр юритганда, ҳалқ асарларига жон ато этиб турувчи импровизация – бадиҳагўйликни унуниш мумкин эмас. Импровизация ҳамиша ижрога шукух, файз бағишлаган. Кирқ йилдан ортиқ вакт мобайнида ҳалқ оғзаки ижоди фанидан маъруза қилиш давомидаги тажриба шуни кўрсатадики,

олий ўкув юртида дарс берувчи устоз, ўрга таълимда машғулот ўтказувчи ўқитувчи нутқига тингловчилар кайфияти доимий таъсирини ўтказар экан. Илҳом келган пайтда оддий мавзуни ўкувчиларга тушунтириш жараёнида қизик-қизик фикрлар бостириб келади, кейинчалик эса бу фикрлар мақолаларга айланади. Фулом Каримов, Субутой Долимов, Мухаммаднодир Сайдов, Озод Шарафиддинов тажрибасида бу ҳолатнинг муттасил давом этганига саноксиз равишда гувоҳ бўлганмиз. Айнан шундай вазият истеъодли қўшиқчилар, лапарчилар, асқиябозлар, лофчилар, то-пишмоқ айтувчилар, эртакчилар ва баҳшилар ҳаётида ҳам рўй беради. Импровизация ижрочининг илҳомига боғлик. Машҳур Султон кампирнинг қозоқ оқинига тоғнинг ёшини билмоқчи бўлсанг, оғзини очиб, тишини кўр қабилидаги жавоблари, баҳшиларнинг таниш тингловчилар фазилатлари, ёки камчиликлари ҳақида достон ижроси давомида ҳикоя қилиб кетишлиари ижро файзига файз қўшган. Тингловчиларнинг ҳайқириклари остида ижро этилаётган достон ўчмас таассуротлар қолдирган. Устоз Ҳоди Зариф бўлажак Чори баҳши билан тасодифан биринчи учрашган пайтларида ундан машина тўхтаган жойнинг номини сўраганлар. Баҳши “Қора булоқ” қишлоғининг таърифини қиёмига етказиб айтиб берган экан. Ҳоди оға шу заҳоти нотаниш Чорига: “Сен баҳши мисан?” – деб савол берган эканлар. Бу танишув кейинчалик бир неча йиллик ижодий ҳамкорликка айлангани сир эмас. Фольклор экспедициялари пайтларида талабаларимиз қўшиқчиларнинг ўйламаган тарзда қўшиқ тўқиб юборганликларини ҳавас билан эслашади. Халқимиз оғзаки ижодининг бебаҳо гўзал жанри асқияни-ку импровизациясиз тасаввур қилиб бўлмайди. Машҳур асқиябозлар Юсуф қизик, Эрка кори, Ганижон Тошматов, Қаюм асқиябоз, Убайдулла Абдуллаев, Матбуғ Рахимов кабиларнинг ижоди тўлиқ импровизация хисобига гуллаган.

Хуллас, ҳалқ оғзаки ижодидаги оғзакилик хусусияти асрлар давомида миллатимиз тажрибасидан ўтган ва муҳим аҳамиятга эга белги сифатида баҳоланиши мумкин.

**Жамоалик.** Жамоалик деганда, муайян иш жараёнининг бир гурух одамлар иштирокида биргаликда бажарилиши назарда тутилади. Халқимизда ҳашар ўюштириш анъанаси бор. Бу анъанага биноан бир-икки кунда хўжалик иморатларининг асоси жамоа бўлиб куриб битказилган. Бугунги кунда юртимиз аҳолиси турли

байрамлар муносабати билан ҳашарга чиқади ва маҳалла жамғармалариға қилингандык иш ҳисобидан маблаг үтказадилар. Хуллас, жамоа бўлиб иморат қуриш, ҳашар үтказиб жойларни тартиби солиши, экин экиш, ҳосил йигиш мумкин. Аммо санъат асарини ҳашар йўли билан яратиб бўлмайди. Тўгри, тарихда икки, баъзан уч киши уюшиб санъат асари яратилган ҳолатлар кузатилган. Лекин бунинг учун ҳаммуалиф шахслар бир-бирларига рухан, маънан, дунёқарашиб жиҳатдан ўта яқин бўлишлари шарт эди.. Ҳўш, у ҳолда халқ достонлари, эртаклари, қўшиқ ва бошқа жанр асарларини қандай килиб жамоа ижоди маҳсули дейишимиз мумкин. Гап шундаки, халқ оғзаки ижоди асарлари, у асар қайси жанрда эканидан қатъи назар, битта шахс томонидан яратилади. У шахе, шубҳасиз, бадиий ижод қилиш, сўз санъатига оид асар яратиш иктидорига эга бўлган. Аммо вазият такозоси билан бу одамнинг асар яратгани ҳужжатлаштирилмаган. Яна ҳам аниқроқ айтсақ, ҳужжатлаштиришнинг ҳожати ҳам бўлмаган. Асар муаллифининг ўзи буни хоҳламаган. Қолаверса, оғзаки асарни қандай килиб расмийлаштириш масаласи ўйлаб ҳам кўрилмаган. Натижада, достон, эртак, қўшиклар яратилаверган, биронта одам бу асарни мен яратдим, деб даъво килмаган. Устига устак асар оғзаки бўлгани учун тингловчилар орасидаги иктидорли юртдошлар уни зудлик билан қайта ижро этганлар. Бу ижро иккичи, учинчи шахслар иктидорига кўра қатор ўзгаришларга дуч келган ва бадиий жиҳатдан ё мукаммаллашган, ё заифлашган. Айни пайтда, мазкур намунанинг халқ ижоди қаторидан ўрин олиши учун хизмат қилган. Биринчи муаллиф эса ўзи яратган намунани юртдошлари томонидан ижро этилганини билиб фахрланган. Биз, ўзбеклар, аждодларимиз орасида шундай олийхиммат инсонлар борлигидан ғурурланишимиз ва улардан ўrnak олишимиз керак. Шундай қилиб, бугунги кунда миллий қадрияtlаримизнинг муносиб таркибий қисми ҳисобланган халқ оғзаки ижоди хазинаси вужудга келган.

Оғзаки ижод асарининг бадиий жиҳатдан мукаммаллашиб боришида, ҳатто янги-янги асарларнинг пайдо бўлишида оддий тингловчи оммасининг бавосита иштирок этишини ҳам назарда тутиш керак. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида 2009 йилда Ўзбекистон халқ баҳшиси Қаҳҳор баҳши билан Журналистика ва Ўзбек филологияси факультетлари талабаларининг учрашуви ўтди. Достондан парча айтиётган баҳши тўсат-

дан воқеа тизимиға тингловчиларни күшиб юборди. Мухими, бу янгиликни ҳамма табиий ҳол деб қабул қилди. Аслида тингловчи баҳшига хурматини изхор этиши оқибатида янги-янги мисраларнинг туғилишига сабаб бўлган эди.

Кўп йиллик тажрибамиз натижаси ўлароқ яна бир масалага диккәтингизни қаратмоқчимиз. Аввалги саҳифаларда қайд этганимиздек, матн анъанасида доимий равишда қолип шаклида қўлланадиган парчалар, тасвир воситалари бор. Эртакчи, достончи, кўпликчи ижро давомида улардан фойдаланади. Яратилган асар янги бўлса-да, унда ана шу анъанавий ўринлар сақланиб қолади. Натижада, ўз-ўзидан янги достон тўқиган баҳши биринчи марта айтган достонини тўлик равишда ўзиники деб айта олмайди. Чунки у яратган асар анъанавийлик белгиси билан аввалги намуналардан жиддий озуқланган бўлади. Демак, жамоалик халқ оғзаки ижоддининг яратилиши нуқтаи назаридан қадимийлиги асосида вужудга келган хусусият экан. Энг муҳими, жамоалик дегандা, ўтмишда ижод қилиш иқтидорига эга якка шахс – аждодларимиз хизматини унутмаслигимиз лозим.

**Вариантлилик ва версиялилик.** Бир асарнинг сюжет ва композициясида муҳим ўзгаришлар билан бир неча нусхаларга эга бўлиши вариантилилк хусусиятини ҳосил қилади. Оғзаки ижодда эса вариантлилк асарни оғзаки ижро этиш усулидан вужудга келади.

Достон ва эртакни айтиётган ижрочи зийраклик билан тингловчиларни кузатиб боради. Юкорида ҳам қайд этганимиздек, тингловчи аудиториясининг асарни эшлишига бўлган муносабатига караб йўл-йўлакай кўшимчалар билан бойитиш ёки қисқартириб юбориш мумкин. Бу ўринда ижрочининг кайфияти, соғлиғи ҳам муҳим аҳамиятга эга. Айникса, ҳаётйи муаммоси ечишган баҳши ўз эҳтиросини дўмбирани чертиш, достонни кайта айтиш орқали ифодалайди. Натижада, тингловчи алоҳида меҳр кўшиб ижро этилган достон билан танишади. Қолаверса, одатда, ҳар бир баҳши ўзини эл орасидаги хурматини билади. Ижро этаётган достонини бошқа баҳшилардан фарқли қилиб айтишига ҳаракат қилади. Иктидори, ҳаёт тажрибаси, баҳшилик маҳоратини уйғун қилиб, имконияти даражасида асарни бошқача лавҳалар билан бойитиш йўлларини излайди. Масалан, Фозил Йўлдош ўғли айтган “Алномиш” достонида закот муаммоси Ҳакимбекнинг таклифидан келиб чиқади. Профессор Муҳаммаднодир Саидов бу вазиятни достондаги оталар

ва болалар тамойили билан боғлаган. Бойсарининг закот тўлашдан бош тортиб, қалмоқ юртига кўчишига Барчин карши чиқади. Муҳаммаднодир Саидов Барчиннинг ҳаракатини достондаги ёшлар вакили сифатида Ҳакимбекни кўллаш билан боғлади. “Алпомиш”нинг Хушбοқ Мардонакул ўғли вариантида Бойбўрининг хотини Кунтуғмиш чўрилар хизматини кўриш учун Бойсариникига жўнайди. Бойсарининг хотини чўриларга овсинини уришни буюради. Ака-ука ўргасидаги бош келишмовчиллик шу лавхадан бошланиди. Саидмурод Паноҳ ўғли вариантида эса закотни тўғридан-тўғри Бойбўрининг ўзи ўйлаб топади. Бир қараашда бу фарқларнинг алоҳида муҳим аҳамияти йўқдек туйилади. Аслини олганда, Фозил Йўлдош ўғли ижросидаги “Алпомиш” достонида акс этган давлатчилик жараёни асосли равишда ўз ифодасини топган. Ҳакимбек бўлгуси давлатнинг пайдо бўлишида етакчи вазифани бажарди, Бойсун-Қўнғиротда закотни жорий қилди, бу қарорга қарши чиққан Бойсарини кейинчалик қалмоқдан кайтариб келди ва юртини бирлаштиришга эришди. Охир оқибатда ўзининг давлат бошлиғи сифатидаги хурматига сазовор бўлди. Фозил шоир “Алпомиш”ни қаҳрамонли, Эргаш шоир мұхабbatли айтган, дейишда ҳам вариант тушунчасини қайд этиш мумкин.

Вариантлилик маколларда ҳам учраб туради. “Яқиндаги қўшнидан узокдаги қариндош яхши” ёки “Узокдаги кариндошдан яқиндаги қўшни яхши” мақоли вазиятга кўра айтилаверади. Айни чоқда, Хоразм достончилигига вариантилик тушунчасининг мавжуд эмаслигини ҳам қайд этиш зарур. Хоразм бахшилари халқ китоблари “Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам”, “Сайёд ва Ҳамро” каби-ларни ёд олиб достон қўйладилар. Бахши якка ўзи достон айтиши ҳам кўп учрамайди. Асосан, жўровоз билан бирга ижро этилади. Икки кишининг биргаликда куйлаши эса достон сўзларини бир хил айтишни тақозо этади. Қашқадарё ва Сурхондарёдаги бахшилар ўз ижроларига йўл-йўлакай ўзгариш киритиб бадиҳагўйлик – импропривизациядан фойдаланишлари мумкин бўлган бир пайтда Хоразм достонлари ижрочилирида бундай имконият йўқ. У холда Хоразм бахшиларининг маҳорат даражаси қандай баҳоланади, деган савол түғилади. Бу достончилиқда маҳорат, аввало, асар матнига тўла амал қилиш, соз чалиш, овоз, актёрлик санъатидан фойдаланишга боғлиқ хисобланади.

Ёзма адабиётда ҳам вариант тушунчаси бор. Лекин бу тушунча жуда тор маънода кўлланади. Чунки бирор романнинг варианти хақида гап айтиш учун бир ёзувчининг ўзи асарни бошқа-бошқа нусхаларда ёзил чиқиши керак. Хусусан, бадиий адабиётда Сайд Аҳмаднинг “Уфқ” романи “Шарқ юлдузи” журнали вариантида ва алоҳида китоб кўринишида нашр эттирилгани маълум. Шунингдек, Ёқуб Яқвонхўжаевнинг “Қайтар дунё” романининг “Ёшлик” журнали ва китоб варианти борлиги маълум.

Версия ҳам вариантлиликнинг бир кўринишидир. Фақат вариантлилик тор маънода, версиялилик кенг маънода тушунилади. Асар номи бир хил бўлса, унданги воқеалар тизими бир-бираига якин бўлса, қаҳрамонлар хатти-харакатида муайян ўҳшашлик сақланса, вариантлилик; асарнинг умумий мазмунида қандайдир умумийликка ишора сезилса, версия вужудга келади. Масалан, “Алпомиши” достонининг ўзбек халқи доирасида 30 га яқин вариант бор. Аммо бу достоннинг Кўнғирот, Олтой, Қипчоқ, Ўғуз версиялари мавжудки, у версиялар билан танишганимизда айрим лавҳа ва воқеаларда умумийликдан бошқа ўҳшашликка дуч келмаймиз. “Тоҳир ва Зухра” достонининг қозоқларда “Кўзи Кўрпеш ва Баян Сулув” версияси бор.

Хуллас, вариант деганда, асар сюжети ва композициясидаги қисман фарқлар борлиги, версия деганда, бир асарнинг катта ўзгаришлар билан бир неча халиqlар оғзаки ижодидаги алоҳида-алоҳида нусхалари тушунилади.

Анонимлик. Анонимлик асар муаллифи номининг маълум эмаслиги демакдир. Халқимиз оғзаки ижодидаги юзлаб эртак ва достонларни биринчи бўлиб айтган ижодкор номи анонимдир. Халқ кўшиқлари, мақоллари, топишмоқлари ҳам бизга маълум бўлмаган бобо-момоларимиз томонидан яратилган. Аммо улар, биз аввал айтганимиздек, ўз исмларининг сақланиб ~~халишини~~ хоҳламаганлар. Кейинчалик эса асарни биринчи яратган ва айтган шахс номининг ёддан кўтарилиши ҳам анъанага айланган. Аммо халқ оғзаки ижодидаги анонимлик билан ёзма адабиётдаги асар муаллифи номининг маълум эмаслиги мутлақо бошқа-бошқа тушунчалардир. Оғзаки ижодда анонимлик оддий ҳолат бўлса, ёзма адабиётда адид номининг ўйклиги тасодиф ҳисобланади. Масалан, “Юсуф ва Зулайҳо”, “Гул ва Наврӯз” достонларини ёзган шоирлар номи маълум бўлмаган тақдирда ҳам, бу асарлар оғзаки ижод

намунаси ҳисобланмайди. Чунки уларнинг матни оғзаки адабиёт анъянасига мос келмайди.

Шундай қилиб, оғзаки ижоддаги анонимликни халқ фарзанд-ларининг ўз миллатига холис ва beminnat хизмат қилиши намунаси сифатида қадрлаш мақсадга мувофиқдир.

Халқ оғзаки ижодининг яна бир хусусиятини шартлилик деб белгилаш мумкин. Бу хусусият фольклоршунослар томонидан етарли тадқиқ этилмаганинги мавзу бошида айтиб ўтганмиз. Шартлилик халқ оғзаки ижоди асарларида ижрочилар томонидан айтилган фикрни муҳокамасиз қабул қилиш билан боғланади. Бундай тасвирларда тингловчи “Нега?” деган саволни бермаган, ёки хаёлига ҳам келтирмаган. Тингловчи баҳшидан достонни маҳорат билан ижро этишни кутган, талаб қилган, аммо шу билан бирга баҳшининг ҳам инсон эканлигини, уни баъзан кечириш лозимлигини ҳам унутмаган. Бундай пайтларда тингловчи баҳшини ортиқча саволлар билан қийнамаган. Масалан, Муҳаммадкул Жонмурод ўғли Пўлкан айтган достоннинг номи “Темирхон Пошибо” деб аталади. Достондаги воқеалар давомида эса Темирхон пошшо деярли иштирок этмайди. Ёки Жўра Эшмирза ўғли ижро этган “Малла савдогар” достонида ҳам Малла савдогар воқеалар тизимида етакчи қаҳрамон сифатида намоён бўлмайди. Аммо баҳшига “Нега достоннинг номини шундай атадингиз?” – деб савол бериш одобдан ҳисобланмаган ва достон шартли равишда шундай аталаверган. Гўрўғли туркуми достонларида, кўпинча, Фирот, Гиркўк номлари чалкаш келади. Лекин бунинг сабаби ҳам аниқланмайди. “Алпомиш” достонида Ҳакимбек Қалмоқ юртида етти йил зинданда ётади. Охирги муддатдагина Кайқубод унга қўй ташлаб туради. Аммо етти йил зинданда инсон овқатсиз, сувсиз қандай яшashi мумкин деган саволни ҳеч ким бермайди. Бу ўринда ҳам воқеа баҳши томонидан қандай баён этилса, шундайлигича қабул қилинаверади. Натижада, халқ оғзаки ижоди асарларининг ижросидан тингловчи маънавий лаззат олган, қаҳрамонларнинг хатти-харакатларини баҳолаган, муҳокама қилган, ўзига намуна деб билган, аммо айрим масалаларга ортиқча синчковлик билан аҳамият бермаган. Эҳтимол, шартлилик белгиси халқ оғзаки ижоди асарларини эъзозлапша ўзига хос ўлчов бўлиб хизмат қилган бўлиши ҳам мумкин.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятларини билишининг қандай назарий ва амалий аҳамияти бор?
2. Анъанавийлик ҳақида мулоҳаза юритинг ва халқ достонлари, эртаклари матнларидан бу хусусиятни изоҳловчи мисоллар топинг.
3. Оғзаки шаклиниг ижобий ва салбий жиҳатларини шарҳланг. Импровизация ёзма адабиётда бўлиши мумкин ёки мумкин эмаслигини тушунтиришинг.
4. Шартлийлик ҳақида мустақил мулоҳаза юритинг.

### **Адабиётлар:**

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 4-14.
2. Холмирзаева С.Ш. Ўзбек халқ эпосидаги бадиий шартлийликнинг ўзига хос хусусиятлари. Филол. фанлари номзоди ... дисс. – Т., 1990.
3. Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. – T.: Musiqa, 2010.



---

## ЭНГ ҚАДИМГИ ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ НАМУНАЛАРИ. МИФЛАР

Буюк сүз сохиби Алишер Навоий ғазалларидан бирининг дастлабки байти – матлаъсида

Ўн сакиз минг олам ошуви агар бошиндадур,  
Не ажабким, сарвинозим ўн сакиз ёшиндадур,

– деган эди. Байтда менинг сарвинозим ўн саккиз ёшда бўлгани учун ўн саккиз минг дунёнинг сон-саноқсиз ғавғоси бошида чарх уришидан ажабланмаслик керак, деган маъно ифодалангган. Бу ҳак гап. Чунки инсон инсон бўлиб яралган экан, ёшидан қатъи назар ёргу олам муаммолари билан яшиади. Дунё қандай пайдо бўлган, инсонни ким яратган, нима учун қуёш ҳар куни бир томондан чиқади – иккинчи томонга ботади, ер нима учун кимирлади, чақмоқ чакишининг сабаби нима, қўйингки, минг-минг савол инсон қалбига тинчлик бермайди. Ҳатто тахмин қилиб айтиш мумкинки, ана шу муаммолардан чалгиш максадида қадимги аждодларимиз рақста тушишни, ҳис-туйғуни ифодаловчи мисралар тўкишни ўйлаб топган бўлсалар ажаб эмас.

Қадим замонлардаёқ оламнинг пайдо бўлиши, йил фаслларидаги ўзгаришлар, ердаги зилзилаларнинг моҳиятини англамаган инсон ўзича изоҳ излашга уринган. Натижада, дастлаб ерни нимадир кўтариб турган бўлса керак, деган тушунчалар, кейинрок эса ҳар бир ҳодиса шархини ифодаловчи худолар ўйлаб топилган. Агар бир оз мулоҳаза юритсак, инсон қилган дастлабки қашфиётларни бугунги кунда ҳам учратишимиш мумкин. Ҳусусан, сафарга чиқкан сайёҳ бўри, бургутни кўрса. ўзини омади келган ҳисоблайди. Тулки кўрса, шубҳага тушади, кўнгилсиз воеа бўлишини куга бошлайди. Йигит тушида эгарланган от минса, ҳаётида ижобий ўзгаришлардан хабар олгандек сезади ўзини. Йигитларимиз уйланиш тўйларидан ҳали ҳамон олов атрофида айланадилар, уларнинг устларидан

сочки сочадилар. Қарияларимиз қалдирғоч шипга ин курса, хурсанд бўладилар. От кўрсалар, бошини силаб қўядилар. Яқин-яқингача Қашкадарё вилоятининг айрим гуманларида янги туғилган чакалоқ бешигининг тагига бўри терисини солиш, тишини тешиб бешикка безак килиш одати сақланган эди. Вакти-вакти билан ҳозир ҳам оиласдаги эркак уйига балик ҳарид қиласди. Ва бу яхши хислат, одат саналади. Бунга ўхшаган одатларимизни кўплаб санаши мумкин. Тўғриси, саноқнинг тагига етиш ҳам кийин. Хўш, улар қандай пайдо бўлган. Нима учун халкимиз сувни, нонни, тузни эъзозлайди. Покиза саклашга уринади.

Инсон ҳамиша ҳар бир ҳодисадан ўзига манфаатли жиҳатларни топишга ҳаракат қиласди. Ҳаёлан бу манфаатларни асослашга сабаб ахтаради. Вакт ўтгани сари турмуш тажрибаси мазкур воқеа-ҳодисаларни турларга бўлиш, улардан фойдали ва зарарлиларини ажратиш заруратини тугдиради. Оқибатда, ҳалқ тасаввурнида “бундай бўлса-яхши, бундай бўлса-ёмон” деган ҳукмлар пайдо бўлади. Масалан, бирорта одамнинг ҳовлисида булбул сайраса, яхши; бойўғли сайраса, ёмон деган тахмин одат тусига кирган. Бир кўринишда аҳамиятсиздек туйилган ҳолат турли урф-одатларга, расмрусларга асос сифатида асрлар давомида миллатимиз онгиди шаклланиб келган.

Дунё, инсоният, одамнинг пайдо бўлиши ҳақидаги қадимги содда хикоялар илмда “миф” деб аталади. Миф (юнонча *mythos* – сўз, афсона, ривоят) сўзи луғатда “Қадимги кишиларнинг борлиқ олам ҳақидаги ибтидоий тасаввурлари мажмуи бўлиб, коинотнинг яратилиши, инсон, ўсимликлар ва ҳайвонот дунёсининг вужудга келиши, самовий жисмларнинг пайдо бўлиши, табиий ҳодисаларнинг сабаблари ва моҳияти, афсонавий қаҳрамонлар, маъбудалар ва илоҳлар тўғрисидаги эътиодий қарашларни ўз ичига олади”<sup>9</sup>, – деб изоҳланган. “Мифология” мифларни ўрганувчи фандир.

Махмуд Кошгарийнинг “Девону луготи-т-турк” асаридаги “сав”, аввал айтганимиздек, “оталар сўзини эслаш” маъносини берса, уни туркий тилимиздаги “миф”ни ифодаловчи сўз дейиш мумкин. Араблардаги “асотир” ҳам шу маънени беради. Аммо бутун дунёдаги олимлар қадимги хикояларни “миф” деб аташгани учун ўзбек фольклоршунослигида ҳам айнан шу атамани қўллаш маъқул топилган.

<sup>9</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилд. – Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 602-603.

Ўрта Осиёда яшайдиган халқларнинг ўтмиш хаёти билан боғлиқ мифларнинг дастлабки намуналари “Авесто” китобида берилган. “Авесто” қадимги Хоразмда яшаган аждодларимиз ижоди маҳсулидир. Аввал оғзаки тарзда вужудга келган асар ёзув маданияти шакллангандан сўнг Зардушт ташаббуси билан 12000 мол терига олтин ҳарфлар билан битилди. XI асрдаги афсоналар қайд этилган “Китоби Дада Қўркүт” ва XIII асрда яшаган Ўғуз хоқон ҳакидаги “Ўғузнома” деб аталган китобларда (улардаги воқеалар, афсоналар матнининг анча аввал яратилганини билдиrsa ҳам илмий асарларда XI ва XIII асрлар қайд этилган) туркий қабила ва уруглар тарихи ҳакидаги мифик тасаввур ифодалари ўрин олган. Бу китоблар ҳакида бир оз кейин маълумот берамиз. Аввал миф ҳакидаги назарий ва амалий тафсилотларга тўхтамокчимиз.

Миф тушунчаси таркибини тотемизм, фетишизм, анимизм сўзлари ташкил этади.

**“Тотемизм”** сўзи лугат ва қомусий китобларда қайд этилишича, “унинг уруғи”дан олинган экан. Шимолий Америкада яшовчи қабилалардан бири кишилар билан ҳайвон ва ўсимликларнинг муайян турлари ўргасида қон-қариндошлиқ бор деб ҳисоблаганлар. У ҳайвонлар ов килинмаган, ўлдирилмаган, гўшти ейилмаган. Ўсимликлар эса эъзозланган. Бу одат дунёдаги ҳамма халқларнинг эътиқодида ҳам бор булиб, бугунги кунгача сақланиб келмоқда. Ҳинд ҳалқида, умуман, ҳайвонни сўйиш, яъни қон чиқариш маъкулланмаган. Айниқса, сигирлар алоҳида эъзозланган. Австралияда кенгуру алоҳида ҳурматга эга ҳайвон ҳисобланади. Ўзбекларда бўри, туя, айик, от, қўй, илон, балиқ, қалдирғоч, бургут, хўroz, мусича каби ҳайвон ва қушларга ҳурмат билан қаралган. Мустакил Ўзбекистон гербидаги ҳумо күшининг тасвири борлиги ҳам бежиз эмас. Шунингдек, ҳалқимиз чинор, бехи, анор, тол каби мевали ва мевасиз дараҳтларга ҳам алоҳида эътиқод билан қарайди. Тўтри, юкорида саналган ҳайвон, қуш, дараҳтларнинг тотем сифатида ҳурматга сазоворлиги бор. Аммо бир оз фикр юритсан, уларга бўлган эътиқод илдизларида ўзгача, алоҳида маъно борлиги ҳам англашилади. Жумладан, бўрининг мустакил ҳаётга боғлиқлиги, мардлиги; туюнинг сувсизликка чидаши; отнинг инсонга вафодорлиги, зийраклиги; бургутнинг бақувват ва жангари куш экани; чинорнинг узоқ умр кўриши; анорнинг ичидаги доналарининг кўплиги (фарзанд белгиси сифатида), толнинг салқини ва ундан бешик,

дўмбира ясалиши каби фазилатлар халқ орасида шухрат топгани ҳам маълум. Қадимги афсоналарда, эртакларда бўри, илон, айик, от, қалдирғоч каби образларнинг кўплаб учраши бежиз эмас. Шу билан бирга халқ тушунчасида қўйнинг инсон ўрнига қурбонлик килинишини ҳам эсдан чиқармаслик керак. Фарзанд туғилганда, турли эҳсон маросимларида қурбонлик учун қўй сўйилади. Халқ орасида қўй одамнинг ўрнига қурбонлик килиш учун яратилган, деган тушунча бор. Бу тушунчаларнинг асосини тотемизм изохлайди. Маълум сабаблар билан ёки тўғридан-тўғри болага Бўрибой, Бўритош, Гуркибой, Бўрихон, Лочин, Арслон, Қўзибой, Барчин, Суксур деган исмларнинг берилишида ҳам тотемизм таъсири аниқ сезилади. Ҳар бир дараҳтнинг жони бор. Уни синдириш баҳтсизликка олиб келади. Узоқ яшаган дараҳтни кесиш хосиятсиздир. Отни сўйишда бирор айбни бўйнига қўйиш керак деган эътиқодлар ҳам тотемизмга алоқадор ҳисобланади.

**“Фетишизм”** сўзи лугат ва қомусий китобларда португалча “feítico”, франсузча “fetiche” – сехрли нарса маъносини ифодалаши қайд килинган. Унинг асосини қадимги замон одамларининг жонсиз нарса-предметларда илоҳий фазилат бор деб тушунишлари ташкил этади. Маълумки, инсон ҳёти давомида ўзи билмагани ҳолда қуёш, ой, юлдузлар, тог, сув каби нарсалар билан ҳам муносабатда яшайди. Айникса, қуёш, сув инсон тақдирида мухим аҳамият касб этади. Қадим замонларда яшаган аждодларимиз ўзларича пичоқ, нон, ўчоқ, тандир, дўппи, китоб, супра, айникса, ўқ, ёй каби нарсаларни ҳам муқаддас ҳисоблаганлар.

Faфур Ғуломнинг “Шум бола” киссадасида шундай лавҳа бор: “Мен билмаган эканман. Ўтнинг тафтига лишиамдаги ёғ эриб, почамдан оқмоқда экан. Ойим кўлидаги хамир ёйиб ўтирган ўқлов билан бошимга астагина урди.

– Жувонмарг, кап-кatta бола, уйлансанг боланг бўлади, шу ерда, шундай Фотимаи Захронинг дастгоҳлари бўлган кутлуг ерда сийиб ўтирибсанми?

Ойим бошимга ўқлов билан урганда, қалпоқ тагида бўлган тухум пачоқланган эди”<sup>10</sup>.

Киссада Faфур Ғулом қаҳрамони Шум боланинг ўчоқ қаршисида ножӯя иш килиб ўтиргани учун онаси ўқлов билан урганини тасвирлаган. Чунки ўчоқ ўзбекларда муқаддас ҳисобланган. Бундай

<sup>10</sup> Ғулом F. Шум бола. Биринчи китоб. Т., 1963. 11-бет.

акидалар бўйича йигит кишининг дўппи, пичоқ, китоб, қилич, ёй йўқотиши, хоҳ ўнгидা, хоҳ тушида бўлсин ёмонлик белгиси ҳисобланган. Йигит киши зотли от, кескир қиличга эга бўлса, у ўз тенгдошлари ўртасида хурматли инсон сифатида улуғланган. Узок сафарга кетаётган йигитга нон тишлатиши, кечки овқат пайтида бир косада қўшимча овқат сузиб қўйиш, киз боланинг сўзана тикиши ёки унга атаб гилам харид қилиш, йўлда садака сўраган кимсага эҳсон бериш, узок хаста ётган одам вафот этганида, унинг тобути оркасидан тош отиш каби одатларимизнинг пайдо бўлиши ҳам фетишизм билан алоқадор.

Фетишизм тушунчасида турли нарса-предметлардан ташқари ранглар, туш ҳам сакланиб қолган. Оқ, қора, қўк, яшил, қизил, малла каби ранглар муайян маънони билдирган. Ўзбекистон байрогидаги яшил, оқ, қўк, улар оралиғидаги қизил, бурчакдаги ой ва 12 юлдузларнинг ҳаммасида рамзий маънолар мужассамлашган. Одатда, яшил ёшлиқ, қизил, бир томондан тўқилган кон, иккинчи томондан, қизлик ғуурури, оқ ҳаёт, қора, бир томондан фожиа, иккинчи томондан, буюклиқ, улуғлик, малла етуклиқ, балоғат маъноларини акс эттирган. Агар Бобур асарларига ишланган қадимги миниатюра расмларига зеҳн солсангиз, подшохларнинг тепасида бир хизматкорнинг оппоқ сочиқка ўхшаш мато кўтариб турганини кўрасиз. Бу одат подишохнинг келажаги галабаларга бой эканини, юртининг тинчлигини, ўзининг мустақиллигини таъкидлаш мақсадини амалга оширган.

Халқимизнинг қадимги инончларида туш ҳам муҳим аҳамиятга эга бўлган. Ақлли одамлар инсондаги туш кўриш хусусиятини алоҳида фазилат деб билганлар. Улар тушни хосиятли, хосиятсиз ва эътибор берилмайдиган турларга бўлганлар. Ҳатто туш таъбирлари баён этилган китоблар ҳам яратилган. Энг қадимий бундай китобларнинг бири “Ирқ битиг” деб номланган. Китобда:

“Мен Осмон ўғли кундуз ва кечкурун  
Олгин тахтда ўтириб,  
Шодланяпман  
Билиб кўйинг: бу – яхши”...  
“Отни нотүгри тушовлади.  
Юришга мажоли йўқ, дейишидаи.  
Билиб кўйинг: бу – ёмон”

каби матнлар келтирилганды. Мазкур матнларда одам тушида күриши мүмкін бўлган лавҳалар ижобий ва салбий оқибатлар ҳақида хабар берувчи омил бўлиб келади.

Ислом дини тарихида Мұхаммад пайғамбаримиз (с.а.в.)га пайғамбар шарафига эга бўлиш хабари ҳам тушда аён бўлгани ҳақида кўплаб маълумотлар бор.

Фетишизмдаги туш унсуридан бадиий адабиётда ҳам кўп фойдаланилган. “Алпомиш” достонининг ўзида туш бир неча ўринларда қаҳрамон тақдирини белгиловчи хабар сифатида баҳши Фозил Йўлдош ўғли томонидан кўлланган. Эргаш Жуманбулбул ўғли эса “Кунтуғмиш” достонида Кунтуғмишнинг Холбека билан учрашишини тасвирлашда тушдан фойдаланган. Ёзма адабиётда Алишер Навоий “Сабъай сайёр” достонида Баҳромнинг ботқок фожиасидан сўнг тушига кирганини ва Ҳусайн Бойкарога юртнинг тақдиридан четда қолган подишлоҳнинг қисмати аянчли эканини айтишни ифодалаган. Бундай ўринларда ёзма адабиёт вакиллари мажозий йўл билан подишлоҳларга маслаҳат бериш усулини қаپф қилганлар, дейип мумкин.

“Анимизм” лотин тилидаги “anîma”дан олинган бўлиб, илмий адабиётларда жон, рух маъносини англатиши таъкидланади. Анимизмга биноан қадимги аждодларимиз дунёдаги ҳамма нарсанинг жони бор, деб билганлар. Ибтидоий даврда инсон тана ва руҳдан иборат ҳисобланган. Рух танани тарқ этганда инсон ўлади, деб ўйлашган. Ҳар бир нарсага бу тушунча татбиқ этилган. Шунинг учун мифологиядаги тотемизм ва фетишизм ҳодисаларига ишонч билдиришни, уларнинг мавжудлигига бўлган эътиқодий муносабатни анимизм билан боғлаш маъқул. Соддарок қилиб айтганимизда, одамнинг тотемизм ва фетишизм ҳодисаларига ишониши уйғун ҳолатда анимизмда намоён бўлади. Сўзнинг магик – мўъжизавий кучидан фойдаланиб инсон руҳиятига таъсир этиш, уни хасталикдан ҳалос этиш, табииатига руҳий тетиклик бағишилаш анимизм фазилатлари ҳисобланади. Шунинг учун ҳалқ баҳшилари деганда баҳшилик, яъни шифо бағишилаш маъноси сақланиб қолган.

Ҳаёт тараққий этиб, аста-секин мифлар, худолар, афсонавий қаҳрамонлар, воқеа-ҳодисалар ўрнида илмий қашфиётлар пайдо бўлди. Жумладан, ернинг думалоқ экани, ой ва қуёшнинг тутилиши, ер кимирлашлар замон ўтиши билан олимлар томонидан илмий асосланди. Шу тариқа инсон табиат ҳодисаларига аралашди.

Дехқончилик, чорвачилик соҳасида хаётий янгиликлар рўй бера бошлади. Мифларда тасвирланган қаҳрамонликлар эса урф-одатларда сақланиб қолди. Натижада, бадиий тафаккур ривожлангани сари оғзаки ижодда мукаммалик устувор ўринга чиқди. Хуллас, “Авесто”, “Китоби Дада Кўркут”, “Ўғузнома” каби асарларнинг ёзма нусхалари вужудга келди.

“Авесто”нинг яратилганига яқин уч минг йил бўлди. Унда Зардушт – оташпараастлик динининг асосий қонун-қоидалари акс этган. Зардушт Мазда Ахурага мурожаат қилиб, дунё, инсон, коинот, ҳақиқатнинг вужудга келиши ҳақида сон-саноксиз саволлар беради. Китобнинг бугунги кундаги аҳамияти юртимизда истикомат қилган аждодларимиз қадим замонларда ҳам меҳнат, ҳақиқат, озодлик, покликка алоҳида ҳурмат билан қараганликлари ҳақида ҳозирги фарзандларига хабар беришидалир. Ҳусусан, ерга дон экиш, ҳосил йиғиш ҳақида шундай дейилади: “Кимдаким буғдой экса, у Ашаҳ (Ҳақиқат) ни экади. У Мазда динини яна ва яна кўкартиради...

Қачонки эгатларда уруғ стилса, девлар ўринларидан қўпадилар.

Қачонки буғдой гуркираб кўкарса, девлар даҳшатдан титрай бошлайдилар.

Қачонки буғдой ун бўлса, девлар нола чекадилар.

Қачонки буғдой хирмонга уюлса, девлар нобуд бўладилар.

Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, у хонадонга девлар яқинлаша олмайдилар.

Қай бир хонадонда буғдой бош чиқарса, девлар у хонадондан қочадилар.

Қай бир хонадонда буғдой омбори бўлса, гўё киздирилган темир девлар бўйинни чирмаб ташлайди”<sup>11</sup>.

Агар юқоридаги матнни зеҳн билан ўқисак, инсон меҳнати бутун ёмонлик ва фожиаларни даф этувчи куч экани аниқ сезилади. Буғдой сўзини хоҳланг айнан қабул қилинг, хоҳланг меҳнат орқали оиласи қўллаш маъносида тушунинг, барибир ҳар бир шахс ўз оиласи хаёти, келажаги учун ўзи ҳаракат қилиши лозимлиги таъкидланади. Бу насиҳатга амал қилиш инсонни, қонкариндошларни турли ёвузликлардан асрashi девларнинг хонадондан қочиши мисолида аниқ қўрсатилган.

<sup>11</sup> Авесто. Тарихий-адабий ёдгорлик. – Т.: Шарқ НМАК, 2001. – Б. 115.

“Авесто”да инсон қасамининг аҳамияти, унинг инсон эканлиги билан боғлиқлик хам кўрсатилган:

“ – Эй дунёни яратган Зот!

Эй Ҳақиқат!

Қасамларнинг саноғи нечадир?

Ахура Мазда жавоб берди:

– Менинг қасамларим олтита:

Биринчи – сўз қасами;

Иккинчи – кўл қасами;

Учинчи – кўй қасами;

Тўртинчи – сигир қасами;

Бешинчи – одам қасами;

Олтинчи – экин қасами; энг яхши, энг обод, энг серҳосил заминдаги экин”<sup>12</sup>.

Бу қасамларнинг тартибига эътибор беринг. Биринчиси – сўз қасами. Инсоннинг сўзи унинг ори, уяти, ғурури экани кайд этилмоқда. Охирги қасам эса инсон оиласининг баҳоси билан ўлчанмоқда. Зардушт бу қасамларни бузиш қандай жазоланиши ҳақида сўраганда, Ахура Мазда жавобларини баён этади. Бу жазоларни ўқиганингизда, этлар жимиirlашиб кетади. Қасамнинг бузилиши уни берган одам учун ўлим экани аниқ сезилади.

Умуман, “Авесто” билан танишиш асарнинг комусий мазмунга эга эканини кўрсатади. Айрим парчалар худди бутунги кунда ёзилгандек туйилади:

“Ёмон тарбиячи ўз таълими билан илоҳий сўзларни тескари қилади ва тириклик идрокини хароб қилади”.

“Ўзгаларни яхшиликка олиб борган кимсаларгагина яхшилик насиб этади”.

“Фикр, сўз ва амал оламидан эзгу фикр, эзгу сўз ва эзгу амални танлайман”.

“Ерга яхши ва кучли уруғ сепмок дунёдаги энг зарур қонун ҳисобланади”.

Хатто, китобда айтилишича, қарз олиб, қарзини бермаган одам ўғрилик қилган кишига тенглаштирилади. Оловга нопок нарсани ташлаб ёкиш қораланади.

“Авесто” китобида эзгулик оламини яратувчи Ахура Мазда билан ёмонлик олами худоси Анgra Маню (Ахриман) қарама-қар-

<sup>12</sup> Ўша жойда. – Б. 117.

ши кўйилган. Улар ўртасидаги муносабатни тасвиirlащ давомида Митра, Анахита, Каюмарс, Жамшид, Гершасп каби каҳрамонлар иштирок этган воқеалар баён этилади. Хуллас, “Авесто” уч минг йил муқаддам яшаган ота-боболаримизнинг ҳаёт тарзи қандай бўлганидан аник ва далилий хабар берувчи гўзal тарихий-адабий ёдгорликдир. Унинг ҳозирги бизга маълум бўлган энг қадимги 1324 йилда кўчирилган нусхаси Копенгаген шаҳрида сакланади.

Профессор Н.М.Маллаевнинг маълумот беришича, мифлар ҳақида яна “Бундахишин” китоби ҳам бор. “Мифологияга кўра, Гайа Мартан (Каюмарс) ер юзида пайдо бўлган биринчи одам бўлиб, гўё у Аҳура Мазда (Хурмуз) томонидан яратилган ва икки вужуддан: ҳўқиздан ва одамдан ташкил топган экан. Инсониятнинг ашаддий душмани бўлган Аҳриман Каюмарсни ўлдиради. Каюмарс жасадининг ҳўқиз кисмидан 55 хил дон, 12 хил ўсимлик, сигир ва ҳўқиз, улардан эса 272 хил фойдали ҳайвонлар пайдо бўлади; одам кисмидан инсоннинг эркак ва аёл жинси ҳамда металл вужудга келади”,<sup>13</sup>.

Туркий халқлар мифик дунёси акс этган тарихий-адабий китоблардан бири “Китоби Дада Қўрқут” хисобланади. Қўрқут ота исми билан ҳам машҳур бўлган Дада Қўрқут ўз вақтида одамларга яхшилик қилиш, мушкулларини осонлаштирища кўмакдош бўлган. Келгуси ҳаёт ҳақида башорат килювчи, Аллоҳ назар солган табаррук инсонлардан бири сифатида ҳурмат тонган. Ҳазрат Алишер Навоий “Насойиму-л-муҳаббат” тазкирасида бу зот ҳақида шундай дейди: “Қўрқут ота р.а.

Турк улуси орасида шуҳрати андин ортигрокдурки, шуҳратка эҳтиёжи бўлгай. Машхур мундоқдурки, неча ўзидин бурункини, неча йил ўзидин сўнгги келурни дебдурлар. Кўп мавъизомиз магъзилик сўзлари арода бор”<sup>14</sup>. Навоий томонидан айтилган фикрдаги сўнгти жумлагагэ эътибор қилсан, Дада Қўрқут ўз ҳаёти давомида қилган ишлари, маъноли сўзлари билан юртда машхур эканлиги маълум бўлади. Ҳақиқатан ҳам, китобда катта ҳаёт тажрибасига эга улуғ ёшли инсоннинг дунё ҳакидаги холосавий фикрлари ўрин олгандек туйилади. “Аллоҳ, аллоҳ демагунча иш унмайди, қодир Тангри бермагунча ер бойимайди”, – дейди у. “Такаббурликни Тангри севмайди. Паға-паға қор ёғса ҳам ёзга қолмайди. Қари

<sup>13</sup> Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1976. – Б. 45.

<sup>14</sup> Алишер Навоий. Насойиму-л-муҳаббат. Муқамал асарлар тўплами. 17-том. – Т.: Фан, 2001, – Б. 421.

дushman дўст бўлмайди” каби доно фикрларни баён қилади. Дада Кўркут тилга оид кизик фикрларни ҳам билдиради. Хусусан:

“Айран сўзин дуйран демадим, ман Дада Кўркут  
Тикан сўзин сўкан демадим, ман Дада Кўркут”, – дейди у.

Бу ўринда “айрон” сўзида айирмоқ, “тикон” сўзида эса тикмоқ маъноси борлигига ишора қилинмоқда. Аслида эса айрон катикка ёки сузмага сув кўшишдан ҳосил бўлиши, тикан эса жароҳат етказганда, тикмаслиги, балки баданни сўкиши қайд этилмоқда. Шубҳасиз, “Китоби Дада Кўркут”нинг киммати унда берилган 12 афсона билан янада ортади. “Бўгочон”, “Тепа кўз”, “Эмрон”, “Согрек”, “Бамси Бейрек” каби афсоналарда туркий халклар оғзаки ижодининг дастлабки намуналари, мифик дунёқарашга асосланган воқеалар тасвири берилган. Хусусан, ўғил-қизи бор одамлар билан фарзандсизларни ажратиш, отага ўғилни ёмонлаб отанинг ўғли котилига айланишини тасвирлаш, конли кўйлакни кўрсатиб, кўйлак згасини ўлдига чикариш, циклоп (пешонасида бир кўзи бор алти) – тепа кўздан элни озод қилиш, кизни қўриқлаётган ҳайвонларни енгиб, кизга уйланиш, турмушга чиқадиган кизни мусобакада енгиб унга эга бўлиш каби узоқ ўтмишга оид асарларда тасвирланган воқеалар билан танишамиз. “Китоби Дада Кўркут” туркий халклар мифологияси акс этган энг кадимги мукаммал китоблардан биридир.

Туркий мифологияга оид воқеа-ходисалар тасвирланган яна бир китоб “Ўғузнома” деб аталади. “Ўғузнома”да воқеалар баёни киска-қисқа жумлалар воситасида берилган. Жами 42 мактубни эслатувчи матннинг ҳар бирида тўққизтадан жумла бор. Ҳар бир жумла ифодаланаётган воқеа хақида муҳим маълумот бериш вазифасини бажарган. Ўғуз исмли қаҳрамон бўлиб, номада тасвирланишича, оёғи ҳўқизникidek бақувват, бели бўриникидек ингичка, яғрини силовсинникидек, кўкраги айиқникidek кенг эди. У йилки бокиб юрадиган ўрмонда каркидон яшарди. Каркидон эл-юртни азобга ботирганди. Ўғуз когон ёвуз ҳайвонни ўлдириш учун овга чиқди. Уни ўлдириди. Кўкдан бир нур тушди. Унинг ичиди бир қиз бор эди. Ўғуз уни севиб қолди, бирга бўлди. Кун, Ой, Юлдуз исмли фарзанд кўрди. Кейинроқ бир дараҳтни кўрди. Унинг кавагида бир қиз ўтирар эди. Ўғуз у билан бирга бўлди. Кўк, Тоғ, Тенгиз исмли фарзандларга эга бўлди. Ўғуз ўзини хон деб эълон килди. Итил

дарёсидан ўтиб кўп ерларни босиб олди. Унга бутун сафари давомида кўк бўри раҳнамолик қилди. Қирғин урушларда қатнашди. Ҳаммасида ғолиб чиқди. Бир кун туш кўрди. Тушида олтин ёй ва учта кумуш ўқ кўрди. Кейинчалик ёйни ва ўқни фарзандларига берди. Юртни уларга мерос колдирди.

Қисқача мазмундан маълум бўляптики, “Ўғузнома”да туркий халклар мифик дунёкарашидаги бўри, от, айик тотемлари, кун, ой, юлдуз, кўк, тоғ, денгиз, ёй, ўқ фетишлари муҳим ўрин олган. Ноңада Кўк бўри Ўғузхонга бир неча марта йўл-йўрик кўрсатади, уни хавфдан огоҳ қиласди, унга галаба хабарини беради. Бу билан анимизм белгиларининг “Ўғузнома”да етакчи эканини далиллаш мумкин.

Хуллас, ўзбек мифик оламини алоҳида бир сирли оламга қиёслаш мумкин. Унда халқимиз, юртимиз, тарихимиз ўзининг мукаммал рамзий киёфасини намоён этади. Айни чоқда ўзбек халкининг қадим замонлардан бой оғзаки ижодга ва мифик асарларга эга бой халқ эканини исботлайди.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. *Миф ва мифология ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?*
2. *Тотемизм, фетишизм, анимизм тушунчалари ҳақида гапиринг, уларнинг фарқини тушунтиринг.*
3. *“Авесто” ҳақида нималар биласиз?*
4. *“Китоби Ҷада Қўрқум” қандай асар?*
5. *“Ўғузнома”нинг қисқача мазмунини айтаб беринг.*
6. *Маҳалладаги қариялардан от, бўри, илон, бургут ва бошқа потем ҳайвонлар ҳақидағи ҳикояларни эшигинг, ёзib олинг.*
7. *Турии нарсалар, ранглар ва туши хосияти ҳақида маълумотлар тўпланг.*

### **Адабиётлар:**

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 43-56.
2. Маллаев Н.М. Ўзбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. – Т.: Ўқитувчи, 1971. – Б. 41-55.

3. Махмудов Т. “Авесто” ҳакида (сўнгги сўз) / Авесто. – Т.: Шарқ НМАК, 2001. – Б. 358-383.
4. Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг тарихий тараккиёти (қадимги давр фольклори) / Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. – Т.: Фан, 1988. – Б. 25-35.
5. “Авесто” тарихий-адабий ёдгорлик. – Т.: Шарқ НМАК, 2001.
6. Dede Korkut Kitabî (Metin - Sözlük). Prof. Dr. Muharram Ergin. – Istanbul: Ebgi, 1986.
7. Дада Кўркут ҳикоялари (таржимон З. Очилова). – Т., 2010.
8. Ўғузнома (нашрга тайёрловчи Бахтиёр Исабек). – Т.: O‘zbekiston, 2007.



---

## ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ ЖАНРЛАРИ

Хар бир фан, соҳанинг муҳим назарий масалалари бўлади. Бадиий адабиётни ўрганувчи фан адабиётшунослик деб аталади. Халқ оғзаки поэтик ижодини ўрганиш соҳасини фольклоршунослик деймиз. Фольклоршунослик адабиётшунослик таркибидағи мустакил фан ҳисобланса-да, ўрганиш обьекти бадиий адабиёт бўлгани сабаб бир қатор умумий ва муштарак жиҳатлари бор. Хусусаң, жанрлар масаласи адабиётшунослик учун ҳам, фольклоршунослик учун ҳам муҳим ҳисобланади. Факат адабиётшуносликда ёзма адабиёт вакиллари қаламига мансуб ғазал, рубойй, достон, нома каби (мумтоз адабиёт); шеър, ҳикоя, роман, драма кабилар (замонавий адабиёт) нинг жанр хусусиялари ўрганилади. Фольклоршуносликда эса халқ оғзаки адабиётидаги мақол, қўшиқ, эртак, достон каби жанрларнинг ўзига хослик томонлари тадқиқ этилади. Аммо қайси шаклда яратилган адабиёт эканидан қатъи назар ҳар бир йўналишдаги ютуқлар ва каашфиётлар адабиётшунослик илми тараққиётига қўшилган ҳисса сифатида баҳоланаверади. Аввало, бадиий асарлар яратилиш жинси ёки турига кўра уч хил бўлишини эсга олайлик. Бадиий адабиёт – сўз санъати экани ҳақида маълумот берганимизда жинс ва турларни айтиб ўтган эдик. Энди ана шу тушунчаларни мустаҳкамлаймиз. Умуман олганда, жаҳон адабиётида учта жинснинг мавжудлиги (эпос, лирика, драма) кайд этилган, тан олинган. Жанр деганда, ана шу учта жинсдаги асарлар таркибини ташкил қилувчи кичик турлар тушунилади. Масалан, ёзма адабиётда эпик асарлар турини роман, кисса, ҳикоя жанрлари, оғзаки адабиётда эртак, достон, латифалар ташкил этади. Яъни жинс номи сақланиши, таркиби эса асар яратилиш усулига кўра (оғзаки ёки ёзма) бошқа-бошқа жанрлардан иборат бўлиши мумкин.

*Эпос* – юононча “*epos*” – ривоя, ҳикоя, қўшиқ сўзидан иборат бўлиб, бадиий адабиётда воқеа, ҳодисани баён килиш, хаётий лавҳанинг тафсилотларини ифодалаш маъносини англатади. Таърифдаги “қўшиқ” сўзига ажабланиш керак эмас, чунки қадимги

юнонлар назарда тутган кўшиқлар сўзниң ҳозирги пайтда тушунилишидан фарқли равишда воқеа-ҳодисани баён қилиш хусусиятига эга эди. Бадиий адабиётдаги эпик жинсда бирон воқеа бадиий сўз воситасида ҳикоя килинади. Ҳалқ оғзаки ижодида бундай жинсга мансуб жанрлар афсона, накл, ривоят, эртак, достон, айрим термалар, латифа, лоффлардан иборатдир. Мазкур назарий масалани илмий асосда ўрганган олим Баҳодир Саримсоқов аввал қайд этилган уч жинс қаторига тўртинчисини ҳам қўинган ва “махсус тур” деб атаган. Бу тур таркибини: “оддий ўтириш олқишилари, қарғиц, сўкиш, мақол, матал, топишмоқ ва бошқа хилдаги юмуқ иборалар”<sup>15</sup>, – деб белгилаган. Ҳакиқатан ҳам, қайд этилган жанрларда бир томондан муайян вазият, воқеа-ҳодиса ҳакида тасаввур ҳосил қилиш учун аниқ маълумот, ахборот мавжуд бўлишига қармай, айтилган матннинг ҳажм жиҳатдан ўта ихчамлиги алоҳида кўзга ташланади.

Таникли фольклоршунос олимлардан В.М.Жирмунский ва Ҳ.Т.Зарифов ўзбек ҳалқ оғзаки ижодидаги достонларни “Қаҳрамонлик эпоси” деб атаганлар. 1947 йилда Москвада эълон қилинган катта ҳажмдаги китобни “Ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик эпоси” деб атаганлар ва унда “Алпомиш”, Гўруғли туркумига оид достонлар, “Кунтуғмиш” каби ишқий-романик достонлар таҳлил этилган.

*Лирика* – лира деб аталган қадимги юон мусиқа асбобининг номидан олинган бўлиб, бадиий адабиётда инсон ҳис-туйғусини, ички кечинмаларини ифодаловчи асарлар назарда тутилади. Маълумки, ҳаётда турли воқеа-ҳодисалар рўй беради. Лирик асарларда ана шу турмуш лаҳзалари таъсирида шахс қалбida пайдо бўлган кечинмалар ифодаланади. Ана шу хусусияти билан лирика эпосдан фарқланади. Чунки бундай асарларда бош мақсад содир бўлган ҳаётий воқеани эмас, балки ана шу воқеага нисбатан ички муносабат тарзида ифодаланувчи руҳий таассуротларнинг намоён бўлишини изоҳлайди. Шунинг учун лирик асарларда акс этган воқеа баёнини айнан эмас, нисбий тушуниш лозим. Масалан, “Алпомиш” достони “Бурунги ўтган замонда, ўн олти уруг Кўнгирот элида Добонбий деган ўтди. Добонбийдан Алпинбий деган ўғил фарзанд пайдо бўлди. Алпинбийдан тағин икки ўғил пайдо бўлди: катта-

<sup>15</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек фольклорининг жанрлар состави / Ўзбек фольклори очерклари китобида. 1-том. – Т.: Фан, 1988. – Б. 66.

конининг отини Бойбўри кўйди. Кичкинасининг отини Бойсари кўйди”, – деб бошланади. Ўз-ўзидан маълумки, Фозил Йўлдош ўғли достонни тингловчига айтилажак асардағи воқеалар қандай бошлангани юзасидан маълумот бермоқчи. Матнда баҳши Қўнғирот, Добонбий, Алпинбийлар билан тингловчини таништирумокда. Аслини олганда, достоннинг тўлиқ мазмуни ана шундай хабарлар тизимидан иборат. Энди лирик қўшиқдан бир намуна келтирайлик:

“Толга чиқиб тол бўлдим,  
Тушолмай беҳол бўлдим.  
Ўз тенгимнинг ичидаги  
Мунча бетоле бўлдим”<sup>16</sup>.

Қўшиқ айтаётган қизми, йигитми толга чиққани, тушгани ҳақида хабар берәётгандек туйилади. Ваҳоланки, унинг мақсади бизга қилган ҳаракатини айтиш эмас. Балки ўз тенгини топа олмай калбан изтироб чекаётганини изхор қилишдир. Тол эса шунчаки бир восита, холос. Одатда, қўшиқларнинг дастлабки мисралари, кўпинча, тингловчини chalғитиш ёки ниманидир ифодалаш мақсадида тўқилади. Асосий мақсад охириги мисрада, баъзан 3-4-мисраларда ифодаланади.

Яна бир қўшиқ матнига мурожаат қиласайлик:

Дайрани ул юзидан сел келади,  
Сел билан икки ўрдак teng келади.  
Ўрдакка ўрдак муносиб, ғозга ғоз,  
Йигитга қайлик муносиб, қизга ноз.

Бу қўшиқда дарёдан тошиб келаётган сел, сел билан тенг учайдан ўрдак, ўрдакнинг ўрдакка, ғознинг ғозга муносиблиги, йигитнинг орзу килган қизда ноз, истиғнони кўриш ҳаваси борлигини ифодаловчи восита, бир баҳона, холос. Йигитнинг асосий нияти ўзига муносиб деб билган ёр тавсифи, унинг ўта андишли қиз эканини таърифлашдир. Шундай қилиб, инсон қайси восита билан бўлмасин, ўзининг ҳис-туғусини, ички кечинмаларини, руҳий ҳолатини изхор килар экан, лирик асар намунаси вужудга келади. Шунинг учун ҳам айрим иқтидорсиз шахсларнинг

<sup>16</sup> Оқ олма, қизил олма. Қўшиқлар. – Т., 1972. – Б. 86.

маъносиз кофиялар йиғиндисидан иборат шеърий асарларини лирика намунаси деб бўлмайди. Ҳакикий маънодаги лирик асар инсонни локайд колдирмайди, унга маънавий ҳузур бағишлайди, эстетик роҳат беради.

Халқ оғзаки ижодидаги ҳар бир лирик кўшик қачонлардир дил сўзларини айтиш билан руҳий оламидаги ўзгаришларни билдиromoқчи бўлган йигит-кизларнинг қалб дафтаридағи муҳрланган мисралардан иборат. Ҳатто болалар фольклорига мансуб аллаларни оласизми, “Бойчечак”, “Офтоб чиқди оламга” кўшиқларини оласизми, лирик асарлар талабига жавоб бериши шарт деб ҳисоблаш керак. Хуллас, лирик кўшиқлар асрлар давомида халқ оғзаки ижодидаги қалб изҳорини ифодаловчи асосий жанр сифатида яшаб келган сўз дурдоналаридир.

*Драма*. Юнонча “drama” сўзидан олинган бўлиб, ҳаракат, танглик, мушкуллик маъноларини билдиради. Бадий адабиётда “драма” сўзидаги ҳаракат маъноси асос қилиб олинган ва муайян воқеа-ҳодисани саҳнада ҳаракат орқали ифодалаш тушунчаси назарда тутилади. Шубҳасиз, мазкур ҳаракат орқали сўз воситасининг етакчилигини инкор қилиш мумкин эмас. Драматик асарларда вакт, макон чекланган бўлади. Воқеанинг моҳияти драма иштирокчиларининг нутқлари билан очилади.

Халқ оғзаки ижодида драматик жанрларни, Баҳодир Саримсоқов фикрича, оғзаки драма, кулки – ҳикоя, қўғирчоқбозлик, асқия жанрлари ташкил этади. Бу асарларни ижро қилувчилар факат оғзаки нутқлари билангина эмас, товуш товланиши – интонация, юз, кўз, бош, кўл ҳаракатларини ишга солиб ҳам образ яратадилар. Оқибатда, томошабин тингловчиларни ўзига жалб қиласиган театрлашган томоша кўриниши вужудга келади. Мисол учун Йўлдош Аъзамов режиссёрлик қилган “Ўткан кунлар” бадий фильмидаги Худоёрхон ва Мусулмонкул қиёфалари билан ўйналган қўғирчоқбозликни эслашингиз мумкин. Халқ драмаси ҳақида яхшироқ тушунчага эга бўлишни истасангиз, Абдулла Қодирийнинг “Мехробдан чаён” романидаги “Хон кўнгил очмоқчи” ва “Қизиқлар”<sup>17</sup> бобини ўқиб чикишингизни маслаҳат берамиз.

Халқ драмаси қатнашчилари асар мазмунини ўзлари ўйлаб топадилар. Томошага йигилган одамлар ўргасида қаллоб қози, жиноятчи, жабрланувчи, ўрпешона она ёки хотин, баҳтсиз ота,

<sup>17</sup> Қодирий А. Ўткан кунлар. Мехробдан чаён. – Т., 1992. – Б. 418-426.

ландовур фарзанд каби ролларни бажарадилар. Узоқ ўтмишдан тортиб ўтган асрнинг ўрталаригача бозорларда, гузарларда кизикчилашнинг саҳна кўринишларини ўюштиришлари оддий одат эди.

Аския эса маҳсус сўз ўйини мусобақаси тарзида тўйларда, сайилларда, йигинларда ўтказилган. Аскиябозлар икки, баъзан учтўрт гурухга бўлинниб танланган мавзу доирасида сўз асос бўлган беллашувларда куч синашганлар. Бундай анжуманларда аския иштирокчиларининг турган жойлари ўз-ўзидан саҳнага айланиб қолар эди. Тингловчилар эса аския жозибасига маст бўлиб, каерда ўтирганларини ҳам билмай қолар эдилар. Шунинг учун юқорида қайд этилган жанрлар драматик тур таркибини ташкил этган.

Шундай қилиб, халқ оғзаки ижодидаги асарларнинг жинс ва турлари, улардаги жанрлар таркиби ҳақида умумий фикрга эга бўлдик. Энди мазкур жанрларнинг ўзаро муносабати юзасидан энг муҳим тушунчалар ҳақида тўхтаб ўтамиз. Аввалроқ қайд этганимиздек, бадиий адабиёт яратилиш усулига кўра оғзаки ва ёзма ижоддан иборат. Оғзаки ижод ёзув маданияти шаклланишидан анча олдин вужудга келган. Аммо оғзаки ижоднинг ўзи пайдо бўлишида қадимги мифларнинг ўрни ва аҳамияти бекиёсdir. Филология фанлари доктори, профессор Б.Саримсоқовнинг чуқур илмий тадқиқотида миф халқ оғзаки ижоди асосини ташкил эташи айтилади<sup>18</sup>. Миф бадиий ижод турига кирмайди. Чунки унда бадиийлик даражаси ниҳоятда паст босқичда намоён бўлади. Бинобарин, миф халқ оғзаки ижоди таркибидан ўрин ололмайди. Лекин оғзаки ижод асаларининг шаклланишида диффузион жараён амалга ошган. Диффузия – лотинча “diffusion” – сўзидан олинган бўлиб, сингиш, тарқалиш маъноларини беради. Молекулалар, атомлар, ионлар ва коллоид зарраларининг тартибсиз иссиқлик характеристикасида бир модданинг иккинчи моддага ўз-ўзидан ўтиши, бирининг иккинчисига “сингиб кетиши”. Қарангки, аник фанлардаги диффузион жараён мифдан халқ оғзаки ижоди жанрларининг пайдо бўлишида бош омил бўлган экан. Хусусан, Б.Саримсоқов шундай ёзади: “Фольклористикада диффузия термини бирор жанр, мотив ёки образнинг иккинчи бир жанр, мотив ёки образга кириб бориши, сингиши натижасида уларнинг табиатида содир бўладиган структурал, семантик ҳамда функционал ўзгаришларга нисбатан

<sup>18</sup> Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 97-148.

кўлланилади”<sup>19</sup>. Соддарок қилиб айтганда, мифдан воеа тасвири, яхшилик ва ёвузлик ўртасидаги муросасиз кураш, образнинг дастлабки элементлари таркибида аста-секин афсона; афсона таркибида эртак; эртак ривожи натижасида достон жанрларининг шаклланиши ва алоҳида жанр сифатида мустакил тарақкий этишини оғзаки ижоддаги диффузия жараёни билан изоҳлаш мумкин бўлади. Таникли фольклоршунос олимлар В.Я.Пропп, Е.М.Мелетинский, З.П.Соколова халқ эртаклари бевосита мифдан вужудга келганигини тўлиқ тасдиқлаганлар.

Тахмин қилиш мумкинки, диффузия тизими асосида халқ оғзаки ижодидаги йирик ҳажмдаги эпик асарлар шаклланган. Лирик жанр кўшиқ, мақол, матал, топишмоқ ва бошқа кичик жанрлар оғзаки ижоднинг бадиий ижод сифатида шаклланиши жараёнида аста-секинлик билан пайдо бўлган. Мақол ва топишмоқлар жанри юзасидан маълумот берганимизда эртак ва достонлардан парча келтириш бежиз эмас. Бугунги кунда ҳар бир асар мустакил жанр намунаси сифатига эга бўлса ҳам, умуман, оғзаки ижодимиз асарлари матни билан танишганимиз сари жанрлар ўртасидаги алоқалар қанчалар узвий эканига ишонч ҳосил қилиб борамиз.

3.Хусайнова мақол ва топишмоқ ўртасидаги яқинлик ҳакида тўхтаб шундай дейди: “Топишмоқ маъно ва айтилиши жихатдан мақол бўлиб келиши мумкин. Бундай мақоллар дастлаб топишмоқ тар-зида вужудга келиб, кейинчалик мақолга айланган. Тил ҳакидағи

Бирорни сўйдирап,  
Бирорни кўйдирап.

Асалдан ширин,  
Захардан аччик

топишмоқлари

Сўйдирган ҳам тил,  
Кўйдирган ҳам тил.

Ширин сўз – шакар,  
Аччик сўз – заҳар

шаклида мақол сифатида кўлланилади”<sup>20</sup>. Олима болалар қўшиғи топишмоқ бўлиб келиши мумкинлигини айтиб мисол келтиради:

<sup>19</sup> Ўша жойда. –Б. 99.

<sup>20</sup> Хусайнова З. Топишмоқлар. Ўзбек фольклори очерклари. – Т., Фан, 1988. – Б. 110-111.

Ёмғир ёгалок,  
Тарвуз юмалок,  
Жаладан күркмас,  
Лакқа бақалоқ<sup>21</sup>.

Жанрлар ўртасидаги яқин алоқаны бир асарнинг достон ва эртак варианти борлигидан билса ҳам бўлади. Жумладан, “Тоҳир ва Зухра”нинг достон ва эртак варианtlари машҳур. Қизиги шундаки, эртакдан Тоҳир ва Зухранинг қўшик тарзидаги айтишуви ҳам ўрин олган:

*Toҳir:*  
Сув келар ахта-ахта,  
Сандигим темир тахта,  
Сендан бошқа ёр қилсан,  
Қон ютай лахта-лахта.

*Зухра:*  
Сув келар тош устида,  
Рўмолим қош устида.  
Тоҳир эсимга тушса,  
Йиғлайман ош устида<sup>22</sup>.

Достонларнинг халқ қўшиклари билан узвий алокасини “Алпомиш” достонида аниқ кўриш мумкин. Ҳакимбек Барчин билан Ултонтоз тўйи куни юртига қайтиб келади ва тўйда Култой қиёфасида қатнашади. Шунда у аввал Бодомбекач билан, кейин Барчин билан ёр-ёр айтишади:

“Култой”:  
Ой Барчиним ёр-ёр,  
Гул Барчиним ёр-ёр,  
Ақлинг бўлса, ўйла-да,  
Бил Барчиним ёр-ёр.  
Ултонтозга текканча,  
Ўл, Барчиним ёр-ёр.

<sup>21</sup> Ўша жойда. – Б. 113.

<sup>22</sup> Ойжамол. Ҳаётий эртаклар. – Т., 1969. – Б. 63.

*Барчин:*  
Уй демайин қайнага,  
Буй дейсана, ёр-ёр,  
Булбул қўнар тўқайнинг  
Жийдасина ёр-ёр.  
Ултонтозга текканча,  
Қора ерга тег дейсана ёр-ёр<sup>23</sup>.

Достон ва эртаклардаги тасвирий муштараклик хам алохида тадқиқот юритишга арзидиган мавзудир. Қахрамонларнинг ташки қиёфаси, қиз – маликаларнинг гўзаллиги тавсифи шу кадар ўхшаш тасвирланадики, баъзан матнни ўқиётганимизда асар достон ёки эртак эканини унугтиб қўямиз. Масалан, “Малика айёр” достонида Шозаргар вазият такозоси билан сичқонга, узукка, тиши олмос каламушга, боши олмос ўқ илонга, ва ниҳоят, кал қиёфасидаги қиморбозга айланади. Достоннинг бу саҳифалари кўпроқ эртаклардаги трансфигурация (бир қиёфадан бошқа қиёфага ўтиш) усулини эслатади.

Бундан ташқари афсона, ривоят, эртак, достон матнларида ўйлаб мақолларнинг қўлланилишига гувоҳ бўламиз. “Алпомиш” достонининг ўзида:

Султон суягини хўрламас.

Ғамли қулнинг ўйлайдиган ўйи бор.

Кучук босмас йўлбарс, шернинг изини,  
Эси бор билади гапнинг тузини.

Ўзингдан чиққан балога, қайга борасан давога.

Дўстга зор айлама, душманларга хор.

Элакка борган хотиннинг эллик оғиз гапи бор

каби бир қатор мақол, мatal, ҳикматли сўзлар асар матнини безаб турибди.

<sup>23</sup> Алпомиш. Достон. – Т.: Шарқ НМАК, 1998. – Б. 381.

Халқ оғзаки ижоди жанрлари, уларнинг таркиби, аввало, уларнинг жинс, тур, жанрларга бўлинишидан ташкари бир бутун мерос эканини тасдиқлайди. Жанрлараро яқинлик оғзаки ижоднинг асрлар давомида дунёкараши жихатидан яқин ижодкорларнинг иктидори маҳсули натижаси сифатида баҳоланиши мумкин. Оғзаки асар қайси жанрга тааллуқли эканидан қатъи назар ёш авлоднинг баркамол фарзанд бўлиб етишишини таъминлаш мақсадини амалга оширишда халқ хизматида бўлган.

### **Савол ва топшириклар:**

1. *Бадиий адабиётнинг, хусусан, халқ оғзаки ижодининг жинс (тур), жанрларга бўлинишини изоҳланг.*
2. Эпос, лирика, драманинг ўхшаши ва фарқли томонлари ҳақида сўзланг. Ҳар бир жинснинг хос хусусиятларини таърифланг.
3. Диффузия жараёнини Сиз қандай тушундингиз?
4. Халқ достонлари, эртакларидан намуналар ўқинг, улардаги бошқа жанрлар билан алоқали ўринларни аниқланг.

### **Адабиётлар:**

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. - Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 84-99.
2. Саримсоқов Б., Ўзбек фольклорининг жанрлар состави / Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. - Т.: Фан, 1988. – Б. 63-85.
3. Саримсоқов Б. Эпик жанрлар диффузияси / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. - Т.: Фан, 1981. – Б. 97-148.
4. Ҳусаинова З. Топишмоқлар / Ўзбек фольклори очерклари. 1-том. - Т.: Фан, 1988. – Б. 98-128.
5. Жўраев М., Нарзикулова М.. Миф, фольклор ва адабиёт. - Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон миллий кутубхонаси, 2006.
6. Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. - Т.: Фан, 2001.
7. Ойжамол. Ҳаётий эртаклар. - Т., 1969. – Б. 60-72.
8. Алпомиш. Достон. - Т.: Шарқ НМАК, 1998. – Б. 381.
9. Қодирий А. Ўткин кунлар. Мехробдан чаён. - Т., 1992. – Б. 418-426.

## АФСОНА ВА РИВОЯТЛАР

**Афсона** форс тилидан олинган бўлиб (افسانه), маъно моҳиятида икки тушунча етакчилик қиласи: 1 – бирор воқеани, лавҳани ҳикоя килиш; 2 – бу ҳикоя уйдирма, тўқималардан иборат бўлиши. Ўзбек тилининг изохли лугатида сўзнинг бир неча маънолари кўрсатилган: “афсона бўлмок”, “афсона тўқимоқ”, “афсонавий” ва бошкалар. Лекин асосий маъно тафаккур фантазияси билан боғлик бўлиб, ақл бовар килмайдиган уйдирма воқеаларни ҳикоя қилиш ва шу билан шуҳратга эга бўлиш тушунчаси етакчилик қиласи.

Афсона диффузион жараёнда миф таркибида пайдо бўлган, кейинчалик алоҳида жанр сифатида ажралиб чиқсан халқ оғзаки ижодидаги биринчи мустақил эпик тур намунаси хисобланади.

Махмуд Кошғарийнинг “Девону луготи-т-турк” асарида аввалини сахифаларимизда эсга олинган “caw” сўзига мурожаат қиласиз:

ساق ساف caw – оталар сўзи. Чунончи، ساقدا مەتھۇغ كلار sawda mundaq keliр – оталар сўзида шунгдоғ келади.

ساق caw – кисса. Қадимги воқеалардан хабар бериш.

ساق caw – ҳикоя. Бирор воқеани айтиб бериш.

ساق caw – рисола, хат, кичик китобча.

ساق caw – сўз, нутқ.

ساق caw – илгариги хабарлар, янгиликларни етказувчи.

Бу жанрга мансуб асарлар фикрий, ғоявий озукани мифлардан олгани учун ҳаётнинг, инсоннинг, осмон жисмларининг пайдо бўлиши ҳақида ҳам ҳикоя қилиш анъанасини сақлаб қолган. Эҳтимол, шунинг учун ҳам афсоналарда диний воқеа-ҳодисалар тавсифи кўпроқ учрайди. Халқ оғзаки ижодининг хос хусусиятларида қайд этилган шартлилик белгиси афсоналарга ҳам хосдир. Афсона айтувчи шахс ўз ҳикояси кайси мавзу ва қайси йўналишда бўлишидан катъи назар акс эттирилаётган лавҳага тингловчининг тўлиқ ишонишини хоҳлаган. Айтилаётган хабардаги айрим аниқ маълумотлар эса муҳокама қилиш ортиқча эканини тасдиклаган.

Афсоналар оғзаки ижодимиздаги энг оммавий жанрлардан биридир. Ифодадаги соддалик, воқеалар сонининг чекланганлиги, анъанавий қисм (бошлама)нинг, якуний қисмнинг мавжуд эмаслиги, айтувчидан маҳсус тайёргарлик ва маҳоратнинг талаб этилмаслиги бу жанрдаги асарлар ижросини осонлаштиради. Ҳикоя

килиш жараёнида алоҳида эстетик эҳтиросни инкор этади. Шунинг ун афсоналарни истаган ҳар бир миллат вакили айтиши мумкин.

Афсоналар мазмунида энг қадимги уйдирма ҳодисалар, муайян ҳудуд номини изоҳловчи топонимик маълумотлар шарҳланади. “Куйган ёр”, “Эллик пайса”, “Туя чўкли”, “Ошоба”, “Конкус” каби намуналар ана шундай мавзуларни ўзида акс эттиради. Фольклор экспедицияси давомида деярли ҳар бир қишлоқ, булок, тепалик сув манбалари ҳақида ҳайратомуз афсоналарни ёзиб олиш имкониятига эга бўлганмиз. Эртаклардан фарқли ўлароқ уларда сюжет тизимининг барқарорлиги кузатилмайди. Уларнинг мавзу йўналишини учга бўлиб таҳлил қилиш мумкин:

1. Соф мифологик афсоналар.
2. Тарихий воқеа-ходисаларни изоҳловчи афсоналар.
3. Махаллий ҳудудлардаги географик номлар билан боғлиқ афсоналар.

Ҳазрат Хизр, Эр Хубби, Одами Од, Илёс номлари билан боғлиқ афсоналарда инсонларнинг ҳаётига ҳомийлик қилиш, ўрни келгандга, йўл кўрсатиш, мушкулни осон қилиш ғояси илгари суриласди. Хизр ҳар бир одамнинг ҳаёти давомида бир неча марта учрайди, деган ақида халқимизда сақланган. Фольклоршунос олимлар М.Жўраев ва Ш.Шомусаров “Узбек мифологияси ва араб фольклори” китобида шундай афсонани мисол келтиришади:

“Хўжай Хизр ҳар куни пешин намозини Бухородаги Мағоки Аттори масжидида ўқир экан. Бир куни намоз ўқийдиганлар орасида Хўжай Хизр ҳақида гап бўлиб колибди. Бир улуг шайхнинг муриди шундай дебди:

– Мен ҳар куни намозни шу ерда ўқийман, лекин бирор марта ҳам Хизрни учратганим йўқ.

Шунда шайх ўз муридига:

– Сен кирқ кун тоат ибодат билан намозингни ўқисанг, албатта, Хизрни кўрасан, – дебди.

Мурид кирқ кун намозни канда қилмай ўқийди. Қирқинчи кун жулдур кийинган бир чол унинг ёнига намоз ўкиш учун ўтирибди.

Мурид:

– Мен кирқ кун намозни канда қилмасдан ўқидим. Лекин барибир Хизрни кўрмадим, – деб ташкарига чикиб кетибди. Ҳалиги жулдур кийинган чол ҳам муриднинг орқасидан чикибди. Мурид бу чолдан неча ёшга кирганлигини сўрабди. Чол бўлса:

– Неча ёшга кирганлигимни билмайман, лекин Бухоро етти марта бузилиб, етти марта бунёд бўлганлигини кўрдим. Бу масжид дарёнинг энг чукур жойида қурилганлигини ҳам биламан, – дебди.

Мурид “бу чол жулдур кийимли десам, эс-хуши ҳам жойида эмас экан”, – деб шайхининг ҳузурига борибди-да:

– Мен кирқ кун намозни канда қилмасдан ўқидим, лекин Хизрни кўрмадим, – дебди.

– Унда кимни кўрдинг, – деб сўрабди шайх.

– Бир жулдур кийимли чолни кўрдим. У Бухоронинг етти марта бузилиб, етти марта бунёд бўлганлигини кўрдим, деб айтди, – дебди мурид.

– Сен кўрган киши Хизр бўлади. Бухоронинг етти марта бузилиб, етти марта бунёд бўлганлигини Хизрдан бошқа киши кўрмаган. Сен гумроҳ эса буни билмагансан, – дебди шайх<sup>24</sup>.

Бундай мавзудаги афсоналарда ҳалқнинг ҳар бир ишни, яхшилик ва эзгуликни сидқидилдан, тамасиз қилиш керак, деган ўта муҳим гоя сингдирилган бўлади. Агар эътибор берган бўлсангиз, мурид биринчи навбатда намоз ўқишини бир неча марта писанда килди. Иккинчидан, у атайин Бухородаги Мағоки Аттори масжидида намоз ўқиди. Чунки у Ҳазрат Хизрнинг айнан шу еда намоз ўқишини эшитган. Ўз-ўзидан муриднинг намозни ҳам бежиз ўқимаслиги, масжидни ҳам сабабсиз танламагани маълум бўлиб қолмоқда. Шунинг учун ҳам тақдир уни фафлатда қолдирди. Кирк кун Мағоки Аттори масжидида канда қилмай намоз ўқиган одамга Хизр учрайди, деган ақида хақ бўлиб чиқди. Лекин муриднинг тоатида тама яширгани боис у Хизрни учратганини ўзи билмай фафлатда қолди. Аслини олганда, афсонанинг бош гоёси – мурид ўқиган ҳамма намозлар ҳам бекор бўлиб чиққани аёнлашади. Яъни тоатни, хусусан, бирорвга қилинадиган яхшиликни беғараз амалга оширгандагина одам савобга эга бўлади, деб таъкидланмоқда.

Мавзу жиҳатдан иккинчи турга мансуб асарларда тарихий воқеа-ходисалар, турли удумларнинг пайдо бўлиши билан боғлик ҳолатлар ҳикоя килинади. Масалан, баҳор фаслида экин-тикин ишлари бошланиб, дастлабки уруғлар ерга сепилган бир вақтда тўсатдан ҳавонинг авзойи бузилса, Мусо пайғамбар билан бир дехкон ўртасида рўй берган воқеа эсга олинади:

<sup>24</sup> Жураев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. – Т.: Фан, 2001. – Б. 107-108.

“Кунлардан бир кун Мусо пайғамбар Худо олдига кетаётган экан, эрта баҳор бўлишига қарамай, дон экаётган дехқонни кўриб қолибди. Мусо унга ҳали дон экишга эрта эканини айтибди. Дехқон тажрибасига ишониб, унинг гапини рад қилибди. Худо билан сухбатда Мусо бу мунозара ечимини сўраганида, Худо дехқоннинг ҳақ эканини, аммо Мусо гапини энди инобатга олиши кераклигини билдирибди. Шундай қилиб, Мусо Худо олдидан қайтәётганида, ҳаво совуган, қор шамоли эсаётганмис. Дехқон эса ҳайрон бўлиб, осмонга каармиш. Шунда Мусо ўзининг ҳақ эканини дехқонга эслатибди. Дехқон истеҳзо билан кулиб: “Дон экиш вақти келишга-ку келган, ҳавонинг бузилиши менинг сен билан тортишганим оқибатидир”, – деган экан. Шу-шу экиш вақтида ҳаво бузилса, дехқоннинг пайғамбар гапига кўнмаганини эслашаркан”.

Афсоналар бадиий ижоднинг дастлабки намунаси сифатида одам қалбида ишонч туйғусини ҳосил қилишга, ҳар бир инсоннинг ўз кобилияти, ҳаракати натижасида баҳтини топиши мумкинлигига умид пайдо бўлишига хизмат қилган. Масалан, қадимдан тақдир тушунчаси одамларнинг онгига мавжуд бўлган. Ҳар бир кўнгилсиз мушкулотни одам тақдир, деб қабул қилган. Аммо шундай афсоналар борки, уларда инсон тақдирни унинг ўз қўлида экани тъқидланади. Яъни инсон хатти-ҳаракати, нияти, айниқса, кескин қарори билан қисматида ўзгариш ясами мумкинлиги уқтирилади.

“Мусо кунлардан бир кун Тангри олдига кетаётганида, йўлда оёқ-кўли йўқ мажрух бир одамни кўрибди. Одам ундан ўзининг тақдирига жаннат ёки дўзах ёзилганини билиб беришни сўрабди. Тангри пайғамбарга: “У одамнинг охирги жойи дўзах бўлади. Чунки умр бўйи уни емак-ичмакка мухтоҷ қилмадим, аммо бирон марта “Худога шукр” демади”, – дебди. Мусо пайғамбар қайтишида ҳалиги одам ундан жавоб кутибди. Пайғамбар бор гапни айтибди. Шунда одам: “Бўмаса Худога айт, мен ўлганимда, танамни шунаقا катта қилиб юборсинки, бошқа ҳеч кимга дўзахдан жой қолмасин”, – дебди. Ана шу гапдан кейин бечора банда жаннати бўлган экан”.

Маълум бўладики, тақдир тақдир билан, аммо инсон муайян вазиятдаги ўзининг ноанъанавий қарори ёки ҳаракати билан катта баҳтга эришиши ҳам мумкин бўлади.

Яна бир тур афсоналар топонимик мавзууларга бағишлиланган бўлади. “Нурота”, “Ҳазорасп”, “Ўш”, “Балиқчи қишлоғи”, “Обшир

ота” каби ўнлаб афсоналарда шахар, қишлоқ ёки яна бошқа географик жойларнинг номлари изоҳи берилади. Топонимик афсоналарнинг ўзи ҳам мавзуга кўра турларга ажралади. Ҳатто факат сувли жойларга бағишланган намуналарни оқар сувлар, булоқлар тизими билан тасниф қилиш мумкин. Чунки ўзбек ҳалқ оғзаки ижодидаги афсоналар мавзу ва ифодаланган ғоя жихатдан хилма-хил ва ранг-барангдир. Масалан, Ҳазорасп ҳақида жуда қадимдан шундай бир афсона етиб келган:

“Қадимда бу шаҳар ўрнини қалин саксовулзор эгаллаган бўлиб, бу ерда бешта булоқ бор экан. Сехрли қанотли отлар галаси учеб келиб, шу булоқдан сув ичаркан. Сулаймон исмли бир киши уларни кўлга ўргатмоқчи бўлибди. Бунинг учун у бир сехргарнинг маслаҳати билан булоқ сувига май аралаштирибди. Шундан кейин мингга яқин афсонавий от учеб келиб, булоқ сувидан ичиб, маст бўлиб колишибди. Парвоз қила олмай қолган отларни Сулаймон кўлга тушириб, қанотларини кирқиб ташлабди. Натижада, бу отлар қанотидан айрилиб, ерда юрадиган ҳайвон бўлиб колишибди. Шундан сўнг от насли одамнинг яқин дўсти ва хизматкорига айланаб қолган экан.

Отлар кўлга туширилган булоқлар ўрнида пайдо бўлган шаҳарга Ҳазорасп деб ном қўйибдилар” (Ҳазорасп – мингта от маъносини англатади).

Хуллас, афсоналарни тасниф қилишда уларнинг мазмуни асос ҳисобланади.

Шу билан бирга бундай асарларни ёзиб олиш давомида кишининг хаёлига келмаган қизиқ-қизиқ мазмундаги афсоналарга дуч келишимиз мумкин:

“Худо дунёдаги ҳамма ҳалқларга ер юзидағи ерларни бўлиб берибди. Ўзи билан ўзи овора бўлган ўзбек ўша таксимотга ҳам кечикиб борибди. Бу пайтда ўзбек олиши мумкин бўлган ернинг ўзи қолмаган экан. Худо раҳмдил эмасми?! Шунинг учун ўзбекка:

– Майли, мен ўзимга икки дарё оралигидан бир парча ер олиб қўйган эдим, шу жойга сен эгалик қила қол, – деган экан. Шу-шу ўзбек ҳозир Ўзбекистон деб аталувчи юртда истиқомат килармиш. Бу ўлкага Худонинг назари тушгани учун кузда далада қолиб кетган кетмон баҳорда новда чиқарип гуллармиш”.

Албатта, бундай афсоналар “Ширин қиз” (Ширин исмли қиз билан ҳуснда мусобақалашмоқчи бўлган Ойнинг гўзаллик тарозиси

пайласида осмонга учиб кетгани ҳакидаги космогоник афсона) каби кенг оммалашмагандир, аммо ўта топкир маҳорат сохиби томонидан ўйлаб топилган гўзал ижод намунаси даражасида баҳоланиши мумкин.

Хуллас, афсоналар мазмун жихатдан, асосан, ахборот етказувчи ўта содда сюжетли уйдирмалардан ташкил топади. Уларда ижод қилган миллатнинг, коинотдаги қуёш, ой, юлдуз, сайёра-ларнинг пайдо бўлиши, географик номларнинг изоҳи, турли-туман тарихий воқеалар, расм-руссумлар шарҳи ўзининг ифодасини топади. Қадим замонлардан аждодларимиз ўз ҳаётига тегишли хар бир саволга, ҳар бир муаммога, анъана – удумларга, ҳатто ўзи яшаётган ватанга онгли муносабатда бўлган ва ҳалк оғзаки ижодининг бошқа жанрлари қатори афсоналар воситасида якуний хуносасини, тажрибасини билдирган. Фольклоршунослиқда афсоналарни тадқик этиш оғзаки ижод тарихининг назарий ва амалий жихатларини аниқлаш имконини беради.

**Ривоятлар.** Бу сўз араб тилидан олинган бўлиб (رِوْيَةٌ), ҳикоя, қисса маъноларини ифолайди. Ривоятлар афсоналардан ҳаётга яқинлиги билан фарқ қиласди. Агар афсоналарда рўй бериши мумкин бўлмаган ходисалар ҳикоя қилинса, ривоятлардаги воқеалар, кўпинча, тарихий шахслар, таникли алломалар, давлат арбобларининг ҳаётларидаги муайян лавҳалар юзасидан хабар беради. Баъзан бир воқеани эшитганимизда, унинг айнан рўй беришига тўлиқ ишонамиз, баъзан алоҳида фантастик тасвирдан холи бўлса ҳам ҳикояга ишонмаслигимиз мумкин. Шунинг учун афсона ва ривоят ўртасида кескин фарқни белгилаш қийин кечади. Ҳар ҳолда кўп йиллик тажрибадан келиб чиқиб айтиш мумкинки, ишонилган воқеани ривоят, ишониш мумкин бўлмаганини афсона деб қабул килиш мақсадга мувофиқдир. Чунки мазмун, сюжет тизими жихатдан афсона ва ривоятларнинг фарқи бўлмайди. Факат ривоятлар тарихий далил, исбот илдизига эга ҳисобланадилар. Чунки ривоятлардаги воқеалар, кўпинча, унинг иштирокчиси, гувоҳи томонидан ёзib колдирилади ёки оғиздан оғизга ўтмишда рўй берган ҳайратомуз лавҳа сифатида ўтиб яшайди, аждодлар авлодга маданий мерос тарзида сақланади.

Ривоятлар ўзида акс эттирган воқеа баёнига кўра афсоналар каби эпик жинсга мансубдирлар. Улар ҳажм жихатдан қиска бўлади. Матн ҳажми қиска, ифодаланган воқеа лавҳалари сон

жихатдан чегараланган. Бадиий тасвирга ортикча ургу берилмайды, чунки уларда вокеа баёни устувор ҳисобланади. Мазмун йўналишига қўра тарихий воқелар, уларда иштирок этган шахслар жасорати ёки хиёнати асосида ёки юртимиз вилоятларидағи ўрин-жойларнинг номланишини изохлаш мақсадида яратилган ривоятларга бўлинади. Тарихий ривоятларда Тўмарис, Широқ, Жалолиддин Мангуберди, Темур Малик, Амир Темур каби юрти озодлиги ва мустақиллиги учун жонини курбон қилган эл фарзандлари мардлиги, шу билан бирга ўзининг ўткинчи ҳирсий нафси йўлида ватанига хиёнат қилган Даљарзин, Гулдурсунга ўхшаган хиёнаткор шахслар кирдикорлари хикоя қилинади. Мард, жасурларнинг ишлари ҳам, хоинларнинг хиёнати ҳам унтутилмайди.

Ўзбекистон – дунёда ўзининг илмий қашфиётлари, фан ривожига қўшган ҳиссалари, бадиий ижодда яратган асарлари билан машҳур фарзандлар юрти. Имом Бухорий, Беруний, Ибн Сино, Улуғбек, Навоий, Бехзод, Бобурдек улуғ инсонлар номини шарафловичи ўнлаб ривоятлар халқ қалбida сакланиб келмоқда.

Юртимиз тарихида рўй берган энг қадимги ибратли воеа ҳақидаги ривоят эрадан аввал мустақиллик учун жон фидо қилган Тўмарис ва Широқ номи билан боғлиқдир. Шу ўринда айтиш жоизки, бу икки гўзал инсонларнинг мардлиги акс этган жасорат тарихини бир олимлар афсона, иккинчилари ривоят деб атаганлар. Филология фанлари доктори, профессор Охунжон Сафаров ўзининг “Тўмарис кўзларида чақнаган умид” мақоласида бу иккилашишга илмий асосда чек қўйди. Маколада воеа баёнининг ривоят жанрига мансуб экани исботлаб берилди. Фуурланса арзийдиган жихати шундаки, қадимги Ўзбек ютидаги Тўмариснинг Эрон шохи Кирга, Широкнинг Дорога карши қаҳрамонлиги қадимги юонон тарихчиси Херодот (эрадан аввалги 484-431/426 йиллар орасида яшаган)нинг “Тарих”, юонон тарихчиси Полиэн (эрадан аввалги II аср)нинг “Ҳарбий ҳийлалар” китобида сакланиб, бизгача етиб келган. Агар бу икки тарихчи олим асарлари бутун дунёга машҳур эканлигини, эрон шоҳларига қарши чиқкан ватанпарвар шахслар бизнинг аждодимиз эканини назарда тутсак, Ўрга Осиёда истиқомат қилган элнинг довруғи эрадан аввал ҳам шуҳрат козонгани маълум бўлади.

Тўмарис Кирни 529 (э.а) йилда мағлуб этади ва ўлдиради. Широқнинг якка ўзи 513 (э.а) йилда Доро кўшини устидан ғалаба

қозонади. Агар Тўмарис ҳарбий санъати билан юртини асраган бўлса, Широк бурун, қулоқларини кесиб, гўё Доро тарафида бўлгани учун ўзини жазолангандек қилиб кўрсатади, шоҳ ишончини қозонади ва эрон қўшинларини саҳрова адаштириб мақсадига этади: юртини конхўр ва разил душмандан ҳалос этади. Ҳеродот ва Полиэн берган маълумотлар тарихий асосга эга бўлгани учун бугун уларни ривоят тарзида қабул қилиш максадга мувофиқдир.

Халқ ёдида колган ва кейинчалик ривоятларга айланган ибратли воқеалар, кўпинча, буюк инсонлар ҳаёти билан боғланади. Мана улардан бир мисол: “Ибн Сино ҳар куни бетоб, хаста одамларни қабул қилас экан. Аммо навбат бир йигитга етиб келганида, уни четлаб ўтар экан. Кунлардан бир кун йигитнинг онаси у ётган тўшак ёнига бир коса қатик қўйиб, ўз юмушлари билан банд бўлибди. Йигит косадаги қатикка тикилиб ётса, шипдан бир илон тушиб қатикка заҳарини солибди. Жонидан тўйган йигит алам устида косадаги заҳарланган қатикни жон-жаҳди билан ичиб юборибди. Аммо бир оз ўтмай ўзини тузук сеза бошлибди. Соат ўтгани сайин у соғайибди. Эртасига анча ўзига келиб, яна Ибн Сино қабулига борибди. Бу сафар ҳам табиб уни четлаб ўтибди. Ажабланган йигит унга эътиroz билдирибди. Шунда аллома:

– Сиз кеча ва авваллари келганингизда, дардингизга даво йўқ эди. Шунинг учун сизни кўрмагандим. Чунки мен сизга қатикни тўшак ёнига қўйиш, унга илон заҳар солиши, бу қатикни сиз ичишингиз кераклигини айта олмас эдим-да. Аммо тақдир сизга бу имкониятни етказди. Энди сизга табибининг кераги йўқ. Сиз мутлақо соғсиз. Шунинг учун сизни четлаб ўтдим, – дебди”.

Ривоят дунёга машҳур аллома Ибн Синонинг ўз илмини қанчалар мукаммал эгаллаганини, айни пайтда, унда ҳар бир мижоздаги ўзгаришларни зийраклик билан кузатиш кобилияти ҳам ривожланганини бизга, кейинги авлодларга маълум қилиш максадида яратилган. Шу йўл билан бизнинг онгимиз, дунёқарашимиз, касбимизга бўлган муносабатни ҳам шакллантиришга хизмат қилишини инкор этолмаймиз. Тарихий шахслар бош қаҳрамон бўлган ривоятларда уларнинг илми, закийлиги, нозик табиати, улуғворлиги, кечиримлилиги, ҳар бир ишни сидқидилдан бажариши, энг муҳими, шахсий манфаатни кўзлашдан узоклиги ва тамасизлиги каби фазилатлар улуғланади. Агар эътибор қилсан, уларнинг ҳар бири бизга инсоннинг гўзал сиймоси, намунаси сифатида тарғиб этилади.

Ривоятларнинг яна бир тури маҳаллий худудлардаги ўрин-жойларнинг номига оидлиги билан ажралиб туради. Мухими шундаки, бундай ривоятларда асосий эътибор тасвирланаётган воқеадаги фантастик жиҳатларга эмас, балки ҳаётни кузатиш, тўғри хуласаларга келиш, ақлни ишга солиши фазилатларига қаратилади. Масалан: “Бухоро ва Навоий оралиғида катта Малик чўли ястаниб ётибди. Унинг бир кисмини Ўрта чўл, тоғ ён бағрини эса Қарноб чўли ҳам деб юритадилар. Маликчўл елкасидан эса Зарафшон оқади. Маликнинг коқ ўргаси – автомобиль йўли ёқасида Малик дарвозаси ва ёпик ҳовуз харобалари сакланган. “Малик” ривоятини бизга Қизил тепанинг Кенагас қишлоғида яшовчи машхур Сайдмурод Паноҳ бахшининг ўғли саксон ёшли уста Берди ота айтиб берган эди:

– Бир куни Бухоро амири файтунда Нурота, Кармана, Зиёдин, Султонободни айланиб келиб чарчайди-ю, чўлда соябон ўрнаттириб, дам олади. Амирнинг шотирларидан бири Малик дегич йигит экан. Амир ухлаб қолади. Шу пайтда Амирнинг бурнидан бир чивин чиқиб, сўнг сув тўла коса устида турган пичноқ устидан юриб ўтиб, сичкон инига кириб кетади. Бир оздан сўнг чивин сичкон инидан чиқиб келади-да, яна ўша сув тўла коса устидаги пичноқдан юриб ўтиб, подшонинг бурнига кириб кетади. Малик ботир бу ҳангомани кўриб ҳайратда қолади-ю, нима киларини билмайди. Амир бўлса қаттиқ ухлаган, бошқа амалдору хизматкорлар ҳам чеккада дам олаётган экан. Малик ўша чивинни ўлдираман деса, амир уйғониб қолиб унга кўл кўтарганини кўрса, тайинки, боши кетади.

Нихоят, амир уйғонибди. Малик унинг кўлига сув куйибди, амалдорлар давра қурибдилар. Амир гаройиб тушини айтибди:

– Тушимда бир узок чўлга чиқиб кетганмишман. Анча юриб дарёга етибман. Дарё устида темир кўприк бор экан. Кўприқдан нариги соҳилга ўтиб, бир ғорга кириб кетибман. Ғор ичида икки хум тилла ётганмиш. Ғордан чиқиб, кўприқдан ўтиб, чўлдан кечиб яна тахтимга келиб ўтирибман. Тушимнинг таъбирини айтингларчи, не кори хол бўлар экан?

Амирнинг ҳамроҳлари бириси у, бириси бу дейишибди. Малик доно йигит экан, у сирни билиди-ю, ўзини касалга солиб ётиб олибди. “Ўзимга келиб олсан, сизларга етиб оламан”, – дебди. Амир кишилари билан жўнаб кетибди. Малик дарров кетмон олиб, ўша чивин кириб чиккан сичкон инини кавлашга тушибди.

Ҳақиқатан у ерда икки хум тилла бор экан. Малик тилладан бир халтасини олиб, ахли номдор, донгдор усталарни бошлаб келиб, шу ерга қишлоқ қурдирибди, ҳовузлар бунёд этибди. Ана ўшандан буён чўлни “Чўли Малик” деб аташибдилар”<sup>25</sup>.

Ривоятлар ҳакида айтилган фикрлардан шундай хулосаларга келиши мумкин:

1. Ривоятлар афсоналардан фарқли равишда бевосита ҳаётда бўлиши мумкин бўлган воқеаларга асосланади.

2. Улар мавзу жиҳатдан турларга бўлинган ҳолда ё бирон тарихий шахс ҳаётидаги ибратли воқеани баён этади, ё географик ўрин-жойнинг номини изоҳлади.

3. Ривоятларда бадиий тасвирдан кўра рўй берган воқеани кисқа ва ихчам, содда ва равон тарзда баён қилишга кўпроқ эътибор берилади. Аслини олганда, айнан шу фазилатлар ривоятларнинг бадиийлигини белгилайди.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. *Афсоналар ҳақидаги маълумотларни ўқинг ва мустақил равишда уларнинг жсанр ҳусусиятларини аниқланг.*

2. *Афсоналарнинг мавзуга кўра турларини кўрсатиб беринг ва ўз фикрингизни исботланг.*

3. *Ривоятлар билан афсоналарнинг фарқли жиҳатларини изоҳланг.*

4. *Маҳалий жойлардаги аҳолидан афсона, ривоятларни ёзib олинг.*

### **Адабиётлар:**

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 174-186.

2. Имомов К.. Ўзбек халқ оғзаки прозаси. – Т.: Фан, 1981.

3. Умаров С. Ривоят ва ҳаёт. – Т.: Фан, 1988.

4. Жўраев М. Ўзбек халқ самовий афсоналари. – Т.: Фан, 1995.

5. Жўраев М., Шомусаров Ш. Ўзбек мифологияси ва араб фольклори. - Т.: Фан, 2001. – Б. 48-133.

6. Жўраев М., Нарзикулова М. Миф, фольклор ва адабиёт. – Т.: Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон Миллий кутубхонаси нашриёти, 2006.

7. Сафаров О. Фольклор – бебаҳо хазина. – Т.: Мухаррир, 2010. – Б. 13-46.

8. Ипак йўли афсоналари. – Т.: Фан, 1993.

9. Асотирлар ва ривоятлар. I китоб. – Т.: 1990.

<sup>25</sup> Умаров С. Ривоят ва ҳаёт. – Т.: Фан, 1988.

## МАҚОЛЛАР

Мақол деб халқнинг ижтимоий-тариҳий, ҳаётий-майший таж-рибаси умумлашган бадиий, образли мулоҳазалардан иборат ҳик-матли сўзларга айтилади. Мақол ўзбек тилида мақол, тоҷикларда зарбулмасал, русларда пословица, арабларда (жонли сўзлашувда) накл, туркларда ата сўзи атамаси билан юритилади. Мақол атамаси арабча [قۇل] – қавлун – гапирмоқ, айтмок сўзидан олинган.

Мақолларда сўз киммати алоҳида ёркин ифодаланади. Чунки мақоллардаги сўзларни бошқаси билан алмаштириш, бирон сўз кў-шиш мумкин эмас. Улар миллый тил таркибида қолиплашган ҳолда намоён бўлади. Бу жанр дунёдаги ҳамма халқлар оғзаки ижодида бор бўлиб, ҳажм, шакл, яратилиши мақсадига кўра муштарак хисобланади. Ҳатто номланишида ҳам якинлик аник сезилади. Жумладан, арабларда “қавлун” – гап, сўз маъносини ифодаласа, тоҷикларнинг “зарбулмасал” атамаларида мисол келтириш, руслар “пословица”сида сўзлар билан фикрни ифодалаш, турклардаги “ота сўзи”да эса аждодлар фикрини эслаш маъноси етакчи. Махмуд Кошфарийнинг “Девону луготит турк” асарида ҳам “сав” атамаси оталар сўзини эслаш тарзида келтирилган.

Хуллас, мақол атамаси умумий мазмун жиҳатдан “сўз” тушун-часи билан боғланади. Дунёдаги ҳамма халқлар оғзаки ижодида маколларчалик шаклан ва мазмунан ўзаро яқин жанр деярли йўқ. Масалан, русча “Шило в мешке не утаишь” (бигизни қопда яшириб бўлмас) – ўзбекча “Ойни этак билан ёпиб бўлмас”; инглизларда “East and West, home is best” (Шарқми, Фарбми, уйинг энг яхшиси) – ўзбекча “Ўз уйинг, ўлан тўшагинг”; Вьетнамда “Рисовал дракона, получился червяк” (Аждар суратини ишлагандим, чувалчанг бўлиб чиқди) – ўзбекча “Мен дедим ўтгиз – Аллоҳ деди тўқиз”, осетинларда “Его в сени не пускают, а он лезет в комнату” – ўзбекча “Ўзига енг бўлмаган, ўзгага эн бўларми”; татарларда “Товук тухум кўймасдан, эгаси жўжа сотмоқчи” – ўзбекча “Жўжани кузда сана”; русларда “На чужой стране и весна не красна” (ўзга юртда баҳор гўзал эмас) – ўзбекча “Ўзга юртда шоҳ бўлгунча, ўз юртингда гадо бўл” маъноларини ифодалайди.

Фольклоршунос олимлар маколлар ва маталларни ўрганувчи соҳани паремиология деб аташади. Паремия – юононча чукур маъноли гап, ҳикматли сўз, ибора, мақол, матал маъносини беради.

Мақолларнинг жанр хусусиятлари қуйидагилардан иборат:

1. Мақолларнинг ҳажми қисқа ва чекланган.
2. Маколлар мазмунан серкўлам ва чукур маънони ифодалайди.
3. Халқ маколлари шаклан шеърий ва насрый бўлади. Аммо насрый мақоллар ҳам шеърий мисраларни эслатади. Масалан: Кўза кунда эмас, кунида синади.
4. Маколларда ҳаётий воқеа-ҳодиса ҳакила қатъий ҳукм ифоланади. Бу ҳукм мусбат ёки манфий мазмунда акс этади.
5. Макол шахс ҳаётидаги хусусий вазиятни халқ, омма, ҳаёт нуқтаи назардан умумлаштиради.
6. Макол матни тилшуносликда шахси умумлашган гап ҳисобланади.

Халқ мақоллари тарихи ўнлаб асрлар билан ўлчанади. Ўрхун-Энасой битигларида “Ориқ ва семиз буқани (биров) тезагидан билса, биров ориқ ва семиз буқани ажратса олмайди”, “Юнқа қалин бўлса, тор-мор қиласиган баҳодир эмиш, ингичка йўғон бўлса, узадиган баҳодир эмиш” каби мақолни эслатувчи парчаларни ўқиймиз.

Юсуф Хос Ҳожибининг “Кутадғу билиг” асарида ўнлаб хикматли сўзларни учратамиз:

“Еса, ичса охир бари оч тўяр,  
Кўзи оч очлигин ўлганда қўяр”.  
“Кишига чиройдир уят-андиша,  
У асрар ножӯя ишдан ҳамиша”.

Айнан шунга ўхшаш фикр Аҳмад Яссавий шеърида шундай келади: “Ал ҳаёю минал иймон” – Расул айтди”, яъни Ҳадисдан олинган парча: “Ҳаёп иймондан нишонадур”, – дейилади. Аҳмад Юғнакий “Хибату-л-ҳақоийк” достонида “Вале кийсанг атлас, унутма бўзинг” мисрасини ёзади. Бу мисра “Бой бўлсанг, чоригингни унутма” хикматли сўзига мос келади.

Махмуд Кошғарий “Девону луготи-т-турк” тадқиқотида дала сафарларида ёзил олган 268 макол матнини келтирган. Бу намуналар қаторида бироз ўзгариш билан яшаётган қуйидагиларни учратамиз: “Отуғ узгуч бирла ўчурмас” – Ўт аланга билан ўчирилмас; “Тоғ тоққа қавушмас, киши кишига қавушар” – “Тоғ

тоғ билан учрашмас, одам одам билан учрашпар”. Айни пайтда “Өттеса, ағиз күймас” – ўт деган билан оғиз күймайды; “Тулки ўз инига урса, узуз ўлур” – тулки ўз инига караб ҳұрса, құтири бўлади кабилар бугунги кунда унуптилган. Улар ўрнига “Холва деган билан оғиз чучимас”, “Ватанига тош отган ватангадо бўлади” деган маколлар қўлланмоқда.

Халқ маколларининг мазмун қўлами инсон ҳәётининг турли соҳаларини қамрайди. Инсон ҳәётидаги воеа-ходисаларнинг чеки йўқ экан, маколлар мазмунини чегарасини ҳам ўлчаб бўлмайди. Майший ҳәётдаги кичик бир эътиборга арзимайдигандек кўринувчи лавҳадан тортиб чуқур фалсафий мушоҳада ифодасигача маколлар мазмунидаги ўз аксини топган. Агар “Уйга палос ярашур, хотинга либос” маколи майший ҳәётга тааллукли бўлса, “Ёзда миянг қайнаса, кишида козонинг қайнар” маколида вактни бекор ўтказмаслик, ақл билан иш кўриш инсонга ҳаёт имконини яратиши қайд этилади, “Вактинг кетди – баҳтинг кетди” маколида эса фалсафий мазмун ифодаланган бўлиб, инсон тақдирауда Вакт тушунчасининг қанчалар муҳим эканлиги таъкидланган.

Маколларни тасниф килишнинг бир турида мазмун етакчи ҳибобланади. Унга кўра Ватан, меҳнат, халқ, илм-хунар, мардлик, меҳмон, тадбиркорлик, мухаббат ва вафо, яхши сўз – жами 30 га якин мавзулар қайд этилган. Аммо бу мавзуларни яна кўпайтириш ҳам, камайтириш ҳам мумкин. Муҳими, мазмун етакчи бўлган таснифда масалани ҳар томонлама ифодалашга уриниш аник сезилади.

“Булбул чаманни севар,

Одам – ватани”.

Мазкур мақолда инсон руҳий оламида Ватан тушунчасининг аҳамияти қайд этилган. Мақолдаги Ватан сўзида факат муайян худуд, мансил, ўрин-жой, табиат акс этган, десак янглиш бўлади. Бу сўз маъно жихатдан аждодлар руҳи, маънавий мерос обидалари, қадриятлар, миллат бирлиги, менталитет хусусиятлари билан уйғунлашади. Булбул чаманда қанчалар яйраса, инсон ўз ватанида шунчалар эркин ҳис қиласди. Булбулни боғларсиз, гулзорсиз, чамансиз тасаввур этиб бўлмаганидек, одамни ўз она диёрисиз тасаввур қилиб бўлмайди. Бу мақолни айтганимиз заҳоти Зокиржон Фурқатнинг чет эллардаги азобини таърифлаб ўз ватанини соғингани ёдга тушади:

“Ғамингда кеча – тонг отқунча йиғлар,  
Тонг отғоч, даги кун ботқунча йиғлар”.

Ватан ҳакидаги мақолларда қиёслаш, таққос етакчидир:  
Киши юртида шох бўлгунча,  
Ўз юртингда гадо бўл.

Маълум бўладики, бу мақол аввалги намунадаги мазмунни чукурлаштиради. Моддий таъминотдан кўра маънавий эҳтиёж муҳимрок экани ифодаланади. Тажрибасиз одам ҳаётдаги ҳамма муаммони иқтисод билан ўлчайди. Унинг учун турмуш тўкинлиги ҳар қандай тушунчадан афзалдек туйилади. Лекин Бобурдек шоҳ ўз диёрини эслаб азобланганидан хулоса чикарсак, мақолдаги фикрнинг қанчалар аниқ ва ибратли тарзда берилгани маълум бўлади.

Энди бошқа бир мақолга мурожаат қиласайлик:

Она юртинг омон бўлса,  
Ранги-рўйинг сомон бўлмас.

Бу мақолда шахснинг она юртида яшаши ва истиқомат қилиши ундан маълум бурчни ҳам талаб қилиши ифодаланган. Инсон ўз юртида бемалол яшаши мумкин. Аммо бу юрт омон бўлса, яъни тинч бўлса, эркин-озод бўлса. Юрт тинчлиги, эркинлиги, озодлиги эса ҳалқнинг ўз юртига бўлган иймонли муносабатида вужудга келади. Агар ҳалқ оғзаки ижоди асарларини таҳдил қиласак, Ватан мавзууига алоҳида эътибор берилганига гувоҳ бўламиз. Тарихий маълумот ва ҳужжатлар бевосита ҳалқ фарзандларининг аждодлар васиятига содик эканликларини тасдиқламоқда. Қайтакайта кўп намуналарда ватан озодлиги, эркинлиги ҳакидаги таъкиднинг кучайиши бежиз эмас. Кўпинча, бу мақолларда ватан ва эл тушунчаси уйгуналашади:

Элинг омон бўлса – сен омон.

Элинг, юртинг бўлмаса,  
Ойинг кунинг бўлмасин.

Хуллас, ҳалқ мақолларида қайси мавзуу, ҳаётнинг қайси соҳаси ҳакида фикр юритилмасин, танланган муаммо ҳар томонлама, атрофлича ёритилади. Буларнинг ҳаммаси ўзбек ҳалқининг асрлар

давомида накадар доно ва аклли ижодкор фарзандларга эга эканини далиллайди.

Халқ мақолларининг узок ўтмиш маҳсули эканлиги айрим на муналарни бугунги кунда тушуниш осон эмаслигини ҳам изохладиди. Баъзан мақоллар қаторида шундайлари ҳам учрайдики, ҳатто умумий фикр нима билан боғлик эканлигини англаш қийин бўлиб қолади. Масалан: “Бир пул бериб йиғлатдим, минг пул бериб юпатдим” мақолини олайлик. Бу мақолнинг моҳиятини мақолдаги фикр ўналиши ва қаршилантириш усулидан тахмин қилиш мумкин, холос. Яъни умумий мазмунда ножӯя қилинган ҳаракат ёки тадбир охир оқибатда инсонга қўшимча ташвиш келтириши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилмоқда. Сен шундай ҳаракат килгинки, бу ҳаракагинг ёмон оқибатларга олиб келмасин, дейилмоқда. Аммо нима учун бир пул бериб йиғлатса, минг пул бериб овутади ёки юпатади. Бу муаммони ҳал қилиш учун тарихга мурожаат қиласиз. Қадим замонларда аза пайтида йиғлаб берадиган маҳсус одамлар бўлган экан. Уларни “гийранди” деб аташган. Аслида “гийранди” “тирянди”дан олинган бўлиб, “йиғламоқ” феъли билан маънодошдир. Уйида бирор якин одами ўлса, майит эгаси гийрандини чақирган. У аза давомида маълум ҳақ эвазига йиғлаб беришни бўйнига олган. Лекин гийранди ўз санъатини шундай эгаллаши ҳам мумкин эдики, майит эгаси бу айтувларга, бу дод-фигонга, бу нолаларга чидамасди. Шунда у гийрандидан йиғламасликни илтимос қилган. Гийранди эса атайин авжга чиқкан. Натижада уни йиғидан тўхтатиш учун кўпроқ ҳақ берилган. Мақолда арзимаган ҳақ эвазига йиғловчини чақириш, аммо унинг жим бўлиши учун катта пул бериш воеаси акс этган. Шундай килиб, мақоллар мазмунни уларнинг ўзи ва табиати каби сирли оламга эгадир.

Халқ оғзаки ижодидаги мақоллар жанри тарихий ҳаёт давомида сон ва мазмун жиҳатдан бойиш хусусиятига эга. Яъни мақоллар замон ўтиши билан истеъмолдан чиқиши ва айни пайтда янги-янги намуналари вужудга келиши мумкин.

Мақолларнинг истеъмолдан чиқишида қуйидаги омиллар сабаб бўлади:

1. Тарихий ҳаётнинг ўзгариши. Ижтимоий ҳаётда мақолни кўллаш эҳтиёжининг йўқолиши оқибатида мақол ҳалқ эсидан чиқади.

Омоч сени тўйдиргай,  
Омборингни тўлдиргай.

Омоч ишлатиш аста-секин йўкола борган сари бу мақол ҳам истеъмолдан чиқкан.

2. Тарихий сўзлар иштирокидаги мақоллар вақт ўтиши билан йўколади.

Қозига берсанг суяр,  
Бермасанг – сўяр.

3. Айрим мақоллар оғзаки ижоднинг оғзакилиги белгиси таъсирида йўқолиши ҳам мумкин. Бир авлод кўлламаган мақол ўлимга махкум.

Хитой хонининг газмоли қўп, лекин ўлчамай кесилмайди.

Баъзан мақолнинг бир қисми яшайди, иккинчиси йўқолади.

Аш татиги туз, жугрин жемс.

(Ош туз билан тотли, лекин лаган билан ёлғиз тузнинг ўзи ейилмайди).

Бу мақолнинг биринчи қисми ҳозир ҳам бор, аммо иккинчи қисмни биз тасаввур ҳам қилмаймиз.

Юкоридаги сабаблар мақолнинг йўқолишига олиб келади. Айни пайтда мақолларимиз намуналарининг бойиш манбалари ҳам йўқ эмас. Улар қўйидагилардан иборат:

1. Ижтимоий ҳаётдаги ўзгаришлар натижасида янги мақоллар вужудга келади. Масалан, Ўзбекистон мустақилликка эришганидан сўнг “Ватанни севмоқ иймондандир” ҳикматли сўзини кўллаш оммалашди. Дастрраб, бу мақолсифат жумланинг Абдулла Авлоний ёзган “Туркий гулистон ёхуд ахлоқ” китобида Мухаммад Пайғамбаримиз (с.а.в.) ҳадиси экани айтилган эди. Аммо бу ҳикматли сўз ҳалқимиз орасида кўп қўлланмаган. Мустақилликдан сўнг энг оммавий мақолга айланиб кетди.

2. Ҳалқ мақолларининг янги-янги намуналари ҳалқлар ўртасидаги иқтисодий, ижтимоий алоқаларнинг ривожланиши натижасида пайдо бўлди. “Олма оғочидан олисга тушмас” мақоли “Яблока от яблони далеко не падает”нинг таржимаси. Бугунги кунда бу мақолнинг келиб чикиши бизни деярли қизиқтирумайди.

Янги мақолларнинг пайдо бўлиши алломалар, доно адиблар айтган ҳикматли сўзлар билан боғлик бўлади. Тарихда биз Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Юғнакий, Алишер Навоий ижоди билан танишар эканмиз, афоризм деб аталмиши муаллифи аник доно ва ҳикматли сўзларга дуч келамиз. “Оз-оз ўрганиб доно бўлур, қатрагатра ғатра ийғилиб дарё бўлур” каби мисоллар шулар жумласидандир.

Мақоллар ўз ва кўчма маъноларга эга бўлиши билан яна ҳам диккатга сазовордир. “Ёмон хотин олгунча, бўйдоқ юрган яхширок”, “Қизи борнинг нози бор”, “Куда бўлгунча, кўп синаш, куда бўлгач, кўп сийлаш” каби мақоллар ўз маъносида қўлланади. Айрим мақоллар факат кўчма маънода қўлланади. “Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи кимирламас”, “Эгрининг омочи ерга ботмас”, “Ўтин айрган болта майдонда қолар” каби мақоллар билан танишганимизда кўчма маъно яширинганини хис қиласиз. Бир қарашда “Шамол бўлмаса, дарахтнинг учи кимирламас” мақоли ўз маъносида ҳам қўлланадигандек туйилади. Аммо бу ҳикматли сўзни ҳеч ким ўз маъносида деярли қўлламайди. Аслида, ҳаётда учраб турадиган турли миш-мишларнинг рост эканлигини таъкидлаш мақсадида бу мақолни эсга олиш одат тусига кирган. “Туҳматчининг омочи ерга ботмас” мақолида бир оз ғалати фикр илгари сурилган-дек туйилади. Омочнинг ерга ботмаслиги билан туҳматчининг қандай алоқаси бўлиши мумкин, деган мулоҳаза пайдо бўлади. Аммо айнан шу ўринда “омоч” деганда, бевосита ер ҳайдашда фойдаланиладиган асбоб эмас, балки туҳматнинг натижаси назарда тутилади. “Ер” сўзи иймонли, ростгўй одамга нисбатан қўлланган. Яъни туҳматчининг туҳмати ростгўй ва покиза одамга ҳеч қандай салбий таъсир кўрсата олмаслиги таъкидланмоқда. Бинобарин, мақол матни билан танишганда, ёки уни эшигтанда, қандай мақсадни назарда тутиб қўлланганига эътибор беришимиз лозим. Акс ҳолда айтилган мақолнинг асл маъносини тушунмай қолишимиз мумкин.

Халқ оғзаки ижоди асарларини ўрганиш уларни ёзиб олишдан бошланади. Асарнинг ёзиб олиниши эса фольклоршунослик фанининг шаклланишидан дарак беради. Бу жиҳатдан қараганда, ўзбек фольклоршунослигидаги дастлабки харакат XI асрга тааллуклидир. XI асрда Маҳмуд Кошғарий “Девону луготи-т-турк” асарига (1074) мақоллар, кўшиқлар, ривоят, афсона ва бошқа жанрга мансуб на муналарни киритди. Ҳеч иккilanмай айтиш мумкинки, дала шароитида олим ёзиб олган ижод дурданаларида бевосита бизнинг

аждодларимиз ҳам иштирок этган. Маҳмуд Кошғарий оталар сўзини эсламоқ маъносида, аввалрок айтганимиздек, “сав” атамасини келтиради. Кейинчалик Алишер Навоий мақолдан мисол келтиради ва “масал” атамасидан фойдаланади. Филология фанлари доктори, профессор Х.Г.Кўр-ўғли Сафавийлар даври (XV-XVI аср)да туркий мақоллар тўплангани, аммо бу мажмуанинг йўқолгани ҳақида маълумот берган. Ўзбек тилидаги хикматли сўзлар тўпламини 1923 йилда “Ўзбекча оталар сўзи” (тўпловчи ва тузувчи Мулло Бекжон Раҳмон ўғли) деб номлашган бўлсалар, 1926 йилда “Ўзбек мақоллари” (тўпловчи ва тузувчи Шерали Рўзи) деб аташди. Шу пайтдан “мақол” атамаси жаңр сифатида кенг ўрин олди, дейиш мумкин. Шундан кейин Б.Каримов, Ш.Ризо, Ў.Азимов, Ў.Холматов, Ҳ.Зариф, М.Афзалов, С.Иброҳимов, С.Худойберганов, Р.Жуманиёзов, М.Аҳмадбоева, Э.Сиддиқов, Т.Мирзаев, К.Имомов, Ф.Жаҳонгиров, С.Қосимов, З.Ҳусайнова, Б.Саримсоқов, А.Мусақулов, М.Жўраев каби ўнлаб олим ва зиёлилар ҳалқ мақолларини тўтилаш ва ўрганишда фаол иштирок этдилар. Айниқса, 1987, 1988 йилларда икки жилдан иборат “Ўзбек ҳалқ мақоллари” китобларининг напр эттирилишини бу соҳадаги алоҳида воқеа сифатида таъкидлаш мумкин.

Ҳалқ мақолларининг бадий жиҳатдан мукаммаллиги таникли олимлар ва шоир, ёзувчилар томонидан тан олинган. Бу жиҳатдан мақоллар сўз санъатининг олий намунаси сифатида баҳоланишига лойик. Ҳажм жиҳатдан кичиклиги, мазмунан сермаънолиги, мавзу жиҳатдан ҳаётйлиги мақолларнинг асрлар давомида оғиздан оғизга ўтиб яшашини таъминлаган омиллардир. Санъат асари кимматини белгиловчи энг талабчан синов вакт ҳисобланади. Айниқса, вакт синови талабига оғзаки асарнинг жавоб бериши ўта муҳимдир. Ҳар қанча ташвиқотларга қарамай шўро тузумида колхоз афзалиги мақталган мақолларнинг умри қисқа бўлди. Шўро тузуми ҳақидаги мақтов достонлар ҳам яратилгани заҳоти эсдан чиқиб кетди. Ҳақиқий мақолларнинг шаклланиши узоқ даврни камрайди, аммо бадий мукаммал ва ҳаёт тажрибаси акс этган мақолнинг умри боқий бўлади. “Қонни қон билан юваб бўлмас” мақолини Маҳмуд Кошғарий “Қаниғ қан билан жумас” тарзда келтирган. Бу мақол олим қаламига тушгунига қадар неча асрлар яшаганини фақат тахмин қилиш мумкин. Кўриниб турибдики, мақолларнинг бадий мукаммаллиги уларнинг ҳаётйлигини, умрбоқийлигини

изохлар экан. Айни чоқда бадиий гүзәлликнинг бевосита сўз таңлаш, тасвир воситаларидан унумли фойдаланиш жиҳатлари ҳам бор. Уларнинг айримларини эсга олиб ўтамиш:

1. Қаршилантириш (тазод).

“Яхшидан боғ қолар, ёмондан доғ”.

Бу маколда “яхши”, “ёмон”; “боғ”, “доғ” сўzlари қарама-карши маъноларни билдиради ва шу билан бирга “боғ” – “доғ” сўzlари чиройли қофияни таъминлайди.

2. Товушдошлик (аллитерация, ассонанс).

“Бой бойга бокар, сув сойга оқар”.

Маколда “Б”, “Й”, “Р”, “С” каби ундош товушлар аллитерация – ундош товушлар уйғунлигини, “О”, “А”лар эса ассонанс – унли товушлар ўхшашлигини кўрсатади ва мақол қимматини оширади.

3. Метафора – кўчим (истиора).

“Отнинг ягири тойга қолар”.

Бу мақолда “от” сўзидан қариндош-уруғчиликдаги катта авлод вакилининг рамзи сифатида фойдаланилган. Одатда маҳаллада бирор одамга баҳо бериш лозим бўлса, биринчи навбатда, у шахснинг ота-онаси эсга олинади. Катта авлод томонидан йўл кўйилган камчилик шу заҳоти фарзандга кўчирилади. Натижада, инсон ҳёти давомидаги ҳар бир хатти-харакат маҳалладошлар, қариндошлиар томонидан назоратда экани англашилади. Мақол мазмунан ҳар бир инсон ёшидан қатъи назар келажакда ота, она бўлишни орзу қилса, кейинги авлодига “ягири”ни қолдирмаслиги керак, деган маъно англашилади ва катта, ёш авлод тарбиясининг муайян тўғри тизимда бўлиши учун асос тайёрланади. Маколда истиора санъати етакчилик қиласи.

“Эт билан тирноқни ажратиб бўлмас” мақолидаги “эт” ва “тирнок” сўzlари қариндош-уруғ; ота-бала; aka-ука маъноларини билдиради. Бу мисолда синекдоха санъати ҳам бор. Яъни бутуннинг таркибий қисми орқали яхлит нарса ифодаланган.

4. Сифатлаш.

“Буғдой нонинг бўлмасин, буғдой сўзинг бўлсин”.

Маколда инсонлар ўртасидаги муносабат факат моддий нарса билан эмас, ширин муомала билан қадрланиши қайд қилинмоқда. “Буғдой нон”, “буғдой сўз” бирикмасида сифатлаш санъати кўлланган.

5. Жонлантириш (ташхис).

“Үтин айирган болта майдонда колар”.

Бу мақолда одамларни тоифаларга: пулли-пулсиз, амалли-амалсиз, фойдали-фойдасизга ажратиб муомала қилиш ўша шахснинг халқдан ажралиб колишига сабаб бўлиши акс этган. Иккинчидан, бирор муаммони ҳал қилишда фаол иштирок этган одам, кўпинча, иш битганидан сўнг эсдан чиқиши ифолангандай. Яъни ўтин ёрган болта иш битганидан сўнг ўша жойда қолишига қиёслантган.

Хуллас, мақоллар бадиияти уларнинг яратилиши устида авлод-авлод миллат вакилларимизнинг ижод қилиш савияси канчалар юқори бўлганидан дарак беради.

Ёзма адабиёт вакиллари асарларида халқ мақоллари оғзаки ва ёзма адабиёт ижодий ҳамкорлигининг кўприги даражасида муҳимдир. Ҳар бир ижодкор мумтоз адабиёт даврида бўладими, ҳозирги замонда бўладими халқ вакили ҳисобланади. У иктидорли шахс, аввало, ўзбекнинг тарбиясида вояга етади. Халқ билан бирга яшайди, миллат вакили менталитетини ўзлаштиради. Шу билан бирга ижодида асарларини ўқиётган оммага ўзининг ҳалқ вакили эканини уқтирумокчи ҳам бўлади. Бу максадни амалга оширишда мақол энг самарали омил сифатида хизмат қиласди.

Ёзма адабиётда мақоллардан фойдаланишнинг уч кўриниши мавжуд:

1. Халқ мақоли айнан келтирилади.

Алишер Навоийдан Муқимийгача, Чўлпондан Ўткир Ҳошимовгача ўз асарларида фикрни ихчам ва тушунарли ифодалаш мақсадида мақол матнидан айнан фойдалангандар.

“Масалдурким уйқу ўлимдир” (Алишер Навоий).

“Отнинг ўлими, итнинг байрами” (Абдулла Каҳхор).

2. Мақолдаги айрим сўзлар ўзгаради, маъно сақланади.

“Оталарда бир сўз бор, эшит оғажон,  
Босган изидан қайтмас, ўлса ҳам арслон” (Ҳамза).

Бу мисраларда шоир “Арслон изидан қайтмас, йигит сўзидан” мақолидан ижодий фойдалангандай.

3. Шоир бирор фикрни мақолдаги маънодан фойдаланиб ифолайди. Бир карашда бу фикр мустақилдек кўринади. Фикр

юритсақ, адібнинг халқ маколларидаги маънони ўзига хос бошқа сўзлар билан ифолаганини англаймиз. Масалан, Алишер Навоий ғазалларидан бирида “Ўлтуур маҳрамни султон, ганжи пинхон айлагач”, – деган мисра бор. Унда ҳўжайин, султон, ҳоким хазинасини яширишни маҳрамига, яъни энг яқин хизматларини бажарувчи хизматкорига буюриши, хазина бирор ерга кўмилганидан сўнг ортиқча гувоҳдан қутулиш учун уни ўлдириши айтилган.

Эҳтимол, шоир замонасида айнан шундай мақол бўлгандир. Аммо биз бу мақолнинг борлигидан бехабармиз. Лекин ундаги маъно бутунги кунда мавжуд ва биз аввалроқ эсга олган “Ўтин айирган болта майдонда қолар” ёки “Ишим битди, эшагим лойдан ўтди” каби мақоллар мазмунини ифодалайди.

Баъзан мумтоз шоирлар ғазалдаги байтларнинг ҳар бирида бирор мақолни мисол килиб ҳам келтирган ҳоллар учрайди. Хусусан, XIV-XV асрларда яшаган таниқли шоир Лутфийнинг куйидаги ғазалига эътибор беринг:

Аёқингға тушар ҳар лаҳза гесу,  
Масалдурким: “Чироғ туби коронғу”.

Тутармен кўзки кўрсам оразингни,  
Ки дерлар “Окқон ориқка оқар сув”.

Юзингни туттум ортук ойу кундин  
“Кишининг кўзиidor оре торозу”.

Кўзунг конимдин иймонмас ажабдур,  
Ки “Кўркар кайдаким кон кўрса ҳинду”.

Тилар васлингни Лутфий, кил ижобат  
Ки айтурлар: “Тилаганни тилогу”.

Бу ғазалда ажойиб сўз сохиби мавлоно Лутфий ўзининг маъшуқасига бўлган кўнгил изҳорини сўз марваридларидан тизилган маржондек ифодалай олган. Ғазалнинг мазмуни гўзал ва мўъжаз достон маъносини беради:

Аёқингға тушар ҳар лаҳза гесу,  
Масалдурким: “Чироғ туби коронғу”.

Байтда ёрнинг қадди тик шамга ўхшатилмоқда. Шамнинг ёнаётган пилиқдан пастки кисми коронғи бұлади. Ёрнинг юзи ёнаётган шамга киёсланмоқда. Унинг сочи шу қадар узунки, юзи ёруғ, пастки кисми коронғи күринади.

Тутармен күзки күрсам оразингни,  
Ки дерлар “Оккон ориқка оқар сув”.

Шоир ўзини бир пайтлар сув оққан ариққа ўхшатади. У оққан ариққа сув окишини кутиб умид килмоқда: күз тутиб ёрнинг висолига етмокчи. Маъшуқанинг ошиқ ҳузурига келиши ошиқ учун қакраб ёттан ариқдан яна сув окишига тенглаштирилмоқда.

Юзингни туттум ортуқ ойу кундин  
“Кишининг кўзидур оре торозу”.

Халқда одамнинг кўзини торозига ўхшатиш ҳақида мақол бор. Менинг кўзим тарозига ўхшагани учун бир палласида ой ва күёш бўлса, иккинчи паллада маъшуқа. Маъшуқамнинг ўзини ортиқ кўрганим учун тарози палласининг шу томони босиб турибди. Ой ва күёш эса иккинчи паллага жойлашган ва маъшуқа гўзаллигига чидаш бермай осмонга учиб кетган.

Кўзунг қонимдин иймонмас ажабдур,  
Ки “Қўрқар қайдаким кон кўрса хинду”.

Мумтоз адабиётда маъшуқанинг кўзи ва холини қоралиги учун хиндга ўхшатиш анъанаси бор. Бу ўринда шоир ёрининг кўзини хиндга ўхшатмоқда. Ҳинд кондан кўрқади, деган тушунча бор. Аммо мен ажабланаманки, сенинг кўзинг ҳинд бўлса ҳам кўз ёшларимнинг қондек оқишидан кўркмаяпти. Агар кўрққанида эди, раҳм киласарди, мен васлингга етар эдим ва кўз ёшларим тўхтар эди.

Тилар васлингни Лутфий, кил ижобат  
Ки айтурлар: “Тилаганини тиологу”.

Мазкур байт ғазалда ифодаланган ҳамма орзу-истакларнинг хулосаси хисобланади. Унда шоир ўз маъшуқасидан охирги марта

муруват, лутф қилишни сўрамоқда. Мен одамлар “Тилаган тилагига етади” деганлариdek, сенга васлингта етиш учун илтижо қиласман ва агар одамларнинг гапида ҳақиқат бўлса, мақсадимга етаман, деб умид билдираман, демокчи.

Маълум бўладики, бир жиҳатдан, мақоллар шоир маҳоратининг намоён бўлиши учун ажойиб воситага айланган. Иккинчи жиҳатдан, ғазал воситасида биз XIV-XV асрларда ҳалқ орасида машҳур бўлган мақоллар матни билан танишиш имконига эга бўлмоқдамиз.

Айрим иктидорли ёзувчилар бадиий асарларида қаҳрамон нуткида кўллаган мақол орқали уларнинг дунёкараши, феъли ҳақида китобхонда тасаввур ҳосил қилишга эришганлар. Мисол учун Абдулла Қодирий ўзининг “Ўткан кунлар” романида Юсуфбек хожи нуткида “Зўри бехуда миён мешиканад” (тоҷик маколи: ортича зўриксанг, белингни синдирасан), хизматкор аёл Тўйбека нуткида “Тенг тенги билан, тезак қопи билан” мақолини келтиради. Мақолларни кўллашданоқ Юсуфбек ҳожининг илмли, форс тилини билувчи зиёли экани, Мирзакарим кутидор хизматкорининг эса содда, илм кўрмаган, бор гапни лўнда ва аник айтишга ўрганган аёл экани сезилади. Хуллас, ҳалқ мақоллари ёзма адабиёт вакиллари томонидан уларнинг иктидорини намоён қилишга ёрдам берган. Фольклоршуносликда бундай фойдаланишлар *фольклоризм* деб юритилади.

Ҳалқ маколлари шакл ва мазмун жиҳатдан маталларга яқин жанр хисобланади. Маталлар ҳам ихчам матнiga эга эканлиги билан мақолга ўхшайди. Матал, одатда, нотик нутки таркибий қисмини ташкил этади, аммо мустақил кўлланганда тугал фикр англатмайди. Масалан, ҳалқимизда “Яхши гап билан илон инидан, ёмон гап билан қилич кинидан чиқар” деган мақол бор. Агар мақолнинг ярим матнини “Фалончи илон инидан чиқадиган қилиб гапирди” тарзида кўлласак, биз матал айтган бўламиз ва “Фалончи яхши гапирди” маъносини билдирамиз. Чунки “илон инидан чиқадиган” сўз бирикмаси алоҳида айтилса, мустақил маъно англатмайди. Маълум бўладики, матал шахс нуткини гўзаллаштириш учун хизмат қиласар экан, холос. Мақол эса маталдан мустақил маъно ифодалай олиш хусусияти билан фарқланади.

### **Савол ва топшириклар:**

1. *Халқ мақолларининг жанр хусусиятларини сананг, уларнинг ҳар бирини изоҳлаб, мисоллар билан далилланг.*
2. *Мақолларнинг йўқолиб кетиши учун қандай сабаблар бор?*
3. *Халқ мақолларининг бойиш маёнбаларига изоҳ беринг.*
4. *Мақолларнинг бадиий мукаммалиги ҳақида қандай мулоҳазаларга эгасиз. Мақоллардан мисол келтиринг, бадиий санъатларни кўрсатинг.*
5. *Мақол тарихи ҳақида қандай маълумотларга эгасиз?*
6. *Ёзма адабиёт вакилларининг мақоллардан фойдаланиш усуслари ҳақида нималар биласиз? Биронта роман ёки ҳикоя мисолида фикрингизни исботланг.*
7. *Мақоллар қандай хусусияти билан маталдан фарқланади.*
8. *Лутфийнинг мақоллар тизимидан ташкил топган газалини ёдланг, мақолларга изоҳ беринг.*

### **Адабиётлар:**

1. И момов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 91-99.
2. Саримсоқов Б., Мақоллар / Ўзбек фольклори очерклари. 1-жилд. – Т.: Фан, 1988. – Б. 85-98.
3. Ўзбек халқ мақолари. – Т.: Фан, 1978.
4. Шомақсадов Ш., Шораҳмедов Ш. Ҳикматнома. – Т., 1990. – Б. 44.
5. Сафаров О. Халқ ганжига меҳр / Фольклор – бебаҳо ҳазина. – Т.: Мухаррир”, 2010. – Б. 285-298.
6. Лутфий. Ғазаллар / Ўзбек адабиёти. 4 жилдлик. 1-жилд. – Т., 1959. – Б. 441.

## **ТОПИШМОҚЛАР**

Топишмоқлар ҳажми ва шаклига кўра маколларга ўхшайди. Баъзан мазмунига кўра ҳам яқинлик сезилади. Аммо яратилиш максади бошқа ҳисобланади. Жанрнинг номланишига эътибор беринг. “Топ” сўзининг талаффуз этилишиданок ўйла, ахтар, солиштирилганда, изла маънолари етакчилик қиласиди. Унга “иш” кўшимчаси кўшилганда, вазифа аниқлашади: “-мок” ҳаракат номи кўшимча-

сидан кейин “қўлингдан келса”, “эпласанг”, “уддалай олсанг” тушунчалари ифодаланади. Топишмокларнинг қуидаги жанр хусусиятлари бор:

1. Ҳажм жиҳатдан қисқа ва ихчам.
2. Шақлан шеърий, насрий қўринишга эга.
3. Яратилиш максадида матнда яширинган нарсани топиш вазифаси қўйилади.
4. Мазмунида ҳайвонот, ўсимлик, коинот, майший ҳаётдаги нарсаларнинг хусусиятлари яширин тарзда ифодаланади, уни топишга даъват этилади.
5. Топилиши лозим бўлган нарса, қўпинча, битта, баъзан икки ва ундан ортиқ микдорга эга бўлади.
6. Топишмокларда қўлланган асосий бадиий санъат истиора (метафора) хисобланади.

Топишмокларда топилиши лозим бўлган нарсанинг шакли, ҳажми, ранги, вазифаси ва шу каби хусусиятлари ҳақида маълумот берилади, аммо бу белгилар истиора санъатидан фойдаланилган холда бошқа нарса билан боғланади. Масалан:

Қопча,  
Копча ичида унча,  
Унча ичида устунча.

Бу мантда яширинган нарсанинг учта белгиси учта истиора воситасида берилган. Демак, унинг шакли қопга, ичидаги қисми унга ўхшатилмоқда. Факат ун ўртасида устуни ҳам бор экан. Топишмокни топаётган одам матнда жийда ҳақида гап кетаётганини топса, фикрий мусобакада енгтан бўлади. Кўпинча, яширинган нарсанинг фақат қўриниши, хусусиятлари ҳақида маълумот берилади, лекин ҳеч нарсанинг номи қайд этилмайди. Бундай вазиятларда изловчи шахс факат ўзи билган нарсаларга хос белгиларни эслаб ечимни топиши мумкин.

Оғзи ола аломат,  
Ичи қизил қиёмат,  
Сув сепсам, куруқ чиқар,  
Ё алҳазар, саломат.

Бу топишмоқда “аломат”, “киёмат”, “саломат” сүзлари асосан қоғия ҳосил қилиш учун келтирилганини билишимиз керак. Энди яшириңган нарсанинг оғзи борлигига, бу оғизнинг кўриниши ола эканига, ичи қизиллигига, унинг ичидаги сув сепиладиган нарса бўлишигта диққат қиласиз. Сув сепсагу у нарса қуруқ чикса, демак “қизил қиёмат” олов бўлиши мумкин. Шундан сўнг ниманинг ичидаги олов бўлишини эсга оламиз. Ва яшириңган нарса тандир эканини топамиз. Аммо барибир топишмоқнинг жавобини топиш осон эмас. Топишмоқни топиш учун унинг яратилишида муаллиф бўлган номаълум шахсдек фикр юритиш усулини излаш керак. Агар ҳар бир топишмоқнинг заминида муайян фикрий қашфиёт ётишини назарда тутсак, уни топадиган шахс ҳам айнан шу янгиликни бошқа йўл билан қашф қилиши керак бўлади. Бинобарин, у ҳам муаллиф ҳаёт тажрибасига, кузатиш нуқтаси назарига, фикр юритиш йўналишига эга бўлиши лозимлиги сабаб жуда мураккаб тарзда мулоҳаза юритиш жараёнини бошидан кечиради.

Топишмоклардаги саволлар тизими хусусиятларни санаш тарзда амалга оширилар экан, ҳайратомуз қарама-қарши мулоҳазаларга дуч келамиз. Масалан: “Кўлсиз, оёксиз эшик очар”, “У ёкка ўтдим – билдингми, Бу ёкка ўтдим – билдингми, Оқ куврайнинг бошини, чертиб ўтдим – билдингми?” топишмокларида ҳайрон қолишга мажбур қиладиган муаммолар жуда кўпга ўхшайди. Хусусан, бизни қандай қилиб қўл бўлмаса, оёқ бўлмаса эшик очиш мумкин, ахир эшик ўзи нима билан очилади? – деган савол ўйлантиради. Иккинчи намунада эса наҳотки у ёқдан бу ёкка ўтган нарсани мен сезмаслигим мумкин? У нарсага оқ куврай – чўл-даштда ўсадиган ёввойи ўтнинг нима алоқаси бор? Ёки нега чертади, узмайди ёки бошқа нарса қилмайди, – деган саволлар қийнайди. Бу саволларга жавоб топиш учун биз савол берган одамнинг фикр юритиш усулидан фойдаланишимиз лозим бўлади. Шундагина ҳар икки саволнинг жавоби шамол эканини топамиз. Аммо масаланинг оғирлиги шундаки, баъзи топишмокларда баён қилингандан таърифдан фойдаланиб қандай йўналишда мулоҳаза юритиш лозимлигини аниклай олмаймиз. Куйидаги матнга диққат қилинг:

Бир ярим қуён,  
Уч тулки,  
Тўккиз сигир,

Беш эчки,  
Үн икки түя,  
Үн йилқи.

Бу топишмоқда одамнинг хаёлини ракамлар эгаллайди. Нега күён бир ярим ёки түя үн икки бўлиши керак, деб ўйлаймиз. Кейин ракамларни қўшиб бирор натижага эришмоқчи бўламиз. Аслини олганда эса, муаммо ойни аниқлаш билан ечилади. Яъни күён бир ярим, тулки уч, сигир тўққиз, эчки беш, түя үн икки, йилқи үн ойда тугади. Биз чорва, мол бокиш билан шуғулланган бўлсак, топишмоқни топиш осонроқ кечади. Жуда бўлмагандан қайд қилинган ҳайвонларнинг неча ойда туғишини билиб оламиз.

Топишмоқнинг пайдо бўлиши ҳакида фольклоршуносликда аниқ далилий маълумотлар йўқ. Айрим олимлар унинг қадими эканини қайд қиласидар. Аммо мақоллар намуналари кўплаб келтирилган “Девону луғотит турк” асарида топишмоқ матни учрамайди. “Табзуғ” сўзи топишмоқ маъносини ифодалаши айтилади холос. Топишмоқ ҳажман, шаклан маколга ўҳшаганлиги учун бу икки жанрнинг вужудга келиш вақти ҳам бир хил бўлиши керак, деган тахмин билдирилган. Биз ҳам шу фикрга қўшиламиз. Айни чоқда қўйидаги икки ҳолатта дикқатингизни қаратмоқчимиз.

1. Аёз эртагида Аёз бир чолни йўлда учратиб:

– Ота, узок йўлни якин қилиб кетайлик, – дейди. Бир оздан кейин:

– Ота, от бўлмаса ҳам той миниб кетайлик, – дейди. Аммо бу сафар ҳам чол индамайди. Чолнинг қизи кейинроқ отасига Аёзниң аввал гаплашиб кетайлик деганини, кейинги мурожаатида чолга ҳасса ясад бермокчи бўлганини тушунтиради.

– Қиз отасига икки пул бериб уч хил ейдиган нарса олиб келишини илтимос қиласиди. Арзимаган пулга уч хил ейдиган овқатни яна Аёз топиб беради. Бу нарса ҳандалак бўлиб чиқади. Ҳандалакнинг этини киз билан чол, пўчоғини эчки, уруғини товуқ ейди.

Қиз қўшни кампирдан чучварани зич жойлаб, устига ёғ қуйиб, патир билан ёпиб Аёзга олиб бориб беришни илтимос қиласиди. Шунда кампир Аёзга: “Ҳаво коронғи, юлдуз зич, ой бутун”, – дейиши керак эди. Аммо кампир йўлда чучвара ва патирдан ейди, ёғдан ичади, аммо қиз буюрган гапни аниқ айтади. Юборилган нарсаларни еган Аёз кампирга: “Ҳаво ёрут, юлдузлар сийрак, ой

яримта”, – экан денг, – дейди. Аёзниң жавобидан қыз йўлда кампирнинг дастурхондаги нарсалардан еганини англайди<sup>26</sup>.

2. “Ойчинор” достонида ёш Ойчинорга уйланмоқчи бўлган Назарбойдан қыз қалин эвазига “Ўнта қўзи, йигирмата бўри, ўттизта арслон, киркта қоплон, элликта айғир, олтмиш бешта ахта, саксонта сарка, тўқсонта тахта...” талаб қиласди. Бўри, арслон, қоплонни топишга қурби етмаган бой достон қаҳрамонларидан бири – Бобурдан ёрдам сўрайди. Назарбой Бобурга бир бева хотинга уйланмоқчи эканини айтади. Шунда Бобур бойнинг гапларини мулоҳаза қилиб, унга ёлғон гапирганини, уйланмоқчи бўлган аёли бева эмас, қыз эканини айтади. Ўз фикрини исботлаши учун йигит ўн ёшида қўзидаи, йигирмада бўридаи, ўтгизида арслондай, киркда қоплондай, эллигида айгирдай, олтмиш бешда ахтадай, саксонида саркадай, тўқсонида тахтадай бўлишини мисоллар билан исботлади. Шундан кейин Назарбой чоллигини ҳам, қыз бола Ойчинорга уйланмоқчи бўлганини ҳам тан олади<sup>27</sup>.

Юкоридаги икки мисол топишмоқларнинг пайдо бўлиши ҳақидаги тахминларга маълум даражада аниқлик киритади. Айтмоқчимизки, топишмоқлар дастлаб эртак, достон ёки яна қайсиdir жанрлар таркибида вужудга келган. Кейинроқ ана шу жанр таркибидан ажралиб чиқиб, алоҳида – мустақил асарлар сифатида халқ оғзаки ижодидан ўрин олган.

Матнлардаги истиора санъати қўлланган той, ой, юлдуз, қўзи, бўри, қоплон кабилар жумбокли муаммони ечувчи восита сифатида фойдаланилган. Мухими шундаки, эртак ва достондаги топишмоқнамо фикрлар кейинчалик топишмоқлар алоҳида жанр бўлиб яшай бошлаганда ҳам уларнинг яратилишида асос вазифасини бажарган. Хусусан, бирон топишмоқнинг яратилиши учун топилиши лозим бўлган нарса – предметларнинг хусусиятлари етакчи маълумот берувчи омил бўлган.

Топишмоқларнинг яратилишида топилиши лозим бўлган нарса бир қатор хусусиятлари билан бошка нарсага ўхшатилади. Бу хусусиятларни қўйидагича белгилаш мумкин бўлади:

1. Яширинган нарсанинг ташки киёфаси. Унинг ҳажми, шакли, қўриниши асос қилиб олинади.

<sup>26</sup> Аёз. Эртак / Олтин олма. - Т., 1966. – Б. 67-69.

<sup>27</sup> Ойчинор. Достон (айтувчи Қодир Раҳимов, ёзиг олиб нашрга тайёрловчи Абдумўмин Каҳхоров) / Ойсулув. - Т., 1984. – Б. 43-44.

Узун терак йикилди,  
Учи менинг құлымда.  
Загизгони сайдади,  
Сочи менинг құлымда.

Демак, топилиши лозим бўлган нарса дарахтдан ясалар экан. Унинг бўйи хам баландгина теракни эслатади. “Загизгони сайдади”, маълум бўлдики, ундан овоз чиқади. “Сочи менинг құлымда” дейилғандан сочни эслатувчи нарса ҳам унинг таркибий кисмини ташкил этади. Натижада, топишмоқни топиш учун биз унинг ёғочдан ясалганини, бўйи-басти борлигини, овоз чиқишини, унинг сими борлигини билиб олдик. Озгина фикр юритсак, нарсанинг мусиқа асбоби эканини, хусусан, танбур, дутор, рубоб, фижжак ҳакида гап кетаётганини англаймиз.

2. Топишмоқ матнида ранг ҳакида маълумот берилади. “Кўк косани тўнтардим”, “Кўк сандигим очилди, ичидан зар сочилди” тонишмокларида осмон, күёш ҳакида фикр юритилмоқда.

“Қора уйда минг чироқ, уйни ёритмас” (Тунда осмондаги юлдузлар).

“Қора туям кочяпти, қумологин сочяпти” (Қора булат ва дўл).

3. Топмоқчи бўлган нарсамизнинг тузилиши, таркиби юзасидан маълумот берилади:

“Олтиндир,  
Бу толнинг ўн икки шохи бор.  
Ҳар шохидат тўрттадан уя бор,  
Ҳар уядат еттитадан тухум бор.  
Ҳар тухумнинг ярми корадир, кўрсанг,  
Ярми оппоқдир топган бўлсанг” (Йил, ўн икки ой, ҳафта, кун, кечка, кундуз).

“Том устида бир палак,  
Унда ўн икки ҳандалак,  
Ўн бирини еса бўлар,  
Бирини емай, бўлар ҳалак” (Йил, ўн икки ой, бир ой рўза).

4. Нарсанинг бажарадиган вазифаси таърифланади. Ҳаётдаги асосий белгиси ҳаракат мисолида баён этилади:

“Лип этади кириб кетади,  
Чиқазолмай эсинг кетади” (Тикан).  
“Кунга қараб толмайди,  
Кундан күзин олмайди” (Кунгабоқар).

5. Яширинган нарсанинг қиёфаси, алоҳида белгиси қиёсланади:

“Устидаги қўйлаги,  
Худди қофозга ўхшар.  
Тўғрасанг, жаҳли чиқиб,  
Кўзингни дарров ёшлар” (Пиёз).

Топишмоқларда бир нарсанинг бир эмас, бир нечта белгилари, иккинчи нарсага таққосланиши ҳам мумкин. Масалан: “Ер остида олтин қозик” топишмоғида сабзининг шаклан қозикка ўхшаши, унинг ранги олтинни эслатиши ва ер остида ўсиши уйғун тарзда кайд этилган. Бундай топишмоқларни топиш нисбатан осонрок амалга ошади. Яна бир хил топишмоқларда инкор қилувчи маъно етакчи бўлади:

“Хўппа семиз,  
Туки йўқ.  
Териси қалин,  
Туки йўқ”

ёки

“Қони бор,  
Жони йўқ” (Тарвуз).

Одатда, топишмоқлар халқ ҳаётининг ҳамма соҳаларини эгаллагани билан ҳам диккатта сазовор. Маиший ҳаётдаги, ижтимоий муҳитдаги муносабатлар топишмоқ мавзуларида ўз ифодасини топади. Кўрпа, кулф, қозондан тортиб қози, судхўрларнинг кирдикорларигача топишмоқларда акс этиши мумкин. Халқ топишмоқларини мукаммал ўрганган Зубайда Ҳусаинова 1981 йилда Гафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нацириёти томонидан

эълон қилинган “Топишмоқлар” китобидаги матнларни тартиблаштиришда уларни йирик икки гурухга ажратади: “Анъанавий топишмоқлар” ва “Янги топишмоқлар”. Биринчи гурухда Осмон, ер, сув; табиат ходисалари, йил фасли ва мавсум; одам, унинг аъзолари ва хислатлари – жами 21 мавзу жамланади. Янги топишмоқларда электротехника, радиотехника, мактаб ва ўқув қуроллари – жами 9 мавзу жамланган. Маълум бўладики, топишмоқларда акс этмаган мавзунинг ўзи йўқ экан.

Топишмоқлар шаклан насрый ва шеърий бўлиши ҳақида айтган эдик. “Дараҳт устида лангар” (анжир), “Сой ичидা саксонбой” (бурга), “Тоғ устида ўрмон бор” (соч) каби намуналарни насрый топишмоқлар қаторига қўшамиз.

“Узун-узун ўз келди,  
Узун бўйли қиз келди.  
Қоши қалтираб келди,  
Қўзи ялтираб келди” (ёмгир).

ёки

“Узун-узун из кетди,  
Узун бўйли қиз кетди.  
Тошга тегди тарқ этди,  
Сирғалари ярқ этди” (сув)

каби намуналарни шеърий топишмоқлар деймиз.

Маълумки, ҳаётда биз муносабатда бўлган ҳар бир нарса-предмет жуда кўп хусусиятларга эга бўлади. Уларнинг ранги, кўриниши, вазифаси, вазни турличадир. Шунинг учун ҳар бир нарса ҳақида бир нечта топишмоқ тўкиш мумкин. Айни пайтда бир нарса ҳақида топишмоқда ифодаланган белгилар бошка нарсада ҳам мавжудлиги учун жавоб ҳам бир хил бўлмаслиги мумкин. Масалан, оддий бир томчи ҳақида топишмоқлар тўпламида 14 та намуна келтирилган. Агар биттасида “Тумшуқсиз чумчук муз тешар” дейилса, иккинчисида “Жингила сичқон ер қазир” дейилади, учинчисида эса “Ўтмас пичоқ ер кавлар” тарзида яратилган. Лекин уларнинг ҳаммасида бир томчи сув ҳақида фикр юритилади. Сув ҳақида эса 19 та топишмоқ келтирилган. Баъзан бир нарсанинг хусусиятлари бирма-бир санаб ўтилади ва жумбокнинг осон топилиши таъминланади:

“Кўл эмас, дарё эмас,  
Ичида музлайди сув.  
Жазира маъдуд ёзда ҳам,  
Иссиқ ўтказмайди у.  
Усти боши темирдан,  
Шундан жойи тўрдан” (музлатгич).

Бундай топишмоқларни нарса ҳақида тўқилган ҳикоя дейишишимиз мумкин. Чунки таърифда ҳар бир белги ва хусусият эринмай баён этилади. Юкорида қайд килганимиздек, битта топишмоқнинг бир нечта жавоби бўлиши ҳам мумкин. Масалан, “Узун терак, ичи говак”. Бу топишмоққа қамиш, мўри, милтиқ жавобларини бериш хато бўлмайди. Ёки: “Тепдим, тепдим, теракка чиқдим”нинг жавоби нарвон ва эгарланган отга чиқиш билан изохланади.

Халқ орасида яшаб келаётган топишмоқлар бир жумбокли ва кўп жумбокли бўлиши мумкин. Аввалроқ мисол килиб келтирган сув, жийда, шамол, танбур ҳақидаги топишмоқлар бир жумбокли хисобланади. Шеърий мисралар сони бу ўринда алоҳида аҳамият касб этмайди: 6 мисрадан иборат топишмоқнинг жавоби музлатгич эди. Аммо шундай топишмоқлар ҳам борки, уларга жавоб бериш учун икки ва ундан ортиқ нарсаларни эслашга тўғри келади:

- Тоғда талаймонни кўрдим,
- Сувда сулаймонни кўрдим.
- Тузсиз пишган ошни кўрдим,
- Юмалаб ётган тошни кўрдим.

Бу топишмоқдаги тўрт мисрада тўртта нарса яширган. Биринчисида бўри, иккинчисида балиқ, учинчисида сумалак, тўртинчишида тошбака сўзлари яширган. Олима Зубайда Ҳусаинова бальзан топишмоқларда арифметик ракамлар сонини топиш талаф килинишини ёзади. Масалан: “Бир тўда ғоз учиб борар экан. Бир ғоз рўбарў келиб: “Эй юз ғоз, соғ-саломат бормисиз”, – дебди. Шунда улардан бири айтибди: “Биз юз ғоз эмасмиз, яна бир микдори ғоз бўлса, яна бизнинг ярмимиз микдори ва ярмимизнинг ярми бўлса, у вактда сен қўшилсанг, юз ғоз бўламиз”. – дебди. Ҳаводаги ғоз қанча эди?

Жавоби: 36       $(36+36+18+9+1)=100$ <sup>28</sup>.

<sup>28</sup> Ҳусаинова З. Ўзбек топишмоқлари. – Т.: Фан, 1966. – Б. 29.

Халқ оғзаки ижодидаги топишмоклар бадий жиҳатдан ҳам сүз санъати ҳисобланган адабиётда күлланган жуда күп санъатларга бой. Бу санъатларнинг тонишмокда учрайдиган энг оммавийси истиорадир. Ойна – кўз, илон – соч, қизил тойчоқ – тил каби ўнлаб мисолларда истиора санъати келган.

Ёзма адабиётда талмиҳ санъати машхур. Хусусан, Алишер Навоий ғазалларида шундай байт бор:

Кўп ўқудим Вомику, Фарходу, Мажнун қиссасин,  
Ўз ишимдин бул ажаброқ достоне топмадим .

Байтдаги Вомиқ, Фарҳод, Мажнун исмлари талмиҳ санъатига мисол бўлади. Яъни шоир ўз ҳис-туйгуларининг оддий эмаслигини таъкидлаш учун ишқ йўлида изтироб чеккан ошиқлар рамзига айланган қаҳрамонларнинг исмларини мисол қилиб кўрсатади. “Талмиҳ” сўзининг маъноси “каратмоқ”дир.

Топишмокларда ҳам ана шундай исмлар учрайди. Тахмин қилиш мумкинки, бу исмли одамлар бир вактлар машхур бўлганлар, лекин вақт ўтиши билан аста-аста халқ хотирасидан ўчганлар:

“Сарибой акам ичкари,  
Соколлари ташқари” (сабзи, маккаждӯхори).

Шунингдек, “Токчама-токча, Саматжон бойвачча” (сичқон), “Осмони ресмон, Мулла Абдураҳмон – беустихон” (бит) каби мисолларда ҳам исмлар учрайди.

Топишмокларда тазод (қаршилантириш) санъати намуналаридан ҳам фойдаланилган:

“Ош ичида тош,  
Тош ичида ош” (сумалак, тошбақа, ёнғок).

Бу матнда хатто кофия санъатининг мураккаб тури тарсий (мисралардаги ҳамма сўзларнинг қофияланиб келиши) ҳам ўрин олган.

Бадий адабиётдаги жонлантириш (ташхис) санъати топишмокларнинг асосий тасвир воситаларидан бири ҳисобланади.

“Корабой отдан тушди,  
Болалари югуришди” (козон, товоқ, коса).

“Икки сингил,  
Оғир - енгил” (тарози).

Баъзан жонлантиришнинг гапиртириш (инток) усули ҳам учрайди:

Зув этди билдингми,  
Зувиллаб кетди билдингми?  
Қўланкаси кумушдан,  
Кулиб кетди билдингми? (милтиқ, ўқи).

Бундай мисоллар ҳалқ топишмоқларининг ҳақиқий сўз санъати намунаси эканини кайта-қайта далиллайдиган омиллардир.

Юқоридаги сахифаларда топишмоқларнинг ҳалқ эртаклари, достонлари билан алоқаси ҳақида маълумот берган эдик. Топишмоқлар айни пайтда мақоллар, қўшиқлар билан ҳам якин муносабатда шаклланган. “Бўрининг оғзи esa ҳам қон, емаса ҳам қон” мақоли топишмоқ ўрнида ҳам келиши мумкин ва унинг жавоби ёғ хумча, кади бўлади. “Асалдан ширин, заҳардан аччиқ” (тил) топишмоғи эса “Ширин сўз – шакар, аччиқ сўз – заҳар” тарзда такрорланади.

3.Хусайнова ўзининг топишмоқлар ҳақидаги тадқиқотида

“Ёмғир ёғалоқ,  
Тарвуз юмалоқ,  
Жаладан қўркмас,  
Лакқа бақалоқ” (балиқ) ва  
“Ғоқ-ғоқ-ғоқ,  
Думоғим чоқ,  
Сувда сузиб юраман,  
Кўп кайфлар сурман” (гоз)

топишмоқлари болалар қўшиклари сифатида ҳам айтилишини кўрсатиб ўтади.

Халқ топишмоқлари мақоллар каби ёзма адабиёт вакиллари ижодига ҳам ўз таъсирини ўтказган дейиш мумкин. Топишмоқларнинг яралиши мақсадидаги “Ўйла, изла, топ” тамойили ёзма адабиётдаги луғз (чистон), муаммо ва тарих жанрларида етакчи ҳисобланади. Хусусан, Алишер Навоий бир чистон (луғз)ида шундай ёзади:

Не шўх эрурки, улус кўнгли ичра савдоси  
Анинг юзидағи хатлар каби муҳаррардур.

Кумушдуур танию қиммати анинг лекин  
Ўн икки ўз танидек важҳ ила мукаррардур.

Ишида ул ўн икки ҳар бирисидур динор  
Ки, адл сиккасидин юзларида зевардур.

Магарки англади хумсул муборак асрорин  
Ки, сони бу агад ўлмиш, агарчи юз мардур.

Гадоға хумсидин ар салтанатдуур, не ажаб  
Қачонки беклик анинг рубъидин мускардур.

Чистонда эл кўнглига савдо (ақлдан озиш) солувчи, юзида тахрир килинган мухри бор нарса нима, деб савол қўйилган. Бу саволнинг жавоби “Танга” бўлади. Яъни шоир нарсанинг белгиларини санаган ва жавоб топишни сўрамоқда. Увайсийнинг “Анор”, “Қайчи” чистонлари машхур.

Муаммо жанрида шоир байт ёзади, байтда муайян амалларни бажариш лозимлиги кўрсатилади. Агар ана шу амаллар тўғри бажарилса, исм вужудга келади. Масалан, Алишер Навоий байтини келтирайлик:

“Бу гулшан ичраки йўқтур бако гулига сабот,  
Ажаб саодат эрур чиқса яхшилиқ била от”.

Байтнинг иккинчи мисрасидаги “саодат” сўзидан “от” олинса (чиқса яхшилиқ била от), “Саъд” исми ҳосил бўлади.

Мумтоз адабиётимизда олий саркардаларнинг ғалабалари, катта қурилишларнинг якунланиши, олий мартабали одамлар оила-

сида фарзанднинг тугилиши ёки машхур олим – алломаларнинг вафот этиши муносабати билан шоирлик иктидори бор адиллар “тарих” ёзганлар. Тарихни ташкил этувчи ҳар бир сўз таркибидаги ҳарфлар алоҳида рақамларни билдирган. Бундай тизим илмда *абжад* деб аталган. Абжад ҳисобининг асосини араб алифбоси ташкил этган бўлиб, алиф – 1, бо – 2, жим – 3, дол – 4, хо – 5, вов – 6 рақамларини ифодалаган. Охириг ҳарфлар зод – 800, зо – 900 ва гайн – 1000 рақамларини англатган. Масалан: Дурбек “Юсуф ва Зулайхо” достонининг ёзилган йилини абжад ҳисоби билан куйидаги байтда берган:

“Зод”(ض) эди тарих тақи “хе” (ح) ю “дол”(د)

Муддати ҳижратдин ўтуб моҳу сол.

Байтда келтирилган уч ҳарф ифодалаган рақамлар қўшилса (ض - 800 + ح - 8 + د - 4), 812 чиқади. Демак, достон ҳижрий 812 (милодий 1409) йилда ёзилган экан.

Шундай килиб, чистон, муаммо, тарих жанрларидағи бошқотиргич вазияти ҳалқ оғзаки ижодидаги топишмоқлар билан муштаракликни белгилайди. Топишмоқларда ҳам, ёзма адабиётдаги учта жанрда ҳам инсонни ўйлашга, қиёслашга, излашга чорловчи фазилат намоён бўлади.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Топишмоқларнинг мақолларга ўхшаш ва фарқли жиҳатларини аниқланг.
2. Топишмоқларнинг жанр хусусиятларини сананг ва изоҳланг.
3. Топишмоқларнинг ҳаёт билан муносабати ҳақида сўзланг, уларнинг тарбиявий аҳамиятини топинг.
4. Топишмоқларда қандай бадиий тасвир воситалари қўлланади?
5. Ёзма адабиётдаги чистон, муаммо, тарих жанрларини топишмоқлар билан таққосланг.

### **Адабиётлар:**

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек ҳалқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 100-109.
2. Ҳусаинова З. Ўзбек топишмоқлари. – Т.: Фан, 1966.
3. Ҳусаинова З. Топишмоқлар / Ўзбек фольклори очерклари. 1-жилд. – Т.: Фан, 1988. – Б. 98-128.

4. Кравцов Н.И., Лазутин С.Г. Русское устное народное творчество. – Москва: Высшая школа, 1977. – С. 86-95.

5. Ҳомидий Ҳ., Абдуллаева Ш., Иброҳимова С. Адабиёт-шунослик терминлари лугати (иккинчи нашри). – Т.: Ўқитувчи, 1970. – Б. 5-6, 119, 218.

## АСКИЯ

Аския ҳакида фикр юритишдан аввал унинг мохияти ҳақида кисқача мулоҳаза билдириш жоиз. Аския айтиш қанчалар мураккаб бўлса, уни тушуниш ҳам осон эмас. Чунки аскиячи айтган аскиядга нозик сўз ўйини қўлланилади. Сўз ўйинини тушуниш эса уни ўйлаб топишдек кийин. Сўз ўйинида уни ўйлаб топган одамнинг фикрлари усулини қўллаш лозим бўлади. Шу боис аския пайтида кимдир кулади, кимдир гап нима тўғрисида бораётганини англай олмай гаранг бўлиб тураверади. Аския жанрининг бош мақсади, унинг мохияти сўз ўйини воситасида кулги ҳосил қилишдир.

Кичик бир мисолга мурожаат қиласайлик. Кунлардан бир кун дуторчи кизлар ансамбли иштироқчиси Санобар Каримова мусиқа машқи ўтказиладиган хонага ҳаммадан аввал келибди. Устози Фанижон Тошматовдан «Қизлар келишмадими?» – деб сўрабди. Табиатан аскиячи Фанижон aka шу заҳоти илиқ табассум билан: «Келишгани келишиди», – деб жавоб берибди. Мана шу икки сўзда аскиядаги энг муҳим хусусият акс этган. Биринчидан, Фанижон aka Санобархон саволидаги «келиш» сўзидан жуда унумли фойдаланган. Жавоб икки сўздан иборат бўлгани ҳолда ҳар икки сўз шаклан бир хил кўринишда. Иккинчидан, биринчи сўзниң ўзи икки маънени ифодаламоқда. Яъни «келган одам келган ҳисобланади, келган одам келган-да», деган маъно ифодаланган. Учинчидан, «келишган» сўзининг кўплик кўшимчаси билан битта Санобархонга нисбатан қўлланилишига ажабланиш керак эмас. Чунки Фаргона водийсида битта шахсга нисбатан кўплик шаклда фикр билдириш одат ҳисобланади. Айни пайтда, «келишган» сўзи бу ўринда «келган» маъносидан ташқари қадди-коматида нуксони йўқ одам, ўзбекларда «келишган қиз», «келишган йигит», «келишган одам» сўз бирикмасида қўлланганидек маънени ифодаламоқда. Яъни Фанижон aka қизнинг саволига ажойиб лутф билан

жавоб бермоқда. Кейинги сўз «келишди» эса Андижон шевасида кўпликни якка шахсга қўллаш мумкинлигидан фойдаланилган ҳолда сўз туркумидан феъл маъносини билдиримоқда. Санобархоннинг соддагина саволига устоз мохирона жавоб топди. Аввал хонага кирган шогирдига унинг «келишган»лиги – хушбичим, қадди-комати чиройли экани таъкидланди ва айни пайтда, савол берувчига қараб «йўқ» сўзи ҳам қўлланмади. Бу ўринда катта авлод вакилларимизнинг, умуман, савол берувчи шахсга нисбатан жавоб беришда «йўқ» сўзини қўллашдан ўзларини сақлашта уринганларини ҳам таъкидлаш ўринилдири. «Келишгани келишди»даги сўзлар маъносини тўлиқ билмаган одам учун жавобнинг ўзи тушунарсиз бўлиши мумкин. Аммо сўзларнинг ҳақиқий фикр ифодалаш имкониятини хис қилган ўзбек устоз жавобидан беназир лаззат олади. Ўзбек тили имкониятига қойил қолади. Устознинг сўз қўллаш маҳоратига таҳсиллар ўқииди.

Аския жаҳондаги биронта ҳалқ оғзаки ижодида учрамайдиган, сўздан сўз ҳосил қилиш, сўз жилосидан тўлиқ фойдаланиш, сўз ўйинига асосланган жанрдир. Бошқа ҳалқларда бу жанрнинг учрамаслигини эса, асосан, ўзбек тилидаги сўз бойлиги билан изоҳлаш мақсадга мувофиқдир. Хусусан, мақол, топишмок, эртак, кўшиқ, достон жанрлари жаҳон ҳалқлари ижодида айнан ёки бир оз ўзгарган ҳолда учрайди, аммо олимлар шу кунгача аскияning бошқа ҳалқларда мавжудлигини аниқламаганлар. Тўғри, баъзи пайтларда латифаларда аскияга ўхшаш вазиятлар учраши мумкин (пешка ходит е 2-е 4; он ходит едва, едва – шахмат ўйинидаги энг кичик сипоҳ е 2 хонасидан е 4 га юради, биз назарда туттган одам эса зўрга-зўрга юради). Аммо муайян хусусиятларга эга алоҳида жанр сифатида учрамайди.

«Аския» сўзининг асоси араб тилидаги «закий»дан олинган бўлиб, соф фикрли, ўтқир зеҳнли, закий – нозик табиат билан фикр юритиши маъноларини англатади. «Азиё» эса кўплик шаклдир. Фикримизча, «к» жарангсиз ундош товуши таъсирида «з» жаранглиси жарангсизлашиб «с»га айланган бўлиши мумкин.

Бу жанрнинг илк тадқиқотчиси Расул Муҳаммадиев шундай ёзади: «Хозиржавоблик – аскияning энг муҳим шарти, чунки бирор тараф ўз вақтида чукур маъноли, кучли жавоб қайтара олмаса

(пауза бўлса), кулги насаяди, демак, ракибнинг фикрида кучсизлик сезилиб қолади»<sup>29</sup>.

Аския санъатини илмий ўрганган олим Расул Муҳаммадиев ўзбекларнинг аския айтиши қадим замонлардан бошланганини кайд этган. Хусусан, XV асрда яшаган шоир Зайниддин Восифий ўз хотираларида Ҳирот шаҳрида Мирсарабарахна, Бурхоний Гунг, Ҳасан Воиз, Саид Ғиёсиддин, Шарфий, Ҳалил Саҳҳоб, Муҳаммад Бадаҳшӣ каби ўткир сўз усталари борлигини айтиб ўтган. Ҳунармандчилик ривожлангани сари аския ҳам кенг оммалашди. Айникса, бўз, атлас тўқийдиган косиблар кўл ва оёклари муттасил ҳаракатда бўлгани боис ё қўшиқ, ашула айтишган, ё аския билан кўнгилни овutiшган. Бу жиҳатдан Фарғона водийси аҳолиси алоҳида ажралиб турган. Юсуфхон қизик Шакаржонов, Мамаюнус Тиллабоев, Эрка қори Каримов, Амин бува, Фанижон Тошматов, Турсун бува Аминов, Абдулҳай Махсум каби машҳур сўз усталари аския санъатини ривожлантиришда муносиб ҳисса қўшидилар. Ҳалқ ҳофизлари Жўрахон Султонов, Расулқори Мамадалиев, Шоқосим, Шоолим, Шоакбар Шожалиловлар, Ориф Қосимов, Ориф Алимаҳсумов ва ўнлаб хонандалар тўйларда ажойиб аскиябоз сифатида ҳам машҳур эдилар. Юртимизда Мустақиллик, Навруз, Ҳосил байрамлари муносабати билан ўtkазиладиган оммавий йигинларда аския томошаларга файз бағишиламоқда. Шунингдек, улфатларнинг гап-гаштакларида, турли йигинларида, зиёфат устида аския айтиш одати ҳам эсдан чиққан эмас.

Аския санъатининг асосини бадиий адабиётдаги ийҳом деб аталувчи бадиий тасвир воситаси ташкил этади. Ийҳом араб тилида «шубҳага солиш» деган маънони билдиради. Бу санъатга биноан шаклан бир хил сўзларнинг турли маънода кўлланиши орқали фикр ифодалаш санъати назарда тутилади: Захириддин Муҳаммад Бобурнинг «Қаро зулфинг» ғазалидаги иккинчи байтда:

Лабинг бағримни қон қилди, кўзимдан қон равон қилди,  
Нега ҳолим ямон қилди, мен андин бир сўрорим бор.

мисралари бор. Ундаги «сўрорим бор» сўзларида ийҳом санъати кўлланган. Чунки бу сўз ташки маъносига кўра “сўрамок” маъносини беради. Яъни сенинг лабинг бағримни қон килгани,

<sup>29</sup> Муҳаммадиев Р. Аския. – Т., 1962. – Б. 7.

күзимдан кон оқизгани сабабини сұрамокчиман, демокчи. Аммо бу сүзнинг яшириң маъноси ҳам йўқ эмас. Унга кўра «сўорим» сўзи энди «сўрмоқ» – ўпмоқ маъносини ифодаламоқда. Шундай қилиб, ийҳом санъатини бир сўзнинг икки маънони бир вақтнинг ўзида ифодалаш моҳияти ташкил этади.

Омоним сўзлар бадиий адабиётда кенг кўлланади. Мумтоз шоирлар ижодидаги туюқ жанрида бир шаклдаги сўз уч ўринда уч маънони ифодалайди. Оғзаки ижодда ҳам Эргаш Жуманбулбул куйидаги тўртликни «Равшан» достонида келтирган:

Кўлингдан келганча чикар яхши от,  
Яхшилик қил болам, ёмонликни от.  
Насиҳатим ёдингда тут фарзандим,  
Ёлғиз юрса, чанг чикармас ёлғиз от.

Юқоридаги тўртликда эътиборимизни «от» сўзи ўзига қаратади. Бу сўз бир ўринда «исм», иккинчи ўринда «отмоқ» – феъл, учинчи ўринда халқимиз севиб минадиган от маъносини билдиради. Бу мисолда халқ баҳиси тажнис санъатини қўллаган. Чунки омоним сўзларнинг шеърда турли маъно англатиб ўзаро қоғияланиши тажнис деб аталади. Аскияда эса кўпроқ ийҳом санъатидаги сўз ўйини етакчилик қиласди. Баъзан бу санъат шу қадар мураккаблашиб кетадики, уни айтилгани заҳоти англаб олиш ҳам кийин бўлади. Масалан, Расул Мухаммадиев 1962 йилда эълон қилган «Аския» китобида куйидаги матнни келтиради:

«Кодиржон ака:

– Икромиддин, бу ёкка қаранг, бизга пиширишингиз битта ош, қовоқ ҳам соласиз-а!

Икромиддин:

– Кодиржон ака, сизлардака азиз меҳмонларга атаб ҳар хил овкат килганмиз: бу шўрва, ош қовоқда.

Амин бува:

– Мулла Икром, Кодиржон акадан ташвиш қилманг, бу кишига ошқовоқдан олинса бўлди.

Кодиржон ака:

– Амин бува, ажойиб хушфеъл одамсиз-да, индамай олаверасиз: ошга қовоқ солинмайди, деб.

Амин бува:

- Сиз ҳам индамай тушираверсангиз-а, қовоқдан ош яхши, деб.
- Қодиржон aka:
- Сиз ҳам индамай тушираверсангиз-а, ошдан қовок яхши, деб.
- Амин бува:
- Сиз ҳам индамай тушираверсангиз-а, қовоқ ошми, ош қовоқми, деб.

Икромиддин:

- ... бир оз у ёқ-бу ёқдан гаплашиб ўтиинглар, бошқа овқат қиламан: қовоқ-сиз!

Энди асқияда қайта-қайта тақрорланган «қовоқ» сўзига диққат қиламиз. Аввало, «қовоқ» сўзининг маъноларини кўриб чиқайлик. Биринчидан, палак отиб ўсадиган полиз ўсимлиги. Иккинчидан, шу ўсимлик қобигидан тайёрланган идиши. Унга, одатда, сут, овқат солиб сақланади. Учинчидан, одамнинг қоши остидаги кўз косасини қопловчи тери. Асқия матнида учта маънонинг ҳаммаси фаол иштирок этади. Қодиржоннинг биринчи жумласида ошга қовоқ солиши хақида гапирилади. Аммо меҳмонларга жаҳл чиқкан холда, яъни қовоқ солиб овқат килиш яхши эмаслиги, шундан сўнг «ош қовоқда» дейилгандা, ошнинг қовоқ пўстидан ясалган идишга солингани айтилмоқда. Асқиянинг охирги жумласи алоҳида аҳамиятга эга. Унда «қовоқсиз» сўзи бор. Бир карашда овқатга қовоқ солмайман маъноси ифодаланади. Аммо асқиячи бу сўзни шундай талаффуз қиласиди, окибатда, асқия бошлаган одам бефаҳм, яъни “қовоқ” номи билан аталиб қолади. Натижада асқиядаги ҳар бир «қовоқ» сўзини кўллашда янги маъно, фикрий товланиш акс этиши оқибатида атрофдаги тингловчиларга кулги бағишлади.

Кулги ҳосил қилишнинг яна бир усули асқиябозларнинг лақаблари билан боғлиқ сўз ўйинларидир. Ҳақиқий моҳир асқиябозлар рақибларининг лақабларини асқия матнига шундай сингдириб юборишар эдики, факат асқияни нозик тушунадиган тингловчигина унинг маъносига фикр қилиб етиб борар эди.

Машхур ҳофиз Мамаюнус (лақаби кал) поездда кетишаётганда дўсти Эрка қорини (кўзи ожиз) асқияга тортар экан, кори аканинг кўзи ожизлигига шама қилиб:

– Туриңг, кори ака! Кўр отга (курортга) келдингиз! – дейди. Эрка кори ёстиқдан бошини қўттарар экан, шошиб-пишиб купе деразасидан ташкарига қараган бўлди-да, дархол юзини Мамаюнус ака томон буриб:

– Ҳовликмай колинг, Мамаюнус! Шўртепа-ку! – деди.

Матнни таҳлил қилишда тингловчи «кўр от», «шўртепа» сўзларининг маъносини шу заҳоти закийлик билан кўзи ожиз, кал маъноларида тушуниб етмаса, асқиянинг бутун моҳияти ўз қадрини йўқотади. Натижада, Мамаюнус аканинг маҳоратини ҳам, Эрка корининг топкирлигини ҳам баҳолай олмайди.

Асқия таркибида кичик турлар мавжуд. Уларнинг энг оммалашгани пайров, қолганлари гулмисиз, райҳонмисиз, жамбилмисиз; ўхшатдим, кофия, тутал, бўласизми, раббия, афсона, сафсата каби номлар билан аталади.

Пайровда асқиябозлар тингловчилар аудиториясининг касби, худуди, маҳаллий шароит хусусиятларига кўра ўзаро келишиб мавзу танлашади. Мавзулар дехқончилик, косиблиқ, ўқитувчилик, бадий асарлар, мақоллар, пахта, иморат, табобат ва бошқа йўналишларда бўлиши мумкин. Аммо бир мавзу танландими, бошланишидан охиригача изчиллик билан давом этиши шарт. Масалан, участка – иморат қуриш пайрови чек олишдан бошланади. Кейин иморатнинг лойиҳаси тузилади, деворлар учун ер қазилади, фундамент (пойдевор) қуйилади, тўсин ташлашади, пахса қилинади ёки гишт терилади, эшик, дераза, дарвоза ўрнатилади, сувалади, том қоқилади, сув, газ, чироқ ўтказилади, бўялади ва ҳоказо ишларнинг ҳаммаси бажарилади. Ҳаммасига уста ишлатилади. Бозордан қурилиш ашёлари сотиб олинади. Хулас, иморат қуриш бошидан ичига кириб жойлашгунига қадар бўлган жараён акс этади. Мухими, ҳар бир бажариладиган иш асқия асосида ичакузди кулгилар жўрлигида амалга оширилади. Асқиябозларнинг маҳорати қурилишнинг ипидан игнасигача билишдан ташқари уларни баён қилишни сўз ўйини билан ҳамоҳанг олиб бориш ва тингловчиларни муттасил кулдириш билан белгиланади.

Асқиянинг бошқа турларида ҳам асқиячилар бир-бирларининг иззат нафсини ҳақорат килмаган ҳолда тингловчидарни кулдириш билан ўз маҳоратларини намойиш қиласидилар.

Кулги уйғотиш усулларининг ҳаммаси асқиябозлар томонидан фойдаланилган. Улардан бири сўз талаффузини атайнин бузид айтиш ҳисобланган. Масалан, аввалги мисолда курорт сўзи «кўр от» тарзida айтилган. Шунингдек «кишмиш» – кишиимиш, яни кимдир; карбюратор – кал биладир; русча «курит» ўзбекча талаффуз билан «кўр ит» тарзida талаффуз килинган. Кўпинча,

меваларнинг номлари исмлар урғуси билан айтилган. Масалан, узумлар: Ҳасайни – Ҳасан, Ҳусайни – Ҳусан, Қора чиллаки – Қоравой; ковунлар: Асати – Асадбой, Дониёр – Дониёр, Шакар палак – Шакарбек, Мирзачўл – Мирзайўлдош ва х.к.

Айрим мутахассислар асия матнини таҳлил қилишда кўпроқ эътиборни асиячиларнинг сўз қўллаш маҳоратига қаратадилар. Бу – тўғри. Аммо тажриба асия матнини жонли ижродан ажраган ҳолда таҳлил килиш у қадар маъкул эмаслигини тасдиқлади. Асиябознинг маҳорати, аввало, тингловчилар олдида намоён бўлади. Асия бадиий адабиётнинг драма жинсига мансуб жанр ҳисобланади. Бинобарин, асияни ўтказиш баҳоси унинг ёзма матни билан эмас, жонли ижроси билан белгиланади. Шунинг учун асия ҳақида фикр юритганда, асиябозларнинг мавзуни тўғри танлагани, уни изчил равишда мантикий якунга етказа олгани, бадиҳагўйлик маҳоратини қай даражада ишга соглани, тингловчиларнинг мақтоворига сазовор бўлгани билан баҳолаш маъкул ҳисобланади.

Асия юзасидан маълумот беришда бир масалани эсдан чиқармаслик лозим. Гап шундаки, асия табиатида порнография – уятли маъно ифодалаш хусусияти бор. Айтиш керакки, умуман, ҳалк оғзаки ижодидаги деярли ҳамма жанрларда уятли тушунчаларни пардали тасвирлаш одатини инкор қилиб бўлмайди. Айрим қўшиқларда, тошишмокларда, латифаларда, достонлар ва эргакларда баязан ижрочилар тингловчи аудиториясини янада киздириш, эътиборни ўта жалб қилиш, кулги даражасини кўтариш мақсадида бу усулдан фойдалантганлар. Аммо одоб чегараси уларнинг жуда эркин сўз ишлатиш ва харакатларига йўл қўймаган. Шу билан бирга асия ижросида ийҳом санъатидан фойдаланган ҳолда порнографик маъноли асия матнини қўллаш тажрибада кўпроқ намоён бўлади. Шунинг учун ҳам асия эркаклар ўргасида айтилганда, аёлларнинг даврада қатнашиши маъкул саналмаган. Фольклоршуносликда аёллар ўргасида асиялар бўлиб тургани ҳақида ҳам маълумотлар бор.

Шундай қилиб, асия ўзбек ҳалк оғзаки ижодининг сўз ўйини асосида шаклланган ва оммалашган ўзига хос жанри сифатида баҳоланиши мумкин. Асия жозибаси асрлар давомида ота-боболаримиз томонидан баҳоланиб келинган. Унинг тараққиётига бу гунги кунда Жўрахон ака Пўлатов, Баходир Шокиров, Неъматжон Тошматов, Акромжон Анваров, Мансуржон Охунов, Содикжон

Ҳасанов, Мұхаммадсүддик Миряев, Убайдулла Абдуллаев, Маъруф Раҳимов, Жалолиддин Раҳимов, Хотамжон Ҳакимжонов, Хотамжон Тешабоев каби сўз санъаткорлари муносиб ҳисса қўшиб келмоқдалар.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Аския жанрининг фақат ўзбек халқ оғзаки ижодида мавжудлигини изоҳланг.
2. Аскиянинг жанр хусусиятларини мустақил равишда аниқланг.
3. Аския марқибидаги кичик турларни айтинг. Пайровга баҳо беринг.
4. Матнда кулги уйғотувчи усуllар ҳақида маълумот беринг.

### **Адабиётлар:**

1. Мұхаммадиев Р. Аския. – Т., 1962.
2. Аскияда ижрочилик маҳоратини ошириш йўллари (методик тавсиянома). Тузувчилар: Жўраев М, Собитова Т. – Т, 1985.
3. Сайд Анвар. Муҳиддин Дарвеш. – Т.: Шарқ НМАК, 2006.
4. Раззоков Ҳ. Ўзбек халқ оғзаки ижодида сатира ва юмор. – Т.: Фан, 1965.

## **ЛАТИФА ВА ЛОФЛАР**

**Латифа.** Халқ оғзаки ижоди ҳаётнинг ҳамма шароитига мос асарлардан ташкил топгани юзасидан фикр билдирган эдик. Латифалар ана шу фикримизнинг яна бир далили бўлиб хизмат қиласиди. Ўзбеклар дунёдаги бошқа халқлар каби ҳазилни, таклидни, кулгини яхши кўрадилар. Кулги инсонга соғлиқ, яхши кайфият, ўз-ўзидан қониқиши туйгусини бағишлади. Халқимизнинг доно фарзандлари Юсуфжон қизиқ, Ака бухор, Фанижон Тошматов кабилар ҳаёт машаккатли кечган пайтларда ҳам юртимиз ахлига тетиклик, умид, ишонч улашганлар. Бундай натижага эришиш ўз вакти учун жуда оғир бўлган. Латифалар, лофлар, аския, халқ драмаси асарлари, муқаллидчиликдан унумли фойдаланиш зукко ва иктидорли инсонларни ҳақиқий маънода халқ севгисини қозониш шарафига муюссар қилди.

Инсон калбидаги ташвишни, танасидаги хасталик хуружини четрекка суринда кулгили латифалар жуда самарали восита ҳисобланган. «Латифа» атамаси арабча «лутф» (لطف) сўзидан олинган бўлиб, нозик фикрлаш, яхшилик қилмоқ, мурувват кўрсатмоқ, шарафламок маъноларини анғлатади. Шунингдек, лугатларда латифа нозик, ихчам, кичик, чукур ва кенг маъноларини ифодалайди. Махсус лугат ҳисобланган Алишер Навоий асарларига тайёрланган лугатда буюк адабнинг шу ўзакли сўзлардан ўн тўрт маънода фойдалангани қайд этилади. Улар қаторида нозик маъноли сўзлар, ажойиб ҳикоялардан тортиб поклик, меҳрибонлик тушунчаларигача ўрин олган. Хуллас, оғзаки ижодимиздаги бу жанр атамаси ҳар томонлама унинг шакли ва мазмuni, мақсади, вазифасига мос равишда танланган.

Латифаларнинг жанр хусусиятларини қуидагича белгилаш мумкин:

1. Латифалар бадиий адабиётдаги эпик тур (жинс) га мансуб.  
Аммо ижорда драматик – актёrlик маҳорати аҳамиятли.

2. Латифалар шаклан насрда яратилади.
3. Ҳажм жиҳатдан чекланган.
4. Вокеа ифодасида диалоглардан кенг фойдаланилади.
5. Фавқулодда кутилмаган ечими кулги уйготади.

Илмий адабиётларда қайд этилишича, латифаларнинг шаклланиши ва ривожланиши IX-XI асрларга тўғри келган.

Хусусан, шу даврда олий илм даражасига эришган алломалардан бирини ёқтириб қолган подшоҳ ўз саройининг қаршисига олимга атаб болаҳонали уй қуриб беради. Аллома илмли, доно, ҳурфикс экан. Аммо унинг ташки кўрининши бесўнақай, хунук экан. Кунлардан бир кун подшоҳ тонг пайтида ўз тарафида туриб тонг ҳавосидан тўйиб нафас олаётса, қаршисидаги болаҳонадан олимнинг гавдаси кўринибди. Шунда подшо унинг бесўнақайлигига ургу бериб:

– Мавлоно, кўччанинг нариги бетида бир эшак турибдими? – дебди. Аллома шу заҳоти ҳеч иккиланмай:

– Йўқ, олампаноҳ, мен бу томонга катта кўзгу – ойна кўйдирганиман, – деган экан.

Насриддин Афанди номи билан латифалар мазмунининг боғланиб, уйғунлашуви XIX аср охири XX аср бошлари билан белгиланади. Ўзбек фольклоршунослиги фани асосчиси, профессор

Ходи Зарифов қайд қилишига биноан, Насриддин Афанди номининг ўзбек латифаларида шуҳрат топиши юргимизда матбаанинг пайдо бўлиши, Насриддин Афанди латифаларининг китоб гарзда нашр эттирилишидан бошланган. Айтиш мумкинки, Озарбайжонда эълон қилинган «Мулла Насриддин» журналининг ўзбек зиёлилари орасида кенг оммалашуви бу жараённи тезлаштирган. Ўтган аср бошларида «Насриддин Афанди» номи билан китоблар нашр эттирилади. Кейинчалик Шариф Ризо, Собир Абдулла, Адҳам Раҳмат, Ҳошимжон Рассоқов, Баҳодир Саримсоқов, Фарида Йўлдошева каби зиёли, адиб, олимлар ташаббуси билан афанди латифалари бир неча марта нашр эттирилди, илмий тадқиқотлар олиб борилди. Айниқса, Фарида Йўлдошева қаламига мансуб «Ўзбек латифаларида Насриддин Афанди образи» рисоласи бу жанр тарихи, матн таҳлили, образ яратиш маҳоратини ўрганишда муҳим аҳамиятга эга бўлди. Ўзбек афанди латифалари рус тилида ҳам қайта-қайта нашр эттирилди. Ўзбекфильм ижодкорлари «Насриддин Бухорода» (бош ролда Свердлин Лев Наумович), «Насриддин саргузаштлари» (бош ролда Раззок Ҳамроев) бадиий фильмларини яратдилар. Ҳеч иккilanмай айтиш мумкинки, бу саъй-ҳаракатлари натижасида ўзбек Насриддин Афандиси, қолаверса, латифаларимиз юргимиз чегарасидан олисларда шуҳрат топди. Насриддин Афанди латифаларини ўқиган ҳар бир китобхон бу шахснинг тарихи билан қизиқади. Шайх Насриддин, Хўжа Насриддин, Мулла Насриддин, Насриддин Афанди номларининг қайта-қайта тақрорланиши бу қизикишни яна ҳам ортиради. Илмий маълумотларда Насриддин исмли шахс 1208 йилда вафот этгани, ҳатто ҳижрий ҳисоб билан унинг мақбараасига 386 йилда туғилган деб ёзилгани, йил ракамларининг ўрни атайин тескари тартибда берилгани хақида маълумотлар бор. Бу далилларни тадқиқотчи Фарида Йўлдошева шундай хуолосалайди: «Тарихда Хўжа Насриддин исмли шахслар, Насриддин Афанди прототипларининг бир канчаси ўтган бўлиши мумкин... Мана шу тарихий шахсларни ҳалқ қаҳрамони Хўжа Насриддинга ҳаёт бағишилаган прототиплар десак бўладими. Аксинча, ҳалқ қаҳрамони Насриддин тарихий шахсларга шуҳрат келтирди». Ҳақиқатан ҳам, ҳалқ яратган Насриддин афанди латифаларидаги турфа кулгили воқеа-ҳодисалар шу қадар серкўлам ва ибратлики, улардаги умумий мазмун бир инсон ҳаёти чегарасига сигмайди. Шунинг учун мазкур латифа-

ларнинг бош қаҳрамонини Насрииддин афанди рамзида мужассам топган халқ деб тушуниш хақиқатга яқинроқ бўлади. Чунки та-рихда Рашидиддин Ватвот, Алишер Навоий, Биноий, Машраб, Муқимий, кейинчалик А.Қодирий, F.Гулом, А.Қаҳхор, М.Шайхзода, А.Рахмат, Ҳ.Раззоқов, С.Аҳмад, О.Шарағиддинов, Э.Воҳидов, Ӯ.Ҳошимов, О.Матчон, А.Мелибоев каби инсонлар хаётида рўй берган кулгили, ибратли, ҳазил-мутоиба ҳодисалар тавсифи вақт ўтиши билан латифаларда, хусусан, Насрииддин афанди билан боғлик оғзаки ижод асарларида ўз ифодасини топган бўлиши табиийдир. Ҳар бир халқда ҳам ҳаёт лавҳаларидан кули-гили вазият яратадиган инсонлар бор. Уларнинг фикр юритиши усулида фавқулодда комик ҳолат ҳосил қилиш сирлари бўлади. Шунинг учун ҳам хиндларда Бирбол, арабларда Жўҳа, козоқларда Алдар куса, тоҷикларда Мушфий, туркманларда Мирали, кора-қалпокларда Умрбек номлари билан латифа қаҳрамонлари шуҳрат топган, аммо латифа матнларида муштарак вазиятлар жуда қўп учрайди. Бундай ҳолатларда қайси халқ вакилидан бошқа халқ вакили муайян воқеани ўзлаштирган ёки кўчирган деган савонни қўйиш тўғри эмас. Ижтимоий, маиший ҳаётдаги ўҳашашликлар оқибатида бир хил латифаларнинг яратилишини асослаш маъқулроқ натижা беради. Масалан, Бирбол латифаларидан бирида кун-лардан бир кун подшоҳ унга жуда қалтис ҳазил ўйлаб топишни ва бу ҳазилнинг кечирими ундан ҳам қалтисрок бўлиши лозимлигини буюради. Бирбол шоҳ таклифини қабул қиласди. Орадан бир неча кун ўтганидан сўнг Бирбол ҳеч ким йўқ вақтида подшоҳнинг белини чимчилаб олади. Шоҳ ғазаб билан: «Бу нима килганинг?» – деб сўраганида, Бирбол: «Кечирасиз, шоҳим, сизни маликам, деб ўйлабман», – деб жавоб беради. Қизиги шундаки, айнан шу маз-мундаги латифа ўзбекларда ҳам, туркманларда ҳам, озарбайжон-ларда ҳам машхур. Бу мисол латифаларнинг яшовчанлигини, турли халқларда бир хил вазиятлар бўлиши табиийлигини кўрсатади. Натижада, қайси халқ мазкур латифани олдинроқ яратганлигини аниқлаш мумкин бўлмайди ва аниқлашнинг ҳожати ҳам қолмайди.

Ўзбек Насрииддин афанди латифаларида бош қаҳрамон ўта ҳо-зиржавоб, ўта зукко, доно ва тадбиркор инсон сифатида гавдала-нади. Ҳаётда уни сўз билан, хатти-харакат билан ечими йўқ вазият-га тушириш мумкин эмас. Чунки ақлли, мутафаккир Насрииддин афанди киёфасида бутун халқнинг, миллатнинг сўзга чечанлиги,

закий, яъни нозик фикр юритиш фазилати ўз ифодасини топган. Хар бир латифа матнида уни ўйлаб топган шахс ақли, вазиятни аниқлаш кайфияти ва заковати намоён бўлади. Латифаларнинг эътиборли, тингловчини ўзига жалб киласидаган жиҳати шундаки, уларда савол-жавоб қилаётган тарафлар бир-бирини мутлако ечими топилмас вазиятга туширишга уринадилар. Айникса, Насриддин афанди қисмати латифанинг якуний қисмига етгунга қадар жуда оғир ва чорасиз тақдир шароитида тасвиранади. Аммо халқ Насриддин афанди тарафида бўлгани учун ана шундай мушкул вазиятдан ҳам ўз топқирилиги, сўзга усталиги билан қаҳрамонимиз ечим топиб кета олади. Бир мисолга мурожаат қиласилик. Кунлардан бир кун Афандининг саройга кириб келаётганидан хабар топган подшо у ҳақда ўзи топган бир воқеа билан мулзам килмокчи бўлибди: «Бугун тунда, – дебди у, – афанди билан иккаламиз туш кўрдик». Табиий, бундай пайтларда Афанди факат тасдиқ маъносини билдириши шарт ҳисобланган. Подшо давом этибди: «Афанди билан мен тушимизда янги туғилган мушук боласига айланиб қолибмиз. Осмондан бир калхат тушиб, иккаламизни икки чангалига олиб осмонга парвоз килибди. Аммо шу якин орада найдо бўлган бургутнинг хамласидан қочиб, иккаламизни чангалидан бўшатиб юборибди. Мен шинни ўрага тушибман, афанди нопок ўрага тушибди». Шунда саройдаги мулоzимлар афанди устидан кулиб, қаҳ-қаҳа қўтаришибди. Афанди бамайлихотир: «Шоҳим, тушимизнинг давомини ҳам айтинг-да», – дебди. Тўсатдан айтилган гапдан ҳайрон бўлган подшо иккиланиб: «Хўш-хўш, давомида нима бўлган эди?» – деб сўрашга мажбур бўлибди. Афанди: «Сиз шинни ўрадан, мен нопок ўрадан чиқдим, тўғрими?» – дебди. «Ҳа-ҳа, – дебди подшо, – жуда тўғри», – дебди. Шунда афанди: «Мен сизни яладим, сиз мени яладингиз», – деб жавоб берган экан.

Маълум бўладики, Насриддиннинг вазиятни тўғри баҳолашига, зудлик билан тўғри ечим топа олишига тасанно айтмасдан иложимиз йўқ. Афанди латифаларида сўз, ибораларнинг аниқ кўллалиши халқ қаҳрамонининг ўзбек тили имкониятларидан, кочиримларидан, сўз ўйинларидан ҳақиқий заршуносдек фойдаланишини далиллайди. Афанди жуда содла кўрингани билан тилимизнинг гўзаллигини, товуш товланишини маҳорат билан қўллайди.

Кунлардан бир кун афанди катта бир амалдорни «Сиз аҳмоксиз» деб ранжитибди. Амалдор уни қозига бошлаб борибди. Қози амалдорнинг хизматларини афандига яхшилаб тушунтирибди. Насиҳат килибди. Сўзининг охирида афандига амалдорга қараб «Сиз аҳмоқ одам эмассиз», – дейишни буюрибди. Афанди шу заҳоти козининг буйругини бажариб: «Сиз, аҳмоқ, одам эмассиз» - деган экан. Жумладаги аҳмоқ сўзининг ундалма ургуси билан талаффуз қилиниши оқибатида шўринг қургур амалдор аввал фақат аҳмоқ деб аталган бўлса, козининг буйругини «бажарган» афанди энди уни одам ўрнида ҳам кўрмаслигини маълум қилди. Бундай латифаларни тўкиган одамлар ўзбек тилини ниҳоятда яхши биладиган ва сўз ўйинларини чукур ҳис қиласидан инсонлар бўлишгани аниқ кўриниб туради.

Бадиий адабиётда китобхонни ҳаёт ташвишларидан маълум бир муддат давомида тўлиқ халос этадиган асарлар ҳам яратилади. Айрим саҳна асарларини томоша қилган томошабин ҳамма ташвишларини унутади. Катта ҳаёт муаммоларидан фориғ бўлади. Хусусан, бизнингча, «Тошболта ошиқ», «Келинлар қўзғалони», «Олтин девор» каби драмалар айнан ана шу максадда саҳналаштирилган. Бизни ўзига мафтун қилувчи жозиба асар қаҳрамонларининг фавқулодда содда қарорга келишлари, бир-бирларига нисбатан самимий муносабатда бўлишлари билан белгиланади.

Афанди латифаларида афандидаги иккинчи хислат – унинг ниҳоятда соддалиги, аниқроқ айтсак, нўноқлигини намойиш қилиш билан изоҳланган. Бундай намуналарда биз афандининг соддалигидан, ҳаётдаги кўнгилсиз воқеаларни ўзига олмаслигидан завқланамиз. Афандининг афандилиги унинг афандилиги билан шарҳланади. Яъни биронта эс-хуши жойида одам қилиши мумкин бўлмаган қарорни айнан афанди кабул қиласи.

Насриддин афанди кўчада кетаётib, кичкина бир кўзгу – ойна топиб олибди. Уни кўлига олар экан, ўз аксини кўргани заҳоти: «Э, кечирасиз, ойна сизникимиди?» – деб ташлаб юборибди. Ойна синибди. Шунда афанди: «Керак бўлмаса, айта қолмайсизми? Ўзим олар эдим-ку», – деган экан.

Гап шундаки, ҳалқимиз ижтимоий турмуш ташвишларидан зериккан баъзи пайтларда шунчаки кўнгил хушлиги учун ҳам кулги яратиш истагини билдиради. Бундай латифалардан мураккаб вазият изоҳларини излаш тўғри эмас. Чунки уларни ҳалқ фақат енгил

кулгига ташналигидан яратган, холос. “Кунлардан бир кун тунда афанди сув олмокчи бўлиб, кудук тепасига келса, кудук тубида ой кўринибди. Афанди хотинини чакириб, арқон олиб келишини буюрибди. У арқон ёрдамида ойни кудуқдан чикармокчи бўлган эканда. Кудуққа ташланган арқон қайсиdir илдизга илиниб қолибди. Афанди зарб билан арқонни тортган экан, чалқанчасига йикилиб тушибди. Шунда кўзи осмондаги ойга тушибди. «Ҳайрият, чиқариб олибман-ку», – деган экан афанди ўзидан мамнун бўлиб”.

Бундай латифалар билан танишиш, айниқса, хикоя қилиш маҳоратига эга инсон ижросида тинглаш одамга ҳузур багишлайди. Биз аввал айтганимиздек, бу турдаги латифаларда тингловчи содда афанди қарорларидан кулади. Лекин шуни ҳам қайд қилиш лозимки, халқ бу билан нима демокчи эканини тунуниб етишга ҳам ҳаракат қилиш зарап келтирмайди. Эҳтимол, доно халқ шу каби латифалар воситасида «Сен бунчалик содда бўлма!» демоқчими? Хулоса чиқариш ҳар кимнинг ўзига ҳавола.

Шундай қилиб, халқ латифалари оғзаки ижоднинг ажralмас кисми сифатида қадимги қадриятларнинг дурданаларидан ҳисобланади. Уларда афанди тимсолида халқнинг ўз фарзандларига ҳар қандай мушкул шароитнинг ҳам муносиб ечими борлитини уқтиришга даъват сезилади. Энг муҳими, ана шу ечимни топа билип маҳоратида.

Миллатнинг табиатини билмоқчи бўлган инсон латифаларни тинглаш, тушуниш, ҳис қилиш, қолаверса, маза қилиб кулиш орқали муҳим маълумотлар билан танишади.

**Лофлар**. Бадий адабиётда қўлланадиган санъатлардан бири «муболага» дейилади. Араб тилидан олинган бу сўз кучайтириш, бўрттириш, гипербола маъноларини англатади. Адабиётшуносликда муболаганинг уч тури белгиланган:

1. Таблиғ – бирор оғир ишни бажариш қайд этилади, аммо шахснинг иродаси, хоҳиши ва матонати билан амалга оширилса, таблиғ санъати қўлланган бўлади.

2. Иғрок – бажарилган кийин ишни тасаввур қилишимиз мумкин, аммо ҳақикатда эса уни амалга ошириш мумкин бўлмайди.

3. Гулувв – муболаганинг бу турида тасвирдаги бўрттириш ҳолатини кўз олдимизга келтириш ҳам, унинг ҳаётда рўй бериши ҳам мумкин эмас.

Халқ оғзаки ижодидаги лофлар муболаға санъатига асосланади. Луғатда «лоф» - форс тилидан олинган сўз бўлиб, куруқ (пуч) гап, сафсата, мактандоқлик. 1.Фольклордаги ҳажвий-юмористик жанрлардан бири: ҳаддан ташқари бўрттирилган, хақиқатга тўғри келмайдиган ёлгон гап»<sup>30</sup> деб изоҳланган.

Лофлар халқ оғзаки ижодининг латифалар ва асия каби кулги уйғотувчи оммавий жанри ҳисобланади. Асосан, жанрда қўлланадиган санъат муболаганинг иғроқ ва ғулувв тури ҳисобланади. Бу жанр моҳиятида муболаға етакчи ўринни эгалласа ҳам, бадий адабиётдаги мазкур санъатни қўллаш мақсади билан фарқланади. Чунки халқ ижодидаги достонлар, эртаклар, ёзма адабиётдаги шеърлар, достонларда муболаға қаҳрамоннинг зиммасидаги оғир вазият, у бажарган вазифа оддий эмаслигини таъкидлаш мақсадини кўзлади. Хусусан, «90 молнинг терисидан пўстини, 15 молнинг терисидан ковуши», «14 ботмон ёйни қўлига ушлаб, етти яшар бола қўтариб тортди, тортиб қўйиб юборди... Аскар тоғининг катта чўкқиларини юлиб ўтди, овозаси оламга кетди» («Алпомиш»). Ёки:

Мехр эмас, охим ўтидин кўкка етмиш бир шарап,  
Айб эмасдур гар десам: «Дам урсам афлок ўртанур»

байтида Алишер Навоий осмондаги қуёш аслида мен – ошиқ охининг бир учқунидир. Агар ростмана дам урсам, оҳ чексам, фалак куйиб кетади, демокчи. Юқоридаги мисолларда халқ ижодкори, ёзма адабиёт вакили томонидан тасвирланадиган воқеа таъсирида тингловчи, ўкувчидан ҳайрат уйғониши учун муболаға санъатидан фойдаланилган. Лофлардаги қўлланган муболағада эса икки мақсад назарда тутилади: биринчидан, лофдаги бўрттиришнинг ўйлаб топилганидан койил қолишимииз, ҳайратга тушишимиз керак, иккинчидан, бизда кулги уйғотиши ҳам зарур. Демак, лофлардаги муболаганинг бажарадиган вазифаси оддий бадий санъатнидан мураккаб экан.

Ҳаёт тажрибасидан маълумки, инсон одатда бажарган ишини, кўпинча, бўрттириб кўрсатишга мойил бўлади. Кимдир шахмат ўйнаб, умрида ютқизмагани билан, кимдир бир қулоч балиқ тутгани билан, кимдир йигирма коса норин егани билан мактанди. Аммо

<sup>30</sup> Ўзбек тилининг изоҳли луғати. Беш жилдли. Иккинчи жизд. – Тошкент. Ўзбекистон миллый энциклопедияси Давлат илмий наприёти, 2006. – Б. 509.

бу гапларни эшитган иккинчи кимса, албатта: «Сиз мен билан шахмат ўйнамаган кўринасиз» ёки «Сиз тутган балиқлар бизнинг дарёдаги балиқларнинг янги уруғдан чиққанига ўхшар экан», ё «Норин еган косаларингизни ангишвонанинг ичига жойлаб беришгандир» деб жавоб қайтаргиси келади. Натижада, халқ оғзаки ижодидаги лофлар жанрига асос ҳосил бўлади.

Лофлар бадиий адабиётнинг эпик тури (жинси)га мансуб жанр. Унинг ҳажми чекланган: икки-уч, уч-тўрт жумладан иборат. Асосан, диалогда катнашган икки лофчи сухбатидан бир лавҳа тарзида бўлади. Уларда бўрттирилган ёлғон воқеа тўкишда моҳир, тажриба тўплаган лофчи деб ҳисобланган шахслар мусобақалашади. Ҳар икки тараф айтиётган воқеасининг ёлғон ва тўқима эканини жуда яхши билади, лекин мутлақо бу фикрини очик айтмайди. Бу шарт бузилса, лоф бугун моҳиятини, жозибасини йўкотади. Аксинча, бир лофчи сухбатдошининг бўрттирилган ёлғон гапини аксарият ҳолларда тасдиқлайди, эътиroz билдирамайди. Фақат лофнинг мазмунидан хабар топганидан сўнг унивидан ўтқирроқ, яна ҳам муболагали, ёлғонроқ жавоб топиши лозим. Муҳими, иккинчи лофчи кейин жавоб бергани учун лоф шу ўринда тугайди. Баъзан диалоглар бир оз давом этиши мумкин, лекин барি бир сўнгги фикр билдирган лофчи ғолиб чикаверади.

Латифаларда, лофда, асқияда кулгига сабаб бўлган жумлани каашфиёт даражасида баҳолаш мумкин. Уларни ўйлаб топган шахс катта ҳаёт тажрибасига эга бўлади, айниқса, вазиятни тўғри баҳолаб кулги ҳосил қилиш маҳоратини намойиш этади. Бунинг учун у тил бойлигидан ҳам яхши фойдалана олиш фазилатига эга бўлиши зарур. Лоф тўқилганидан сўнг вақт ўтиши, биринчи ижодкор номининг маълум эмаслиги оқибатида мазкур асарга жамоа, яъни халқ муаллиф бўлиб қолади. Шунинг учун ҳам миллат вакили ўйлаб топган асар ўзбек халқининг зукколиги, ҳозиржавоблиги, топқирилиги, моҳир ижодкор эканлигини далиллайди.

Лофларни, кўпинча, латифагўйлар, асқиячилар, қизиқчилар ижро этишган. Турли сайилларда, йиғинларда, гап-гаштакларда кимдир лоф айтишни бошлагани заҳоти вазият ўзгарган, фикрий мусобақа бошланган. Масалан, қизиқчиллик ва асқиядан устоз санъаткор ҳисобланган марғилонлик Юсуфжон қизиқ моҳир асқиябоз Мамажон махсум билан лоф айтишиб колибди:

Юсуфжон қизик:

– Марғилоннинг ери хўб ер-да, бир бош узуми икки замбар келади-я!

Мамажон махсум:

– Токини Андижондан пархиш қилиб олиб кетгандирсиз-да, – дебди.

Бу мисолда Мамажон махсум фикрий кашфиёт жиҳатдан Юсуфjon қизиқни енгди. Чунки пархиш қилинган токнинг илдизи Андижонда қолади. Бинобарин, Мамажон махсум ўзининг вилоятидаги ер хосилдорлигини Марғилонницидан устун қўйган.

Яна бир мисолга эътибор қилинг:

Бир лофчи иккинчи бир лофчининг эшигини тақиллатиби. Лофчи чиқиб сўради:

– Мен билан чандишаман дейсан, ёшинг нечада?

– Одам Атодан етти мучал каттаман, – деб жавоб берибди чакириб келган лофчи. Бу жавобдан уй эгаси – лофчи хўнграб йиглай бошлади.

– Нега мунча тўлиб йиглајпиз? – сўрабди меҳмон.

– Сен туғилган йили менинг бир уйли-жойли ўғлим ўлган эди. Шу эсимга тушиб кетди, – деб жавоб берибди мезбон.

Мазкур лофда эшикни тақиллатган лофчи шундай бир вақт чегарасини тилга олдики, ундан олдинги муддатни топиш мумкин эмасдек туйилади. Чунки Одам Ато, умуман, одамзоднинг биринчи вакили хисобланади. Биринчи лофчи ўзини Одам Атодан ҳам етти мучал катта эканини айтди. Иккинчи лофчи – уй эгаси унга мутлако эътиroz билдиргани йўқ. Унинг ёлғон гапини ҳақиқатдек қабул қилди. Аммо шу заҳоти ракиби туғилган йили уйли-жойли ўғли ўлганини эслаб йиглай бошлади. Демак, уй эгаси меҳмондан камида кирк ёш катта эканини таъкидламоқда.

Халқ ўз лофларида макол, топишмоқ, латифаларда бўлганидек, майший ҳаётдаги турли лавҳалар, вазиятлар, воқеа-ҳодисалар юзасидан ўз мулоҳазаларини кулгили қилиб ифодалайди. Бу эса халқнинг бундай ҳолатларга нисбатан муносабатини билиб олиш имконини беради. Масалан, баъзан икки таниш ногоҳ учрашиб қолганида, дунёдаги бор-йўқ гапларни эслаб, соатлаб гаплашиб колади. Лофларнинг бирида бу ҳақда шундай дейилади:

«Тошкентлик бир машҳур лофчи Андижондаги дўстиникига келиб, уни лоф билан мот қилмоқчи бўлибди. Эшигини тақиллатса,

халиги дўсти устига пўстин, бошига телпак, оёғига этик кийиб чикиб қарши олади.

– Ҳа, ёз саратонида бу нима қилганинг? – деб сўрабди тошкентлик лофчи.

– Сен билан бўладиган сұхбат кизиб кетиб, шу билан қишига кириб қолсак, совкотиб қолмай деб, бир йўла кийиниб чиқдим, – деб жавоб берибди андижонлик мезбон». Ҳар ҳолда лофларда ҳам латифалардаги каби кутилмаган якуний хулосаларга келиш воситасида кулги ҳосил қилинади, бу билан муваффакият козонилади.

Шубҳасиз, ёзма адабиёт вакиллари лофлардаги гўзал ва жозибали лавҳалардан фойдаланишга ҳаракат қилганлар. Агар, кўпинча, адиблар муболаға санъатини қўллашда турли янгиликлар ўйлаб топган бўлсалар, кейинчалик лофлардаги кулги уйғотиш усулидан ҳам фойдаланишга эришганлар. Масалан, Алишер Навоийдан кейин яшаган Махмур «Авофи Каримқул меҳтар» ҳазилида кирчангি отни тасвирлашда шундай ёзди:

Сув ҳам ичса, томоғига тиқилур  
Пашша гар қўнса ёлиға йиқилур.

Замондошимиз Эркин Воҳидов эса «Бошиндадур» ҳажвиясида ўтган асрнинг 60-йилларида ўзини замонавий йигит қилиб қўрсатмоқчи бўлган кимсаларнинг кулгили қиёфасини шундай акс эттиради:

Най мисол шим кийган ул  
Сандикдайин туфли билан.  
Хурпайиб турган саватдек  
Соч анинг бошиндадур.

Маълум бўладики, ёзма адабиётимиз вакиллари ўзбек халқи тарбиясида вояга етар эканлар, оғзаки ижодимиз ҳазинасидан, хусусан, лофлардан ҳам унумли фойдаланиш йўлларини излаганлар.

Шундай қилиб, лофларда ўзбекнинг кулгисевар халқ экани яна бир бор ўз исботини топганига гувоҳ бўламиз. Лофлар халқимизнинг бадиий ижод сирларини мукаммал эгаллаган ижод соҳиби эканини далиллайди. Халқ вакилларининг сўзга чечанлигини намояниш килишда лофлар яхшигина восита вазифасини бажарган.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Латифаларда кулги ҳолатини яратиш усули ҳақида нималар биласиз?
2. Мавзулар ранг-баранглигини ўрганинг. Мавзулар бўйича латифаларни тасниф қилинг.
3. Латифалардан намуналар ёзиб олинг.
4. Муболага санъатининг лофлардаги аҳамияти ҳақида сўзланг.
5. Лофларда кулги қандай вазият ҳисобига ҳосил бўлади?
6. Латифалар ва лофларнинг ёзма адабиётда фойдаланилишига мисоллар топинг.

### **Адабиётлар:**

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 216-226.
2. Йўлдошева Ф. Ўзбек латифаларида Насриддин афанди образи. – Т.: Фан, 1979.
3. Шоҳ Акбар ва доно Бирбол. – Т., 1994.
4. Афанди латифалари. – Т., 1989.
5. Саримсоқов Б. Лоф / Ўзбек фольклори очерклари. 2-том. – Т.: Фан, 1989.
6. Ҳожиаҳмедов А. Мумтоз бадиият малоҳати. – Т.: Шарқ НМАК, 1999. – Б. 9-14.

## **ЭРТАКЛАР**

Эртаклар дунёдаги бошқа халқлар оғзаки ижодида кенг тарқалганидек, ўзбекларда ҳам энг оммавий жанрлардан бири сифатида турли вилоятларимизда яшайдиган юртдошларимиз томонидан севиб айтиб келинган. Уларнинг жуда қадим замонлардан яратилганини «эртак» атамасининг Маҳмуд Кошғарий томонидан 1074 йилда ёзилган «Девону луготи-т-турк» асарида «этук» тарзда қўлланганидан билса бўлади: «Этук – ҳикоя, эртак; бирор мақсадни шоҳга билдириш, ҳикоя қилиш учун ҳам бу сўз қўлланади. Асли бир нарсани ҳикоя қилишдан олинган»<sup>31</sup>. Бу жанрнинг қадимий-

<sup>31</sup> Маҳмуд Кошғарий. Туркий сўзлар лугати (Девону луготит турк). III томлик. I -том. – Т.: Фан, 1960. – Б. 98.

лигини қозоқ, қирғиз, туркман ва бошқа бир қатор туркий халқлар оиласига киравчи миллатлар оғзаки ижодида ҳам эртак деб аталиши, исботлаши мүмкін. Шунингдек, мифлар, афсона, ривоятлар ҳакида фикр юритганимизда, диффузион жараённинг кейинги босқичи эртак эканлигини эслатиб ўтганмиз. Демак, агар ҳалкимиз оғзаки ижодини қадимги қадриятлар сифатида эъзозласак, бу хазинанинг ноёб дурдонаси сифатида ҳеч иккиланмай эртакларни қайд этиш мүмкін экан.

Эртак терминини Ўзбекистондаги ҳамма вилоятлар ахолиси жуда яхши билса-да, бу жанрга оид асарлар турлича ҳудудларда турлича аталған. Ҳусусан, тошкентликлар «чўпчак», фаргоналиклар «мата́л», хоразмликлар «варсақи», ўзбек ва тожик тилида сўзлашувчи ватандошларимиз «ушук» тарзда аташган. Булардан ташқари жонли сўзлашувда баъзан афсона, ўтирик, тутал атамалари ҳам учрайди. Ҳатто ҳазрат Алишер Навоий ҳам газалларидан бирида «чўпчак» сўзини қўллаганлар:

Ҳабибим ҳусни васфин уйла муҳлиқ англаким бўлғай,  
Кошинда қиссан Юсуф бир уйқу келтурур чўпчак<sup>32</sup>.

(Байтдаги «чўпчак» «Наводиру-ш-шабоб»нинг 1959 йилги нашрида «чўрчак» шаклида ёзилган. Шунинг учун Алишер Навоий замонида «чўрчак» ёки «чўпчак» атамаси бор эди деб хулоса килиш мүмкін бўлади). Айни пайтда байтдаги «уйку» сўзига эътибор беринг. Мъълум бўладики, оқшом пайти болаларни ухлатища эртакнинг сехрли таъсир кучидан бугунги кунда фойдаланар эканмиз, бу анъана ҳам бежиз пайдо бўлмаганини қайд этамиз. Дарвоқе, Ҳ.Олимжоннинг 1937 йилда ёзган «Ойгул билан Бахтиёр» эртагини эслашимиз ҳам ўринли:

Болалик кунларимда,  
Уйқусиз тунларимда,  
Кўп эртак эшийтгандим,  
Сўйлаб берарди бувим.

Эсимда ўша дамлар.  
Ўзи учар гиламлар,

<sup>32</sup> Алишер Навоий. Муқаммал асарлар тўплами. Йигирма томлик. Наводиру-ш-шабоб / Тўртнинчи том. - Т.: Фан, 1989. – Б. 235.

Тоҳир-Зухра, Ёрилтош,  
Ойни уялтирган қош<sup>33</sup>.

Шоир достон бошланишида (достоннинг бош мазмуни ҳам «Озода чехра» эртагига асосланишини таъкидлаш мумкин) ҳалқ эртаклари жозибасини шоирона кашфиётлар билан ёритиб берган. Бу мисраларда «Тоҳир ва Зухра», «Ёрилтош» эртакларининг номи тилга олинишидан ташқари «ўзи учар гиламлар», «ойни уялтирган қош»лар, «беканот учган отлар», «сўйлагувчи деворлар», «бала бўп колган чоллар» санаб ўтилади. Ҳақиқатан ҳам, «Ойгул билан Бахтиёр» адабий эртагини ёзиша шоирга ҳалқ эртакларининг сирли олами илҳом бағишилаган ва Ҳамид Олимжон ўз ўқувчисига бу илҳом изоҳини гўзал сўзлар билан етказишга ҳаракат қилган. Юқорида келтирган фикрларимиз ҳалқ эртакларининг ҳақиқий сўз санъати сифатида қадимдан яшаб келаётганини, ҳалқ ҳаётида уларда тасвирланган олам муайян аҳамият касб этганини далиллайди.

Ҳалқ эртакларимизнинг бадиий ижод намунаси сифатидаги жанр хусусиятлари қўйидагилардан иборат:

1. Эртаклар ҳалқ оғзаки ижодининг эпик жинси (тури)га мансуб.

2. Эртаклар, асосан, насрда яратилади. Фақат айрим асарлардагина («Ёрилтош», «Тоҳир ва Зухра» ва б.) қўшикни эслатувчи шеърий парчалар учрайди.

3. «Бир бор экан, бир йўқ экан» бошламаси ва «мурод-мақсадига етибди» якунланмаси эртакларининг анъанавий белгиси ҳисобланади.

4. Ҳаёлий-фантастик тасвир эртаклар сюжетида кўлланадиган устувор усуздир.

5. Эртакларнинг умумий мазмунида IMF формуласи доимий тақрорланади. Ҳар бир эртак I – инициал – бошланма; M – медиал – асосий қисм; F – финал – якунланмадан иборат бўлади.

Эртакларнинг мифлардан ижод усулини ўзлаштирганлиги ҳақида фикр юритган эдик. Бу анъана ўзбек ҳалқ эртакларининг умумий мазмунида бугунги кунгача сақланиб келмокда. Эҳтимол, бу жанр асарларининг яшовчанлигини таъминлаган асосий хусусият ҳам шундан иборатdir. Ҳалқ ўз эртакларида чегарасиз равиши-

<sup>33</sup> Ҳамид Олимжон. Танланган асарлар. Уч томлик. 2-том. - Т., 1958. - Б. 101.

да хаёлот оламини кезиб чиқади. Яъни уларда халқ фантазияси маҳсули бўлган чегара билмас уйдирмалар, трансфигурация (бир шаклдан иккинчи шаклга ўтиш) ҳолатлари тингловчини ўзига жалб этади. Ваҳоланки, эртак бошланмаларидаги “Бир бор экан, бир йўқ экан, бир оч экан, бир тўқ экан, бўри баковул экан, тулки ясовул экан...” (олимлар бошланмадаги таркибий “екан” кисмларнинг 20 га якин бўлишини белгилашган) ибора ва жумлалар мутахассислар фикрича, эртакда баён килинган воқеаларнинг аслида умуман бўлмагани ва рўй бериши мумкин эмаслигини англатар экан. Ҳакиқатан ҳам, достонларда биз бу мазмундаги бошланма – зачинларни учратмаймиз. Шу боис одатга кўра достонлардаги воқеалар ҳаётда бўлган деб қабул қилинади. Эртакда эса тамом бошқа ҳолат хукм суради. Чунки бу жанр бошланмасидаги “бор-йўқ”, “оч-тўқ” сўзларининг ўзи ҳикоя килинаётган воқеага нисбатан шубха уйғотади. Аммо масаланинг қизиқ томони шундаки, воқеа бошланмасдан атаяйин шубҳа уйғотишга бўлган ҳаракат тингловчига деярли таъсир қилмайди. Биз эртаклардаги уйдирмаларга тўла ишонамиз, асар қаҳрамонларининг тақдирига бефарқ қарай олмаймиз, севикили малика ёки чўпон муваффакият козонса, бу ғалаба ўзимизникидек кувонаверамиз.

Халқ эртаклари мазмунида ижтимоий, иктисодий, майший ҳаётнинг ҳамма масалалари ўз ифодасини топади, десак хато бўлмайди. Шунинг учун ҳам ер юзининг ҳамма минтақаларида яшайдиган халқларда умумий ҳаёт тарзи яқин бўлгани сабаб бир хил мазмундаги эртаклар кўп учрайди. Француз, инглиз, хитой, япон эртаклари аксарият ҳолларда ўзбеклар ижодидаги бу жанрдаги асарлар мазмунини такрорлайди. Факат француздарда пишлок, узум; хитойларда гуруч; ўзбекларда тухум ёки қатик каби нарсалар фарқи сезилади. Агар бошка ҳаклардаги эртаклар матнида шу ёки бошка нарсалар номини миллий предметлар билан алиштиrsак, кўпинча, бошқа халқлар намуналари ҳам ўзбекники бўлади-қолади. Бу ҳолат сабабини аввал қайд килганимиздек, бир халқдан иккинчи халқнинг ўзлаштириши деб эмас, умумий ҳаёт тарзининг яқинлиги билан асослаш маъқулроқдир. Масалан, ёкут халқидаги “Бекин-мачоқ”, руслардаги “Ўн икки ой” (“Морозбобо”) ва ўзбекдаги “Зумрад ва Қиммат” эртакларида воқеа тугунидан тортиб ечимиғача бир хил йўналишда кечади. Аммо бу асарларнинг ҳар бири бевосита ўша халқ ижоди намунаси деб тан олинади.

Ўзбек фольклоршунослиги ривожига муносиб ҳисса қўшган Мансур Афзалов ўзбек халқ эртаклари юзасидан илмий иш ёзар экан, бу жанрнинг ўрганилиши тарихига алоҳида тўхтаган. Олимнинг маълумот беришича, ўзбек эртакларига бўлган илмий эътибор XIX аср иккинчи ярмидан бошланган. Бу ўринда А.А.Кушакевич, Н.Лапунова, А.Васильев, А.Н.Самойлович, В.В.Бартольд каби бир қатор зиёли ва таниқли олимлар исмлари келтирилган. Шунингдек, «Фарҳод ва Ширин», «Ширин қиз», «Самарқанд», «Шаҳзода Назар Муҳаммад ва Малика Назарбиби», «Аннамурод бова ҳақида», «Эрни эр қилган хотин», «Донишманд Чўпон» каби афсона ва эртаклар матнларининг ёзиб олинниши, дастлабки тадқиқ қилиш жараёни ҳақида маълумотлар қайд этилган<sup>34</sup>. Ўзбек эртаклари ўз вактида Миён Бузрук Солиҳов, Ҳоди Зарифов, Ҳолид Расул, Буюк Каримов каби олимлар томонидан ўрганилган. Кейинчалик бу фаолиятни К.Имомов, Т.Ғозибоев, Ғ.Жалолов, Ҳ.Эгамов, Ҳ.Раззоқов, Ж.Юсупов каби олимлар давом эттиришди.

Халқ табиатан ҳамиша адолатни ёқлайди, ҳимоя қиласди. Эртаклар яратилиш жиҳатдан мифларга асосланса, мавзунинг танланиши, образлар тизимидағи йўналишлар, ҳаёт муаммоларини акс эттиришда адолат мезонига бўйсунади. Қаллоблик, виждонсизлик, хиёнат, ёлғончилик, маънавий нопоклик каби иллатлар доимий равишда қораланади. Мардлик, тўғрисўзлик, меҳнатсеварлик, иймонлилик, поклик фазилатлари хурмат билан тилга олинади. Воксанинг тугуни ҳам ҳамиша ана шу фазилатларни улуғлаш билан ечимини топади. Моҳир халқ фарзандлари томонидан ўйлаб топилган фантастик ҳодисалар, уйдирма лавҳалар, сехрли нарса-буюмлар, жодулар, гайритабиий ҳодисалар эса том маънода ёвзликнинг қораланиши, эзгуликнинг макталишида поэтик хомашё сифатида фойдаланилади.

Халқ эртакларининг мазмун ва ҳаётдаги воқеаларни тасвирлаш йўналишига кўра уч тури мавжудлиги М.Афзалов, К.Имомов томонидан кўрсатиб ўтилган. Бу таснифга кўра эртаклар сехрли ва ҳаётий турларга бўлинади. Аммо айrim адабиётларда ҳайвонлар ҳақидаги, сехрли, майший турларга бўлинади. Мансур Афзалов таснифида яна ҳайвонлар, сехрли-фантастик, ҳаётий-сатирик турлар ҳам кўрсатилган. Умумий таҳлилнинг осон ва тушунарли бўлиши учун биз ана шу таснифга биноан иш кўришни маъқул топ-

<sup>34</sup> Афзалов М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. - Т.: Фан, 1964. – Б. 14-19.

дик. Эртакларни тасниф килиш қанчалар мураккаб эканлигини уларни таҳлил килиш жараённада ўзингиз англаб етасиз.

**Хайвонлар ҳақидаги эртаклар.** Хайвонлар ҳақидаги эртакларни айрим мутахассислар сеҳрли-фантастик эртаклар туркумига мансуб ҳисоблайдилар. Хусусан, К.Имомов, Ф.Жалолов ўзларининг тадқиқотларида ҳайвонлар иштирок этадиган эртакларни сеҳрли эртаклар қаторида таҳлил қиласидилар<sup>35</sup>. Бу асарларда ҳайвонлар иштироки, уларнинг асар қаҳрамонлари билан сухбатда бўлишлари олимларнинг сеҳрли эртаклар деб аташларига асос беради. Биз бу атамани шартли равишда қабул киласиз, чунки сеҳрли эртакларнинг ҳайвонлар иштирок этмаган мазмундагилари ҳам етарли бўлиб, уларни алоҳида таҳлил қилиши мумкин. М.Афзалов ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг ўзида турли фарқланувчи асарлар борлигини қайд этади. Уларнинг биринчи турига мифологик мазмун ифодаланганларини кўшади. Маълумки, қадим замонлар тотемизм ва фетишизм тушунчаси нуқтаи назаридан аждодларимиз ҳар бир нарса-предметни, шу жумладан, ҳайвонларни ўзларига ҳомий деб билганлар. Улар тасаввурнида одамлар тотем ва фетиши ёрдамида муайян ютуқларга эришишлари мумкин ҳисобланган. Бу ҳақда мифлар ҳақида тўхтаганимизда ҳам маълумот берганмиз. Ўзбек аждодлари бўри, илон, от ва бошқа бир қатор ҳайвонларни ўзларига ҳомийлик қилишини руҳан ҳис этганлар. Эртакларнинг дастлабки намуналарида айнан ана шу дунёкараш асосида асарлар яратганлар. «Бўри», «Чўлоч бўри», «Илон оға», «Айиқ полvon» каби эртаклар шулар жумласидандир.

«Күёш ерининг паҳлавони» эртагида она айиқ Рустамни парвариш қиласи, унинг ҳаётида ҳомий сифатида ўрин эгаллади: Рустам ва отаси – ямоқчи чолга қўлидан келганча яхшиликлар қиласиб душмандан асрайди. Мансур Афзалов «Илон оға» эртагини алоҳида ажратиб кўрсатади: “Илон – куёв никобини олса, инсонга айланади. Киз илоннинг никобини куйдириб юборса, у капитар бўлиб учеб кетади. Илон оғанинг онаси ва холаси ялмоғиз кампир бўлади. Улар Илон оға билан кизга кўп тўсқинлик қиласидилар. Лекин Илон оға ва қиз ўз тадбирлари орқали ялмоғиз кампирни енгиб, мурод-максадларига етадилар”<sup>36</sup>. Хусусан, «Чўлоқ бўри» эртагида

<sup>35</sup> Имомов К. Сеҳрли эртаклар. Ўзбек фольклорининг эпик жанрларида. – Т.: Фан, 1981. – Б. 65-72. Жалолов Ф. Сеҳрли-фантастик эртаклар / Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Т.: Фан, 1976. – Б. 39-96.

<sup>36</sup> Афзалов М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. – Т.: Фан, 1964. – Б. 25.

подшохнинг кенжә ўғли афсонавий тилла күшни олиб келиш учун сафарга чикқанида чўлук бўрига дуч келади. Унга ион беради. Бўри ундан ёрдамини аямайди. Күш учун сафарга чикқан бола бир киз ва от билан уйига кайтади. Йўлда акаларининг холидан хабар олади. Аммо акалари унинг кўзларини ўйиб, чоҳга ташлайдилар. Эртак охирида кенжә ўғил барибир мурод-мақсадига етишади, акалари жазоланадилар<sup>37</sup>. Бу турдаги эртакларнинг моҳияти тотем хисобланган ҳайвон ва күшларнинг асар қаҳрамонига ўзларининг сехрли фазилатлари воситасида ёрдам бериш билан изоҳланади. Шу мазмундаги яна бир эргак «Кенжә ботир» деб аталади. Унда ҳомий сифатида от қатнашади.

Ҳайвонлар ҳақидаги эртакларнинг яна бир турида мажозий фикр юритиш усули устувордир. Бундай эртаклар фарзандларга панд-насиҳат, тарбия бериш мақсадида яратилган. Ҳар қандай вазиятда бирга бўлиш, дўстликни кадрлаш кераклиги эртакнинг бош ғоялари хисобланади. Инсон бир-бирига яхшилик қилса, албатта, ўзининг орзусига етишади, деган фалсафа асосида тўкима воқеалар, қизиқ-қизиқ образлар ўйлаб топилади. «Сусамбил» эртаги ана шундай асарлар каторидан ўрин олган. Ҳўқиз, эшак афсонавий Сусамбил шаҳрида эркин, тўкин хаёт кечирмокчи бўладилар. Уларга ҳўроз, қаламуш, арилар эргашадилар. Узоқ қийинчиликдан сўнг мақсадга етадилар. Аммо бу ерда уларга бўрилар хужум қиласди. Шунда ҳўқиз уларни сузади. Қаламушлар ер ковлаб, бўриларни гўрга тиқмоқчидек кўркитадилар. Арилар чақади. Ҳўроз кичкириб, эшак ҳанграб бўриларни безовта қиласди. Охир-оқибат бўрилар ахил биродарлардан зўрға кочиб кутуладилар. Ўз галалирига бориб ваҳима соладилар. Нагижада, бутун бўрилар Сусамбилдан қочишга мажбур бўладилар. Ҳайвонлар эса тўкин ҳаёт кечирадилар<sup>38</sup>. Бу эртакда баҳтга эришиш осон эмас, аммо эришилган баҳтни саклаб колиш ундан хам қийинроқдир, деган доно фикр ҳайвонлар мисолида мажозий тарзда ўз ифодасини топган. «Овчи, Қўкча ва Доно» эргагида ҳам каптар, сичқон, қарға, тошбақа, кийикнинг дўстлиги уларни бир неча марта ўлимдан кутқаради. Факат самимий, бегараз дўстлик оқибатида каптарлар тўрдан, кийик тузоқдан, тошбақа овчи солған халтадан кутулади. Бу фикрлар замирида ҳам фақат дўстликни қадрлаш ғояси ўз ифодасини топган.

<sup>37</sup> Ўзбек халқ эртаклари. I том. – Т., 1960. – Б. 579-581.

<sup>38</sup> Ўзбек халқ эртаклари. I том. – Т., 1960. – Б. 47-56.

Хайвонлар ҳакидаги эртакларнинг кейинги тури кўпроқ маърифий мақсадни амалга ошириш учун яратилган. Оталар фарзандларига ўз ҳаёт тажрибаларидан сабоқ беришлари керак. Фарзанд ўз оиласида катта бўлаётгани сабаб атрофида яшаётган хайвонлар ҳакида мълумотга эга бўлмайдилар. Тўғри, улар қўй, от, эчки, товуқ, эшакни ўз кўзлари билан кўрганлар, муайян тасаввурга эгалар. Аммо бўри, айик, илон, тулки, бургутни улар билмайдилар. Шунинг учун эртакларда уларнинг ҳаёт кечириш тарзи юзасидан муайян мълумотларни бериш лозим бўлади. Бу таснифдаги хайвонлар ҳакидаги эртакларда бўрининг ваҳшийлиги, одамга хужум қилиши мумкинлиги, тулкининг айёрги, лайлак тумшуғининг узунлиги, кийик думининг тўмтоклиги изохланган асарлар вужудга келган. Дарвоқе, илмий адабиётларда кўрсатилишича, бундай эртакларнинг асосий қаҳрамони сифатида, кўпинча, эчки иштирок этади. Бир қатор эртакларда нима учун қарға қора, кийик думи тўмтоқ, мусича қўкраги нима учун чакичланганга ўхшайди каби саволларга жавоб берилади. Улар қаторида «Бўри билан тулки», «Кийик билан кади», «Хўроз билан тулки», «Лайлак билан тулки», «Бузоқ, эчки ва қўзи» каби намуналар бор. Масалан, «Кийик билан кади» эртагида «Кади кийикни қўрқитади. Кийик кадидан ўч олмоқчи бўлади ва уни думига боғлаб чўқтиради. Кади кийикни сув тагига торгади. Кийик қирғокка интилади. Охири кийикнинг думи узилиб тўмтоқ бўлиб қолади. Кийик думи калталигини масҳара қилган барча кийикларнинг думини бир-бирига боғлаб кўяди-да, «мерган келяпти», – деб қочади. Думи боғланган кийиклар ҳам ҳар томонга қочадилар ва думларидан айриладилар. Шундай қилиб, кийикларнинг думи тўмтоқ бўлиб қолган экан»<sup>39</sup>.

Эртакларда болаларнинг ёш хусусиятлари алоҳида эътиборга олинади. Вокеалар кизикарли, содда, ихчам, изчил, қисқа баён этилиши талаб килинади. Баъзан бу мақсад кулгили мазмунга эга ҳолда баён этилади. Тулки билан бўрига бағишланган эртакларнинг бирида гўшт тишлиб кетаётгандан тулки: «Бўривой, қаердан келаяпсан?» – деб сўрайди. Бўри: «Попдан», – деб жавоб беради ва оғзидағи гўштини тушириб юборади. Иккинчи марта худди шундай вазиятда тулки яна сўрайди. Шунда бўри: «Гиждувондан», – деб жавоб беради. Кулгили вазият ифодаланган бундай эртакларда, бир томондан, шунчаки ҳазил назарда тутилгандек туйи-

<sup>39</sup> Ойжамол. Ҳаётий эртаклар. Иккинчи китоб. – Т., 1969 – Б. 313-314.

лади. Аммо уларнинг заминида одамларнинг бир-бирига бўлган муносабати акс этади.

Ҳайвонлар ҳакидаги эртакларнинг юкорида қайд этилган уч туридан ташқари қаҳрамонларнинг иштирокига кўра ҳам муайян турлари бор. Хусусан, факат ҳайвонларгина иштирок этгандар, ҳайвонлар билан одамлар иштирок этгани ва ҳ.з.

Хуллас, ҳайвонлар ҳакидаги эртаклар мазкур жанр шаклланишидаги дастлабки намуналарни ташкил этган. Уларда қадимги аждодларимизнинг мифик дунёкараси ўз ифодасини топган. Кейинги намуналарда одамлар ўртасидаги ижтимоий, маиший муносабатлар мажозий усулда ўз ифодасини топган. Уларда, асосан, кўпроқ тарбиявий максадлар назарда тутилган. Ва, нихоят, бу турдаги эртакларнинг нисбатан кейин яратилган намуналарида маърифий маълумот бериш мақсади амалга оширилган.

**Сехрли эртаклар**. Жаҳон ҳалклари эртакларидаги умумий ўхшашлик ҳакида фикр борганида, кўпроқ сехрли эртаклар назарда тутилади. Инсон қадим замонларда ҳам хаёл сурган, ўзича турли туман ғаройиб вокеларни ўйлаб топган. Аслида, мифларнинг вужудга келишида ҳам аждодларимиздаги айнан ана шу хусусият етакчи аҳамиятга эга бўлган. Кейинчалик фантастик воқеалар тотем, фетиш образлардан учар гиламларга, сехрли дастурхонларга, олтин қайнайдиган хумларга, истаган одамни истаган пайтда кўриш мумкин бўлган жомларга, ойналарга ўтган. Бундай воқеаларни ўйлаб топиши аждодларимиз орзулари, ҳаваслари билан асосланган. Йўл азобидан азият чеккан инсон учар гилам, от, манзилига кўз очишида етказган бўрини ўйлаб топган. Озиқ-овқат топишга қўйналган одам эса очил дастурхоннинг ижодкорига айланган. Натижада, сехрли эртаклардаги воқеа-ҳодисалар ҳақиқий маънода аждодларимиз орзу-ҳавасларининг мажмуасига айланган.

Илм-фан тараққиётида катта қашфиётлар, одатда, олим хаёлида пайдо бўлган режа – гипотезадан бошланади. Гипотеза аста-секин ривожланади ва ҳаётга татбиқ этилишининг лойихаси шаклланади. Олим ана шу лойиханинг илмий заминини топганидан сўнг қашфиётнинг амалга ошиши учун шароит яратилган бўлади. Сехрли эртаклар бир жиҳатдан инсон онгига яратилувчи ана шу гипотезалар йўналишини бошкарган, деб хулоса килиш учун етарли асос бор. Гап шундаки, бугунги кунда оддий ҳаёт ҳақиқатига айланган велосипеддан тортиб автоулов, поезд, самолётлар;

телефон, телеграф, радио, телевидение, электр чирокларнинг кашф этилишини бевосита эртакларда акс этган орзулар билан далиллаймиз. Уяли телефонни айтмайсизми, тўкув дастгохлари, хар хил кимёвий, физикавий кашфиётлар боскичма-боскич тахдил этилса, уларнинг ҳаммасини биз бир оз олдинрок сеҳрли эртаклар воқеаларида учратганимизга амин бўламиш.

Сеҳрли эртаклар бош қаҳрамонга нимадир (кўпинча, фарзанд) етишмаслиги, қаҳрамоннинг етишмайтган нарсасига эга бўлиши, унга нимадир килишнинг (гапириш, алоҳида бир эшикни очиш, бирор нарсага қараш ва ҳ.к) тақиқланиши, тақиқнинг бузилиши, кучли рақибга дуч келиш, хавфли сафарга чикиш, сафар якуни, ракиб билан олишув, мурод-максадга етиш каби лавҳалардан иборат бўлади. Таникли олим В.Я.Пропп юқоридаги тартибининг жаҳон ҳалклари ижодидаги сеҳрли эртаклар матни таркибини ташкил қилувчи асосий унсурлар эканини чуқур илмий асосда мисоллар билан исботлаб берди<sup>40</sup>. Юқорида қайд этилган мулоҳазалардан ғайритабиий мўъжизалар рўй бериши, афсунгарчилик, сеҳрли воқеалар, бир нарсанинг иккинчисига айланиши, булар ҳаммасининг муайян тизим (В.Я.Пропп тавсияси) тартибида ҳикоя килиниши сеҳрли эртаклар хусусиятини хосил қиласди. Ҳамид Олимжон ифодалаган «Ўзи учар гиламлар», «Ўт боғлаган канотлар», «Беканот учган отлар», «Қиз бўлиб очилган гул», «Сўйлагувчи деворлар», «Бола бўп қолган чоллар» каби тасвиirlар айнан сеҳрли эртаклар матнлари билан боғлиқ экани маълум бўлади.

Аксарият ҳолларда сеҳрли эртак воқеаси фарзандсизлик мотивидан бошланади. Аммо тез орада асар қаҳрамони фарзандга эга бўлади. Бу ҳодиса олма, арпа ёки бирор нарса ейищдан, баъзан ўз-ўзидан рўёбга чиқади. Туғилган бола билан дастлабки танишишданок унинг ғайриоддий фазилатлари борлиги аён бўлади. Бу фазилат, аввало, унинг ўта тез суръатлар билан катта бўлишида кўринади. Фарзанд вояга етгач эса ўзи яшаётган мухитга таъсир этади ва ҳаётда кескин ўзгаришларга эришади.

Сеҳрли эртак қаҳрамонлари ўлиб қайта тирилиш хусусиятига эга эканликлари билан ҳам бизни ўзига жалб қиласди. Тўғри, ўлган одамга жон ато этилиши қадимги аждодларимиз дунёқарани ифодаси сифатида баҳоланади. Аммо айни пайтда ўлган одам руҳининг кун, ой, йиллар давомида ўзи яшаган хонадондан ажрамас-

<sup>40</sup> Пропп В.Я. Морфология сказки. – Москва.: Наука, 1969.

лиги, турли шакл-холатларда қариндошларига кўриниб туриши сехрли эртакларда оддий тасвир воситаларига айланганини ҳам қайд этиш мақсадга мувофиқдир.

Халқ онгиди инсоннинг бирон яхшилиги, албатта, тақдирланиши лозим. Асар қаҳрамони семурғга, айикқа, лайлакка кўрсатган ёрдами эвазига мушкуллари осон бўлади. Унинг ёрдамидан фойдаланган ҳайвонлар кейинчалик сехрли имкониятлари билан қаҳрамон ҳамрохига ва бирон олижаноб мақсадни кўлга киритиш воситасига айланадилар. Айрим эртакларда эса адолат айнан ана шу яхшилик эвазига ғалаба қозонади. Хусусан, «Ур тўқмоқ» эртагидаги чол даволаган лайлак унга бир мартагина лутф кўрсатиб қолмайди. Балки ўз сехри таъсирини охиригача амалга ошириб, унинг қўшниси киlgан хиёнатни охиригача фош этади ва жазолайди. Бундай эртакларда адолат тасодифий эмас, қонуний ажрим экани воқеалар моҳиятига сингдириб юборилади.

Сехрли эртаклар жозибаси, кўпинча, асардан ўрин олган мўжизавий сафарлар, ҳайратомуз тўкинлик акс этган лавҳалар, хаёл бовар қилмайдиган жоду ва афсонавий учрашувлар тасвирида ўз ифодасини топади. Эртакларда ҳаёт шу қадар мазмунли ва бебаҳо эҳсонки, унда бўлиши мумкин бўлмаган ҳодисалар тизимининг ўзи йўқ, ечими топилмас муаммо учрамайди, деган халқ фалсафаси нафас олади. «Моҳистара» эртагида Одил исмли подшоҳнинг фарзанди бўлмайди. Охири Дилоро исмли кичик хотини ўғил тугади ва унинг исмини Шавкат қўйишади. Эътибор беринг: шоҳ исми Одил, кичик хотини – Дилоро, кутиб-кутиб кўрган фарзанди – Шавкат. Ота ўз фарзандини ақдли, илмли, ҳарбий санъатнинг моҳир эгаси, хулқли-ахлоқли килиб тарбиялайди: Яна эътибор беринг: подшоҳ ўғлини ўз давлатига ишониб эрка ва ишёқмас килиб ўстирмади. Подшоҳлик давлати ўткинчи эканини таъкидлади. Шавкат ўн етти ўн саккиз ёшга етганида овга чиқади. Овда тўртала туёғи садафдан, ҳар бир оёғида тўрттадан олтин ҳалқаси бор, шохига олтиндан, кумушдан, марвариддан, брильянтдан нақшлар ишланган кийик учрабди. Шундан кейин одамни ҳайратга солган ов бошланади. Кийик худди Шавкатнинг ёнидан қочиб ўтиб кетади. Шавкат дунёни унутиб уни кувлайди ва жаннатмакон боқقا боради. Уни файзли чол кутиб олади. Кийик унинг қизи Сайёра экан. Эртак воқеаси аслида шу ерда ечимини топиши керак эди. Аммо Шавкат чолнинг тақдиди билан қизиқади. Ота унга Моҳистара исмли гўзал

ҳақида хабар беради. Чол йигитлик пайтида Моҳистарага ошиқ бўлган экан. Моҳистара исмли маъшуқадан хабар тонгган Шавкат унинг ишқида иккинчи сафарга отланади. Йўлда сирли ёй, гилам, жом ва қалпокларга эга бўлади. Ёйдан отилган ўқ, албатта, нишонга тегар эди. Гилам учади. Қалпок уни кийган одамни ғойиб қиласди. Жом исталган тилакни бажаради. Шавкат бу нарсалар ёрдамида Моҳистарага эга бўлиш режасини тузади. Халқ оғзаки ижодининг хос хусусиятлари ҳақида тўхтаганимизда шартлиликини тилга олган эдик. Чол ёшлигида Моҳистара қанчалар гўзал бўлса, Шавкат унинг юртини топиб борганида ҳам ўзгармаган эди. Хуллас, Шавкат ўз акли, топкирлиги, мардлиги, зехни билан Моҳистарага уйланади. Мурод-максадига етади<sup>41</sup>. Эртакни ўқиган, аслида, тинглаган одам якин бир кун давомида (эртакнинг ҳажми катта) ўзини сирли бир оламда юргандек ҳис қиласди. Қимматбаҳо тошлар, серҳосил мевали дараҳтлар, тўқин дастурхон, паричехра гўзал қизлар, дабдабали саройлар, сирли ёй, гилам, қалпок, жомлар уни ўраб туради. Эртакни эшитар эканмиз, Шавкат Шавкат эмас, биз ўзимизни Шавкатдек ҳис қиласмиз. Сехрли эртак бадиияти, ундаги сўзлар магияси бизни руҳан ўз оғушига олади. Эртакни тинглаган одам ҳалқнинг чексиз хаёлий воқеалар ўйлаб топишига қойил колади, ижрочисига таҳсинлар ўқиди. Энг муҳими, безакланган кийик, бехато отадиган ўқ-ёй, одамни ғойиб қиласдиган телпак, учадиган гилам, ниятни бажарадиган жом, бошқа эртаклардаги дарёга айланган сочиқ, чангиззор бўлиб қолган тароқ – ҳамма-ҳаммасига тингловчи ҳам, китобни ўқиган ўқувчи ҳам деярли ишонади. Тўғрисини айтсак, эртак билан мулокот қилаётган пайтда ундаги воқеаларга ишонмаслик учун вақт ҳам бўлмайди.

Шундай қилиб, сехрли эртакларни мазкур жанр шакланаётган давр маҳсули деб баҳоласак, хато бўлмайди. Улардаги ҳайратомуз гўзал тасвирлар асарни ижро қилиш давомида эртакчининг МАҳорат даражасига кўра қўшилиб борган бўлиши мумкин. Тажрибали ва истеъодли айтuvчи ўзи эшитган ва эндиликда айтмоқчи бўлган эртагига ижодий янгиликлар кўшгани эҳтимолдан холи эмас. Сехрли эртаклар инсон фантазияси чексиз эканини исботлайди. Улар турмуш ташвишларидан мушкул ҳолатга тушган отабоболаримизнинг овуниш воситаси бўлган. Эртакни айтиш ёки

<sup>41</sup> Моҳистара. Эртак / Сув қизи. - Т., 1966. – Б. 5-52.

маза қилиб эшитиш аждодларимизга ирода, келажаккса ишонч бағишилаган. Айни пайтда халқ оғзаки ижоди намуналарининг том маънода сўз санъати эканини исботловчи далил сифатида ҳам хизмат килган. Миллатдаги катта авлоднинг кейинги фарзандлар учун панд-насиҳат меросига айланган.

**Маиший эртаклар.** Маиший эртаклар мазмун жиҳатдан ҳайвонлар, сехрли эртаклардан бевосита ҳаётий воқеа-ходисалар ҳақида ҳикоя қилиши билан фарқланади. Тўғри, бу турдаги эртакларда сехрли-фантастик белгиларнинг мавжудлигини инкор қилиб бўлмайди. Аммо умумий ифода чегараси маиший эртакларда анча чекланган. Чунки уларда халқ, аввало, оддий одамлар қўлидан келадиган ишлар юзасидан фикр юритади. Бевосита реал ҳаёт, турмушда рўй бериши мумкин бўлган воқеалар асос қилиб олингани учун ҳам бундай асарлар туркумига маиший эртаклар атамаси берилган. Уларда ҳақиқий ҳаётдаги инсон – миллат вакили (хоҳ, ижобий, хоҳ салбий бўлсин), унинг имконияти даражасидаги жисмоний кучи, илми, ақлига воқеалар заминида тавсиф берилади. Аксарият ҳолларда асар қаҳрамонларининг исмлари ҳам қайд этилмайди. Чол, кампир, бир одам, ўғил, қиз, камбағал каби номли инсонлар мазкур эртакларнинг қаҳрамонлари бўлиб келаверади. Бу билан доно халқ эртакда бевосита тингловчи аҳолининг ҳар бири асар қаҳрамони эканини таъкидлаган бўлиши мумкин. Баъзан эса шахс ҳакидаги маълумотлар ўта аниқ шаклда берилади. Эртакчи бу усул билан ҳам қаҳрамон тақдири тўқима эмаслигини уқтиргандек бўлади. Филология фанлари доктори Комил Имомов шундай дейди: «Ҳаётий-маиший эртакларда қаҳрамон образи фольклорга хос индивидуаллаштирилган бўлиб, унинг исми, авлод-аждоди, элат, уруғи ҳамда воқеалар содир бўладиган ўрин-жой номларигача мукаммал аниқ берилади. «Ўтган замонда, Богдод томонда, Мўмажон кампир деган аёл яшар экан. У қизидан қолган набираси Гафлатжонни бола қилиб боқар экан»<sup>42</sup>. Маълум бўладики, қаҳрамон исми берилса ҳам, берилмаса ҳам асосий мақсад эртакдаги ҳикоя қилинаётган воқеа оддий маиший турмуш шароитида кечганини таъкидлашдан иборат бўлади. Кейинги мақсад асар иштирокчилари бошидан кечирган турмуш лавҳалари воситасида

<sup>42</sup> Имомов К. Ўзбек халқ эртаклари / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 79.

ёш авлоднинг баркамол инсон бўлиб етишуви учун тарбиявий замин ҳозирлашдан иборатdir.

«Уч оға-ини ботирлар» эртагида мўйсафид ота ўз ўғилларини кўркмас, жасур қилиб ўстиради. Ўз фарзандларини баҳт топиш сафарига отлантирап экан, уларга учта маслаҳат беради: «Тўғри бўлинг, бехавотир бўласиз. Мақтанчоқ бўлманг, уятга қолмайсиз. Дангаса бўлманг, баҳтсиз бўлмайсиз». Бу панд моҳиятини таҳлил қилсак, ҳаётга тайёрланиши лозим инсоннинг ҳақиқий амал килиши керак ҳисобланган фазилатлар акс этганига ишонч хосил қиласиз. Халқимизда «Оч қорним, тинч қулогим» деган мақол бор. Мақолда одам баъзан ночор турмуш кечириши мумкин, лекин безовта кечган сониядан кўра оч корин билан яшаш афзал экани кўрсатилмоқда. Ота насиҳатининг биринчиси ана шу вазиятни изоҳлайди. Яъни тинчликдан улуғ неъмат йўқлиги қайд этилмоқда. Бу фалсафанинг аниқлигини ўзингиз ҳаётда синаған бўлсангиз, ажаб эмас. Халқимизда «Мақтанма ғоз, ҳунаринг оз» мақоли хам бор. Йўқ ва амалга ошмаган ишлар қанча мақталгани билан амалга ошиб қолмайди. Мақтанган одам юзи шувит бўлади. Халқимиз «Меҳнат – меҳнатнинг таги роҳат», дейди. Яъни: «Қимиrlаган қир ошар» деганларидек ҳар бир кимса ҳаётга ишониши, ҳаракат килишни канда қилмаслиги лозим. Қудукдан сув топа олмаган саҳродаги йўловчи умидсизликка учраб тўхтаб қолмаслиги керак. Маълум бўладики, эртакни яратишдан назарда тутилган бош максад фарзандга қийинчиликсиз ҳаёт кечириш калитини тутқизишдан иборат экан. Насиҳатга амал қилиш эса эртакда баён этилган воқеаларда намоён бўлади. Оға-инилар аждар, шер, карокчилар тўсигидан ўз тадбиркорликлари билан осон ўтадилар. Аммо кенжা ботир боғда ухлаб ётган подшоҳга заҳар солмоқчи бўлган илонни килич билан чопиб, қуролини қинига солаётганида подишоҳ уйғониб қолади ва куёвини қотиллик килмоқчи бўлишда айблайди. Ана шу воқеада ҳам ҳақиқат, адолат охир пироварди ғалаба қиласи. Эртак моҳияти унда ифодаланган лавҳалар давомида ечилиб боради.

Ҳаётий эртакларда тўғрилик ва эгрилик, меҳнатсеварлик ва дангасалик, поклик ва нопоклик, мардлик ва хиёнат доимий равиша қарама-қарши қўйилади. Халқ эртак давомида кичик, эътиборга арзимайдиган унсурлардан усталик билан фойдаланади, вазият ечимини улар орқали ҳал қиласи.

«Тухматга учраган киши» эртагида бир бой кўчада жиянининг хотинини кўриб, унга уйланмоқчи бўлади. Инсофга келган амакидек жиянини савдога жўнатиб юборади, аммо келинига уйлана олмайди. Келин карвонбошининг қўлига тушади. Бу ерда хам тухматга учрайди. Зўрға кочиб кутулади. Йўлда бир ўғрини ўлимдан куткаради. Лекин ўғри унга тухмат килиб карвонга сотиб юборади. Тақдир келинни куткаради. Аммо бу сафар келин ўғрилар тўдасига дуч келади. Яна озодликка чиқади ва охир пировардида бир шахарга подишаҳ бўлади. Эртак охирида келинга тухмат қилган одамларнинг ҳаммаси бир жойга тўпландилар ва ҳақиқат рўёбга чиқади. Эртакнинг бош ғояси маънавий покликни улуғлаш. Халқ «Ҳақиқат букилади, аммо синмайди» мақолининг изоҳини бу эртакда ифодалашга харакат қилган. Ҳар бир лавҳа муайян мақсадни амалга оширади. Инсон идроки чегарасиз қувватга эга эканлиги исботланади. Бир ёшгина келиннинг бошидан ўтган мудҳиши ҳодисалар, унинг турли тухматларга бардош бериши тингловчига «Сенинг пешонангдаги мушкулот келинники олдида арзимайдику» деган фикрни таъкидлагандек бўлади. Эртак якунида яна бир ибратли ҳикмат бор. Келиннинг эри тухматчиларни жазолаш хақида гапирганида, хотини:

– Йўқ, улар билан тенг бўлиш керак эмас, – деб жавоб бериби<sup>43</sup>. Демак, халқ ёмон ва ёвуз одам билан муомалада бўлишни, хатто, уни жазолашни ҳам унга тенг бўлиш аломати деб баҳолайди. Айнан шу боис ўзбек халқи, миллият менталитети ҳақида гап борганда, олий ҳимматлилик, бағрикенглик тилга олинади. Бинобарин, ҳаётий эртаклар (уларни фольклоршуносликда «ҳаётний-маиший», «ҳаётний-сатирик», «маиший» эртаклар деб ҳам юритадилар) каҳрамонлари ўзбек миллатининг рамзий вакили экан. Улар халққа иймон, виждон, эрк, идрок, иродада, қаноат, ақл, хунар, илм ҳақида тарбиявий тушунчалар беради.

Халқ эртаклари бадиий сўз санъатининг гўзал намунаси сифатида алоҳида аҳамиятга эга. «Бир бор экан, бир йўқ экан, бир оч экан, бир тўқ экан...» жумласидан бошланар экан, эртак «муород-мақсадига етиби» деган якунгача тингловчи диққати воқеаларга тўлиқ равишда жаліб этади. Ундан кейин нима бўлади, бу ҳодиса қандай тугайди, деган саволлар тингловчи хаёлини банд этиб ту-

<sup>43</sup> Тухматга учраган келин. Эртак / Ойжамол (ҳаётний эртаклар, иккинчи китоб). - Т., 1969. – Б. 108.

ради. Эртакларнинг яшовчанлигига сабаб ҳам уларнинг бадиий мұкаммаллиги билан белгиланади. Мазмун жиҳатдан ҳаётнинг турли масалалари эртаклар тематик диапазонини таъминлайды. Уларнинг ҳажми мазмунда ифодаланған вокеалар тизимиға, муаммоларнинг ечимиға bogلىқидir. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи эртаклари бир неча дақиқада айтиб тугалланиши мүмкін. Айни чоқда гувоҳ замондошларимиз хотирасига ишонсак, бир неча кечалар давомида айтиладиган намуналар ҳам бор. Фольклоршунослиқда эртак жандри бугунги кунда аста-секин йўқолиб бормоқда, деган мұлоҳазалар йўқ эмас. Ammo 2006, 2009, 2010 йилларда Жиззах, Қашқадарё, Самарқанд, Тошкент вилоятида ўтказилган фольклор экспедициялари бу фикрни билдиришга ҳали эрта эканини ҳам қўрсатди. Талабаларимиз бир қатор эртакларни ҳам ёзиб олишга муваффақ бўлдилар. Бу ижобий ҳолатнинг бош сабабини ҳам эртаклар бадииятидан ахтариш мақсадга мувофиқидir. Аввало, эртаклар сюжети пухта ўйлаб тузилган режага бўйсунади. Ҳар бир вокеа иккинчиси билан узвий боғланади, кейинги лавҳалар аввалигида тушунчаларни ривожлантириб боради. Эртакларда халқ миллий тилига мансуб сўзлардан ўрнида фойдаланиш сезилади. Айтувчи ўз ҳикоясини содда гаплардан тузилган аниқ фикрлар воситасида давом эттиради. Бу жанрга мансуб асарларда, албагта, қизлар ўн тўрт кунлик ойдан гўзал, йигитлар мард, киличлар кескир, дастурхонлар очилувчан, хумлар қайнама хусусиятларга эга бўладилар. Эртакларда жуда бой ва турли-турли ўхшатиш, сифатлаш, муболағалар мажмуасига дуч келамиз. Шунинг учун ҳам оғзаки ижодимиз таркибидаги бу асарлар ҳақиқий маънода қадриятлар намунаси, маданий меросимизнинг ноёб гавҳар – инжулари даражасида эъзозланади.

### **Савол ва топшириклар:**

1. Халқ эртаклари ҳақида фикр-мұлоҳазаларингиz, уларни ўқишидан ҳосил бўлган таассуротларингиz юзасидан сұхбат қилинг.
2. Эртакларнинг жанр хусусиятларини мoddама-модда айтинг, уларнинг ҳар бирини изоҳланг.
3. Ҳайвонлар ҳақидаги эртаклар бошқа тур эртаклардан қандай фарқланади. Бошқа тур эртаклар билан ўхшашиги борми?
4. Сехрли эртаклар ҳақида ўқиганингиz билан аввалги таассуротлар ўртасида фарқ борми?

5. Ҳаёттй эртакларнинг гоявий ва бадиий қиммати ҳақида нималар дейши мумкин?

6. Ҳалқ эртаклари – сўз санъатининг намунаси эканини исботланг.

7. Ўзингиз яшайдиган ҳудудда эртак жанри сақланганми? Сақланган бўлса, уларни ёзиб олинг ва нашр қилинган намуналар билан тақъосланг.

### Адабиётлар:

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 187-215.
2. Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. – Т.: Musiqa, 2010. Б. 173-227.
3. Афзалов М. Ўзбек халқ эртаклари ҳақида. – Т.: Фан, 1964.
4. Жалолов Г. Ўзбек халқ эртаклари поэтикаси. – Т.: Фан, 1976.
5. Юсупов Ж. Хоразм эртаги ва ҳаёт ҳақиқати. – Т.: Фан, 1997.
6. Имомов К. Ўзбек халқ эртаклари / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. – Т.: Фан, 1981. – Б. 62-96.
7. Ўзбек халқ эртаклари. I том. – Т., 1960.
8. Ўзбек халқ эртаклари. II том. – Т., 1963.
9. Олтин олма / Ҳаёттий эртаклар. Биринчи китоб. – Т. 1966.
10. Ойжамол / Ҳаёттий эртаклар. Иккинчи китоб. – Т. 1969.
11. Сув кизи / Сехрли эртаклар. – Т., 1966.
12. Кулса – гул, йиғласа – дур / Эртаклар. – Т., 1983.
13. Олтин бешик / Эртаклар. – Т., 1985.

## ХАЛҚ ҚЎШИҚЛАРИ

Инсон борки ишк бор, мухаббат бор. Авлоддан кейин кичик авлод, наслдан кейин насл келади, аммо инсондаги мухаббат туйгуси, қалбда эҳтиросли хис-туйгулар уйгониши ўзгармайди. Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону лутоти-т-турк» асарида шундай тўртлик бор:

Булнар мени улас кўз,  
Кора менгиз кизил юз.  
Андин томар тугал туз,  
Булнап яна ул қачар.

Мазмуни:

Бу маст кўзли (севиклим)  
Қора холи ва қизил юзи билан (мени асир қилди).

Яноқларидан ширинлик томиб, мени асир қилди-ю,  
Лекин кейинидан (туткич бермай), мендан қочиб кетди.

Мисралардаги сўзларни тушуниш қийин эканини ҳисобга олмасақ, қўшиқдаги ҳис-туйғу кечагина яхши кўрган қизи қочиб кетган шоиртабиат йигитнинг кўнгил изхоридан фарқ қилмайди.  
Яна бир тўртликка дикқат қилинг:

Яғмур ёғиб сачилди.  
Турлук чачак сучулди.  
Инжу қоби очилди.  
Чиндан йипор югрушур.

Мазмуни:

Ёмғир томчилари тўкила бошлади.  
Турли чечаклар унди.

Инжу қутичалари (ғунчалар) очилди.  
Ҳар томонда шифобахш атир ҳидлар гуркиради<sup>44</sup>.

Кейинги тўртликдаги сўзлар шунчалар содда ва бизга тушунарлики, асл матнни ўқиганда ҳам асосий фикрни аник тасаввур килишимиз мумкин. Яъни ҳаётнинг тинимсиз ўтиши севги дардига мубтало бўлган йигит ёки наврўз айёмида табиатдаги гўзал ўзгаришларни руҳан ҳис қилган инсон қалбидағи ички кечинмаларнинг жўш уришига мутлако таъсир қилмайди. Замон ўзгараверади, аммо баҳор келгани заҳоти ёш болалар турли кўринишдаги варракларни учираверишади, айни пайтда, «Бойчечак»ни айтишаверади. Демокчимизки, инсон пайдо бўлибдики, ҳис-туйғуларни ифодалаш во-ситаси ҳисобланмиши – қўшиқлар унга ҳамроҳ эди.

Биз қўшиқ деб атаётган жанр адабиётларда кўрсатилишича, «шлок», «такшут», «ир» (йир), «куг» каби атамалар билан қадим-

<sup>44</sup> Маллаев Н.М. Узбек адабиёти тарихи. Биринчи китоб. - Т.: Ўқитувчи. 1976. - Б. 64-65.

дан аталиб келган. Маҳмуд Кошғарий эса бундай асарларни «қошув» – қўшик, қасида, шеър тарзида беради. Сўзнинг маъносини шархлашдаги тўртликда «маликага мендан мақтov етказ»<sup>45</sup> мазмунидаги мисра борки, изоҳдаги қасида атамасини қўллаш ҳам ўзини оқлади.

Халқ қўшиклари оғзаки ижодимиздаги лирика жинсига мансуб жанрdir. Бу жанрнинг бошқа турдаги асарлардан фарқ килувчи бош хусусияти унда ижодкорнинг ҳис-туйғулари, ички кечинмалари, руҳий ҳолатини ифодалашдан иборат. Бу ўринда табиий савол туғилади. Бошқа жанрдаги асарларда қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини акс эттириш белгиси йўқми? Бошқа жанрлардаги асарларда асосий йўналиш воқеани баён қилишдан иборат бўлади. Факат айрим ўринлардагина ҳис-ҳаяжон тасвири билан боғлиқ парчаларни учратамиз. Бу ўринларда лирик тасвир қаҳрамон киёфасини очища усул бўлиб хизмат қилади. Хоразм достонлари бундан истисно. Чунки хоразмлик бахшилар ижро этган достонларнинг шеърий парчалари қўшик қилиб айтилади ва улар ҳам лирик жинс намунаси ҳисобланади. Халқ қўшиклари эса тўлиқ равишда лирик ижод сифатида белгиланган. Таникли олима, халқ қўшикларининг иирик тадқиқотчиси, бутун умрини халқ қўшикларини ёзib олиш, ўрганиш, нашр қилишга бағишилаган инсон Музайяна Алавия мазкур асарларга: «...оддий ҳаёт ҳодисалари туғдирган хиссиётни ифодалаган, куйга солишга кулай, қисқа, эсда қоладиган қоғия, вазнга эга бўлган шеър қўшиқ бўла олади»<sup>46</sup>, – деб таъриф беради.

Ҳакиқатан ҳам, қўшикнинг пайдо бўлишига бош сабаб инсон кайфиятидаги чукур изтироб ёки тўсатдан пайдо бўлган кўтаринки руҳdir. Инсон ноҳуш дамларда кўпроқ сукут саклайди, хаёлда вазият ечимини топишга уринади. Бундай дакикаларда мунгли куй тасалли беради, кўнгилни бир оз бўлса-да ёзади. Хурсандчилик онларида эса шўх қўшиқ, рақс ҳамроҳ бўлади. Айни ана шундай манфий ва мусбат ҳолатлар шахс қалбida лирик кечинмаларнинг пайдо бўлишига замин ҳозирлайди: оқибатда қўшикнинг яратилишига сабаб бўлади. Халкимизда «Куйган – қўшиқчи, суйган – бахши» ҳикмати бежиз айтилмайди.

<sup>45</sup> Маҳмуд Кошғарий. Девону луғоти-т-турк. I том. – Т.: Фан, 1960. – Б. 357.

<sup>46</sup> Алавия М. Қўшиқларнинг мазмуни ва шакли масаласига доир / Ўзбек халқ ижоди. – Т.: Фан, 1967. – Б. 73.

Күшік ҳақида назарий маълумот берилған деярли ҳамма ада-биётларда унинг «күшмоқ» феълидан ҳосил бўлгани айтилади. Күшік атамасининг тарихи канчайин содда туйилмасин, оғзаки ижодимиздаги бу жанр жуда мураккаб руҳий кечинмаларни ифода-лашга хизмат қиласи. Ўкилганда, эшитилганда тушуниш осон се-зилган тўртликлар заминида олам-олам маъно, мураккаб қисмат ётади. Шу боис ҳар қандай күшік билан танишганимизда тезлик билан шошиб хулоса чиқариш тўғри бўлмайди.

Халқ оғзаки ижодидаги лирик тур ҳисобланган күшік қуидаги жанр хусусиятларига эга:

1. Күшикларда инсон кечинмалари, қалб изҳорлари акс этади. Шунинг учун улар лирик жинсга мансуб жанр деб ҳисобланади.

2. Күшік шаклан шеърий кўринишда бўлади. Ўзбек халқ кўшиклари, асосан, бармок вазнда, баъзан арузда яратилади.

3. Кўпинча, халқ кўшиклари тўрт мисрадан иборатdir. Гўзал руҳий ҳолатни ифодалаши хусусиятига эга. Айни пайтда бир неча бандлардан иборат муайян мавзуни ёритувчи кўшиклар ҳам бор. Баъзан 6, 8 мисрали намуналар ҳам учрайди. 4 мисралилари *a b a b*; *a a b b; v v g; a a a b; a a a* тарзда қофияланади.

Кўшикнинг қуидаги бўлади. Бирор асбоб жўрлигида айтилади. Аксари халқ кўшиклари ижросида асбоб жўрлиги шарт эмас. Ижрочи хониш усулида кўшик айтиши мумкин.

Кўшик тарихига бир назар. Туркий халклар тарихи аввал сак, массажет, сўғд, кейинчалик турклар, туркманлар, ўгузлар, чигиллар, яғмолар, қирғиз қабилаларидан ташкил топган маҳаллий аҳоли ўтмишидан иборат. Бугунги кунда мазкур қабилалардан 20 дан ортик миллат вакиллари ажралиб чиқсан. XIV-XV асрларда туркийлар таркибида яшаган ҳар бир халқ бу давргача яратилган илмий, маданий ҳазинага меросхўр ҳисобланади. Ўзбеклар ҳам ана шу бебаҳо маънавий бойликни яратган иктидорли аждодларнинг авлодидир. Бу жиҳатдан қараганда, халқ яратган кўшиклар тарихи минг-минг йиллар билан ўлчанади десак, хато бўлмайди.

Таникли уйғур олимни Турғун Олмос 1986 йил «Қашқар-уйғур» нашриётида чоп этилган «Хунларнинг кискача тарихи» асарида милоддан олдинги 119 йил юртнинг ижтимоий вазияти ёмонлашиши окибатида кўвидаги кўшик тўкилганини маълум қиласи:

Айрилиб колғонда Тилав тоғидан  
Авумас бўп қолди чорва молимиз.

## Айрилиб қолғонда Алчи тоғидан Мунгланиб сарғайды қиз, аёлимиз<sup>47</sup>.

Шубҳасиз, қўшиқ матнидаги сўзларнинг олим томонидан ўқувчи куляйлиги учун ўзгаририлган бўлиши мумкинлигини қайд қилган ҳолда, аждодлар икки минг йил аввал ҳам ҳаётдаги хоҳ ижобий, хоҳ салбий вазиятларга ўз муносабатларини билдиришганига ишонч ҳосил қиласиз. Қолаверса, Махмуд Кошғарийнинг «Девону луготи-т-турк» асаридаги ўнлаб қўшиқларни олим XI асрда ёзилган. Аммо бу намуналар олим қаламига тушгунига қадар қадимдан ҳалқ орасида айтилганини ҳеч ким инкор қилолмайди. «Девону луготи-т-турк»да эса биз қаҳрамонлик, меҳнат, мавсум-маросим, лирик қўшиқлар билан танишамиз ва XI аср туркий ҳалқлар оғзаки ижодида бу жанр намуналари бой ва мавзуга кўра хилма-хил эканини кўрамиз.

Филология фанлари доктори, профессор Б.Саримсоқов «Алпомиш» достонининг ҳалқимиз ўтмишидаги аҳамиятини таъкидлаб шундай дейди: «...ўзбек ҳалқи эпоси ҳам кўпгина ҳалқлар эпослари босиб ўтган учта тараккиёт босқичларини босиб ўтиб, бизгача етиб келди. Биринчи босқичда – қаҳрамонлик, иккинчи босқичда – романник, учинчи босқичда эса тарихий эпос типлари вужудга келди. Қаҳрамонлик эпоси патриархал – уругчилик муносабатларининг эмирилиши натижасида муайян элат ва ҳалкнинг вужудга келишини бадиий тафаккур нұқтаи назардан асослаб, ўзининг сюжети асосидаги вокеаларни реал этник бирликлар ҳаётидаги улкан вокеалардан олади»<sup>48</sup>. Эътибор беринг. Олим қаҳрамонлик эпосини элат ва ҳалкнинг вужудга келишини бадиий тафаккур нұқтаи назардан асословчи омил эканига дикқатни қаратмоқда. Иккинчи масала эпос сюжетидаги асосий вокеалар реал этник бирликлар ҳаётидаги улкан вокелардан олининини қайд этишидир. Ҳеч иккilanмай айтиш мумкинки, мазкур «улкан вокеалар» эпосга асос бўлгунига қадар ҳалқ қўшиқларининг яратилишини тақозо этган. Махмуд Кошғарийнинг «Девону луготи-т-турк» асарида бугунги кунда ҳалқ репертуаридан мутлақо ўчиб кетган ўнлаб қаҳрамонлик қўшиқларидан намуналар келтирилган.

<sup>47</sup> 1986. قشر، هونلارنىڭ قىقىچى، تورغۇن ئالاسى.

<sup>48</sup> Саримсоқов Б. «Алпомиш» эпоси ҳақида уч этюд / «Алпомиш» - ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик эпоси. - Т.: Фан, 1999. - Б. 118-119.

Абдурауф Фитрат ўзининг «Энг эски турк адабиёти намуналари» китобида бу қўшиқларни мавзу жиҳатдан ажратиб тасниф қиласди. Намуналар қаторида шундай тўртлик бор:

Қўзи қийқириб ўғуш тирдим.  
Ёғи қару кириш қўрдим.  
Тўкуш ичра уруш бердим.  
Аран кўриб бashi тигди.

Мазмуни:

Тоғ тепасидан тубанга караб кичкирдим, қабиламни тўпладим.  
Ёв томон сакраб югурдим-да ёйимни  
Киришладим (отишга тайёрладим. – муаллиф.)  
Майдонга кириб уруш очдим.  
Ёв ботирлари мени кўргач, бошларининг  
Ўткурлиги кетди (бошларини кўтаролмай қолдилар)<sup>49</sup>.

Юқорида келтирилган тўртлик мазмунини тўлдирувчи ўнлаб мисоллар Фитрат китобидан ўрин олган. Агар қадимги қўшиқларда лирик йўналиш билан бир қаторда эпик мазмун ҳам ифодаланиши мумкинлигини назарда тутсак, «Девон»даги кўплаб парчаларни маълум сюжет чизигига жойлаштириш мумкин бўлади. Уларда душман устидан галаба қозонишининг сирлари, рақибни аввал дўк-пўиса билан рухан енгиб олиш усуслари, уни ғафлат уйқусида эканида тўсатдан мағлуб қилиш тактикаси, ғалаба осонликча кўлга киритилмаслиги, киритилганда эса бутун халқ яйраши хикоя қилинади. Айтиш мумкинки, Махмуд Кошғарий «Алпомиши» эпоси пайдо бўлишидан олдин аждодларимизнинг мустақилликка эришишида муҳим аҳамият қасб этган оғзаки қўшиқлар тизимини бизга атайнин мерос қолдирган ва эпос пайдо бўлишидан аввалги ижодий жараён ҳакида маълумот берган. Кейинчалик эса бу асарлардаги қаҳрамонлик ифодаси «Алпомиши»дан, яна кейинроқ Гўрўғли туркуми достонларидан ўрин олган.

Фикримизни янада далиллаш учун қуидаги тўртликка мурожаат қиласиз:

Такра авиб акралим,  
Аттин тушуб йукралим,

<sup>49</sup> Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2008. – Б. 46.

Арсланлаю кукаралим,  
Күжи ани кавилсин.

Мазмуни:

Ёвнинг атрофини айлантириб олайлик-да  
Отдан тушиб  
Арслонлар каби бақиришиб югурайлик.  
Онинг кучи бўшашиб қолсун<sup>50</sup>.

Бу мисолда қадимги аждодларимизнинг душман устидан ғала-ба қозонишини таъминлайдиган усул акс этган. Бизнингча, бор-йўғи шу тўрт мисрада учта ҳарбий санъат ифодаланган. Бирин-чидан, душман қўшинини камал ҳолида тор-мор қилиш. Иккин-чидан, отдан тушиб овоз чиқармай ҳужумга тайёрланиш. Учин-чидан, рухиятига таъсир қилган вазиятда ракибни наъра тортиб таъласага солиш. Лекин ижодкор яна воқеанинг оддий баёнини эмас, эмоционал кўтаринки руҳий шароитни кўз олдимизга келтирмоқда. Шунинг учун ҳам қаҳрамонлик қўшиклари қаҳрамонлик эпоси учун ижодий тайёргарлик белгиси сифатида баҳоланса, арзиди.

Ўзбек фольклоршунослигига М.Алавия, Б.Саримсоқов алоҳида эътибор билан ўрганган мавсум-маросим қўшикларининг тарихи узок қадимга бориб тақалар экан. Йил фаслларидағи ўзгаришлар ҳозирги пайтдагидек одамларни лоқайд қолдирмаган. «Девон»да баҳор айёмидаги гўзал манзара бадиий мисраларда акс этганидан ташқари ёз ва қиши ўртасидаги мунозара ҳам ўрин олган:

Ёй киши билан қаришти.  
Ардам ёсин куришти.  
Чирик тутиб кўрушти  
Ўқтағали ўтрушур.

Мазмуни:

Ёз киши билан карама-қарши бўлди.  
(уларнинг ҳар бири) мақтаниш ёйини куришти.  
Кўшин тузиб (бир бирини) таъкиб қилишти.  
(Ёй) отиш учун (бир бирига) яқинлашди.

<sup>50</sup> Уша жойда. – Б. 65-66.

Мунозарада қишиң үзининг ҳоким пайтида одамнинг, ҳайвонларнинг кучга киришини, касалларнинг йўқолишини айтиб мактанади. Ёзда чивин, пашшалар қўпайишини, касаллар кучайишини танкид килади. Қор кишида ёғади, буғдой қордан фойдаланиб унади, хосил беради. Ёз эса одамлар унинг фаслида яйрашини, булбуллар сайрашини айтиб қишига эътиroz билдиради. Қўшикларда марсия намуналари ҳам учрайди. Афросиёб (Алп Эртўнга – Артунга) нинг ўлими муносабати билан тўкилган аза қўшиги келтирилади:

Улишиб эран бўрлаю,  
Йиртин яко урлаю,  
Сикриб уни юрлаю,  
Сигтаб кўзи ўртилур.

Мазмуни:

Мардлар йиглаб, бўридек увлашдилар.  
Ёкаларини йиртиб бакиришдилар.  
Фарёд чекдилар.  
Қаттиқ йигидан кўзлари хиравлашиб, (гўё) парда босди.

Мазкур қўшиқда сўғд элининг ботир фарзанди Алп Эртўнга (Афросиёб) ўлимидан кейинги маросим пайти ифодасини топган. Бу жасур ва мард инсоннинг эрамиздан аввал юртимиз душманлари ва золим, ёвуз подшохларга қарши юртими химоя килганини назарда тутсак, марсиянинг тарихи икки минг йилдан зиёд экани, айни чоғда маросим қўшиклари ҳам бошка мазмундаги қўшиклар сингари узок ўтмишга эгалиги маълум бўлади.

Маросимлар қаторида тўйлар ҳам муҳим аҳамиятга эга. Эл-юрт бор экан, жамоа бўлиб яшаш бор экан, тўй қилиш одати яшайверади. Табиийки, тўй маросими ўйин-кулгилар, ракслар, театрлаштирилган сахналардан иборатдир. Уларнинг асосини ўлан айтишлар, ёр-ёрлар ташкил этади. Мумтоз адабиётимиз вакилларининг бадиий ижодига назар ташласак, баъзан ўша асарлардан намуналар учрайди. Масалан, Алишер Навоий «Ҳамса»нинг бешинчи достони «Садди Искандарий»да Искандарнинг уйланиш тўйида ўлан, ёр-ёр айтиш билан томошалар кўрсатилганини тасвиirlайди:

Мұғанний тузиб чинга вазнида чанг  
Наво чекки, ҳай-ҳай ўланг, жон ўланг  
Десанг сенки: «Жон кардошим, ёр-ёр!»  
Мен айтайки: «Мунглуг бошим, ёр-ёр!»

Албатта, ҳаёт ривожи таъсирида маросимлар ҳам доимий равишида ўзгариб боради. Маросим құшиклари ижроси ҳам, анъанаси ҳам янгиланади. Лекин Алишер Навоий байтлари замонамиздаги ўланлар, ёр-ёrlар ҳам қадим тарихга эга сүз санъати намуналари экани ҳақида тасаввур үйғотади.

Шундай қилиб, қадимги құшикларнинг мавзуу ранг-баранглиги жиҳатидан замонавий халқ құшикларидан қолишинаслиги маълум бўлади. Бу намуналар тил жиҳатдан биз айтадиган құшиклардан фарқ қилишига қарамай, умуман олганда, ҳозирги құшикларга ўхшашдир. Уларнинг ҳаммасини инсон ички кечинмаларини ифодалаш фазилати бирлаштириб туради. Чунки бу лирик асарларда бевосита ҳаётда рўй берган ҳодисаларгина эмас, балки ана шу ходисага ҳис-туйғу орқали муносабат билдириш етакчидир. Халқ құшикларининг бутунги кунда ижро этилаётган намуналари асосини қадимги замонларда омма орасида яшаган құшиклар ташкил этади. Қўшиқ халқимизнинг қувончли ва ташвишли кунларида, меҳнатида ҳамроҳ бўлган. Шундай экан, халқ құшикларини миллатимиз тарихи саҳифаларининг гўзал кузатувчилари дейишимиз мумкин. Шунинг учун ҳам улар халқ кадриятларининг ажралмас таркибий қисмини ташкил этади.

Құшиклар таснифи. Халқ құшиклари оғзаки ижоддаги бошқа жанрлар каби мавзу йўналишига кўра турларга бўлинади. Аввалги саҳифаларда кўриб чиққанимиздек, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луготи-т-турк» асарида шарҳланиши лозим бўлган бир сўз иштирокида келтирилган қўшиклар ўзида лирик ҳис-ҳаяжонни ифодалашдан ташқари муайян мазмунни ҳам ёритади. Мавзу йўналишига кўра қадимий намуналарни қаҳрамонлик, меҳнат, мавсумий, маросимий, мухабbat қўшикларига ажратиш мумкин. Бу тасниф ҳозирги пайтда халқ вакиллари томонидан ижро этиладиган қўшикларга тўлик равишида мос келмайди. Тўғри, мазмунан қадимий қўшикларга яқин асарлар ҳам йўқ эмас. Лекин замонавий халқ қўшиклари аввалгилардан ҳаётни ифодалашда, сўз кўллашда, бадиий тасвир воситаларидан фойдаланишда муайян фарқларга эга.

Шунинг учун юкорида қайд этилган фикрларга суюнган ҳолда оғзаки ижодимиздаги халқ қўшикларини кўйидаги турларга бўлиб тасниф килиш мақсадга мувофиқдир:

1. Мехнат қўшиклари.
2. Мавсум-маросим қўшиклари.
3. Лирик (ишкий) қўшиклар.
4. Тарихий қўшиклар.

**Мехнат қўшиклари.** Ўзбек халқи тарихини шартли равища мөхнат қилиш тарихидан иборат дейиш мумкин. Ўзбеклар тўй маросимларини, гап-гаштакларни, сайилларни, турли байрамларни ўтказишида ўта ташкилотчи ва ижодкор халқ сифатида шуҳрат топган. Дам олиш, ҳордиқ чикаришни ўрнига қўйган халқ, одатда, мөхнат килишни ҳам билади.

Мөхнат эса дехқончилик, чорвачилик, касб-хунар; илм-фан ривожи йўлида фаолият кўрсатиш билан узвий боғланади. Халқ мөхнат самарасини муттасил равища ошириш чорасини кўриб келган. Ўтган аср ўзбек адабиётига муносаб ҳисса кўшган ёзувчи Ойбек «Қутлуг кон» романидаги косиб Шокир отанинг маҳси тикиш билан банд бўлган пайтларини тасвирилаганда шундай деб ёзади: «Юпқа девор билан ҳовлидан ажралган дўконхонада Шокир ота ишлайди. Баъзи вакт унинг қўшиғи Унсин қулоғига етади. Чол хаста овоз билан куйлади. Овозини бир қўйиб, яна тўсатдан жим бўлади. ...Унсин дикқат билан тинглаб, мана шу мисраларни уқиб олади:

Кўрмасайдим бу умр саҳросини,  
Чекмагайдим кўкка ўтлик оҳини.  
Пора-пора йиртди кўксимни ситам,  
Сўргучи борми кўнгилнинг зорини?»<sup>51</sup>

Абдулла Қодирийнинг «Ўткан кунлар» романидаги нозик матнини ўқиймиз: «Узоқда кўш ҳайдаб юрган йигитнинг ашуласи эшитиладир: «Икки ёрни ажратувчи бу фалакнинг гардиши!» Рухлик, кучлик кўкракдан чиккан бу ашула теваракни зир-р этдириб юборгандек, Отабекка ҳам бошқача бир таъсир берадир. Гўё бу дехқон унинг истиқболидан ҳикоя қилгандек бўладир»<sup>52</sup>.

<sup>51</sup> Ойбек. Кутлуг кон. Роман / Асарлар. Тўрт томлик. Иккинчи том. – Т., 1957. – Б. 288-289.

<sup>52</sup> Қодирий А. Ўткан кунлар. Мехробдан чаён / Романлар. – Т., 1992. – Б. 113.

Маълум бўладики, моҳир ёзувчилар бадиий асарларда образ яратиш жараёнида меҳнаткаш омманинг вакилларини халқ қўшиқларини айтиш билан боғлаганлар. Қандай меҳнат тури билан шутгулланмасин, миллатимиз вакиллари қўшикни хаёт ҳамрохи деб билганлар. Айниқса, бевосита меҳнат қўшиклари бошқа халқларда бўлгани каби иш жараёнини ўзида ифодалали билан машхур. Меҳнат эса ўзига яраша жисмоний ҳаракатдан, баъзан зерикарли бир хил фаолиятдан иборат бўлади. Бу эса одамни толиктирган ишни тўхтатмасдан овуниш чораларини излашга мажбурлаган. Ана шундай мураккаб вазиятларда қўшик айтиш самарали ечим вазифасини ўтаган. Таноб-таноб ерга дон сочиш, кейинчалик ҳосил ўриш, чеълак-челак сут согиш, метрлаб гилас тўқиши факат айтишга осон. Аслида, бу ишлар дехқон, сут согувчи, гилас тўқувчи, буғдойни ун килувчидан кучли ирода, катта жисмоний куч, малака ва тажриба талаб қилган. Шунинг учун тадбиркор халқ меҳнатни қўшик жўрлигига ошириш йўлини ўйлаб топган.

Меҳнат қўшиклари ўз таркибида бир неча жанрлардан иборат бўлади. Ҳар бир жанрни бевосита меҳнатнинг қайси тури билан банд бўлиш белгилайди. Хусусан, ўрмак қўшиғи гилас тўқишида айтилар экан, айнан шу намуна кашта тикувчи, қўш ҳайдовчи шахс томонидан ижро этилмайди. Яъни ҳар бир меҳнат соҳаси ўзининг маҳсус қўшиғига эгалиги билан ажралади. Шунингдек, кўп қўшикларда иш қуролларига мурожаат килиш одати бор. Буғдой янчайтган дехқон ҳўкизи билан тиллашади, ун чиқараётган аёл ёргичоққа мурожаат килиши мумкин. Бинобарин, меҳнат қўшиклари нинг ички турларини матнда эсга олинган иш қуроли воситасида ҳам аниқлаш имкони бор. Яна бир хусусиятни эслаб ўтиш жоиз. Меҳнат қўшиклари узок муддат давомидаги ишни бажаришда ўзига хос восита бўлгани сабабли уларда қайта-қайта бир матнни такрорлаш, иш қилаётган одамнинг сергаклигини ошириш мақсадида турли хитобларга мурожаат қилиш одати анъана ҳисобланади.

Фольклоршунос Баҳодир Саримсоқов меҳнат қўшикларини ўрганиш таҳлил қилишининг қулайрой йўлини белгилаш максадида уларни қўйидаги турларга бўлишни маъқул топган:

1. Дехқончилик билан боғлиқ қўшиклар.
2. Чорвачилик билан боғлиқ қўшиклар.

### 3. Хунармандчилик билан боғлиқ қўшиқлар<sup>53</sup>.

Олимнинг таъкидлашича, овчилик, савдо-сотик каби меҳнат турлари билан ҳам боғлиқ асарлар бўлган, аммо бу намуналар бугунги кунда сақланмаган. Хусусан, уларнинг айримларини фақат Маҳмуд Кошгарийнинг «Девону луготи-т-турк» асарида гина учратиш мумкин.

Деҳқончилик билан боғлиқ қўшиқлар. Кўулланманинг аввалти саҳифаларида «Авесто» ҳақида тўхтаганмиз. Қадимги асарда бутдойни экишга берилган аҳамият инсон тақдири билан уйғунлашган. Бу эса ўзбек халқи аждодларининг деҳқончилик билан шуғулланиши юзлаб эмас, минглаб йилларга тентлигини исботлайди. Бинобарин, деҳқончилик билан боғлиқ қўшиқларда экин-тикин жараёни бошидан охиригача боскичма-боскич акс этиши табиийдир. Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зарифов бевосита хаёт акс этган қўшиқ намуналарига алоҳида эътибор билан ёндашар экан, деҳқончилик ҳақидағи асарларни ёзиб олишни қадрлаган эди. Шунинг учун ўзбек олимлари бисотидаги деҳқонлар айтадиган қўшиқлар нисбатан тўлиқ ёзилганлиги билан ажralиб туради. Уларни Баҳодир Саримсоқов қўш, ўрим, янчик, ёрғичок қўшиқлари тарзida ички турларга бўлиб таҳлил қилган<sup>54</sup>.

Деҳқоннинг меҳнати ер қаъридан тафт келиши билан боғлиқ. Тажрибали боболаримиз фикрича, баҳор ердан буғ кўтарилишидан бошланади. Қишининг охирида ердан буғ кўтарилдими, деҳқон қўшни далага олиб чиқади. Абдулла Қаҳхорнинг «Ўғри» ҳикоясида Аминнинг Қобил бобога берган масхараомуз:

– Яхши ҳўқизмиди, ё ёмон ҳўқизмиди? – саволига чол:

– Қўш маҳали, – деб жавоб кайтаради. Яъни ер ҳайдаш болпланган пайтда ҳўқизнинг яхши-ёмонига эътибор берилмайди, демоқчи. Шу икки оғиз сўз билан ер ҳайдашнинг оғирлиги, ҳосил учун бу ишнинг муҳимлиги ўз ифодасини топган. Деҳқон ерни ҳайдашдан келажакска умид билдиради. Меҳнатнинг машакқати бу умид олдида орқага чекинади. Шу боис ҳўқизнинг шохига ёғ суриб ҳосил мўллигини рухан таъминламоқчи бўлган деҳқон қўшиқ билан ўзини овутган бўлиши мумкин. Тўғри, бу қўшиқлар,

<sup>53</sup> Саримсоқов Б. Қўшиқлар / Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 144.

<sup>54</sup> Саримсоқов Б. Деҳқончилик билан боғлиқ қўшиқлар. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди китобида. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 144-150.

Хўпинча, хўқиз тилидан айтилган. Оғир қисматдан дехқон ҳайвон нутқи воситасида нолиган:

Шохларим бор газ-газ кулоч,  
Устида ўйнар қалдирғоч,  
Ҳайдай десам, корним оч,  
Мен кўшга қандай ярайин.

Аслида, охирги икки мисра ҳўқизнинг эмас, дехқоннинг ахволидан хабар бермокда. Нагижада, дехқон ҳўқиздан ҳасрат қилиш воситаси сифатида фойдаланмоқда. Бу ўринда қўшиқдаги оғир турмуш шароитининг акс этиши кўш ҳайдаш пайтида дехқонни қандай килиб меҳнатини енгиллаштириши мумкин деган мантиқий савол пайдо бўлади. Саволга икки хил жавоб бериш мумкин. Биринчидан, инсон табиатида бир хил зерикарли иш қилаётган пайтда ниманидир айтиб туриш унга ҳамиша мадад багишлайди. Дехқоннинг қандай қўшиқни айтиши аҳамиятсиз. Мухими, у қўшиқ айтса, бу қўшиқ ҳақиқатдан хабар берса бас! Иккинчидан, мабодо дехқон мазкур тўртликни айтди, ундаги мазмунга ҳам дикқат қилди, дейлик. У тақдирда тахмин қилиш мумкинки, айтувчининг ҳаракатини энди алам бошқара бошлайди. Оқибатда, у омоч тишиларини ерга чуқурроқ ботиришга, бемажол қўл мушакларини яхшироқ ҳаракат килдиришга уринади. Ишнинг якуний босқичида эса раҳм, шафқат мазмуни ўз-ўзидан қуилиб келади:

Ҳўқизгинам, бўйниғинанг эзилди.  
Кўзгинангдан ёшлар қатор тизилди.  
Бўйинтуруқ билан омоч тортмасанг,  
Сени билан менга гўрлар казилди.

Бу мазмундаги тўртлик ижросида ҳам айтувчининг чуқур руҳий ички кечинмалари ифодаланган. Ҳис, туйгу ўрин олган қўшиқ эса ҳар қандай оғир вазиятда ҳам киши кайфиятига далда беради, меҳнат жараёнини нисбатан енгиллаштиради.

Ер ҳайдалиб, дон сочилганидан сўнг етилган хосилни ўриш бошланади. Аввало, ўришни ер ҳайдаш билан тенглаштириб бўлмайди. Агар ер ҳайдаш битта одам томонидан бажарилса, жисмоний қувватни қўллаш оғир бўлса, баҳорда "илик узилди" (одам та-

насидан қувватнинг қочиши) пайтига тўғри келса, ҳосилга кўпроқ умид билдирилса, ўрим ўришда дехкон ҳар ҳолда қувватга кирган, ўрган ҳар бир буғдой пояси унинг кучига куч қўшади, хирмондан аниқ дарак беради. Иккинчидан, ўрим жараёнида жамоа бўлиб ишлаш имкони бор. Бу омиллар, шубҳасиз, ўрим ўришда дехкон кайфиятини яхшилади. Устига устак қўшик айтилса, нур устига нур бўлиб қўшилади. Шунинг учун ўрим қўшиклари қўши қўшиш пайтида айтиладиган тўртликлардан ўйноқилиги, нисбатан шўхлиги билан фарқ қиласди:

Ўроғим олмос,  
Ўришдан колмас,  
Сира ҳам толмас,  
Ўрмасам бўлмас.

Юқори сахифаларда қайд қилганимиздек, дехкон иш қуролини мақтайди, ундан қониқаётганини изҳор қиласди. Ўроқнинг олмос каби ўткир эканида ўзининг чархлаш маҳоратини мақташ оҳангига ҳам йўқ эмас. Ўрни келганда, дехкон буғдойга ҳам мурожаат қиласди. Буғдойдан тўп бўлиб туришни сўрайди. Шунда уни ўриш осон кечишини таъкидлайди.

Баҳодир Саримсоқовнинг маълумот беришича, ўрим ҳашар кирилиб ўтказилаётганда: «...ўримчиларни зериктириб қўймаслик, иштиёқ билан меҳнатга чорлаш максадида сўзга чечан кишилар турли лирик қўшиклардан ёки кизиқарли достонлардан парчалар куйлаб, ўроқчиларга далда берганлар. Қашкадарё, Сурхондарё ва жанубий Тожикистанда яшовчи ўзбеклар ўрим пайтида «Ёзи билан Зебо» достонидан парчалар куйлаганлар»<sup>55</sup>.

Айни пайтда дехкончилик қўшиклари қаторида «Қора дарё» туркуми ҳам мавжуд бўлиб, унда экинлар интоқ<sup>56</sup> санъати воситасида тилга киради ва муайян тажриба натижасини изҳор қиласди. Мазкур тўртликларда арпа, буғдой, шолғом, мош каби экинлар сўзлайдилар. Аксари ҳолларда уларнинг ҳасратлари билан танишамиз:

Шолғом айтар шод бўлмадим,  
Бу ғамдан озод бўлмадим.

<sup>55</sup> Саримсоқов Б. Дехкончилик билан боғлик қўшиклар / Ўзбек ҳалк оғзаки поэтик ижоди. - Т.: Ўқитувчи, 1990. Б. 147.

<sup>56</sup> Интоқ – нутқ сўзидан олинган бўлиб, нарса-предметларни инсон тилида сўзлатиш санъати хисобланади.

Сув ичиб обод бўлмадим,  
Тошмадингми, кора дарё?

Дехкончилик кўшикларининг яна бир тури янчик пайтида айтилган. Кўпинча, уларни халқнинг ўзи «Майда», «Майда гул», «Майдалар», «Хўп майда» деб атайдилар. Ҳосил йигиш кўнгилдагидек натижа берганида дехқон энди ўзини руҳан тетик ҳис килади. Аксинча бўлган тақдирда ҳам ўзбекларда «насиба» деган шукроналикни ифодаловчи сўз бор. Шунинг учун майда қўшикларида биз қўш қўшикларида, «Кора дарё»да бўлганидек, қисматдан нолиш, дард-ҳасрат оҳанглари нисбатан кам ўрин олганига гувоҳ бўламиз. Бундай қўшикларда табиат берган инъомдан мамнунлик кайфияти устувордир. Дехқон яна ҳайвонға мурожаат қилади:

Хўп ҳайда-ё, хўп ҳайда, майдаё-майда,  
Қалқон қулогим ҳайда, майдаё-майда.  
Темир туёғим ҳайда, майдаё-майда,  
Хирмонни қилгин майда, майдаё-майда.

Баъзан эса дехқон ўзининг ҳазилини ҳам қўшикларда ифолаши мумкин. У иш ҳайвони устидан кулишга ва шу усул билан кўнглини ёзишга уринган:

Майда-майда май босар, майдаё-майда,  
Майда сенга ярашар, майдаё-майда.  
Сенинг қалин териларинг майдаё-майда,  
Этик килса ярашар, майдаё-майда.

Одатда, майда қўшиклари дехқоннинг бевосита кўнгил изходидан иборат бўлиши мумкин. Чунки янчик жараёнида ўримдагидек кенг жамоа иштироки талаб қилинмайди. Ижрочи қўшикларини хўқиз ёки бошқа ҳайвондан ташқари янчиқда деярли ҳеч ким эшитмайди. Айни пайтда бари бир бош мақсад йил давомида қилинган меҳнат маҳсулига тезрок эга бўлишни такозо этади. Кўшиқ дехкондаги зерикиш ҳолатини юмшатиш ва ҳар бир ҳаракатнинг самарасини ошириш воситаси вазифасини бажарган. Аммо агар бу қўшикларда дехқон бажараётган меҳнат акс этган десак, хато бўлади. Чунки ҳар бир қўшиқда дехқон, албатта, ўзининг ички

кечинмаларини, хаёт тажрибасидан олган таассуротларини, турмуш ташвишларини ҳам баён қилади. Қўшик айтувчи саҳнадаги санъаткор хонанда эмас, балки даладаги оддий ижрочи ва айни шу пайтнинг ўзида унинг ўзи тингловчи сифатида намоён бўлади. Аслини олганда, унинг кўшикларини ер ҳайдаёттан ёки буғдой янчайтган ҳўқиз эшитади, холос. Дехконга ҳўқизидан бошқа тингловчининг кераги ҳам йўқ. Чунки у дилидаги ҳис-туйгуни ўзига ўзи айтади ва шу йўл билан килаётган ишини енгиллаштиради, ҳасратини ёзди. Айтиш мумкинки, бундай вазиятда дехкон ёнидаги ҳайвон унинг вафодор сирдошига айланади.

Дехқончилик кўшикларининг сўнгги тури «Ёргичоқ» кўшиклари деб аталади. Ёргичоқ буғдойни ун қиладиган хонаки асбобнинг номи. Икки устма-уст кўйилган ички қисми йўнилган тошнинг ўртаси ўйилган бўлади. Тепа қисмдаги тош чеккасига ёғоч даста сукилади. Шу дастани ушлаб тошни айлантиришади. Ўрга тешикка солинган буғдой дони марказдан қочиш кучи ҳисобига икки тош ўртасида майдаланиб унга айланади. Бу ишни факат аёллар бажаради. Бинобарин, оғир меҳнат давомида айтиладиган кўшиқларни ҳам аёллар ижро этадилар. Уларда аёл ёргичоққа мурожаат киласи. У билан гаплашади, ҳасратлашади, дардини тўқади. Натижада, ёргичоқ оиласидаги онанинг ҳис-туйгусини самимий равиша баён қилиш воситасига айланади:

Ёргичоқ ялпоққина,  
Ун қилас оппоққина,  
Ёргичоқ хир-хир этар,  
Муштдаккина хамир этар.

Ёргичогим гулдур-гулдур,  
Бўғзим тўла оппок ундири,  
Бой бобомнинг хонадони,  
Иккимизни ейдир-ейдир.

Шундай қилиб, йил фасллари ўзгаради, дехқоннинг иш қуроли (ҳўқиз, омоч, ўроқ, ёргичоқ) ўзгаради, аммо қўшиқни яратишдан назарда тутилган бош мақсад (оғир меҳнатни енгиллатиш, турмуш ҳасратини айтиб юракдаги ғамни ёзиш) ўзгармайди. Ҳар қандай вазиятда ижро этиладиган қўшиқ ҳаётнинг лирик ифодаси сифатида бахоланади.

**Чорвачиллик билан боғлиқ күшиклар.** «Алтномиш» достонида Бойбўри етти ёшга етган Ҳакимбекни «ўғлимга энди шоҳлик, сипохилик илмини ўргатайин», – деб мулладан чикариб олади. Бойсари ҳам Барчин қизини «Қизимга Кўкқамиш кўлида кўй соғдириб, чорвадорлик илмини ўргатайин, кўй согмоққа уста бўлсин», – дейди. Шунингдек, Юсуф Хос Ҳожибининг «Кутадгу билиг» достонида «Игдишчилар бирла катилмақни айур» (Чорвадорлар билан аралашмокликни айтади) боби бор бўлиб, унда:

Қимиз, сут йа йун йаф йа йуғрут қурут,  
Йадим йа кидиз ҳам эзар эвка тут

байти бор. Бобнинг ва байтнинг умумий мазмуни халқ ҳаётининг фаровонлиги бир деҳқонга, бир чорвадорга боғлиқ эканини тушунтиришдир. Маълум бўладики, ўзбек қадим замонлардан чорва билан шуғулланган. Бу соҳа халқ орасида алоҳида илм ва тажриба бирлигини ташкил этувчи бебаҳо бойлик ҳисобланган. Чорва молларини соғишида кўшиқ айтиб туриш ана шу тажрибанинг кашфиётларидан эди. Бугунги кунда жаҳон илм-фанида ҳатто сувнинг яхши ва ёмон гапларни тушуниши, мусиканинг фаркига бориши, ўзига бўлган муносабатта кўра шифо қилиш хусусиятини ўзгартиб туриши исботланди. Ваҳоланки, халқ бундай янгиликларни минг йиллар олдин ҳаёт тажрибасидан келиб чиқиб билиб бўлган эди. Факат илмий асосда исботламаган бўлиши мумкин. Хусусан, сигир, кўй, эчкиларни соғиши пайтида соғувчи, одатда, битта кўйлакдан фойдалangan, соғиши вазиятини ҳайвон ихтиёрига кўра танлаган, кўшиқ айтиб соғадиган молини ийдирган. Натижада, соғиладиган сут миқдорини кўпайтирган.

«Хўш-хўш» кўшиклари сигир соғишида айтилган. Вакт ўтиши билан сигир кўшиқ оҳангига ўрганган. Қўшиқ айтилган заҳоти тинчланган, сутини ўзига тортмаган. Сигир соғувчи сигирга сипориш килганда айтадиган асалли сўзларини алоҳида меҳр билан куйлаган. Ва сигир бу меҳрни ҳис қилган. Оқибатда, ҳар икки тараф-соғувчи ва сут берувчи фойдада бўлган:

Ҳўшим молим говмишим,  
Эмчакларинг совмишим,  
Оралаб единг ўтингни,  
Ийиблаб бергин сутингни.

Сени сийлаб боқайин,  
Кўзмунчоклар тақайин,  
Куралай кўз говмишим,  
Туёклари кумушим.

Зотли молим ҳўш-ҳўш,  
Сутли молим ҳўш-ҳўш.

Эътибор берсак, дехқончиликда ҳўқиз «темир туёғим» деб эркаланган эди. Энди соғиш пайтида сигирга «куралай кўз», «туёклари кумушим» деб мурожаат қилинмоқда. Шубҳасиз, инсон бу эркалашларни ҳўқиз ёки сигир тушунмаслигини яхши билади. Лекин қўшиқ ижроси давомида товуш товланишининг, оҳангнинг хайвонларга ижобий таъсир кўрсатишига ишонади. Масаланинг яна бир муҳим томони ҳам йўқ эмас. Ган шундаки, ижтимоий ҳаёт оғир, турмуш ўтказиш жудо қийин бўлган бир пайтларда оиласдаги битта сигир бутун оиласи боккан, ўлимдан куткарған. Шунинг учун уй бекасининг қўшиғида сигирига ич-ичидан раҳмат айтиши туйгуси ҳам ўз ифодасини топган.

«Турей-турей» қўшиқлари қўйларни соғиш пайтида айтилган. Баҳор фасли қоракўл совлиқлар учун фожия даври бўлган. Кора-кўлчиликда кимматбаҳо тери олиш учун кўзилар кўп вақт ўтмай сўйилган. Совлик ҳам боласидан жудо бўлган, ҳам елининг сут тўлиб азоб тортган. Шунинг учун она қўйларни соғишга чорвадорликда алоҳида эътибор берилган. Соғиш билан боласидан ажралган кўй кисмати нисбатан енгиллашган. «Турей-турей»лар матнида сут соғувчи қўйнинг қўзисидан ажралганига ҳамдардлик билдирган, унга ачиниш туйғусини ифодалаган. Ҳар холда қўйни мақташга уринган:

Болалилар бош бўлар, турей-турей,  
Боласизлар ёш бўлар, турей-турей,  
Келар йили туққанинг, турей-турей,  
Қўзингта йўлдош бўлар, турей-турей.

Халқимизнинг бошқа мавзу ва турдаги қўшиқлари сингари турей-турейларда ҳам қўйларни жонлантириш, яъни сут соғувчи уни ўзига сухбатдош одамдек тасаввур қилиш усули етакчи ҳисоб-

ланади. Күшик оҳанги оғир, вазмин айтилади. Қўйнинг ақрлилиги, иродалилиги, ўз эгасига хайрихоллиги ошириб таърифланади. Ҳатто она қўй боғда очилган гулга тенглаштирилади. Айтиш мумкинки, турей-турейларда халқнинг асрлар давомида қўй боқиш машакқатидаги тажриба бадиий йўл билан ўз аксини топади. Тарихдан маълумки, биттагина ўта сифатли қўзи териси ўрин келганда катта-катта амалдаги одамлар ўртасида муомалани бошқарган. Ой нурида тунда товланадиган терилар кимматбаҳо заргарлик гавҳарларидан ортиқ баҳоланганд. Қўй эгаси, эҳтимол, ана шу хаёт лавҳаларини ҳам назарда тутган бўлиши мумкин:

Эсли молим – оқилим, турей-турей,  
Елкамдаги кокилим, турей-турей.  
Шунча молниинг ичида, турей-турей,  
Боғда очилган гулим, турей-турей.

Чуриялар. Чорвачиликда чурия қўшикларининг ҳам ўзига хос ўрни бор. Аввало, соғиладиган сигирга, қўйга, эчкига алоҳида алоҳида қўшик яратилишига эътибор берайллик. Ҳўш қўшиклари қўй соғишида айтилмаганидек, турей-турейлар ва чуриялар сигир соғишида айтилмайди. Табиийки, хайвон учун қандай қўшик айтиб соғиши бари бир эмасми? – деган савол туғилади. Йўқ, ҳайвон учун ҳам бари бир бўлмаган. Эгаси буни ҳисобга олган. Гап шундаки, ҳар бир чорвадор қўйга, эчкига ўзига хос муносабатда бўлади. Улар ҳатто сигирнинг қайси рангни яхши қўришини, қайси қўшикни эшитганида кўпроқ сут беришини билганлар.

Чурия қўшикларининг мазмун-моҳияти ҳам эчкини мақташдан, унинг одат ва фазилатларини ошириб таърифлашдан иборат:

Оғзигинанга ўтинг бор, чурей-чурей,  
Елингинанга сутинг бор, чурей-чурей.  
Серсоқолим жонивор, чурей-чурей,  
Керилиб турган бутинг бор, чурей-чурей.

Бу қўшикларда «оғзинг» эмас, «оғзигинанг», «елининг» эмас, «елингинанг», «серсоқолим» каби сўзларга эътибор беринг.

Шоҳларинг бор бир минора, чурия-чурия,  
Минора кушлар қўнара, чурия-чурия.

Боланг олиб искасанг-а, чурия-чурия,  
Куйган юрагинг қонар-а, чурия-чурия.

Мазкур тўртликка ўхшаш қўшиқларда ўзига хос кичик лирик асар яратилгандек тасавур ҳосил бўлади. Ҳатто сут соғувчининг дарди «боланг олиб искасанг-а» мисрасида акс этмаганмикан, деган фикр пайдо бўлади.

Хуллас, чорвачилик билан боғлик қўшиқлар халқимизнинг қадимдан бу касбни эгаллаб келганидан, чорвачиликнинг сир-синоатларидан хабардор эканидан дарак беради. Халқ ҳар бир ҳайвонга худди одамдек муомалада бўлган. Уни эркалаган, мактаган, търифлаган, сифатлаган. Энг муҳими, айтилаётган қўшиқнинг охир окибат натижага ижобий таъсир қилишини билган.

Шубҳасиз, «Хўш», «Турей-турей», «Чурия» қўшиқларини чорвародлар орасида яшаган шоиртабиат одамлар тўқишиган. Бу қўшиқларда сўз санъатининг бошқа намуналарида бўлганидек, турли бадиий воситалардан фойдаланилган. Ҳусусан, «если молим», «каlam қошинг», «зотли молим» каби сифатлаплар; «қозон-қозон сутинг бор», «ақллисан, доносан», «шохларинг бор бир минор» каби муболагалар; «елкамдаги кокилим», «боғда очилган гулим» каби истиоралар; «қалам қошинг сузилсин», «сутлилигингни билдиргин» каби жонлантиришлар қўлланган. Қўшиқларда қофия санъатига ҳам алоҳида эътибор берилган. Бу тасвир воситалари қўшиқларнинг эстетик қимматини оширган, жозиба бағишлаган. Айни пайтда халқ қўшиқлари хазинасидан муносиб ўрин олиш имконини таъминлаган.

**Хунармандчилик билан боғлик қўшиқлар**. Юсуф Ҳожиб «Кутадгу билиг» достонида «Узлар бирла қатылмақны айур» (Хунармандлар билан аралашмоқни айтади) бобини хунармандларга бағишлаган. Унда темирчи, этикчи, ўймакор-дурадгор, бўёқчи, рассом, ўқсоз-ёйсозлар мақтovi берилган. Дунёнинг гўзаликлари булардан чиқади, оламдаги ҳайратомуз ишлар булардан чиқади, деб шоир хунармандларнинг ҳаётдаги ўрнини юқори баҳолайди. Ҳақикатан ҳам, хунармандлар жаҳон цивилизацияси ривожига муносиб ҳисса кўшган касб соҳибларидир. Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган қоғоздан тортиб шохи атласгача, ўймакорликдан тортиб тўкилган гиламларгача дунёда машхур бўлган. Хунарманд устарнинг шогирд танлаш синовида мумтоз шеъриятимиздан байтлар

сўраш одати кенг тарқалган эди. Чунки бирор хунарни мукаммал эгалламоқни факат касбий маҳорат билан чеклаши мумкин эмас эди. Моҳир хунарманд маънавий жиҳатдан ҳам комил инсон бўлиши талаб қилинган. Шунинг учун ҳам хунар эгалари қўшиқ айтган, асқия сирларини билган, мусиқа чалган. Бу анъана бугунги кунда ҳам сакланган. Қўшик жўрлигига тайёрланган маҳсулотга устанинг меҳри қўшилган.

Ўзбек меҳнат қўшикларининг салмоқли қисмини гилам тўкиш, кашта тикиш, чарх йигириш каби хунар билан шуғулланиш давомида айтиладиган намуналар ташкил этади. Уларнинг энг қадим-гиларидан бири чарх қўшиклари хисобланади. Бутунги кун текстили саноати пайдо бўлмасдан олдин пахта чигити қўлда ажратилган. Махсус ясалган курилма – чарх айлантирилиб, пахта толасидан ип йигиришган. Меҳнат у қадар оғир бўлмаган, аммо жуда зерикарли ва унумсиз эди. Иш жараёнига бир оз бўлса-да енгиллик бағишлаш мақсадида чарх қўшиклари айтилган:

Чарх йигириб, чарх йигириб,  
Шул қўлгинам толадир.  
Агар шуни йигирмасам,  
Болалар оч қоладир.

Одатда, ип йигирувчи аёллар ип ишлатадиган косибларнинг буюртмаларини бажаришган. Айниқса, қиши фаслида ёлланиб бажарадиган ишлари камайган пайтда ип йигириш оиласда рўзгор тебратиш воситасига айланган. Мажбурият уй бекасидан бутун иродани ишга солиб меҳнат қилишга унdagан:

Чархгинам, эй чархгинам,  
Юраккинам оласан.  
Айт-чи, сен бу юртлардан  
Қачонгина йўқоласан.

Юкоридаги тўртликда чарх айлантираётган аёлнинг қалbidаги бутун дард, алам ёрилиб чикқандек таассурот уйғотади. «Қачонгина йўқоласан» сўз бирикмасидаги фикр йўналиши чархга қаратилган эмас, балки бутун кисматга, тақдирга нисбатан чиқарилган хукм кимматида баҳоланади. Аслини олганда, аёл чархнинг

йўқолишини истамайди. Чунки чарх, эҳтимол, рўзгорнинг сўнгги илинжи ва умид воситаси бўлиши мумкин.

Бўз тўкиш жараёни ҳам чарх йигиришдан осон бўлмаган. Факат бўз тўкишда бир нечта дўкон деб аталган бўз тўкиш курилмалари бир хонага жойлаштирилган бўлиб, бу ерда икки ва ундан ортиқ косиблар бирга ишлаши мумкин эди. Бўз тўкилганда қўл ва оёқ муайян мақсадга биноан бир хил ҳаракатда бўлган. Косиблар бу ҳаракатларга шу қадар кўнишиб кетар эдиларки, баъзан дўконда ишламаётган бўлсалар ҳам одатий ҳаракатни тақрорлайверадилар. Қўшик эса соатлаб тинмай ишлаш жараёнида уларнинг овунчоги вазифасини бажарган. Қўшик куйлашдан косиб эстетик қониқиши хосил қилиган:

Бўз тўкийман кирогини ўхшатиб,  
Мокки отаман кўлгинамни какшатиб,  
Бозордаги шоҳилардан яхшироқ,  
Нафисдан ўхшаган бўзим яхшидир.

Юкоридаги қўшиқда бўзчининг ўз меҳнатига берган баҳоси ҳам ифодаланган. Маълумки, бўз пахта ипидан тўкилган. Бундай матони, одатда, иқтисодий жиҳатдан яхши таъминланмаган одамлар сотиб олганлар. Бўзнинг пишиқ, айни пайтда, майин чиқиши косибнинг усталигига боғлик эди. Узилган ипни ўша заҳоти улаш, моккини бир хил отиш, тепкини маромида босиши маҳсулот сифатини белгилаган. Бинобарин, бўзчи ўз иш фаолиятини назорат қилиши лозим эди. Аммо турмуш ташвиши, буюртмачиларнинг инжиқлиги, иқтисодий танқислик косиблик ишига салбий таъсири кўрсатган. Шунинг учун меҳнат қўшикларининг ҳамма турларида бўлганидек, маъноси бир хил, матни бошқа қуидаги қўшик вужудга келган:

Дўкон уйга кирсам, танам қақшайди,  
Совуқларда ўлмай колсам, яхшийди,  
Қариси тиллага кетса, яхшийди,  
Шундан менинг бўзим арzon кетарми?

Марғилон, Қўқон шаҳридаги кекса бўзчи оталар билан бўлган сухбатимизда, улар бўз қўшикларини доимий равища хиргойи

қилмасликларини эслашди. Иш пайтида улар «Галдир», «Омон ёр», «Сумбула» күшикларини, асия пайровларини айтиб ғубор чикаришар экан. Бу холат бошқа касбдаги одамлар учун ҳам тааллукүлидир. Хусусан, чарх йигирадиганлар факат чарх, бўзчилар факат бўз, гилам, шолча тўқийдиганлар факат ўрмак кўшикларини айтишган, деб хулоса чикариш тўғри эмас. Уларнинг ҳар бири ўз касбига мос қўшиқни айтган, аммо кўнгил ва хоҳиш амри билан машҳур лирик кўшиклар ижросини ҳам ёддан чикаришмаган.

Ўрмак шолча ёки гилам тўқиши учун тайёрланган маҳсус курилма, дастгоҳдир. Унинг ёрдамида, асосан, аёллар шолча, гилам тўқийдилар. Биз кўришга одатланган гиламлар миллиметр устига миллиметр жун илининг устма-уст тушиши ва кейинги қатлам ип билан ўзаро бирикувидан пайдо бўлади. Маҳсус тўқмокқа ўхшаган асбоб билан минг-минг мартараб калтакланади ва ипларнинг ўртаси жисплаштирилади. Деярли ҳамма вилоятларда аёллар тўқиган гилам ва шолчалар турмушга узатиладиган кизларга сеп, рўзғордаги бирон камчиликни тўлдириш воситаси бўлган. Қўшиқ ана шундай машқатли меҳнатни енгиллатган:

Ўрмагимни ўрай-ё,  
Мен бошимга қурай-ё,  
Ўрмаккинам ўнгин деб,  
Энди сендан сўрай-ё.

Бу тур қўшикларда ҳам одамлар турмуш, насиба, тақдир ташвиши ва кувончларини изҳор қилишган. Баъзан ҳазил, баъзан чин қабилида ички кечинмалар баёнига дуч келамиз:

Ўрмагим ётибди ўралиб,  
Мен юрибман керилиб,  
Қайнонам қарамайди,  
Ўрмагимга ўрилиб<sup>57</sup>.

Шундай қилиб, меҳнат қўшиклари ҳақида қуйидаги хуносаларга келиш мумкин:

Меҳнат қўшиклари қайси мавзуда ва қайси турда яратилишидан қатъи назар лирик асарлар ҳисобланади. Уларда қўшиқ-

<sup>57</sup> Ўрилиб – ўтирилиб, кайрилиб.

чининг килаётган меҳнат соҳаси асосида ҳаётий воесаларга нисбатан бўлган муносабати ҳис-туйгулари орқали акс этади.

Халқимизнинг меҳнат килиши, чорвачилик, дехкончилик, турли қасб-хунар билан шуғулланиши қанчалар қадимий бўлса, қўшиқнинг яратилиши ҳам шунчалар тарихийдир.

Ҳаётнинг барча соҳаларида фаолият билан шуғулланган аждодларимиз машакқатли ва зерикарли меҳнат жараёнининг самарасини ошириш мақсадида маҳсус қасб-хунарлари билан боғлиқ қўшиклар ижод килгандар, куйлагандар.

Меҳнат қўшикларида ҳайвонларни ва иш қуролларини эркалаш, уларга мурожаат қилиш, уларни жонлантириш, баъзан гапиртириш хусусияти етакчилик қиласди.

Меҳнат қўшикларининг тили содда, куи енгил, фикрни ифодалаш усули оддий бўлиб, асосий мақсад иш жараёнини енгиллатиш, қўшиқ айтuvчи шахс руҳий ҳолатини кўтаришга қаратилган бўлади.

***Мавсум-маросим қўшиклари.*** Халқимизда мавсум, маросим, байрам сўzlари билан ифодаланган тушунчалар бор. Улар ҳакида аниқ тасаввурга эга бўлиш учун бу сўzlарнинг маъно ифодалаш чегарасини белгилаш зарур. «Мавсум» деганда, асосан, йил фасллари назарда тутилади. Бинобарин, мавсум қўшиклари қиши, баҳор, ёз, куз фасллари билан боғлиқ бўлади. Маросим эса диний ёки анъанавий урф-одатлар муносабати билан ўтказиладиган тадбир, йигин демакдир. У байрам умумхалқ шодиёнаси, тантана кун маъносини ифодалайди. Маълум бўладики, «маросим» тушунчаси «байрам» сўзи ифодалаган маънодан кенглиги билан фарқ килар экан. Чунки маросим бир шахс ҳаётидаги муҳим воқеа билан боғланиши мумкин. Бу тадбир оила чегараси билан чекланади. Байрамда эса умумхалқ иштироки бўлиши лозим. Тўғри, биз, кўпинча, «байрам маросими» бирикмасини кўллашимиз мумкин, аммо бу холатда гап оиласвий маросим ҳақида эмаслиги таъкидланади.

Дунёда биронта ҳалк йўқки, турли муносабатлар билан оммавий байрамларни нишонламасин. Байрамлар бутун ҳалк тайёргарлиги билан ўтказилади. Катта шодиёналар режалаштирилади. Маҳсус таомлар пиширилади, байрам либослари тикилади, ўйин-кулгилар, сайиллар, томошалар, мусобақалар уюштирилади. Шунинг учун миллий байрамлар тизимида ҳалк тарихи, миллий хусусиятлар ҳақида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Бу тасаввурларни

оилавий, муайян худуд ахолиси ўртасидаги маросимлар, қолаверса, миллий урф-одатлар тўлдиради, мукаммаллаштиради.

Олимларнинг маълумот беришларича, мавсум-маросимга оид тадбирлар, ҳалқ оммавий байрамларининг тарихи минглаб йиллар билан ўлчанар экан. Абу Райхон Берунийнинг «Қадимги ҳалқлардан колган ёдгорликлар» китобида «Наврӯз», «Рамуш оғам», «Бобохвора» каби ўндан ортиқ байрамлар хусусида маълумот берилади. Ҳалқимиз бугунги кунда мавсум-маросим, байрам ва удумларни ўтказишнинг узок кадимийларини қайта тикламоқда, уларни ташкил килишда мукаммал режалар билан иш олиб бормоқда.

Ўзбек ҳалқ маросим қўшиклари Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, фольклоршунос олима Музайяна Алавиянинг «Ўзбек ҳалқ маросим қўшиклари»<sup>58</sup>, филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Саримсоқовнинг «Ўзбек маросим фольклори»<sup>59</sup>, филология фанлари доктори, профессор Маматкул Жўраевнинг «Ўзбек мавсумий маросим фольклори»<sup>60</sup>, олим Насридин Назаровнинг «Лақайлар: этнография, лингвистика ва фольклор»<sup>61</sup> асарларида чукур илмий асосда таҳлил этилган.

Ҳалқимиз ҳар бир фаслининг ўзига хос фазилатларини таъриф этган, киши, баҳор, ёз, куз фаслларида табиатда рўй берадиган ўзаришларни қўшиқларда лирик тарзда ифодалаган. Хусусан, киши фаслида «Шерда» номи билан аталган гап-гаштак, улфатчиликда:

Кор ёғмайин ола бўлган тоғлар-а,  
Фунчасидан хазон бўлган боғлар-а,  
Куйистонда куйиб ўтган бедилхон,  
Устида қагиллаб ўтган гозлар-а,  
Бегим аллаёр, аллаёр

қўшиғи улфатларнинг жўрабошисини сайлашда айтилган. Баҳорда турна, бойчечак, сумалак, шоҳ мойлаш қўшикларини айтиш одат бўлган:

Адирлар тўла чечак,  
Биз келдик уча-уча,

<sup>58</sup> Алавия М. Ўзбек ҳалқ маросим қўшиклари. Т., «Фан», 1974.

<sup>59</sup> Саримсоқов Б. Ўзбек маросим фольклори. Т., «Фан», 1986.

<sup>60</sup> Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. Т., «Фан», 2008.

<sup>61</sup> Назаров Н. Лақайлар: этнография, лингвистика ва фольклор. – Т.: Tamaddin, 2010.

Бойчечагим, бойчечак,  
Кутиб олинг, хой чечак.

Халқ одатларига кўра ўтказиладиган шамол тўхтатиш, шамол чақириш, обло барака каби ёзги маросимларда ўзига хос қўшиклар айтилган:

Чой момо, чой, чой, чой,  
Чайилиб қолсин кув шамол,  
Боса-боса беринглар,  
Босилиб қолсин кув шамол.

Ўзбекистонда кузнинг файзи алоҳида қайд килинади. Ҳосил иғиши, қовун сайли, тўкинилик халққа мамнуният бағишилайди. Бу фаслнинг ҳам ўз қўшиклари машхур:

Қовун-қовунлар дедим,  
Мазали қовунлар дедим,  
Эй шириинноввот дедим,  
Гурвак қовунлар дедим<sup>62</sup>.

Халқимизда маросимлар жуда кўп. Йил қуруқ келиб, баҳорда ёмғир ёғмаса, «Ёмғир чакириш» маросими («Суст хотин»); буғдой, шоли бошоқлари етилган пайтда шамол уларни пайхон килса, «Шамол тўхтатиш» («Чой момо»); дон маҳсулотларини шопириш вактида шамол бўлмаса, «Шамол чакириш» («Ё, Ҳайдар»); йил совуқ келса, омад юз ўтирса, курбонлик келтириш маросимлари ўтказилган. Айниқса, оиласиий маросимларда: тўй ва азаларда қўшиклар меҳмон ва мезбонларнинг, майит эгасининг доимий ҳамроҳига айланган.

Тўйлардаги ёр-ёрлар, ўлан айтишлар, келин саломлар халқ поэтик ижодининг мумтоз намуналари бўлиб колган. Ҳаёт тажрибаси оиласиий турмуш тотувлиқдан бошланса, меҳр етакчи бўлса, кейинги ҳаёт ҳам инокликда ўтишини тасдиклаган. Шунинг учун куёв-келин кўнглини бир-бирига яқин килиш орзуси қайта-қайта тилга олинади:

<sup>62</sup> Жўраев М. Мавсум қўшиклари / Ўзбек мавсумий маросим фольклори. - Т.: Фан, 2008. - Б. 252.

Шойи күйлак ёнгига  
Тут кокайлик ёр-ёр,  
Келин-куёв күнглига  
Ўт ёқайлик ёр-ёр.

Халк құшиқларини ёзив олиш тажрибаси шуни күрсатадыки, ёр-ёрлар халк орасыда бошқа мазмундаги құшиқлардан кенгрек оммалашгандир. Яқын эллик йил атрофида ўтказған фольклор экспедициялари давомида Ўзбекистоннинг күп вилоятларida бўлдик. Жанубий Козофистондаги Чимкент, Туркистон ҳудудлари, Тожикистоннинг Хўжанд, Исфара, Конибодом атрофи, Туркманистандаги Кўхна Урганч манзилларидаги яшаетган ўзбеклар ҳамиша фольклор амалиётчиларини ёр-ёрлар билан сийлашган. Маълумки, оғзаки ижоддаги қўшиқ ўзининг тез фурсатда, баъзан бадиҳа-гўйлик – импровизация усулида яратилиши билан бошқа жанрлардан фарқ қиласди. Бу ўринда шуни таъкидлаш жоизки, шоирлик истеъодига эга бўлган ёр-ёр ижроиси тўй вазиятига қараб янги янги тўртликларни тўқиб кетаверган. Натижада, айнан тўй ўтка-зилаётган пайт қўшиқ матнида фото тасвирдек акс этиб қолган:

Киши кунида совук еб,  
Хориб келдик ёр-ёр,  
Аччиқ-тирсик керакмас,  
Койиб келдик ёр-ёр.

Албатта, ҳаёт ижтимоий тузум, сиёсий шароитлар тақозоси билан доимий равицда ўзгариб борган. Турмушга чиқаётган қиз ўз турмуш ўртоғини факат гўшангадагина қўриши мумкин бўлган замонлар ўтди. Баъзан давлатманд одамларнинг иккинчи, учинчи, ҳатто тўртгинчи хотини бўлиш тақдиррида ёзилган қизлар ҳам бўлган. Бундай қисмат ифодаси ёр-ёрда акс этмаслиги мумкин эмасди:

Узоққа борган кизнинг  
Ранги сарик ёр-ёр,  
Кўзидан оқкан ёши  
Мисли арик ёр-ёр.

Токчадаги қайчини  
Занг босибди ёр-ёр,

Янги тушган келинни  
Фам босибди ёр-ёр.

Турмушга чиккан келиннинг дарди, алами билан ғам босгани токчада ишлатилмай колган қайчининг занг босишига киёсланмоқда. Бундай тасвир воситаси фольклоршуносликда параллелизм деб номланган бўлиб, икки ёнма-ён нарсанинг ўхшашлигини тақозо этади.

Ёр-ёр матнлари меҳнат ва мавсум қўшикларидан қофияланишидаги мукаммалик билан ажralиб туради. Жумладан, ёр-ёрларда «баҳт», «таҳт»; «омон», «сомон», «алвон», «полвон» каби чиройли қофияли мисолларни учратамиз. Бу қўшиқ турлари баъзан олти, кўпинча етти бўғиндан иборат бўлади. Туроқ тизими 4+3; 5+2 тарзида белгиланади. Қофияланиш шакли *a b, b a ёки a b, в b* тарзида шаклланган. Масалан:

Қат-кат кўрпа устида,  
Пиёламан ёр-ёр.  
Ёрга салом бергани,  
Уёламан ёр-ёр.

**Келин саломлар** ҳам тўй қўшикларининг таркибий кисмини ташкил этади. Айнанавий келин саломлар матнида Аллоҳга, Мұҳаммад пайғамбаримиз (с.а.в)га, чаҳорёrlарга, авлиё ва анбиёларга мурожаат килиш алоҳида ўринга эга. Агар халқ қўшикларининг бошка турларини кўпчилик бўлиб ижро килиш мумкин бўлса, келин саломлар, асосан, битта чечан қўшикчи, баъзан иккита аёл томонидан ижро қилинган. Одатда, келин салом айтувчи ижрочи мазкур маросимга файз киритиши ёки, аксинча, қизита олмасдан уятта қолиши кузатилади. Шунинг учун ижрочи бутун тажрибасини, маҳоратини, хонандалик санъатини тўлик намойиш килишга уринади. Атрофдаги катнашчилар руҳиятини кўтариш учун юмор унсурларидан фойдаланади. Келин саломлар аксари уч мисрадан иборатдир. Шундан иккитаси фикр ифодалаш мақсадини назарда тутса, учинчиси нақарот сифатида такрорланади:

Кўйлаклари ямоқли,  
Ёпган иони саноқли,  
Қайнонасига салом.

Мухими, бундай кулгили мазмундаги мисралар маросим иштироқчилари томонидан ҳазил маъносида тушунилган.

**Марсиялар**. Маълумки, инсон хаёти фақат байрамлардан, хурсандчилик, сайиллар, тўй-томушалардан иборат эмас. Ҳаётда кўнгилсиз воеалар ҳам рўй бериб туради. Уларнинг энг мусибатлиси ўлимдир. Ўзбек халқи ўлим маросимида ҳам кўшиқ айтган. Қадимда маҳсус гирянди (гийранди)лар йиглаш маросимларини кўшик айтиб ўтказганлар. Бундай кўшикларни марсиялар деб аташган.

Марсияларнинг асосий вазифаси ҳаётдан кўз юмган шахснинг фазилатларини эсга олиш, рўй берган мусибатга муносабат билдиришdir. Шунинг учун ота, она, ака, ука, опа, сингил, бола каби кариндош-уруғлик белгилари марсияларда алоҳида тилга олинади. Марсия матнларида ўкинч, ҳасрат ифодаси алоҳида ўрин тутади. Айтиб йиглаётган шахс мархумга «суянган тоғ», «ишонган боғ», «осмондаги юлдуз», «ҳаётдаги ёруғ юлдуз» истиораларини қўллади. Фарзанднинг ота-онасига хизмат қила олмагани, ака ва уканинг қадрига етмагани, айниқса, фарзандининг орзу-ҳавасини, ўйланганини ёки келин бўлганини кўра олмагани ўта таъсирли сўзлар билан билдирилади:

Айтмай десам бўлмайди,  
Дофингиз оти қўймайди,  
Ишонган боғим, вой отам,  
Суянган тоғим, вой отам.

Ёки:

Ховлимдаги гиёҳ бўлинг, вой онам,  
Ҳар кун сизни исказайн, вой онам,  
Яна қайтиб бино бўлинг, вой онам,  
Доим сизни эслайн, вой онам.

Марсия матнларини ўрганиш уларнинг шеърий техника жиҳатдан у қадар мукаммал эмаслигини кўрсатмоқда. Бўгинлар сонининг мос эмаслиги, туроқ тизимиға етарли эътибор берилмаслиги, қоғия коидасига риоя қилмаслик одатий ҳолат эканини айтиш мумкин. Бизнингча, бу турдаги кўшикларда кўпроқ айтилаётган тўртликнинг маъноси, куйдаги мунг етакчи аҳамият касб этади.

Яна бир масалага эътиборингизни қаратмоқчимиз. Фольклор экспедициясига чиқкан пайтимиизда ёзib олиш энг кийин кечган

қўшик тури марсиядир. Аксари ҳолларда марсия айтгувчилар амалиётчилар илтимосларини бажармайдилар. Эсдан чиққанини баҳона қилиб, сухбат мавзуини ўзгартирадилар. Эҳтимол, улар қадимги иримларга бўйсуниб заруратсиз ҳолларда марсия айтишдан саклансалар керак.

Шундай қилиб, мавсум-маросим қўшиқлари ҳакидаги маълумотлардан кўйидаги хulosаларга келиш мумкин:

– Мавсум ва маросим қўшиқлари ўзбек халқ оғзаки поэтик ижодининг энг қадимий намуналариданdir.

– Халқ ҳаётидаги байрамлар, оиласий маросимлар, йил фаслига оид мавсумлар алоҳида-алоҳида аниқ мавзуни ифодаловчи мазмунга эга.

– Мавсум-маросим қўшиқлари баъзан оммавий тарзда ижро этишга мўлжалланган бўлиши билан бирга маҳсус тайёргарлик кўрган маҳоратли ижрочилар ижодини инкор қилмайди.

– Халқимизнинг ўтмиш маданий меросига, қадриятларига муносабат мавсум-маросим қўшиқларида алоҳида намоён бўлади.

– Мавсум-маросим қўшиқлари бадиий мукаммаллик жиҳатидан сўз санъати талабларига тўлиқ жавоб берадиган шеърий матнлардан иборат.

**Лирик қўшиқлар**. Аввало, таъкидлаш лозимки, халқ қўшиқлари мавзуида мисол килиб келтирган, назарий маълумот берилган, таҳлилга жалб қилинган ҳамма тўртлик шаклидаги шеърий асарларнинг ҳаммаси бадиий адабиётнинг лирик жинсига мансубdir. Шу боис «лирик қўшиқлар» атамасини шартли тушуниш мақсадга мувофиқdir. Аслида фольклоршунослиқда лирик қўшик деганда, ишқ-муҳабbat изхор этилган тўртликларни назарда тутиш қабул қилинган. Агар меҳнат, маросим асарларида етакчи мақсад иш қуроллари, мавсумдаги табиат ўзгаришлари, маросим тартиблари хис-туйғу воситасида акс этса, лирик қўшиқларнинг асосий вазифаси муҳабbat туйғуларини ифодалаш билан белтиланади. Бино-барин, лирик қўшиқларда моҳиятан ички кечинмалар, ишқ-муҳабbat дардига йўликишдан мамнунлик кайфияти устувордир.

Ҳар бир йигит-киз балогат ёшига стганда муҳабbat туйғусини бошидан кечиради. Инсоннинг севиши ёки севилиши, ишқ кечинмаларига йўликиш ташвишлари уни шоирликка ундейди. Лирик қўшиқлар матнини ўрганиш уларни фақат муҳабbat туйғусини юрак қон томирларидан хис қилган шахсларгина яратиш мумкин,

деган хулосага олиб келади. Энди икки тарафдан иборат бўлган ишк кечинмаларида бир тарафгина иштирок этса ёки ўртада муайян тўсиклар пайдо бўлса, мухаббат савдоси авж олади, ечимиз ҳолатда инсонни қийнайди. Масалан:

Кизил гулни экасан-да, кетасан.  
Парвариш қиласанг, экиб нетасан?  
Йўлига интизор қилган қора кўз,  
Охир менинг бу бошимга етасан.

мисраларини хаётдан қониқкан, ташвиши йўқ одам айтиши мумкин эмас. Тўрт мисрадан иборат бу матнда инсон тақдири, қисмати акс этганига ҳеч ким шубҳа қилмаса керак. Айни пайтда ана шу азоб унга шукух, баҳт бағишаётганини ҳам айтиш лозимдир. Чунки ҳакиқий инсонгина бундай туйғуларга эгалик қилиши мумкин.

Лирик қўшиклар оғзаки ижоднинг мустакил жанри сифатида бир катор хусусиятларга эга:

1. Лирик қўшиклар деб агалмиш ҳалқ поэтик шеъриятига мансуб асарларни инсон руҳий оламисиз, ишкий кечинмаларсиз тасаввур килиш мумкин эмас.

2. Агар бошқа мавзудаги қўшиклар баъзан уч (келин саломлар), олти, саккиз мисралардан иборат бўлса, ишкий қўшиклар тўрт мисрадан ташкил топади. Бир ном билан бандлар бирикувидан иборат қўшикларда ҳам тўрт мисралилик анъана хисобланади.

3. Биз назарда тутаётган лирик қўшиклар матни тугал фикр англатиш хусусиятига эгадир.

Олов ёнсин ёғ билан  
Бағрим куйсин дօғ билан  
Ўйнамадим – кулмадим.  
Кўнглим суйган ёр билан.

Бир неча бандлардан иборат «Галдир», «Сумбула», «Омон ёр» каби лирик қўшиклардаги тўртликлар нисбий тугалликка эга бўлади.

4. Агар меҳнат қўшикларини бевосита ўша касб билан шугулланувчи дехкон, согувчи, косиб, каштачи, гилам тўқувчи айтса, ёрёллар, келин саломлар асосан тўйларга файз бағишиласа, йиги-

йүкловлар ўлим маросимларига таалтуқли бўлса, лирик қўшиклар касб, пайт, ўрин танламайди: уларни исталган пайтда, истаган шахс хоҳишга кўра баланд овозда ёки хиргойи қилиб ижро этаверади. Шундай қилиб, лирик қўшиқларнинг оммалашуви бошқа турдагиларга нисбатан кенгроқ имкониятга эга.

Қадимдан ҳалқимизда «Ҳар кимни ӯзига, ой кўринар кўзига» деган чиройли мақол бор. Аммо аксари ёшлар бу мақолнинг маъносини аник тасаввур килмайди. Аслида бу мақолда севикли маъшуқа ҳакида фикр бормоқда. Яъни ҳар кимни ӯзига буюрсин, ўша ёрнинг ҳусни кай даражада бўлмасин ошикка ой кўринади, яъни ҳар ким ўз қалбидан ўрин олишга улгурган ёрга интилади. Қизнинг кошлари «қалдирғоч қаноти», юзи тандирдан узилган «ширмой», лаблари «Арслонбоб асали» бўлиб туюлаверади.

Айни шу пайтда маъшуқанинг нигоҳи йигитнинг «бекасам тўни», «янги чиққан майсадек киприги», «марвариддек» ярақлаб турган тишлиларига тушади ва ажойиб қўшиқ намунаси вужудга келади:

Қошингни қаро дейдилар,  
Қора қош укам, ёр-ёр.  
Қўрсат қошингни, бир кўрайин  
Жоним укамей, ёр-ёр.

Ёки кизнинг қалбидан чиққан мулойим мисраларга диқкат қилинг:

Бекасам тўнлар кийиб,  
Мунча мени куйдирасиз.  
Гоҳ-гоҳида бир қараб,  
Вой беажал ўлдирасиз.

Аммо «Бу – ҳаёт» деб қўйибдилар. Ишқ булоғидан сұғорилган гул ҳамиша ҳам очилавермаслиги мумкин. Яъни икки севишган ҳамиша ҳам оила куришга мұяссар бўлмаганлар. Бу кўнгилсизлик баъзан йигитнинг, баъзан кизнинг ишқи иккинчи тарафдан инкор этилиши, баъзан эса яна бошқа сабаблар оқибатида рўй берган бўлиши мумкин. Бундай вазиятни ифодаловчи тўртликлар ҳам анчагина:

Оқ илон, оппок илон,  
Ойдинда ётганинг қани,  
Мен – ёмондан айрилиб,  
Яхшини топганинг қани.

Гап шундаки, қадимги афсоналарда ойдинда ётган оқ илонни кўрган одам баҳтли бўлади, деган ақида бордир. Аммо бу оқ илонни ким кўрган, ҳеч кимга маълум эмас. Кўрмаганлар эса кенг оммани ташкил этади. Ўз-ўзидан халк баҳтли одамдан кўра баҳтсизлар кўпроқдир, деган хulosани ўзига хос фалсафий тарзда ифодалаш ўйлени топган.

Лирик кўшиклар, энг аввало, лириклиги билан инсонни ўзига жалб килади. Уларда лирик қаҳрамон фикри туйғу воситасида ифодасини топади. Айрим кўшиклар матнидаги муайян мисрани ўзгартириш уларнинг яратилиши мақсадига ҳам таъсир килади, умумий мазмун моҳиятига ҳам таъсир қилади:

Гулижон ўзи чаққон,  
Қоки гулини такқан,  
Бир кулиши бор учун  
Ойижонига ёккан.

Энди «Ойижонига»ни «Севгилисига», «Дадажонига», «Бувижонига», «Опажонига» ва ҳ.к. сўзлар билан алмаштирайлик. Ёки «Гулижон» исмини ўзгартирайлик. «Қоки гул» ўрнига «атиргул» кўйайлик. Хуллас, бир кўшиқ асосида бир неча намуналар вужудга келиши мумкин. Шунда гап севиклиси ҳақида кетса, ишкий мазмун; онаси-отаси ҳақида кетса қиз фарзандни эркалаш мазмуни етакчи бўлиб қолади. Аммо ҳар иккала ҳолатда ҳам лирик кўшиқ моҳиятан катта ўзгаришга дуч келмайди.

Аллаларни ҳам лирик кўшиклар қаторидаги ажойиб намуналар сифатида баҳолаш мумкин. Тўғри, фольклоршуносликда оналинг гўдак фарзандини ухлатиш мақсадида айтадиган аллаларни болалар фольклори таркибида таҳлил қилиш одати бор. Аммо аллалар матнини ўрганиш уларнинг сўз санъати намунаси сифатидаги фазилатларини лирик кўшиқ деб белгилаш ҳам хато эмаслигини тасдиқламоқда. Чунки алла матнини гўдак бола тушумайди. Бинобарин, кўшикларнинг бу турида оналик меҳри, кувончи, ғурури; айни чоқда дарди, алами, ўқинчи ўз ифодасини топади:

Дилимдаги ҳимматим, алла.  
Оғзимдаги новвотим, алла.  
Дарё сувга тўлаётир, алла.  
Ўғлим менга кулаётир, алла.  
Ўғлим менга қараб кулса,  
Кўнглим нурга тўлаётир, алла.

ёки:

Алла, алла, алванди, алла.  
Сочларим дарё банди, алла.  
Мен бу ерда туролмасман, алла.  
Сен-ку оғим банди, алла.

Ўз-ўзидан маълумки, она ўз оиласини мухаббат ва инокликда курилган бўлса, ардоклади. Акс ҳолда, кўнгил тушмаган оиласада яшаш ёш она учун жазонинг ўзгинаси. Мана шундай пайтда туғилган фарзанд аёл тасаввурида оила томонидан кўйилган кишангга тенгдир. Рухий холат тасвири бундай қўшикларда алоҳида ўқинч оҳангода ифодасини топади. «Алла» сўзининг «Оллоҳ»дан келиб чикқанлиги ҳам алоҳида рамзий маънога эга. Онада қоникиш бўлса, шукр аломати, ўз тақдиридан норози бўлса, шунда ҳам фарзандли бўлиш шукронаси ва Аллоҳдан најот сўраш оҳангидаги хисобланади.

Хуллас, лирик қўшиклар моҳият нуқтаи назардан инсон қалбининг изхори даражасида эъзозланган асарлар туркумини ташкил килади.

**Тарихий қўшиклар.** Ўзбек халқ оғзаки ижодидаги тарихий қўшиклар бевосита бутунги кун репертуарида нисбатан кам учрайдиган ижро намунасидир. Ўтмишда тарихий қўшиклар оммавий жанр хисобланганига шубҳа йўқ. Бир томондан, Маҳмуд Кошгариининг «Девону луготи-т-турк» асаридаги Алл Эртўнга марсияларини ҳам тарихий қўшиклар сирасига кўшиш мумкин. Проф. Баҳодир Саримсоқов тарихий қўшикларга шундай таъриф беради: «Демак, конкрет тарихий шахс ёки воқеалар тасвирланган шеърий асар тарихий қўшиқ саналади». Марсияда эса асар қаҳрамонининг исми, у қилган яхшиликлар реал ҳаётий аниқлик билан акс этган. Халқ ҳаётдаги ижобий ўзгаришга ҳам, салбий ўзгаришга ҳам зудлик билан ўз муносабатини билдирган. Масалан, Абдулла Қодирий «Ўткан кунлар» романида Нормуҳаммад Қушбегининг Тошкентдаги беклиги даври ҳақида куйидаги қўшиқ парчасини келтирган:

Замон-замон дориламон,  
Нормат тўрам бўлсин эсон.

XX аср бошларида Намоз бошлаган ҳаракатлар халқ тилида достон бўлган. Намоз ёки Ниёзга бағишилаб қўшиклар вужудга келган. Кейинчалик Исфандиёр ва унинг амалдорлари кирдикорларини фош этувчи тўртликлар яратилган:

Исфандиёр хон бўлди,  
Бағримиз тўла қон бўлди.  
Азроилдан кам эмас,  
Олажаги жон бўлди.

ёки:

Исфандиёр бўлгач бизнинг хонимиз,  
Оғзимиздан оқар бўлди қонимиз,  
Бева-бечоранинг аҳволигавой,  
Емакка топилмас бурда нонимиз.

Бу тўртликлар халқ ижтимоий ҳаётининг ҳамрохи бўлди. Тарихий вазиятга нисбатан ифодаланган ғазаб ва хонга нисбатан нафрят замонга халқ берган баҳо даражасида эди. Аниқроғи, жазолов хукми бўлиб жаранглади.

Умуман, XX асрнинг 15-25-йиллари ўртасида яратилган тарихий қўшиклар сон жиҳатдан кўп, сифат жиҳатдан мазмунли эди. Эҳтимол, бу ҳолат юртимиз тарихига оид турли йўналишдаги тарихий воқеаларнинг кўп рўй берганига боғлиқдир. Исфандиёр, Саид Аҳмад, Николай каби подшоҳ ва хонларнинг адолатсизлиги ва босқинчилик урушларига бўлган кескин қораловчи айблар мазкур қўшикларнинг бош мазмунини ташкил қилди.

Шундай қилиб, тарихий қўшиклар бевосита аниқ воқеа ҳодиса ёки аниқ қаҳрамон иштирок этган тарихий давр ҳақида яратилган асар намунаси ҳисобланади.

### Савол ва топшириқлар:

1. Халқ қўшиклари шу муддатгача ўрганилган бошқа жанрлардан қайси хусусияти билан ажратлиб туради?
2. Халқ қўшикларининг таснифи қандай асосланади?
3. Меҳнат қўшиклари ҳақида сўзланг.

4. Мавсум-маросим құшиқларининг хос хусусиятларини айтинг.
5. Лирик құшиқтар ұқында нималар биласиз? Ед олган намуналарингизни ұргойи қилиб айта оласизми?
6. Халқ құшиқларини билған шахслардан намуналар ёзіб олинг.

### **Адабиётлар:**

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Үзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Үқитувчи, 1990. – Б.142-169.
2. Алавия М. Үзбек халқ қүшиқлари. – Т., 1959.
3. Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. – Т.: Musiqa, 2010. – Б. 71-122.
4. Алавия М. Үзбек халқ маросим қүшиқлари. – Т.: Фан, 1974.
5. Саримсоқов Б. Мехнат қүшиқлари / Үзбек фольклори очерклари. – Т.: Фан, 1988. – Б. 223-244.
6. Алавия М. Лирик қүшиқлар / Үзбек халқ қүшиқлари. – Т., 1959. – Б. 244-253.
7. Жуманазаров У. Тарихий қүшиқ / Үзбек фольклори очерклари. – Т.: Фан, 1988. – Б. 254-261.
8. Фитрат. Энг эски турк адабиёти намуналари. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2008.
9. Мусақулов А. Халқ лирикаси. – Т., Фан, 2010.
10. Хоразм халқ қүшиқларидан намуналар. – Т.: Фан, 1965.
11. Оқ олма, қызыл олма / Қүшиқлар. – Т., 1972.
12. Бойчечак / Болалар фольклори, меҳнат қүшиқлари. – Т., 1984.
13. Келиной қүшиқлари. – Т., 1981.

### **ТЕРМАЛАР**

Халқ оғзаки ижодида қүшиқ ва достон ўртасида вужудга келган бир жанр бор. Үнда қүшиқдаги лирик ифода, айни пайтда эпик баён қилиш хусусияти уйғун намоён бұлади. Бундай асарларга халқ *терма* деб ном берган. Сўзниңг луғавий маъноси күпдан теріб олинган, ажратыб сарапанған тушунчаларини беради. Үзбек фольклорининг йирик тадқиқотчиси филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев термалар жанрига шундай тарь-

риф беради: «Панд-насиҳат, одоб-ахлоқ, соз ва сўз ҳакида яратилган, ижтимоий ҳаётдаги турли ҳодисалар, шахс ва жониворларнинг таърифи ва танкидига бағишлиланган, баҳшилар томонидан куйланадиган 10-12 сатрдан 150-200, баъзан ундан ҳам ортиқ мисраларгача бўлган лирик, лиро-эпик шеърларга терма дейилади»<sup>63</sup>.

Таърифда дикқатни жалб қилувчи бир нечта фикрий нуқталар бор. Аввало, термалар мавзу жиҳатдан, кўпинча, педагогик аҳамиятни назарда тутган ҳаётий лавҳалар баёнидан иборат бўлади. Иккинчидан, уларда ёзма мумтоз адабиётдаги қасида вазифаси бажарилади. Яъни айрим шахслар, дўмбира, от ёки яна нималар гадир шеърий мактovлар бағишлиланади. Учинчидан, термалар лирик парчалардан ташкил топиши мумкин. Демак, бундай термаларда ижрочининг бош мақсади ҳис, туйғу, ички кечинмалар ифодасига қаратилади. Тўртинчидан, лиро-эпик шеърлардан иборат бўлганда, воқеалар баёни ҳис-туйғу воситасида акс этади. Ва, ниҳоят, ҳажми 10-12 ва 150-200 мисра атрофида, яъни ижрочи баҳшининг хоҳини билан белгиланади.

Филология фанлари доктори, профессор Абийр Мусакулов эса ҳалқ термаларининг эстетик аҳамиятига дикқат қилиб шундай дейди: «Термалар ўзбек фольклори эстетикасини ўрганиш учун фоят муҳим манбадир. Гўзаллик ва хунуклик, баҳт ва баҳтсизлик ҳакидаги термалар фикримизга далил бўла олади»<sup>64</sup>. Мазкур мулоҳаза муаллифи термаларнинг ҳалқ оммаси орасидаги ҳақиқий инсоний фазилатларни тарғиб қилиш қуроли эканини алоҳида таъкидламоқда. Сўз санъатининг бош вазифаси ҳам айнан инсонга гўзалик ва хунуклик воситасида унинг калбига йўл топиш орқали руҳий таъсир ўтказишдир. Термаларнинг жанр хусусиятлари ана шу тушунчалар орқали намоён бўлади.

Термаларнинг эстетик вазифаси уни ижро этаётган баҳши билан тингловчи ўртасида алоқа ришталарини боғлашдан иборат. Айниқса, баҳши ўзининг достон айтишини бир оз орқага суриб, тингловчиларга руҳий таъсир ўтказмоқчи бўлади. Бу фурсат давомида «Нима айтай?», «Достон териш», «Кунларим», «Дўмбирам» баъзан ижтимоий ҳаётдаги янгиликларга, ўзгаришларга атаб «Чигиртка»га ўхшаш термалар ижро этилган. Масалан, 2000 йилнинг қиши кунларидан бирида Ўзбекистон Миллий университети магистрлари би-

<sup>63</sup> Мирзаев Т. Ўзбек ҳалқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 169.

<sup>64</sup> Мусакулов А. Ўзбек фольклори очерклари. I том. – Т.: Фан, 1988. – Б. 269.

лан Бўка туманида истиқомат килувчи Чори бахши Хўжамбердиев хузурига меҳмонга бордик. Бахши кўшни кишлокка тўйга кетган экан. Эрталаб соат 10 дан 2 гача уни кутишга тўғри келди. Бахши уйига қайтиб, сухбат бошланганида, ундан «Алпомиши» достонидан парча айтиб беришни илтимос қилипци. Аммо Чори оға достонни бошлашдан аввал яқин ярим соат давомида меҳмон йигит-қизлардан кечга қолгани учун узр сўраш мазмунида термалар айтди. Кейинроқ эса кечаги тўй тафсилотлари, зиёратга борган магистрлар таърифи, юртимиздаги ижобий ўзгаришлар баёни келтирилди. Кейин саволларга берилган жавоблардан маълум бўлдики, терма айтилаётган пайтда «Алпомиши» достонидаги қайси лавҳани ижро килиш режаси тузиленган экан. Маълум бўляптики, термалар ижроси фақат тингловчини муайян вакт давомида нима биландир банд қилишдан ташқари бахши учун ўз тингловчиларини ўрганиш, улар дидини аниқлашга уриниш ва тўлиқ ижро жараёнинга режа тузиш имконини беради.

Фольклоршунос олимлар таъкидлашларича, термаларнинг энг кўп тарқалган кўриниши «Нима айттай?» ҳисобланади. Бу жараён ҳам бахшига машқ килиб овозини чархлаш, ҳам дўмбирани созлаш, ҳам тингловчини ўрганиш учун хизмат қиласди:

Ўн бешида ойдан тўлган,  
Олмосини белга солган,  
Гўрўғлига хизмат килган,  
Кирқ йигитни гирдга олган.  
Сўраб ўтди Аваз полвон,  
Авазхондан айтайми?

Достондан олдин айтиладиган термаларда бахши дўмбирани макташи ёки унинг ўжарлиги, қайсарагини айтиб танқид килиши мумкин эди:

Номард йигит бу мажлисга бўйламас,  
Авни келса, Нурмон гапни ўйламас,  
Ёриб ёқсан, бирор чойдиш қайнамас,  
Сенда ёғоч ўтин бўлган дўмбирам.

Шу билан бирга кўп бахшилар аксари пайтларда тингловчиларга ўз ҳаётларини айтиб берганлар. Таникли устозлар: Абубакр Диваев, Ҳоди Зарифов, Буюк Каримов, Ғози олим Юнусов, Мансур

Афзалов каби олимлар харакати билан ўнлаб термалар ёзиб олинган ва биз бу термалар матни воситасида ажойиб бахшиларимизнинг ҳаётига оид нозик лавҳалар билан танишмоқдамиз.

Профессор Ҳоди Зарифов берган маълумотларга қараганда, Жуманбулбул ўғли Эргашни мактабдор Ўтамуроднинг қизи Зийнатойга уйлантирганлар. Аммо бахши яшайдиган худуд анъянасига кўра келин тўйдан кейинок күёвникига келмас экан. Унинг кўёвникига келиши учун яна бир тўй ўтказиш одати бор экан. Афсуски, биринчи тўйдан кейин Жуманбулбул вафот этади. Эргашнинг эса кейинги тўйга маблағи бўлмайди. Отасидан қолган арзимас бор-йўқ нарсаларни қарз эвазига олиб кетишиади:

Бўлиб-бўлиб олиб кетди ҳақини,  
Биз билмаймиз ҳақи бор ё йўгини,  
Зоти ё олисми, бизга яқини,  
Барига ҳақ бериб турган кунларим.

Эргаш ҳаётида жуда мураккаб танқис ҳолат рўй беради:

Хотин колди отасининг уйида,  
Мен билмайман не гаплар бор ўйида,  
Кўп ваъдалар бўлган эди тўйида  
Уялиб, боролмай юрган кунларим.

Шундай килиб, вақтида жонкуяр инсонлар харакати билан ёзиб олинган термалар ёрдамида бахши ҳаётидаги ўта сирли ва бетакрор ҳодисалар ҳакида маълумот оламиз. Бу хусусият факат Эргаш Жуманбулбул ижодига эмас, умуман, бахшиларга хосдир. Жумладан, Фозил шоир ўзи ҳакида шундай дейди:

Олти ёшда қўмсаб-қўмсаб отамни,  
Оғир меҳнат эзди шўрлик энамни.  
Эна-бала тополмадик бир нонни,  
Парча нон еб, йиғлаб ўтган кунларим.

Бу термадан биз Фозил шоир отаси Йўлдошдан жуда эрта етим колганини, турмуш кийинчиликларига чидаши оғир эканини, онаси билан ночор ҳаёт кечиришга мажбур бўлганини биламиз. Термадавомида биринчи банддаги фикр ривожланади:

Етти ёшда ортди менинг кулфатим,  
Саккиз ёшда оғир меҳнат улфатим,  
Меҳнат учун синаб кўрдим куввагим,  
Тўққиз ёшга йиглаб етган кунларим.

Шундай килиб, «Кунларим» матни билан танишганимиз сари машхур бахшининг ҳаёт солномасидаги муҳим саналар бизга маълум бўлиб боради.

Ходи Зарифов ўз хотирасида Эргаш Жуманбулбулнинг Амин баҳши томонидан кашф қилинган ажойиб муболаға санъатига топган мисолини келтиради:

Арик тубида андиз,  
Дарё тубинда кундуз,  
Тоғларни осмонга отинг,  
Тутдай тўқилсин юлдуз.

«Алпомиши» достони матнидан олинган мазкур парчани дostonдан олинган терма сифатида баҳолаш мумкин.

Машхур баҳшилар юртда содир бўлаётган адолатсизликларга беларво қараб туролмаганлар. Айрим термалар матнида Ўзбекистон худудидаги тарихий воеалар ҳам акс этган. Хусусан, Ходи Зарифов кайд қилишича, 1898-1908 йилларда Ўрта Осиёни чигиртка босган экан. Ўтган асрда қарияларнинг хотирасига караганда, айрим худудлардаги чигирткани қуракларда копга солиб ултуришмаган экан. Ана энди экин майдонларидағи оғатни тасаввур қилинг. 1908 йилда Фозил Йўлдош ўғли «Чигиртка» номи билан терма яратади:

Бозорчидан шайтон қайтиб,  
Бирига уч баҳо айтиб,  
Ўттиз олиб, тўксон сотиб,  
Давлатмандлар қабон бўлди.

Камбағалнинг акли шошиб,  
Ўғил-қизман кенгашиб,  
Кеча-кундуз зор йиглашиб,  
Дўстлар қадди камон бўлди.

Бу кўшик-термада юртимиз бошидан кечган мусибатли кунлар бадиий аксини топган.

Бахшилар томонидан куйлаб келинган «Дўмбирам», «Кунларим», «Нима айтай?», «Гўрўғли», «Борми жаҳонда?...» каби термаларнинг ҳаммасида ҳам маълум даражада реал тарихий воеалар, халқнинг кечинмалари ифодаланган. Уларни яратишда Фозил Йўлдош ўғли, Эргаш Жуманбулбул ўғли, Пўлкан шоир, Ислом шоир, Умир Сафаров, Бола бахши (Курбонназар Абдуллаев), Раҳматилла Юсуф ўғли, Қодир бахши, Қаҳхор бахши ижоди мухим аҳамиятга эга.

Шундай қилиб, термаларни халқимиз оғзаки ижодидаги мустақил жанр сифатида баҳолаш мумкин. Улар халқ ҳаётининг бадиий ифодаси саналади. Термаларнинг халқ достонлари ва ҳақконий ҳаёт ўртасидаги алоқа боғловчи воситачилик аҳамияти гоятда мухимdir.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Термаларнинг қўшиқ, достон жанрлари билан муносабатини изоҳланг.
2. Терманинг бахши ижодида тутган ўрни ҳақида нималар дейши мумкин?
3. Фольклоршунос олимлар термалар ҳақида қандай фикрлар билдиришсан?
4. Термалардан намуналар ёдланг.

### **Адабиётлар:**

1. И момов К., Мирзаев Т., Саримсоқов Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 169-173.
2. Ҳоди Зариф. Улкан халқ санъаткори / Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни. – Т.: Фан, 1973. – Б. 8-39.
3. Ҳоди Зариф. Фозил шоир – машҳур достончи / Фозил шоир. – Т.: Фан, 1973. – Б. 5-29.
4. Мусакулов А. Терма / Ўзбек фольклори очерклари. – Т., 1988. – Б. 261-272.

## ХАЛҚ ДОСТОНЛАРИ

“Достон” сўзи форс тилидан олинган бўлиб, “кисса”, “хикоя”, “тарих”<sup>65</sup> маъноларини ифодалайди. Ўзбек бадиий адабиётида достонлар яратилиш усулига кўра икки хил бўлади. Биринчи тури ёзма адабиёт вакиллари томонидан ҳар бир банди маснавий – икки мисрадан иборат, фақат шеърий шаклда яратилади. Юсуф Хос Хожибининг «Қутадғу билиг», Навоийнинг «Ҳамса» асаридаги бешта достон ва хоказолар. Ёзма адабиётдаги достонлар аruz вазнида ёзилади. Индивидуал ижод маҳсули хисобланади. Бинобарин, ёзма адабиётдаги достонлар якка шахс ижоди анъаналари асосида вужудга келади.

Иккинчи тур достонлар оғзаки ижод маҳсули сифатида фольклор анъаналарга бўйсунган ҳолда яратилади. Филология фанлари доктори, профессор М.Саидов таърифича, оғзаки ижоддаги достонларда шеърий ва насрый парчалардан иборат бадиий манба – матн бўлиши керак. Иккинчидан, достоннинг музикаси бўлиши лозим (Бу ўринда шуни аниклаб олиш керакки, ҳар бир алоҳида олинган достон учун алоҳида йирик музика асари бўлиши шарт эмас). Учинчидан, достонни бир киши ижро этганлиги туфайли куйловчи дўмбира черта билиши ёки кўбиз чала билиши зарур. Тўртингидан, достонни куйлаётган баҳши яхши овозга эга бўлиши ва қўшиқ айтиш маҳоратини эгаллаган бўлиши зарур<sup>66</sup>.

Халқ оғзаки ижодидаги достон фольклоршунос олимларнинг дикқатини алоҳида ўзига жалб этган, ўзбек халқ оғзаки ижоди таркибида энг кўп ўрганилган, катта мунозараларга сабаб бўлган, қолаверса, ўзбек халқ оғзаки ижоди меросини бутун дунёга маълум ва машҳур қилган жанрdir.

Достонни олимлар синкретик жанр деб биладилар. «Синкретик» сўзи юонча бирлашган; кисм, бўлакларга ажралган маъносини беради<sup>67</sup>. Достон ҳақида гап боргандা, синкретик сўзи бу

<sup>65</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Биринчи жилд. - Т.: Ўзбекистон миллий энциклопедияси Давлат илмий нашриёти, 2006. – Б. 649.

<sup>66</sup> Саидов М. Достон / Мухаммадидор Саидов – маърифат фидойиси. - Т.: MUMTOZ SO‘Z, 2009. – Б. 7.

<sup>67</sup> Ўзбек тилининг изоҳли лугати. Учинчи жилд. - Т.: 2007. – Б. 512.

жанрдаги асарларда сўз, мусиқа, хонандалик, ҳофизлик, бадий ўқиши, нотиклик, актёрлик санъатларининг уйғун намоён бўлишини изоҳлайди. Ҳақикатан ҳам, Бола баҳши (Қурбонназар Абдуллаев), Чори баҳши Хўжамбердиев, Шомурод баҳши Тоғаев, Қаҳхор баҳши Кодир баҳши ўғли Раҳимов ижроларини бевосита кўриш ва эшитиш жараёнида юқорида қайд этилган санъатларнинг тўлиқ гўзаллиқда уйғулашувини, қўшимча равишда бу ижрочи ва ижодкорларда бадиха санъати маҳорати тўлиқ намоён бўлганини кўрганмиз. Устоз Мухаммаднодир Саидовнинг юқорида қўйган тўрт талабига кўра достон ҳақида тўлиқ тасаввур ҳосил қилиш учун баҳшининг бевосита тингловчилар доирасида табиий вазиятда ижро маҳоратидан баҳраманд бўлиш шартини ҳам қўшимча равишида қайд қўлмоқчимиз. Бу шартнинг зарур эканлиги телевидение, радио, фонограммалар орқали достон ижроси билан танишиш натижасида аник сезилади. Баҳши техник воситалар (камера, микрофон) гувоҳлигидан кўра бевосита тингловчилар учун табиий шароитда достон ижро этганида ўзини эркин ҳис қиласи, бадиҳа-гўйлик қобилиятини яхшироқ кўрсатиш имконига эга бўлади. Баҳши достон куйлаётганида ўзининг ижросидан ўзи завқланадиган пайт бўлади. Тингловчилар баҳши маҳоратидан баҳра олиб эҳтиросли овозлар чиқаришади. Ана шундай ҳолатда баҳшининг қайнаши рўй беради. Табиий шароитда қайнаш тезрок амалга ошади. Ундан ташқари дўмбира тўнтариш одати ҳам бор. Ижрочи бир оз дам олиш баҳонаси билан дўмбира тўнтаради ва хонадан ҳаво олиш учун ташқарига чиқади. Бу вақтда тингловчилар ўз атаган ҳадяларини тўплаб дўмбира ёнига кийикчага солиб қўйишади. Бу одат ҳам табиий ижро пайтида осон ва қулай бажарилади. Хуллас, баҳши учун ҳам, тингловчи учун ҳам оддий, самимий, табиий шароитда достон айтиш маъқул ҳисобланади.

“Достон” сўзининг яна бир маъносини ҳам билиб олиш керак. Бу – эл орасида гапирилмоқ, куйланмоқ, оғизга тушмоқ демакдир. Демак, достонларда иштирок этган қаҳрамонлар, бир томондан, асардаги образ сифатида қайд этилса, иккинчи томондан, эл оғизга тушувчи, шуҳрат топувчи инсон тушунчасини ҳам ўзида сингдирган бўлади. Натижада, айниқса, ижобий қаҳрамонларнинг оғизга тушиши ёки мухаббат топиши ҳалқ педагогикаси талабларига ҳам жавоб берадиган инсон бўлиб танилиши билан боғланади.

Шундай қилиб, «Алпомиши», Гўрўғли туркумидаги «Гўрўғлининг туғилиши», «Малика Айёр», «Равшан» каби ўнлаб асарлар, «Кунтуғмиши», «Рустамхон», «Ошиқ Фариб ва Шоҳсанам» кабилар халқ оғзаки ижодидаги достон жанрига мансуб намуналар бўлиб, асрлар давомида эл қалбидан самимий хурматга сазовор, шухратга эришган дурдоналардир.

Достонни баҳшилар куйлайдилар. Баҳшилар эса ўз устозларидан маҳсус достончилик сирларини ўргангандан санъаткорлардир. Агар мақолларни, топишмоқларни миллатимизнинг истаган вакили айтиши, кўшикларни ҳар бир ошиқ ёки маъшуқа ижро этиши мумкин бўлса, достон ижроси алоҳида шогирдлик фаолиятини бошидан кечирган, маҳсус таълим кўрган ва муайян иқтидорга эга шахсгагина насиб қиласи.

«Баҳши» сўзи «Ўзбек тилининг изоҳли луғати»да тўрт хил маъно бериши кўрсатилган: 1 – донишманд, 2 – достонларни куйловчи, 3 – дам солиб даволовчи табиб, 4 – Бухоро хонлигига қурилиш маблагини назорат қилувчи. Юқоридаги тўрт маънодан учтаси бевосита достон айтувчи баҳшиларга тегишли, десак хато бўлмайди. Чунки халқ орасида баҳши бўлиш учун инсон донишманд, ақёли бўлиши керак, деган фикр қайта-қайта таъкидланади. Иккинчидан, “баҳши” луғатда изоҳ берилишича, халқ достонларини ижро этади. Учинчидан, қадим замонлардан халқ тасаввуридаги баҳшилар сўзининг мўъжизавий фазилатидан фойдаланиб кишиларни турли хасталиклардан фориг қилувчи одамлар хисобланган. Ҳозир ва ўтган асрларда баҳши даврасида иштирок этган одамлар достон эшлиши билан бирга дардларидан ҳам кутулганлар, турмуш ташвишларидан озод бўлганлар, ўзларини енгил сезганлар. Ўзбек фольклоршунослиги асосчиси Ҳ.Т.Зарифовнинг маълумот беришича, баҳши мўгулча ва бурятча “баҳша”, “бағша” сўзларидан олинган бўлиб, “устод”, “маърифатчи” маъноларида қўлланган. Маълум бўладики, баҳши халқ томонидан чексиз хурматга эга, эъзоз топган ҳунар эгалари экан.

Фольклоршуносликда баҳшиларнинг турли номлар билан аталгани ҳам маълум. Хусусан, юзбоши, соқи, жиров, жирчи, окин шулар жумласидандир. Баъзан уста сўзи ҳам қўлланган. Баҳшиларнинг устоз изидан чиқиб, ўзига хос услубда, бадиҳагўйликдан кенг фойдаланувчилари, кўпинча, шоир деб ҳам аталган. Шунингдек, Хоразмда достон айтувчи аёллар халфа номи билан машҳурлар.

Достончилик мактаблари. Ўзбек достончилигига достон куйлаш анъанаси қадимда уч йўналишда ривожланган. Биринчидан, Булунғур, Қўрғон, Шахрисабз, Қамай, Нарпай, Шеробод, Жанубий Тожикистонда яшовчи ўзбек-лақай достончилик мактабларида дўмбира чертиб якка ҳолда, бўғиз овоз билан ижро этилган. Иккинчидан, Хоразмда тор, дутор, ғижжак, гармон, булемон, қўшнай, доира жўрлигига баъзан якка, баъзан жуфт ҳолда, очиқ овоз билан ижро этилган. Учинчидан, Фаргона водийисида дутор жўрлигига очиқ овозда айтилган.

Шубҳасиз, ўзбек достончилигига кенг тарқалган ижро усули дўмбира жўрлигига бўғизда достон айтиш ҳисобланади. Бахшининг бўғизда ичдан куч билан овоз чикариши жуда қадим замонларда шимол ҳалқлари афсунгарлари – шаманларда мавжуд эди. Демак, ўзбек бахшиларини узоқ ўтмиш замонлар билан қандайдир жанр ёки санъат ижроси боғлайди. Эҳтимол, кейинчалик бу ижро усули бахшилар учун анъана бўлиб қолган. Ўзбек достончилиги миф – афсона – ривоят – накл – эртак – достон босқичларидан иборат диффузия ҳаракатининг сўнгти босқичида вужудга келган деб таҳмин қиласиз. Мана шу жараённинг муайян босқичида ижро усули ҳозирги бахшиларимизнинг достон айтишларини эслатиши мумкин бўлгандир. Ҳар ҳолда бундай бахшичилик санъати бир неча асрлик тажрибага эга эканлиги билан бошқа ижролардан ажралиб туради.

Филология фанлари доктори, профессор Тўра Мирзаев маълумотига кўра, Булунғур достончилигига қаҳрамонлик достонларини ижро этиш кўпроқ амалга ошган<sup>68</sup>. Бу мактабнинг сўнгти вакили Фозил Йўлдош ўғли (1872-1955) ҳисобланади. Фозил Йўлдош ўғли ижросидаги «Алпомиш», «Ёдгор», «Юсуф билан Аҳмад», «Малика айёр» каби достонлар ёзib олинган. Фозил Йўлдош ўғли Йўлдош, Қўлдош, Суяр шоирларнинг тарбиясини олган. Айникса, у ижро этган «Алпомиш» достони ҳалқ ижодидаги энг мукаммал асар сифатида бутун дунё фольклоршунос олимлари томонидан тан олинган.

Эргаш Жуманбулбул ўғлининг номи ҳамиша Фозил шоир қаторида жуфт келади. Эргаш шоир (1868-1937) Қўрғон мактаби вакили эди. Нурота ҳудудининг шуҳрати айнан ана шу бахши ва

<sup>68</sup> Мирзаев Т. Достонлар / Ўзбек ҳалқ оғзаки поэтик ижоди. - Т.: Ўқитувчи, 1990. - Б. 236-238.

Пўлкан шоир (1874-1941) ижоди билан боғлиқ. Бу ерда "Алпомиш", "Якка Аҳмад", "Кунтуғмиш", "Равшан" достонларини ижро килиш анъанаси кенг ривожланган эди. Фольклоршуносликда аёл бахшилар: Султон кампир, Тилла кампир, шунингдек, Ёдгор, Жуманбулбул, Жоссок бахшилар ижоди ўрганилган.

Шахрисабз достончилигига Абдулла Нурали ўғли (1874-1957), Нарпай достончилигига Ислом шоир Назар ўғли (1874-1953) ижоди алоҳида кайд этилган. "Орзигул", "Соҳибқирон", "Эрали ва Шерали" каби достонлар ижросини бу мактаб вакиллари юкори санъат даражасига етказиб куйлаганлар.

Бир бахшининг ижоди бутун туман бахшичилик анъанаисига сезиларли таъсир ўтказиши хаёт тажрибасида тасдиқланган ҳолдир. Масалан, бир пайтлар бахшилар сулоласи билан фурурланган мактаблар бугунги кунда инқизозга юз тутган бўлиши мумкин. Хусусан, ҳозирги пайтда Булунгур, Нурота туманларидағи машҳур бахшилар ўз фаолиятларини тўхтатганлар. Шу билан бирга Қашқадарё вилояти Дехқонобод туманидаги Қодир бахши Раҳимов анъанаси тўла қувват билан фарзандлари Қаҳхор, Абдумурод, Бахром тимсолида давом этмоқда.

Достон ижросида Хоразм усули Қашқадарё ва Сурхондарё вилоятларидағи анъанадан тамомила фарқ қиласи. Бу ерда достон ижроси профессионал хонандалик йўлида амалга оширилади. Бахши достон матнини ёддан ижро этади, шу билан бирга дўмбира чертuvчи бахшилардан фарқли равишда достонга йўл-йўлакай ўзгартириш киритипдан ўзларини саклайдилар. Чунки Хоразм достончилигига достон матн, кўпинча, ҳалқ китоблари туркумидаги XIX асрда чоп этилган китобларга асосланади. Матнга ўзгартиш киритиш бу анъана коидалари бўйича маъқулланмайди. Табиий савол туғилади: у ҳолда Хоразм бахшиларининг достон айтиш маҳоратини кайси мезон белгилаши мумкин? Хоразм бахшилари ўз маҳоратларини достонни айтишда мумтоз мусиқага, достондаги шеърий парчаларни алоҳида қаҳрамоннинг арияси даражасида куйлаш билан кўрсатадилар. Хоразм бахшиларининг свози мумтоз ашула айтгувчилар овозидан деярли фарқ кильмайди. Достон мусиқаси ҳам мумтоз санъат усулига асосланган. Аҳмад бахши, Бола бахши, Қодир созчи, Болтавой бахши каби санъаткорлар ижоди Хоразмда шухрат топган эди.

ХХ аср Хоразм достончилиги ривожи, шубхасиз, Бола бахши – Курбонназар Абдуллаев ижоди билан боғлиқдир. Хоразмда аёлларнинг достон айтиши ҳам кенг тус олган эди. Биби шоира, Хонимжон халфа, Ожиза, Онажон Сафарова, Назира Собирова Хоразм достонларини куйлашда етук бахшилар қаторидан муносиб ўринга эга бўлдилар. Бу анъана бугунги кунда ҳам тўлиқ давом этмоқда. Қаландар бахши Норматов, Норбек Абдуллаев, Зулфия Ортикова, Нодира Бекова, Роҳат Хўжаниёзовалар устоз бахшилар ва ҳалфалар санъатини давом эттироқдалар. Айниқса, "Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам", "Ошиқ Ойдин", "Бозиргон" каби достонлар маҳорат билан ижро этилмоқда. Ҳалфалар эса достондан парчалар, тўй қўшиқларини, лапар, яллаларни куйлашда ҳалқка роҳат бағишламоқдалар.

Хоразм достонларини ижро этишда маҳаллий шароитда тажрибадан ўтган тарихий одатлар ҳакида бахшилардан маълумот олганимиз. Унга кўра XIX-XX асрларда Хоразмда катта тўй берган одам маросимга уч-тўрт гуруҳ бахшиларни чакирган. Гурухлар бир-бирларига ҳалакит бермайдиган масофада давра куришган. Тингловчи бир гурухдан иккинчи гурухга ўтиб юрган. Қайси бахши маъкул бўлса, ўша даврани маъкул қўрган. Натижада, тўй охирида моҳир ва нўноқ бахши атрофидаги тингловчилар сонига кўра ажралиб қолган. Эълон қилинмаган мусобақада мағлубиятга учраган бахши ўз устида ишлашга мажбур бўлган. Шунингдек, Бола бахшининг эсласича, Мухаммад Раҳимхон Феруз хонлик пайтида ҳар йили ҳофиз, созанд, бахшиларнинг кўригини ўтказар экан. Кўрикдан ўта олмаган санъаткор тингловчилар олдида соз чалиш, ашула айтиш, достон куйлаш ҳуқуқидан маҳрум қилинар экан. Бу санъаткор кейинги кўриккача муттасил машқ қилиб ўзини оклашга уринган. Дарвоқе, 1909 йилда 9-10 яшар Қурбонназарни хон ҳузурида достон айтишга чакиришади. Феруз ёш бахшидан унинг исмини сўрайди. Бола исми Қурбонназар эканини айтганида, хон табассум билан: - Сенинг исминг Қурбонназар эмас, Бола бахши, – деб унга оқ фотиҳа берган экан. Шу-шу Қурбонназар Абдуллаев Хоразм ва Туркманда “Бола бахши” номи билан машхур бўлган.

Хоразм достончилигини чукур илмий асосда ўрганган филология фанлари доктори, профессор Сафарбой Рўзимбоев Хоразм достончилиги, ўз навбатида, Шимолий ва Жанубий анъаналарга бўлининиши, уларнинг ўзаро фарқлари ва бахшилар, созчи (гармонь

билан достон айтувчи ижрочи)лар ҳакида қимматли маълумотларни баён этган<sup>69</sup>.

Ўзбек достончилик анъанасининг яна бир тури Фарғона водий-сида шаклланган. Намангандар шимоли Уйчи, Янгиқўргон, Чорток атрофларида Дехқонбой Баҳромов, Икром Ризаев, Омон бахши Раззоковлар ижод қилишган. Маҳаллий ҳалқ оғзаки ижодини ўргангандар олим Абдушукур Собиров таниқли фольклоршунос олим Тожибай Ғозибоев билан ҳамкорликда мазкур достончилик анъанасини ўрганиб, Кўлбуқон, Сайрам, Ариқбўйи (Ариқмўйин) мактаблари мавжудлигини қайд этади<sup>70</sup>.

Аҳмаджон Мелибоев "Сафед Булон ҳикоялари" китобида Пешкўргон қишлоғида истиқомат қилган Олим бахшидан "Ёзи билан Зебо" достонини ўн икки варакти ўкув дафтаридан ўнтасига ёзид олиб, Музайяна Алавияга юборганини маълум қилган<sup>71</sup>. Аммо бугунги кунда Фарғона водийсидаги достончилик анъанасида достон ижро этадиган бахшилар ижод фаолиятларини тўхтатганлар.

\* \* \*

Ҳамма ўзбек достончилиги анъаналарида ҳажман чекланиш кузатилмайди. Маданий меросимиз ҳазинасида "Бозиргон", "Соҳибқироннинг туғилиши" каби кичик асарлар ва айни пайтда, "Алпомиш", "Малика Айёр"дек йирик достонлар бор. Достонлар ҳажмидағи нисбий ўлчов инобатга олинса, дўмбира чертиб ижро этиладиган Самарқанд, Бухоро, Қашқадарё, Сурхондарёда айтиладиган достонлар ҳажми Хоразм достонларидан ҳам, Фарғона водийси достонларидан ҳам кенглиги билан ажралиб туради. Ҳажман Фарғона водийсидагилар анча кичик ҳисобланади.

Достон матни шеърий ва насрый парчалардан иборат бўлади. Фозил Йўлдош ўғли Булунғур туманидан бўлгани учун дўмбира чертиб ижро этиладиган достонларни шартли равища Самарқанд достончилиги деб атамиз. Бу анъана асарларида шеърий ва насрый парчалар бадиий жиҳатдан, воқеалар баёнини ифодалаш, қаҳрамонлар руҳий ҳолатини тасвирилаш жиҳатдан тенг ҳисобланади. Фикримизни далиллап учун Эргаш Жуманбулбул куйлаган "Равшан" достонидан насрый парча келтирамиз: "Оқ киз шундай киз

<sup>69</sup> Рузимбосв С. Хоразм достонлари. - Т.: Фан, 1985.

<sup>70</sup> Собиров А. Сўзбоши / Намангандар ҳалқ оғзаки ижоди намуналари. - Намангандар, 1993. - Б. 3-16.

<sup>71</sup> Мелибоев А. Сафед Булон ҳикоялари. - Т. Tafakkur, 2009. - Б. 109-110.

эди: оти Оқкиз, Зулхуморга нақ қиз. Оқкиз ўзи ок қиз, ўзи тұлған соғ қиз, үрта бүйли өф қиз, үйнагани бօғ қиз, уйқуци эмас, соғ қиз, әри йүқ ўзи – ток қиз, яхши – текис бұз болани күрса, эси йүқ – ахмоқ қиз, қора күз, бодомқовоқ қиз, синли – сиёқ қиз, ўзи семиз – туриши ёғ қиз; үйинга қулайроқ қиз, тұғри ишга бұлайрок қиз, ўзи анков олайроқ қиз, танаси тұш күйган кенг қиз, сағриси дүңг қиз, урушқоқ эмас – жүн қиз, аъзоси бари тенг қиз...<sup>72</sup>"

Бу достондаги шеърий қысмлардан бирига дикқат қилинг:

Чу деб отин уради,  
Оёғини тиради.  
Сувсиз чүлда Фирқүк от  
Иргиб, сакраб боради.

Сувсиз чүлда мард Ҳасан,  
Қаттиқ қистаб боради.  
Обрү бер, деб йұлларда,  
Ҳасан кетиб боради<sup>73</sup>.

Баъзи ўринларда дұмбира чертиб айтиладиган достонларда лирик мазмундаги шеърлар ҳам учрайди:

Пайдо бўлди икки гавҳар донадан,  
Парвоз қилиб учдим манзилхонадан.  
Үлим учун ғам емайман, бўйингдан,  
Бир армоним, ёлғиз эдим энамдан<sup>74</sup>.

Юкорида келтирилган парчадан биттә максадни назарда ту-тамиз. Мазкур анъянадаги асарларда шеърий ва насрый парчалар бадиий жиҳатдан бир-бирига мутаносиб туради. Насрий парчада коғиялашган наср – илмий адабиётда сажъ деб аталадиган усул қўлланган. "Оқкиз, нақ қиз, соғ қиз, өф қиз, бօғ қиз" каби катор коғияларнинг қўлланиши, матнда қулиги лавҳаларнинг яратилиши баҳши маҳорати даражасини кўрсатиш билан изоҳланади. Шеърий ўринларда воеалар ривожи, содир бўлаётган ҳодисалар баёни

<sup>72</sup> Равшан. Достон / Булбул тароналари. 2-том. - Т.: Фан, 1972. - Б. 454.

<sup>73</sup> Үша жойда. - Б. 530.

<sup>74</sup> Үша жойда. - Б. 477.

билин танишдик. Отнинг, Ҳасаннинг сувсиз чўлда шиддат билан кетишига гувоҳ бўлдик. Кейинги тўртлиқда эса қаҳрамон хистугуси ифодаланганини кўрдик. Маълум бўладики, Қадимги Булунғур, Нур ота ҳозирги Қашқадарё, Сурхондарё достончилигига шеър ва наср шаклидаги парчалар бадиий жиҳатдан тенг туради. Бадиий мукаммаллик ҳар икки шаклга хос фазилат сифатида белгиланаверади.

Бу фикрни Хоразм достонлариға нисбатан айта олмаймиз. Чунки "Ошиқ Фарид", "Ошиқ Албанд", "Кампир", "Бозиргон" достонларидағи воқеалар ривожи факат насрый парчалар зиммасига юклатилган. Агар ўкувчи достоннинг мазмуни билангина танишиш мақсадини ўз олдига қўйса, достондаги насрый парчаларни ўкиш кифоядир. Шеърда эса асар қаҳрамонларининг руҳий холати, ички кечинмалари ифодасини топади. "Ошиқ Фарид ва Шоҳсанам" достонида Шоҳсанам канизларидан уялиб ўз ҳолини шундай билдиради:

То дунёдан кўз юммайн,  
Қайғудан жудо бўлурму?  
Гўзал ёрнинг фироқинда  
Ўлмаклик раво бўлурму<sup>75</sup>.

Насрда қўйидагиларни ўқиймиз: "Андин сўнг Шоҳсанамнинг ахволини эшитиб, Ақча садоқатли бўлиб, маҳрам либосини кийиб Ширвон, Шемоха кетти. Неча кунлар юриб Ширвон, Шемоха етти"<sup>76</sup>. Бу анъана ҳамма Хоразм достонлариға хос ҳисобланади. Шеърий парчаларда лирик эҳтирос акс этади. Наср эса достондаги воқеани баён этиш учун хизмат киласи. Шунинг учун наср бадиий мукаммаллик билан ажралмайди. Агар Хоразм достонларидағи шеърий парчалар алоҳида мусиқа жўрлигига айтилишини назарда тутсак, бир достон ўзига хос қўшиқ концертидан иборат бўлиб қолади. Бахшининг достон воқеаси ҳакидаги ҳикоя эса концертнинг ўзига хослигини таъминловчи бир белги, холос.

Энди Наманган достончилиги анъанасига оид "Замонбек"дан олинган парчага дикқат килинг: "Гўрўғли йигитларининг гайрати келиб, ўтдай туташиб, Шодмон полвон деган йигит Маманиёз орқасидан қувиб турган жойи экан:

<sup>75</sup><sup>75</sup> Ошиқ Фарид ва Шоҳсанам. Достон / Хоразм достонлари. Ошиқнома. - Урганч, 2006. - Б. 42.

<sup>76</sup><sup>76</sup> Ўша жойда. – Б. 55.

Кўринг Шодмон полвон ишини,  
Уни-буни деганига қўймайди.

Кўп йигити бир айланиб келганда,  
Маманиёз бир ағдариб ташлайди<sup>77</sup>.

Наср ва шеърдан иборат парча мазмунидан кўриниб турибдики, Фарғона водийсидаги Наманган достончилигига наср ва назмнинг бадиий вазифасида фарқ йўқ экан. Ҳар иккала шаклда хам воҳеа ривожи, достон мазмунидаги лавҳалар тасвири ифодасини топаверади.

Юқорида мисоллар билан кўрсатилган уч анъана ҳакида тасаввур пайдо бўлганидан сўнг ўзбек достончилиги, унинг ҳалқ оғзаки ижоди меросида тутган ўрни юзасидан тўлиқ тушунчага эга бўламиз. Энг муҳими, дўмбира ижро этиладиган ва Хоразм, Фарғона водийсидаги анъаналарини бирлаштириб турган умумийлик, достончиликда шеърий ва насрый парчалар бирикувидан эпик асарлар пайдо бўлгани билан изохланади.

Хоразм достонларини ўрганиш тажрибаси ҳар бир бахши ижодига алоҳида-алоҳида ёндашиш лозимлигини тасдиқламоқда. Достон ижроси қайси анъана, қайси мактабга тааллуқли эканидан катъи назар достон ижросига бўлган муносабатни бахшининг маҳорати, созандалик даражаси, актёrlиги, овози белгилайди. 1970 йилда Хоразм телевидениеси таклифи билан Бола бахши ижодига бағишиланган кўрсатув ташкил этдик. Сценарий лойиҳаси бўйича Курбонназар ота Абдуллаев ёшлигидан достон айтиб ҳалқ орасида шуҳрат топгани кўрсатилиши лозим эди. Биз Бола бахшининг ўрнига унинг фарзандларини “ён Бола бахши” деб экранда кўрсатдик. Аммо “Мани ёrim боғ сайлина галармиш” қўшиғи ижроси режиссёрга маъқул бўлмади. Уч-тўрт марта такрорлангандан сўнг ўглидан кўнгли тўлмаган Бола бахшининг ўзи: “Мен айтиб берайми?” – деб достон ижросини намойиш қилди. Аввало, тор овози тамоман жарангдор эди. Бахшининг юзи тўлиқ ҳаракатда эди, кўзлари ўйнарди, қошлари бир баландда, бир пастда қокиларди. Бурун, мўйлов, лаб шунчалар жозибали кўриниш касб этдики, бутун студия бу томошани кўргани йигилди. Устига устак, бир пайт бахши кўлидаги соз тепага учиб кетди. Соз усули бузил-

<sup>77</sup> Наманган ҳалқ оғзаки бадиий ижоди. - Наманган, 1993. – Б. 95.

маган ҳолда яна кўлга қайтди. 70 ёшдан ўтган Қурбонназар ота: “Менинг ёрим боғ сайлини галармиш” – деганида, студиядагиларнинг ҳаммаси ўзини Ошиқ Ғарип деб ҳис қилди. Декабрь ойининг охирги кунлари бўлишига қарамай шу заҳоти ташқарига чикиб, гул териш ҳавасида ёндилар. Бахшилар билан бундай мулокот умр бўйи эсда туриши табиийдир.

2009 йил январь ойида Ўзбекистон Миллий университетининг Журналистика, Ўзбек филологияси факультети талабалари Ўзбекистон Халқ бахчиси Қаҳхор бахши Раҳимов, 2010 йилда Ўзбекистон Халқ бахчиси Шомурод бахши Тоғаев билан амалий машғулот – учрашув ўтказди. Бахшиларнинг саҳнадаги чиқишилари бутун тингловчиларни лол қолдиради. Соз, овоз, бадиха, маҳорат, бахшининг ўзи достон деган мўъжизавий санъатнинг сехри эканига ҳамма ишонч ҳосил қилди.

**Достонлар таснифи.** Ўзбек достончилиги ижро усулига кўра хилма-хил кўринишга эга эканини кўриб чиқдик. Таникли олимлар В.М.Жирмунский, Ҳ.Т.Зарифов, М.Сайдов, Т.Мирзаев, Б.Саримсоқовнинг ўрганиш натижаларига кўра достонлар мазмунан ҳам мақол, эртак, кўшик сингари турларга бўлинади. Олимларимиз таснифларида фарқлар борлигини қайд қилган ҳолда, умуман, достонларни мазмунан қуидаги турларга бўлишни маъкул хисоблаймиз:

1. Қаҳрамонлик достонлари (“Алпомиш”).
2. Ишқий-романик достонлар (“Равшан”, “Кунтуғмиш”).
3. Жангнома достонлари (“Якка Аҳмад”).
4. Китобий достонлар (“Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам”, “Сайёд ва Ҳамро”).
5. Тарихий достонлар (“Ойсулув”).

Юқоридаги таснифнинг асосини достонларда тасвиrlанган воқеаларнинг моҳияти белгилайди. Аввало, севги-муҳаббат, қаҳрамонлик, саргузашт, жанг лавҳалари акс этмаган достонларнинг ўзи йўқ. Қайси достонни эшитманг ёки ўқиманг, албатта, асар қаҳрамони мардлиги, жасорати билан бизда хурмат қозонади. Албатта, у кимнидир севади ва узоқ сафарга отланади. Аммо шунга қарамай, асарнинг умумий мазмуни заминида муайян мавзу етакчи ҳисобланади. Масалан, “Алпомиш” достонини олайлик. Достон фарзанд-сизлик мотиви билан бошланади. Лекин айнан шу мотив “Кунтуғмиш”, “Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам”, “Тохир ва Зухра”

достонларида ҳам бор. “Алпомиш”да Ҳакимбек Қалмок юртига күчіб кеттган Барчинни олиш учун сафарга отланади. Сафар мотиви “Равшан”, “Кунтуғмиш” достонида ҳам бор. “Нигор ва Замон” достонидаги сафар маңшуқаны олиб келишгә бағищланмаса ҳам, Ҳасан подшохнинг Нигор қызини узатишга розилигига Гиротни олиб келиш шарты билан боғланади. Демак, сафар ҳам достонларда күп учрайди. Аммо “Алпомиш” достонида Барчинга уйланиш мақсади Ҳакимбек сафарида етакчидек түйилгани билан асосий масала Бойсари бош бўлган ва Кўнгиротдан кўчган аҳолини ўз юртига қайташидан иборат эди. Бу эса ҳалкни бирлаштириш, юрт мустақиллигини таъминлашдан иборат қаҳрамонлик эпосининг асосий белгиларидан ҳисобланади. Шунинг учун олимлар достондаги муҳаббат, жанг, сафар мотивларини инкор қилмаган ҳолда “Алпомиш”ни қаҳрамонлик асари сифатида эътироф этишган. Кейинги пайтларда “Малика Айёр”, “Чамбил камали” каби достонларда ҳам қаҳрамонлик мотиви етакчи эканлиги кўрсатиляётган илмий асарлар ҳам борлигини таъкидлаш жоиз.

Шунингдек, “Равшан” достонида ҳам жанг лавҳалари бор. Равшан бир лавҳада севги деб ватанидан кечадиган номард эмаслигини айтади ва мардлигини далиллайди. Аммо достондаги етакчи масала барибир унинг Зулхумор ишқидаги саргузашлари билан боғлиқ. Шу боис бу асарни ишқий-романик турга мансуб бериш маъкул.

Қаҳрамонлик эпоси ҳалқ оғзаки ижоди тарихида фольклор-шунослик нұқтai назаридан алоҳида босқич сифатида баҳоланади. Юнонлардаги “Одиссея” ва “Илиада” асарлари бу жиҳатдан қайта-қайта таъкидланган. Қирғиз ҳалқ ижодидаги “Манас”га ҳам шундай баҳо бериш мумкин. Бундай асарларда қаҳрамонлик ва фавқулодца мардлик кўрсатган ҳалқ фарзандининг юрт озодлиги, элни бирлаштириш мақсадидаги сафарлари, сон ва куч жиҳатдан устун турган душман билан олишувлари акс этади. Ўзбекларда қаҳрамонлик эпосига “Алпомиш” достони мисол бўлади. Унда юртимиздаги миллий анъаналарнинг шаклланиши, ташки душманга карши кураш, ҳалқ бирлигини саклаш, мустақил ҳаётни муҳофаза қилиш ғоялари ўз ифодасини топган.

Халқимиз баҳшилари репертуаридаги достонларнинг салмоқли қисми севги-романик турга мансубdir. “Роман” сўзи француз тилидан олинган бўлиб, эпоснинг бир тури маъносини билдиради.

Кейинчалик бадиий адабиётда роман жанр сифатида ажралиб ривожланди. Энди севги-саргузашт вокеалари, етакчи асарлар бу ном билан аталди. Халқ ижодида *севги-романик* атамаси билан аталган достон деганда, асосан, муҳаббат билан алоқадор саргузаштлар акс этган асарлар назарда тутилади. Уларда вокеа тугуни ошикнинг маъшуқа ҳакида хабар топишидан бошланади. Кейинчалик қаҳрамон ишқий саргузаштларига бой сафарга отланади. Бу йўлда бахши кашфиётларига бой лавҳалар ўйлаб топилади. Масалан, Ислом шоир ижросидаги “Нигор ва Замон” достонида йигит ва киз бир-бирига кўнгил қўяди. Аммо қизнинг отаси Замондан Гўрўғлиниң Ғиротини олиб келиб беришни талааб қиласди. Бахши Замон саргузаштида девлар билан олишув, палаккуш, Гўрўғлиниң жанг қилиш санъатларини маҳорат билан достон сюжетига сингдириб юборади. Тур жиҳатдан достонни севги-романик деб аташдан бошқа илож йўқ. Аммо асосий йўналиш кўпроқ сафар саргузаштларидан иборатдир. “Равшан”, “Кунтуғмиш” эса мазкур достонлар турининг гўзал намуналари сифатида тан олинган.

*Жангнома* достонларида жанг лавҳалари тасвирига эътибор қаратилади. Бахшилар бундай достонларни нисбатан кам ижро этганлар. Ҳайратли жанглар тасвири, асар қаҳрамонларининг ботирликлари бахши томонидан фантастик талқинда ифодаланади. “Юсуф билан Аҳмад”, “Алибек билан Болибек”, “Қирқ минг” каби эпос намуналари шулар жумласидандир.

*Халқ китоблари*. XVIII аср охири XIX асрда ёзма ва оғзаки адабиётлар ижодий ҳамкорлиги маҳсули сифатида янги бир йўналишдаги достонлар пайдо бўла бошлади. Уларда халқ оғзаки ижодидаги чекланмаган фантастик тасвирлар ва ёзма адабиётдаги индивидуал тасвир уйғунлашган эди. Адабиётшунослика бадиий ижоднинг бу намуналари халқ китоблари номи билан ўрганилди. Ёзма адабиёт вакиллари томонидан яратилган достонлардаги қизиқарли ва ибратли вокеалар билан танишган бахшилар уларга суюнган ҳолда ўз нусха (вариант)ларини яратдилар. Шу боис халқ китоблари кўпроқ фольклоршунослик томонидан таҳлил этилди. “Ошиқ Ғарип ва Шоҳсанам”, “Сайёд ва Ҳамро”, “Вомик ва Узро” достонлари шу тарзда вужудга келди ва ўрганилди. Хоразм достончилиги, асосан, халқ китобларини ёддан ижро қилиш заминида шаклланди.

*Тарихий достонлар.* Халқ оғзаки ижодидаги құшиқ, әртак жанрларида тарихий воқеалар үз ifодасини топгани каби достонларда ҳам үтмиш муҳрланған асарлар бор. Бундай асарлар фольклоршунослиқда тарихий достонлар деб юритилади. Қизиги шундаки, тарихий достонларнинг мумтоз намунаси “Ойсулув” юртимизда икки ярим минг йил олдин рўй берган мустақиллик учун олиб борилган курашнинг бадиий ifодаси бўлиб чиқди. Ҳеродотнинг “Тарих” китобидаги Тўмарис воқеаси “Ойсулув” достонидагига жуда ўхшайди. Тўғрисини айтсак, агар “Тўмарис” ҳакидаги ривоят матни сақланмаганида “Ойсулув”нинг яратилишида тарихий воқеа асос бўлганини аниклаш жуда мушкул кечарди. Таникли олимлар Т.Мирзаев ва Б.Саримсоқов “Ойсулув” достонининг вужудга келишида Тўмарис номи билан машҳур тарих асос бўлганини илмий далиллаб берганлар<sup>78</sup>. Тарихий достонлар репертуари кейинчалик яратилган “Гулумбий”, “Шайбонийхон”, “Ойчинор” каби асарлар билан бойиди. XX аср бошларида эса “Намоз”, “Маматкарим полвон”, “Жиззах қўзғалони” каби достонлар пайдо бўлди.

Шундай килиб, достонлар оғзаки ижод меросидаги мураккаб жанр ҳисобланади. Уларда халқнинг халқ сифатида шаклланиш жараёнидан тортиб, тарихий ҳаёти, расм-руслами, одатлари, ижтимоий ҳаёт ҳакидаги фалсафий қарашлари кенг кўламда акс этган. Бахшилар үз ижролари билан бевосита халқ оммасининг эстетик савиясини оширишга ҳисса қўшилар. Халқ педагогикасининг талабларини кенг оммага маълум килиб бордилар. Ўзбек достонлари ижро анъана сига кўра хилма-хиллиги, мавзулари ранг-баранглиги билан шухрат топди.

Халқ эпик ижодининг шох асарлари достонлар мисолида ўзбек миллиатининг жаҳон халқлари маънавий ва маданий хазинасига кўшиган муносиб ҳиссаси ҳакида тасаввур ҳосил қилиш мумкин. Мазкур меросни ўрганишда Ҳ.Зарифов, М.Алавия, М.Афзалов, Т.Ғозибоев, О.Собиров, З.Хусайнова, М.Сайдов, Ж.Қобулниёзов, М.Муродов, Б.Саримсоқов, А.Қаҳхоров каби марҳум олимлар ва Т.Мирзаев бошлигигида бугунги кунда тинимсиз меҳнат олиб бораётган С.Рўзимбоев, О.Сафаров, А.Мусакулов, М.Жўраев, У.Жуманазаров, Ш.Турдимов, Ж.Эшонқул, А.Эргашев каби тадқи-

<sup>78</sup> Мирзаев Т., Саримсоқов Б. Достон, унинг турлари ва тарихий таракқиёти / Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари. - Т.: Фан. 1981. – Б. 32.

қотчилар халқ олдидаги бурчларини адо этиш йўлида хизмат килемоқдалар.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. Достоннинг бошқа жанр асарларидан фарқини айтинг.
2. Мустақил равишда достон ҳақидаги тўлиқ масаввур омилларини сананг.
3. Достончилик анъаналари, мактаблари, машҳур баҳшилар ҳақида нималар биласиз?
4. Мавзуга кўра халқ достонлари қандай турлардан иборат?
5. Достонлардан намуналар ўқинг. Улар юзасидан суҳбат қилинг.

### **Адабиётлар:**

1. Имомов К., Мирзаев Т., Саримсоков Б., Сафаров О. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 227-268.
2. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – Москва, 1947.
3. Ҳоди Зариф. Фозил шоир – машҳур достончи / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 3-китоб: Фозил шоир. – Т.: Фан, 1973. – Б. 5-29.
4. Ўзбек фольклорининг эпик жанрлари / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. 7-китоб. - Т.: Фан, 1981.
5. Сайдов М. Ўзбек достончилигида бадиий маҳорат. – Т.: Фан, 1969.
6. Рўзимбоев С. Хоразм достонлари. – Т.: Фан, 1985.
7. Мұхаммаднодир Сайдов – маърифат фидойиси. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. – Б. 5-91.
8. Наманган халқ оғзаки бадиий ижоди намуналари / Тўпловчи ва нашрга тайёрловчилар: Т.Ғозибоев, А.Собиров. – Наманган, 1993.

### **"АЛПОМИШ" достони**

Халқ оғзаки ижодидаги бирон асарнинг ёки лугат бойлиги-миздаги сўзнинг қадимийлигини аниқлаш учун уни ёндош халқлар ижодида ёки ўша миллат тилида мавжудлигини ўрганиш яхши натижа беради. Бу жиҳатдан "Алпомиш" достони мазмунига оид асосий воқеалар олтой, татар, бошқирд, қозоқ, қорақалпоқ ва

бошқа туркий халқларда эртак, ривоят, достон шаклида мавжуд экани асар ниҳоятда қадим замонларда яратилганини далиллайди. Проф. Тўра Мирзаев достон варианtlари юзасидан олиб борган тадқиқотларида унинг "Алпомиш", "Алпамыс", "Алпамис ботир", "Алып - манаш", "Алпамаша", "Алпамиша ва Барсин хилув" каби номларда аталишини қайд этади. Ҳатто "Дада Қўркут китоби"нинг учинчи бўй (достони) "Бамси Байрак" ўзининг сюжет воқеалари жихатдан "Алпомиш"га якин туришини таъкидлайди<sup>79</sup>. Олимларнинг маълумот беришига қараганда, XIX аср охирида Я.Ф.Каль ўзбек-қўнгирот уруғи айнили аймогига мансуб бахши Омонназардан дутор жўрлигида достон тинглагани ва бу достон "Алпомиш" достони бўлиши кераклиги ҳакида маълумотлар ҳам бор<sup>80</sup>. Шундай килиб, "Алпомиш" достони ўзбек қаҳрамонлик эпосининг энг қадимги ва мукаммал намунаси эканига ишонч ҳосил қиласиз. Ўзбек фольклоршунослигига унинг ўнилаб варианtlари тўлиқ ва парча ҳолида ёзиб олинган. Қадимги анъаналар асосида достон куйлаган Жасок бахши, Йўлдош бахши, Жуманбулбул, Эрназар бахшилар ўз тажрибаларини Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Ислом шоир, Пўлкан, Абдулла шоир, Нурман Абдувой ўғлига мерос килиб қолдирганлар. "Алпомиш" бу бебаҳо мероснинг ноёб ва бетакрор мўъжизаси бўлиб шуҳрат топди. 1928 йилда Маҳмуд Зарифов устоз Ҳоди Зариф раҳбарлигига Фозил Йўлдош ўғлидан икки ой давомида "Алпомиш"нинг тўлиқ матнини ёзиб олди. Бугунги кунда достоннинг Бекмурод Жўрабой ўғли, Хушбўқ Мардонакул ўғли, Берди бахши (Бердиёр Пиримкул ўғли), Сайдмурод Паноҳ ўғли, Пўлкан ва Эргаш Жуманбулбул ўғли варианtlари нашр этилган. Фозил Йўлдош ўғли айтган достон эса бир неча марта устоз Ҳ.Зарифов ва Т.Мирзаев нашрга тайёрлаган шаклида эълон килинди.

Айтиш мумкинки, агар бахшилар маҳоратини белгилашда "Алпомиш" достонини ижро эта олиши ёзилмаган қоидалардан муҳими ҳисобланса, фольклоршуносликда бу достон ҳакида мақола ёзиш ёки китоб эълон килиш ҳар қандай ўзбек олими ҳавас қилган воқеа белгисидир. Шунинг учун ўзбек халқ оғзаки ижодини ўрганганд, илм ривожига муносиб ҳисса қўшган олимлар Ҳ.Зарифов, Ғози

<sup>79</sup> Мирзаев Т. Достонлар гултожи. Алпомиш / Сўзбоши. – Т.: Шарқ НМАК, 1998. – Б. 7-8.

<sup>80</sup> Мирзаев Т. Алпомиш достони, унинг версия ва варианtlари. Алпомиш – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси китобида. – Т.: Фан, 1999. – Б. 6.

Олим Юнусов, М.Афзалов, М.Алавия, З.Хусаинова, М.Сайдов, Б.Саримсоқов бугунги кунда эса Т.Мирзаев, М.Жўраев, Ш.Турдимов, Ж.Эшонкул каби мутахассислар мазкур достон таҳлилига бағишланган мақолалари, тадқиқотлари, асарни нашрга тайёрлашдаги иштироклари билан фольклоршунослик илмимизни бойитдилар. Айни пайтда Ҳ.Олимжон, М.Шайхзоданинг достон юзасидан билдириган мулоҳазалари ҳали ўз кимматини йўқотмаган.

“Алпомиш” достони ҳақида мазкур қўлланмадаги фикрлар Фозил Йўлдош ўғли вариантига асосланишини кайд этиш ҳам мақсадга мувофиқдир.

Умуман олганда, “Алпомиш” достони деярли ҳамма эпос билан шуғулланувчи олимларнинг эътиборини ўзига жалб қилган экан, асар ўта мураккаб бўлгани сабабли билдирилган мулоҳазаларда ҳам турли ёндашишлар, мунозарали таҳлилларнинг мавжудлиги ҳам табийдир. 1952 йил “Звезда Востока” журналининг 2-сонида А.Абдунабиев ва А.Степановнинг “Халқчиллик байроби остида” мақолалари эълон килинган. Бу мақола аввалроқ “Правда Востока”, “Литературная газета” саҳифаларида ҳам чоп этилган эди. Мазкур мақолада муаллифлар сабиқ шўро тузумидаги сиёсий муҳит хукмига асосланиб, аввал хўжакўрсинга фольклоршунос олимларнинг якин кирк йиллик хизматини шунчаки мактайдилар ва бирдан уларни мағкуравий онгсизликда айблашига ўтадилар. Улар фольклоршунос устозларимизнинг энг катта ҳатоси сифатида “Алпомиш”га бўлган муносабатни олишади. “Халқка қарши асарлардан бири “қаҳрамонлик эпоси” намунаси деб атальмиш “Алпомиш”дир”, – дейилади мақолада. Шундан кейин М.Афзалов, М.Шайхзода, В.Жирмунский, Ҳ.Зарифов, Ҳ.Олимжон каби ҳақиқий олимлар асоссиз танқид килинади. Бу танқиддан “Алпомиш” музикали драмасини ёзган Собир Абдулла ҳам бебаҳра қолмайди. “Танқидчилар” достондаги Ҳакимбек ва Қоражон, Бойбўри ва Бойсари муносабатларини, Кайкубоднинг Қалмоқ юртига подшоҳ бўлиши воқеаларини, ҳалқ оғзаки ижодидаги ўзига хос хусусиятларни, тасвир услубларини, ҳаётни кўрсатишдаги йўналишларни мутлако тушунмаган, аслида, тушунишни истамаган ҳолда хуласалар чиқарадилар. Масалан, эпос қаҳрамонининг анъанавий хисобланган “Дунёни кезай, душманни жазолай” – гапи “Қалмоқ юртини босиб олай”, – деб тушунилади. Ваҳоланки, достонларда дунёни кезиши ва рақибни мағлуб этиш тушунчаси асар қаҳрамо-

нининг бирон юргни босиб олиш ниятида эканига мутлако мос келмайди. Қоражоннинг Алпомишига кўрсатган ёрдами муаллифлар томонидан “кулнинг эгаси хизматини бажариш” деб баҳоланади. Алоҳида таъкидлаш лозимки, мақолани ёзган “олимлар” “Алпомиш”ни ҳалқ душмани деб зълон қилиш билан узоқ муддатли режаларини амалга оширишни бошлаган эдилар. Кейинги навбатда “Авазхон”, “Зулфизар”, “Равшан”, “Рустами достон”дек асарлар турганини ҳам очик айтиб ўтишади. А.Абдунабиеv ва А.Степановларнинг ҳалқ оғзаки ижодининг табиатини тушунмаган ҳолда мақола ёзишга киришгандарини Тўра Мирзаев шундай баён этади: “Шуни очик-ойдин айтиш керакки, А.Абдунабиеv ва А.Степановлар “Алпомиш” достони ҳакида маҳсус тадқиқотлар олиб бормаганлар, ҳалқ орасидан бирор банд кўшик ёки битта мақолни ҳам ёзив олмаганлар. Хабардор кишиларнинг маълумотларига қараганда, улар достоннинг архивдаги бирор варианти кўлёзмасини ўқиб ҳам чиқмаганлар, фақат Фозил шоир вариантининг русча таржимаси асосида қоралаб ёзганлар, холос”<sup>81</sup>.

Адабий ҳаётда кимдир мақола ёzáди, кимдир китоб нашр қиласи. Адабиётда ана шу мақола ёки китобга жавоб қайтарган иккинчи олим ҳам бўлади. Натижада илм ривожланади. Аммо “Халқчиллик байроби остида” оддий мақолалардан эмас эди. Аввало, ўша пайтда Саид Аҳмад, Ҳамид Сулаймон, Шухрат, Максад Шайхзода, Шукрулло каби шоир, ёзувчи, олимлар тақдирида озодликдан маҳрум бўлишдек мудҳиси воеалар рўй бераётган эди. Сиёсий ҳужум иштирокчилари энди “Алпомиш”ни қоралаш билан ғазаб мўлжалини ҳалқка қаратмоқчи эдилар. Бу мақсадга эришдилар ҳам. Вазиятнинг кетишидан чўчиган айрим олимлар дарё оқимиға қарши бора олмадилар. “Алпомиш”ни ҳалқка қарши босқинчилик ғояси акс этган достон даражасига етказишича, жуда чукур мулоҳаза юритиб муаммонинг ечимини топиш талаб килишган ва бу ечимни Faфур Fулом топишга мусассар бўлган. Ойбек ва Faфур Fулом давлат одамларига “Алпомиш”нинг фақат Фозил Йўлдош ўғли вариантига асосланиб ҳукм чиқариш тўғри эмаслигини баҳона қилишиб вақтдан ютишга эришишган<sup>82</sup>. Кўп

<sup>81</sup> Мирзаев Т. Алпомиш достони, унинг версия ва вариантлари / Алпомиш – ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик эпоси. – Т.: Фан, 1999. – Б. 16-17.

<sup>82</sup> Каюмов А. Академик Faфур Fулом / Хотиралар. – Т.: А.Қодирий номидаги ҳалқ мероси нашриёти, 2002. – Б. 29-30.

ўтмай вазият ўзгарган ва “Алпомиш” (қисқартирилган шаклда бўлса ҳам) ҳалкқа қайтарилган.

1956 йилнинг сентябрь ойида ўзбек олимларининг саъй-харатлари билан “Алпомиш” достони ҳакида ҳудудий кенгаш ўтказилган. Кенгаш натижаси ўлароқ “Алпомиш” эпоси ҳақида” деб номланган мақолалар тўплами нашр этирилди. Тўпламда Х.Т.Зарифов, В.М.Жирмунский, А.К.Боровков, Ш.М.Абдуллаева, Х.С.Сулаймонов, М.Шайхзода, М.Афзалов ва бошқа олимлар бир овоздан “Алпомиш”ни ҳимоя қилиб чиқдилар ва “Звезда Востока” журнали мақолосидаги кораловнинг асоссиз эканини исботладилар. Афсус, бу олимлар эришган ғалабани Фозил Йўлдош ўғли қўришга мұяссар бўлмади. Аммо, энг муҳими, гўзал достон устидаги қора булатлар тарқалди, “Алпомиш” озодликка чиқди.

“Алпомиш” достони ҳақидаги кейинги мунозарали фикрлар энди илмий аҳамиятга эга бўлди. Достондаги “закот” воқеаси достоннинг қаҳрамонлик эпоси сифатида ўзбек ҳалқининг ҳалк бўлиб шаклланишидаги аҳамияти, асардаги Алпомишнинг икки сафари, достоннинг яратилиши юзасидан билдирилган мулоҳазалар, варианtlар ўртасидаги ўҳшашлик ва тафовутлар билан боғлиқ мунозарали қайдлар қаҳрамонлик эпосини ўрганиш жараёнидаги табиий ҳолат деб баҳоланиши мумкин. Бу ўринда В.М.Жирмунский, М.Саидов, Б.Саримсоков ва бошқа олимлар чиқишилари ҳақиқатнинг қарор топишидаги ҳаракат деб баҳоланса, мақсадга мувоғиқ бўлади.

Президентимиз Ислом Каримов: “Шу боис “Алпомиш” достони бизга ватанпарварлик фазилатларидан сабоқ беради. Одил ва ҳақгўй бўлишга, ўз юртимизни, оиласиз қўргонини қўриқлашга, дўсту ёrimизни, ор-номусимизни, ота-боболаримизнинг муқаддас мозорларини ҳар қандай тажовуздан ҳимоя қилишга ўргатади”<sup>83</sup>, - деган эди. Бу фикрда достоннинг моҳияти, ғояси, бадиияти, миллатимиз тарихида тутган ўрни мужассам этилган. 1999 йилда достоннинг минг йиллик тўйи катта тантаналар билан нишонланди ва ўзбек ҳалқининг аждодлар ёдини, қадриятлар қадрини ўрнига қўйиб эсга ола бошлаганини исботлади.

Қабила, уруғ, элат тарихда алоҳида ҳалқ сифатида шаклланар экан, бу жараён, аввало, қаҳрамонлик эпоси хисобланган маҳсус

<sup>83</sup> Karimov Islom. Yuksak ma'naviyat – yengilmas kuch. – Toshkent: Ma'naviyat, 2008. – B. 33..

йирик, эпик асарда бадиий ифодасини топади. Профессор Б.Саримсоков достон ўзбекнинг бирлашуви, мустақил халқ бўлиб уйғунлашувида қандай мухим вазифани бажарганлигини таърифлаб, шундай дейди: “Дастлаб қабила, сўнгра элат эпоси сифатида вужудга келган “Алпомиш” достони кейинчалик ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси сифатида тан олинди”<sup>84</sup>. Ҳакиқатан ҳам, достон мазмунида Аму ёқасида яшаган аҳоли тарихига оид жуда кўп лавҳалар акс этган. Қаҳрамонларнинг ўзаро муносабатлари: ота – ўғил; ота – киз; она – ўғил; она – киз; aka – ука; эр – хотин; юртни бошқарувчи – эл; оиласвий бурч – фарзанд бурчи – эл олдидаги бурч – ватан олдидаги бурч ва бошқа йўналишларда моддамамодда аник тарзда ифодасини топган. Натижада, достон шунчаки тингловчининг вактини ўтказиш учун яратилган эрмак эмас, халқ қаҳрамонлик эпосига юклатиладиган вазифани бажарувчи асарлиги равшан бўлиб қолади.

Аввало, достондаги мифик дунёқарааш элементларини аниқлашга уринайлик. Ҳакимбек, Қалдирғоч, Барчинойнинг туғилишидаги илохий ҳомийлик белгиларини эсланг. Ёй, ўқ, туш, кўриқ қабилар жонсиз нарса-предметларнинг ҳомийлиги белгилари, от, тuya, ғоз каби ҳайвонлар тотемизм тушунчалар экани “Алпомиш”-нинг жуда кадимиј асар эканини тасдиқлади. Ҳакимбек бобоси Алпинбийдан қолган ёй ёрдамида Алпомиш номини олди. Тарихчи олимларнинг маълумотига кўра, ўта қадим замонларда фарзандларга исм кўйиш одати бўлмаган экан. Ёки бирон қаҳрамонлик кўрсатгунига қадар унинг исми вақтингчалик ҳисобланар экан. Ҳақиқий исмини эса йигит ҳаммани қойил қолдириб қаҳрамонлик кўрсатганида олган. Ҳакимбек бор-йўғи етти ёшида Асқар тоғи чўққиларини ўз ўқи билан учириб юбора олгани учун “Алпомиш” деган исмга эга бўлди. Алпомиш исми икки кисмдан иборат бўлиб, “Али” – улкан, “помиш” – баҳодир, пахлавон маъносини берган. Икки қисм кўшилганда улкан пахлавон маъносида кўлланган. Достон қаҳрамонларининг аксарияти исми муайян маънони ифодалаган. Алпинбий – улкан + қабила бошлиғи; Добонбий – довон + қабила бошлиғи; Бойбўри – катта бўри (баъзи маълумотларда оқ бўри); Бойсари – катта тепа ёки оқ тепа; Кунтуғмиш – кун (куёш) тукқан; Ҳакимбек – доно, илмли, ақлли; Қалдирғоч – инсон ва

<sup>84</sup> Саримсоков Б. “Алпомиш” эпоси ҳакида уч этюд / “Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Т.: Фан, 1999. – Б. 115.

Тангри ўртасидаги алоқачи қуш; Барчиной – ёввойи ўрдак каби маънолар билан боғланади<sup>85</sup>.

“Алпомиш” достони факат ижро жиҳатидан эмас, мазмун, гаройиб тасодифий воқеалар тасвири, қаҳрамонлар саргузаштлари, ҳаётйи муаммоларнинг кўйилиши билан ҳам мураккабдир. Масалан, илм тарихида бир аёлнинг бир нечта ака-укалар билан битта оила бўлиб турмуш қуриши – полиандрия ҳақида маълумотлар бор. Биз Фозил Йўлдош ўғлининг бундай оила тизими ҳақида маълумоти бор-йўқлигини билмаймиз. Лекин устоздан ўрганилган матнга фидойилик, устоз фикрини икки қиласлиқ, устоз гапини бузмаслик одати Фозил отани достон айтишда бир неча марта алп ака-укалар номидан Барчинга карата: “...ё бири-мизга тег, ё баримизга тег”, – дейишга мажбур қилган. Инсоният тарихидаги минглаб йиллар олдин ўтган полиандрия оила тушунчаси, қандай қилиб, “Алпомиш”да сакланиб қолди? Яна қизиги шундаки, на Бойсари, на Барчин алп ака-укаларнинг гапларига ортиқча асабий муносабатда бўлмайдилар, бу гапни оддий майший ҳаёт ҳолати сифатида қабул қиласдилар. Бунга ўхшаган ҳозирги ижтимоий ҳаёт нуқтаи назаридан тушуниш ва атрофлича шарҳ бериш ўта қийин воқеа лавҳалари достонда жуда кўп. Олимлар уларга имкон даражасида илмий изоҳ беришга ҳаракат қилиб келмоқдалар.

Достоннинг тингловчи эътиборини ўзига жалб этувчи нуқтаси бахши томонидан хикоя қилинадиган дастлабки воқеалар баёнидан бошланади. Шоир қадимги ўн олти уруг Кўнгирот элида Добонбий, Алпинбий, Бойбўри, Бойсари бийлар (уруг бошликлари) ўтганини хикоя қиласди. Демак, ака-ука Бойбўри ва Бойсаригача Бойсун-Кўнгирот элатидаги ҳаёт бир маромда фавқулодда ҳодисаларсиз кечган экан. Аммо Бойбўри ва Бойсарига келганда, улар фарзанд кўрмадилар. Мана шу ҳолатнинг ўзи бизга “энди нимадир бўлади” деган хабарни берадигандек туйилади. Бундан кейинги ҳаётда муайян ўзгаришлар бўлишига фарзанд йўқлиги билан тайёргарлик кўрилмоқда. Чунки ҳалкимизда узоқ кутилган ёки Яратгандан тилаб-тилаб олинган фарзанд ҳамиша фавқулодда рўй берадиган янгиликлардан хабар берувчи омил сифатида баҳоланади. Халқ бу фарзанднинг дунёга келиши зарурлигини асослаш учун

<sup>85</sup> Қаранг. Саидов М. “Алпомиш” достонидаги исмлар ҳақида қайдлар / Мухаммаднодир Саидов – маърифат фидойиси. – Т.: MUMTOZ SO'Z, 2009. – Б. 64, 82-91.

жуда чиройли бадиий вазиятни ўйлаб топган: чупрон тўйи мазкур холатнинг ечимига айланади. Бойбўри ва Бойсарини тўйда ўта ҳакорат билан кутиб олишади. Қашкадарё, Сурхондарё ва яна кўп вилоят, ҳудудларда тўйга отда борган меҳмоннинг оти жиловини чавандоздан олиб маҳсус тайёрланган жойга боғлаш ва улов олдига беда ташлаш одати бор. Бу удум ҳозир ҳам сақланган. Бойбўри ва Бойсарига эса ҳеч ким эътибор қиласади. Тўйда этакдан жой тегади. Ошнинг колдигини сузуб беришади. Бундай муносабатдан акаука ранжиди. Айни шу пайтда бир чапанинг бойбаччанинг гапи ҳаддан ошиб кетади. У одам: “Бу тўй ўғиллининг ўғлидан, қизлининг кизидан қайтади, сенинг нимангдан қайтади?” – деб уларнинг нафсониятига тегади. Ака-ука саксон тиллани чупронга ташлаб турадилар, лекин тўйда ейилган ошнинг қарзи факат тўйда берилган ош билан узилади. Бунинг учун эса асосли сабаб бўлиши – ё ўғилга суннат тўйи қилиш, ё киз узатишда юртга ош бериб, тўй хабарини қилиш шарт.

Достон матнини ўқир эканмиз, ҳалқ оғзаки ижодидаги эпик асарларга хос ҳусусиятлардан бири – фарзанднинг етишимовчилиги охир пиравардида хурсандчилик билан якунланишига гувоҳ бўламиз. Асарни яратишдан назарда тутилган бош максад фарзанд дунёга келганидан кейин бошланади. “Алномиш”да ҳам Бойбўри ўғил ва қиз кўрди, Бойсари қизли бўлди. Ана шу янгиликдан сўнг қаҳрамонлик эпоси ўз зиммасига юклатилган ижтимоий вазифани бажаришга киришади. Таниқли олимлар В.М.Жирмунский ва Ҳ.Г.Зарифов бу вазифани қабила уруғчилик муносабатларининг емирилиши ва мамлакатни бошқарувчи давлат тизимининг вужудга келиши билан боғлайдилар. Бу гоя кейинчалик М.Саидов томонидан ривожлантирилди. Олимнинг фикрича, мамлакатни бошқарувчи давлатни вужудга келтириш гояси жамият ёшлари Ҳакимбек, Қалдирғоч, Барчин томонидан илгари суриласди. Ҳакимбек “закот” тушунчасини ўйлаб топди. Унинг отасига айтган закоти рамзий маънони ифодалайди. Уни ислом динидаги закот деб кабул килиш тўғри эмас. Узоқ ўтмишда солик йиғувчини закотчи деб аташ одати бўлганлигини ҳисобга олсан, Алномишининг таклифи солик экани равшанлашади. Бойсари нутқида бу маъно янада аниқлашади. У акасининг ўғли борлигини юзига соганини, акасига закот бергунча ўзга юртда жузъя бериб яшагани маъқул эканини таъкидлайди. Вахоланки, исломда закотдан ҳеч ким воз

кечган эмас. Аксинча, ҳар бир одам Аллохнинг закот беришга етказгани учун шукр қилган. Қолаверса, исломий закот иктисадий кийинчиликдаги одамга берилади. Достонда эса Бойбўри закотни ўзига беришни талаб қилмоқда. Устига-устак белгиланган закот ҳажми битта улоқдан иборат. Маълум бўладики, Бойсари бор-йўги биттагина улокни закотчиларга тоширса, ўзининг Бойбўри хукмида эканини тан олади. Бойсари эса бу ҳолат рўй беришни истамайди. У ўзини Бойбўрига ҳар томонлама тенг деб билади. Яна бир вазиятга эътибор беринг. Бойсарининг қалмоқ юртига кўчишини Барчин маъқулламайди. Натижада, у Алпомишни қўллайди. Хуллас, Алпомиш туғилгунга қадар тутув яшётган эл эндилиқда иккига бўлинади. Энди Алпомиш зиммасида бўлинган ахолини ўз харакати билан бирлаштириш вазифаси туради. Бу вазифани бажариш учун Алпомиш қалмоқ юртига сафар килиши ва мусофирикда яшётган юргдошларини Бойсун-Кўнгиротга қайтариши керак. Мазкур мақсадни амалга ошириш режаси бахши томонидан жуда асосли тузилган: Барчинга қалмоқ алплари совчи қўйишади. Барчин хат ёзиб, Алпомишни Қалмоққа чакиради. Аммо Бойбўри ўғлининг ўзга юртга сафар қилишини истамайди. У мактубни сандикқа яширди. Ана шу сабаб билан достон воқеаларининг фаол ривожланиши Қалдирғоч харакатига боғланади. Унинг ташаббуси билан Алпомиш кўриқ воситасида Бойчиборга эга бўлади ва отасининг ихтиёрига қарама-карши равишда Барчинга уйланиш учун Қалмоққа жўнайди. Қалмоқда эса уни катта синов кутаётган эди. Профессор М.Саидов фикрича, бу синовни, аслида, келажакда давлат бошқаришни бўйнига оладиган Алпомиш учун Барчин ўйлаб топади. Унинг мулоҳазасига кўра давлат бошқарувчиси зотдор отга, сифатли ёйга эга бўлиши лозим. Шу билан бирга у одам жанг санъатини, айни пайтда ёйдан ўқ отишни билиши, жисмонан бақувват бўлиши шарт. Барчин бутун вужуди билан у қўйган тўрт шартни Алпомиш бажаришини хоҳласа-да, мусобақаларнинг хаммасида ўзини бетараф, одил қилиб кўрсатади. От пойгасида катнашаётган Бойчиборга йиғлаб мурожаат қилади ва ундан маррага биринчи бўлиб келишини сўрайди. Курашда Алпомиш билан Кўкаманнинг кучи тенг келиб турганда, севгилиси ориятига тегиб, ғолиб кела олмаса рақиб билан куч синашиш навбатини ўзига беришни талаб қиласди. “Алпомиш” достонидаги бу каби лавҳалар давлатни бошқариш осон иш эмаслигини қайта-қайта таъкидлаш

учун киритилгандек туйилади. Достоннинг биринчи қисми асарни ижод қилган аждодларимиз томонидан қўйилган дастлабки довонни эгаллаш билан белгиланади. Яъни Алпомиш Бойсун-Қўнғирот аҳолисини бир давлат чегарасида бошқаришни ният қилди ва бу ниятига Қалмокка қўчиди кетган юртдошлиарини қайтариш билан эришиди.

“Алпомиш” ижодкорлари Бойсаридаги ўжарликни атайн бўрттириб кўрсатадилар ва унинг Қалмоқда қолишини асослайдилар. Натижада, Алпомишнинг Қалмоққа иккинчи сафари далилланади. Муҳими шундаки, Алпомишда Қалмок подшоси Тойчиҳоннинг мамлакатини тўғридан-тўғри босиб олиш нияти йўқ эди. Тойчихон Бойсари чорвасини зўрлик билан тортиб олди ва ўзига подачи килиб зулм ўtkазdi. Бойсари зулмга чидай олмай кизига мактуб ёзишга мажбур бўлди. Иккинчидан, Алпомиш иккинчи сафарида Сурхайил қўйган тузокқа илинди. Етти йил зиндан азобини бошидан кечиришга мажбур бўлди. Энди Алпомиш Тойчихонни жазолашга ҳакли эди. Достон ижодкорига қойил қолиш керакки, бош қаҳрамоннинг етти йил зинданда ётиши давомида тингловчини зериктирмасдан қўплаб қизиқгирувчи лавҳаларни ўйлаб топган. Достон билан яқиндан танишган тингловчи ёки матн ўкувчи-сининг дикқати бир дақика ҳам бўшашмайди. Аввало, Алпомишнинг зинданга тушиши, кейинчалик ғоз иштирокидаги лавҳалар, Шакаман тоғидаги кампир ва овчи йигит воқеаси, Коражоннинг дўстини озод килиш максадида Қалмоққа келиши, Тавканинг достон мазмунига аралашуви, Сурхайил ва Тойчи муносабатлари, бозор эпизодлари, Кайкубоднинг Алпомишга ёрдами кабилар шу кадар маҳорат билан тасвирланадики, биз, бир томондан, Алпомиш тақдиди гувоҳига айлансанак, иккинчи томондан, йирик эпик тасвир якунидаги қаҳрамонлар ҳаракатидан қоникиш ҳосил киламиз.

Қадимги замонларда бирон юрт ҳақиқий маънода мустақил ҳисобланиши учун унинг тасарруфида кайсиидир мамлакат бўлиши шарт ҳисобланган экан. Бу масала мутлақо босқинчилик билан боғланмаган. Гўрўғли туркуми достонларида Чамбилга хужум қилган подшоҳлар кейинчалик Гўрўғлига қарам бўлганига кўп марта ишонч ҳосил қилганмиз. “Алпомиш”да ҳам ўхшаш ҳолат рўй беради. Ҳакимбек Сурхайил кампирни, Тойчихонни ўлдиради, Кайкубодни Тавкага уйлантиради, Қалмок юртида Кайкубод Алпомишни зинданга ташлаш хийласини ўйлаб топади, бу ерга ўз

одамини подшоҳ килади. Иккинчи сафари ҳам ғалаба билан якунланади. Натижада, қадимги тушунчалар асосида Бойсун-Қўнғирот мустакиллигини таъминлаган бўлади. Доно халқимизнинг ҳар бир тадбирига ана шундай бир қарашда кўзга кўринмайдиган ечимлар воситасида ҳаётй муаммоларни ҳал килиш маҳоратига қойил қолиш керак. Муҳими, халқнинг ана шундай зукколик билан тузган достон мазмунини ташкил килувчи режаси Алпомиш воситасида ҳаётга татбиқ этилади. Алпомиш бутун ўзбек халқининг рамзий тимсолига айланади. Ўзбек, козоқ, корақалпок вариантларида ҳам унга нисбатан ўзбек сўзининг сон-саноксиз тарзда кўлланилиши фикримиз далилидир. Алпомишдаги тадбиркорлик, мардлик, ўз баҳти, келажак ҳаёти учун курашга чанқоқлик, вақтнинчалик мувваффақиятсизликдан тушқунликка тушмаслик, имонини покиза саклаш фазилатлари, аслида, ўзбекка хос асосий белгилардир. У зинданда ётганида яраланган гозни даволайди. Шунда Бобир кўлида гозни кўрганини эслайди. Зинданда, тутқунликда ётишин жароҳатланган гозга киёслайди. Зиндандан кутулиб, Кайкубодни Қалмокқа подшоҳ қилиб ўз ватанига қайтганида ҳам тадбиркорлик билан иш кўради. У Қултой, Қалдиғоч, Бойбўри, онаси Кунтуғмиш, Ултонтоз, Бодомбикачларнинг ҳаммаси билан яккама-якка учрашиб чиқади. Ўзини Қултой қилиб кўрсатиш баҳонаси билан дўст-душманни холис ажратиб олади. Зеро, давлатни бошқарувчи инсон атрофидаги мулозимлари маслаҳати билан иш кўрса, қачондир адолатсизликка йўл қўйиши мумкин бўлади. Алпомиш эса ким билан қандай муомала қилишни ўзи бевосита синаган воқеасига кўра белгилаб чиқади.

Достонда Алпомишининг ўз оиласига қайтишини тасвирлашда баҳши достон эшитаётган тингловчиларга турли йўллар билан ҳаётда зийрак бўлиш керак, деган ўйтитни ҳам бериб ўтади. Хусусан, Қултой Алпомишининг Алпомишлигига ишонмайди. Шундан кейин Алпомиш чап елкасидаги Қултой панжасининг доғини кўрсатади. Шундан кейин Алпомиш Қултой қиёфасида юртдошлари билан учрашади. Бу кўринишилар тасвирланган достон саҳифалари худди бадиий фильмдаги экран лавҳаларини эслатади ва ҳар сафар “Қултой”да Алпомиш белгилари намоён бўлади. Тўйга кетаётган хотинларнинг тутунларини мутлақ бўшатади. Бир қозон ошни пишмай туриб қуритади ва х.к. Худли шунга ўхшаган нозик белги Ёдгорнинг ёй кўтаришида баҳшининг ўта маҳоратли тасвири билан

ифодаланади. Ёдгор Арна кўлида ётган ўн тўрт ботмон ёйни тўйхонага олиб келиши керак эди. Бахши бу ўринда шундай дейди:

Жаҳон титрап Ёдгор овозасига,  
Кулоқ солинг бу сўзнинг мазасига.  
Ўн тўрт ботмон парли ёйни судраб  
Келиб қолди Қўнғирот дарбозасига.

Эътибор берсак, бахши бизга алоҳида сўзнинг мазасига қулок солишини ва ўн тўрт ботмон ёйни судраб келганини таъкидламоқда. Хўш, нима учун айнан ёйни судраб келганига ургу берилмоқда. Гап шундаки, бу маълумот билан ҳам Алпомишнинг тирик экани қайд этилади. Агар ёй туркий халқларда юрга эгалик белгиси хи-собланса, Алпомиш тирик бўлгани учун ҳам Ёдгор ёйни ҳали кўтариш хукуқига эга эмас. Ёдгорнинг ёйни судраб келганига ургу берилишини шу ҳолат билан изоҳлаш мумкин. Бахшининг маҳорати яна достондаги воқеалар заминида муттасил равишда Алпомиш таъсири аниқ сезилиб туриши билан намоён бўлади. Қизиги шундаки, бирон воқеа тасвирланар экан, Алпомиш унда иштирок этадими-йўқми унинг нигоҳи мазкур воқеани кузатиб тургандек туйилади ўқувчига.

Достондаги Барчиной билан боялиқ воқеалар бахшилар томонидан алоҳида меҳр билан баён этилади. У зукколиги, тадбиркорлиги, донолиги, мардлиги жиҳатдан Алпомишдан қолишмайди. Сурхайил кампир ўғиллари Барчинойни зўрлик билан хотинликка олмоқчи бўлганларида, қиз алпилардан бирини кўтариб ерга шундай зарб билан урадики, алпнинг оғзидан кўпик сачрайди. Шундан сўнг алпилар Барчинга Алпомишни кутиш учун олти ой муҳлат беришга мажбур бўладилар. Барчиной Алпомишни севади, аммо бу иликлик ундаги масъулият туйғусини инкор этмайди. Чунки Барчин Алпомишни фақат оила бошлиғи сифатида эмас, Бойсун-Қўнғирот эли давлатининг бошқарувчиси, янги тузумдаги комил инсон бўлишини ҳам назарда тутади. Алпомиш билан оила қурганидан сўнг унда янги фазилатлар пайдо бўлади. Айникса, Ёдгор тугилганидан сўнг Барчин меҳрибон она, умр йўлдошидан ажралган аёлга айланади. Профессор Б.Саримсоқов Барчиннинг Ултонтозга мажбуран турмушга чиқиши муносабати билан шундай дейди: "...Барчиндек алп қизнинг достон сюжетининг иккинчи

қисмida Ултонтоздек таги-зоти бетайин бир хизматкорнинг зўравонлигига кўниб, тақдирга тан бериб ўтириши кишини ажаблантиради. Чунки ўз бахти учун тўқсон алпнинг зўравонлигига дош бериб, уларга шартларини ўтказа олган бу аёл нега энди Ултонтозга турмушга чиқишига кўнди?”<sup>86</sup> Олим ўз саволига ўзи жавоб бериб, бу розиликни эпосдаги шартлилик билан изоҳлади. Шубҳасиз, биз бу мулоҳазага кўшиламиз. Аммо, бизнингча, масаланинг яна бир томонига ҳам эътибор бериш мақсадга мувофиқ. Хусусан, алплар билан муносабатда Барчин расман турмушга чиқмаган киз эди. Қалмоқлар юртида уни ҳимоя қилувчи куч йўқ бўлгани сабаб алп ака-укаларга карши ўзи курашга отланган. Иккинчи қисмда эса Барчин ўлди деб ҳисоблагани билан аслида Алпомиш тирик-ку. Ўз оиласини, ўз қўргонини Алпомиш душманлардан ўзи асрани кепрак. Колаверса, Ултонтозга бу сафар ҳам Барчин карши чиққанида, Алпомиш бажариши лозим бўлган катта кураш вазифаси ўз кадрини йўқотар эди. Шундай қилиб, баҳши достонда Барчин иштирокини тасвирлашда жуда эҳтиёткорлик билан иш кўради ва уни энг гўзал фазилатларга эга аёл сифатида тасвирлайди.

Достондаги Қоражон образига алоҳида эҳтиёткорлик билан ёндашишимиз лозим. Чунки Қоражон маккор Сурхайил кампирнинг ўғли бўлишига карамай табиатан адолатли шахс. Онаси Барчинойга совчиликка кетаётганида айнан Қоражон уни йўлдан кайтаради. У Кўнгирот элидан келганларнинг тинчлигини бузишни маъқулламайди. Бироқ Сурхайил Барчинни Қоражонга олиб бермоқчи эканини эшишиб, онасига оқ йўл тилайди. Қоражон достонда жуда содда ва самимий шахс деб тасвирланади. У онасининг совчиликдан “бўри” бўлиб қайтганига осонгина ишонади ва бутун Бойсари уруғи орасида роса кулгига қолади. Аммо тақдир уни Алпомиш билан яқинлигини қайта-қайта тасдиқлади: Алпомишининг мозористондаги тушини у ҳам кўради. Мурод тепада унинг навбатчилиги пайтига Алпомишининг Қалмоққа сафари тўғри келиб колади. Буларнинг ҳаммаси етти ака-уқадан Қоражоннинг бойсунликларга бўлган муносабатини белгилаган бўлиб чиқади. Халқ оғзаки ижодида бир қаҳрамон мардлиги олдида иккинчисининг тан бериши умумий анъана ҳисобланади. Қоражон ҳам Ҳакимбек олдида ўзининг қойил эканини тан олади. У билан ака-укалари ўрта-

<sup>86</sup> Саримсоков Б. “Алпомиш” эпоси ҳакида уч этюд / Алпомиш – ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик эпоси” китобида. – Т.: Фан, 1999. – Б. 138-139.

сида келишмовчилик пайдо бўлади. Қоражон тушида исломни қабул қилгани учун қалмоқлардан кўра бойсунликларга кўпроқ эргашиб иш тутади.

Достонда ижобий қаҳрамонларнинг фазилати салбийлари билан муносабатга киришилганда аниқрок сезилади. Бу ўринда Бойбўри, Бойсари, Кўкалдош ва Сурхайилни алоҳида қайд этиш лозим. Бадиий адабиётда қаҳрамоннинг салбий, ижобийлигидан қатъи назар асарда тасвиirlаниш дарражаси мукаммаликка эришса, гўзал образ деб аташ қабул килинганд. Масалан, “Ўткин қунлар”-даги Ҳомид, “Мехробдан чаён”даги Абдураҳмон гўзал образ ҳисобланади. Чунки улар ҳақиқий инсонда нафрат уйғотади. Яъни бу ўринда қаҳрамоннинг феъли эмас, яратилиши жараёнидаги адиб маҳоратининг намоён бўлиши асос ҳисобланади. Айтмокчимизки, “Алпомиш” достонидаги энг гўзал образлардан бири бу Сурхайилдир. Агар холис баҳо берадиган бўлсак, Сурхайил ниҳоятда аклли, ҳушёр, тадбиркор, иродали, ўз мақсадига эришувчан кампир. Достон саҳифаларида унинг исмини учратганимиз заҳоти кўнглиминизда ғашлик пайдо бўлади. Бу ғашлик кўпинча ўзини оқлайди. Чунки хийла ўйлаб топишида, хиёнат чегарасини белгилашда унинг олдига тушадиган қаҳрамон фақат “Алпомиш”дагина эмас, умуман, ҳалқимиз оғзаки ижодида бошқа учрамаса керак. Ўз ҳаракатларини жуда асослайди. Рақиб кучини тўғти баҳолайди. Вужудга келган вазиятни жуда аниқ белгилайди ва зудликда ундан фойдаланиш режасини тузга олади. Ахир ўзингиз ўйлаб кўринг, Алпомиш маст ётганида ёқиши – ёнмади, уни курол яралай олмади. Шунда Сурхайил зиндонни ўйлаб топади. Ундан олдин Алпомишни бутун йигитлари билан банди қилиш режасини ҳам у тузади. Ҳатто Алпомишнинг ишончини қозониш учун Тойчихон аскарлари келлаётгани ҳақида хабар ҳам беради. Бу хабардан аввал Тойчихон билан келишиб олган эди. Унинг ҳар бир ҳаракати Алпомишга қарши қаратилиган. Тавканинг Ҳакимбек зиндонига лаҳм кавлаганини ҳам Сурхайил фош этади. Хуллас, Сурхайилнинг салбий бадиий образ дарражасидаги фазилати шу қадар мукаммал ишланганки, ундан ҳар қандай моҳир ва тажрибали адиб маҳорат мактаби сифатида фойдаланиши мумкин. Маълум бўладики, “Алпомиш” қаҳрамонлар тизимини яратиш бўйича ҳам энг олий дарражадаги бадиий асар деб баҳоланишга лойиқ экан.

“Алпомиш” достони бадий жихатдан ҳам мукаммал асар. Факат сиз бадийлик деганда бадий тасвир воситаларидан фойдаланиш кўламинигина тушунмаслигингиз лозим. Чунки бадийлик тушунчасининг ўзи жуда мураккабdir. “Алпомиш” достонида кабила-уругчилик муносабатларининг тугалланиши ва давлатнинг вужудга келиши акс этган дедик. Масаланинг қўйилиши бошка, уни бадий мукаммал ҳолда ишонарли қилиб тасвираш бошка. “Алпомиш” достони асрлар давомида халқимизни мардлик, қаҳрамонлик, адолат, иродалилик руҳида тарбиялаб келди. Мана шундай вазифани шараф билан бажариб келган асар, албатта, бадийлик талабига жавоб бера оладиган бўлади, яъни асар ижросини тингловчилар қизикиш билан қабул қиласилар. Қаҳрамонларнинг ғала-басидан қалблари кувончга тўлса, мағлубиятидан ташвишга тушади. Асардаги воқеаларга у тўлик ишонади. Айрим камчиликлар эса унинг хаёлига ҳам келмайди ёки камчиликларни сезмасликка уринади. Айнан мана шундай руҳий ҳолатнинг вужудга келиши ҳам асар бадиияти даражасидан маълумот беради.

Фозил Йўлдош ўғли мохир ва тажрибали баҳши бўлгани учун асардаги воқеаларни баён қилишда шошилмайди, ҳар бир лавҳа иштирокчиларининг ташқи киёфасини, ички дунёсини, атрофдаги табиат манзараларини, воқеа-ходисаларни изчил таърифлайди. Томошибин кўз олдида жонли воқеа тасвирини намоён қиласиди. Асардаги қаҳрамон хатти-ҳаракатларини далиллашга эътибор беради, шунинг учун ҳам тингловчи қўнглида достон мазмуни билан боғлиқ ечилмаган жумбок қолмайди.

“Алпомиш” достони бадий тасвир воситалари: муболаға, ўхшатиш, сифатлашларга жуда бой. Масалан: “Ҳакимбек етти ёшга кирган. Алпинбий бобосидан колтан ўн тўрт ботмон биричдан бўлган парли ёйи бор эди. Ана шунда етти яшар бола Ҳакимбек шул ўн тўрт ботмон ёйни кўлига ушлаб кўтариб тортиб, тортиб кўйиб юборди. Ёйнинг ўқи яшиндай бўлиб кетди, Аскар тогининг катта чўққиларини юлиб ўтди, овозаси оламга кетди”<sup>87</sup>. Луғатларда оғирлик ўлчови “ботмон” Ўрга Осиёда 2 пуддан 16 пудгача вазнга эга экани кўрсатилган. Агар 1 пуд 16 килограммга teng бўлса, 14 ботмон энг кичик ҳисобда 224 килограмм бўлади. 7 ёшли Ҳакимбекнинг бронздан куйилган (биричдан бўлган) шу кадар оғир ёйни кўтара олиши, унга мос ўқ жойлаши ва ўқни отиб, катта

<sup>87</sup> Алпомиш. Достон. – Т.: 1998. – Б. 17-18.

тогнинг чўккисини учирни юбориши тингловчиларда ҳайрат уйготади. Аммо тингловчи бу воеанинг содир бўлганига шубҳа қилмайди. Чунки Ҳакимбекнинг дунёга келишини авлиёлар қўллашган. Шоҳимардон пирининг ўзи қаландар киёфасида келиб, Ҳакимбек деб исм қўйган. Муболагали ўринлар алпилар гавдалари, Барчин, Қалдирғоч гўзаллиги тасвирида, ботирларнинг курашлирида, от пойгасида жуда ўринли яратилган. Достонда ажойиб ўхшатишлар бор:

Остингда бедовинг халлослар қушдай,  
Аччиғинг чиллали музлаган қишдай.

Бу сатрларда масофани тез босиб ўгадиган Бойчибор күшга, Алномишининг ғазаби атрофни музлатадиган қишига ўхшатиляти.

Достонда:

Давлат кўнса бир чивиннинг бошига,  
Семурғ күшлар салом берар қошига.  
От чопса гумбирлар тогнинг дараси  
Урушда билинар марднинг сараси –

каби ҳикматли сўзлар тез-тез учрайди. Маълум бўладики, “Алномиши” достонининг ўта қизиқарли воеалардан ташкил топган мазмуни сўз санъатининг гўзал бадиий воситалари билан безатилган ҳолда тингловчига тақдим этилган. Шунинг учун ҳам достон асрлар оша халқимиз томонидан севиб тингланмоқда ва ўкиб келинмоқда.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. “Алномиши” достонининг Фозил Йўлдоши ўғлидан ёзиг олинган вариантини ўқинг.
2. Достоннинг бугунги кунда халқ қадриялари қаторида эътиборга лойиқ эканини изоҳланг.
3. “Алномиши” достонидаги мифик дунёқараши белгиларини алоҳида-алоҳида кўрсатинг. Улар ҳақида билганингизни сўзланг.
4. Достоннинг ўрганишишида олимлар фикрларини айтинг. Уларни баҳолашга урининг.
5. Достондан парча ёдланг.

### **Адабиётлар:**

1. Karimov I.A. Yuksak ma'naviyat - yengilmas kuch. - Т.: Ma'naviyat, 2008.
2. Алпомиш. Достон. – Т.: Шарқ НМАК, 1998.
3. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – Москва, 1947. – Б. 60-108.
4. Мирзаев Т. «Алпомиш» достонининг ўзбек варианлари. – Т.: Фан, 1968.
5. Мирзаев Т. Эпос и сказитель. – Т.: Фан, 2008.
6. Сайдов М. Ўзбек достончилигига бадиий маҳорат. – Т.: Фан, 1969.
7. Мирзаев Т. Достонлар гултожи / Алпомиш. – Т.: 1998. – Б. 7-12.
8. “Алпомиш” – ўзбек халқ қаҳрамонлик эпоси. – Т.: 1999.
9. Муҳаммаднодир Сайдов – маърифат фидойиси. – Т.: MUMTOZ SO’Z, 2009. – Б. 5-91.
10. Мирзаев Т. Достонлар / Ўзбек халқ поэтик ижоди. – Т.: 1990. – Б. 227-268.
11. Самад А. Ўзбек халқининг қаҳрамонлик эпоси / Сабоқ самараси. – Т.: Фан, 2007. – Б.62-87.
12. Йўлдошев К. “Алпомиш” талқинлари. – Т.: Маънавият, 2002.
13. Мадаев О. Алпомиш билан сұхбат. Т.: Маънавият, 1999.



## ЭРГАШ ЖУМАНБУЛБУЛ ўғли

Эргаш Жуманбулбул ўғли деганда “Равшан”, “Кунтуғмиш” достонлари кўз олдимизга келади. Бахшилар “Равшан”ни Эргашнинг отаси Жуманбулбул уч марта хайдаган достони деб аташган экан. Эргаш мана шундай машҳур оиласа 1868 йилда дунёга келди. Шу худудда яшаган Султон кампир, бувиси Тилла кампирдан тортиб, бобоси Мулла Холмурод, отаси Жуманбулбулгача достон айтишган, ўзига хос термалар ижод килишган. Бу оила Нурота туманидаги Кўргон кишлоғида истикомат килган. Фольклоршуносликда Кўргон достончилик мактаби деб номланишда кишлоқ номидан кўра Жуманбулбул оиласи ҳизмати кўпроқ эди. Устоз Ҳоди Зарифов Эргаш Жуманбулбул ҳақидаги машҳур “Улкан ҳалқ санъаткори” мақолосида Қулсамат бахшининг онаси Султон кампирнинг ҳаётидаги ибратли воқеани эслайди: Қозоқ оқини йигиндаги шоирларни енгганида бир ўзбек бахшиси “Сен бизнинг Султон кампир билан тенғ экансан”, – дейди. Оқин Султон кампирни челак кўтариб келаётганида излаб топади ва унга савол беради:

Сендан савол сўрайман, турган зайип,  
Ўси турган товларинг неча жасар?

Шунда Султон кампир:

Худойимнинг ишин кўр,  
Фалакнинг гардишин кўр,  
Мен билмайман ёшини,  
Оғзин очиб тишин кўр,

— деган экан. Устоз бу воқеанинг ҳаётда рўй берган-бермаганидан катъи назар унда Қўргон достончилиги вакилидаги ижодий салохият канчалар кучли экани намоён бўлишини таъкидлайди.

Эргаш Жуманбулбул ўғли ёшлигидан ижодкор мухитда тарбияланди, баҳшилардан достон айтиш сирларини ўрганди. Бизга номаълум сабабларга кўра шоирнинг отаси кўрган фарзандлар Жуманбулбул эллик ўшдан ўтгандан кейин туғилишган. Абдухалил, Абдужалил, Махкамой исмли укалари узок яшамаганлар.

Жуманбулбул катта ўғли Эргашдаги аклий камолотни ҳис килиб, уни етти ёшида қишлоқ мактабига беради. 17 ёшида эса Бухородаги мадрасалардан бирида ўқитади. Натижада, Эргаш Жуманбулбул ўғли ўнлаб халқ баҳшилари орасида ўқишни ва ёзишни мукаммал биладиган, Навоий, Фузулий ижодидан боҳабар ягона ижодкор сифатида етилади.

Эргаш Жуманбулбул ўғли фольклоршунос олимларга ўтган асрнинг 20-йилларидан маълум бўлди. Ундан Ҳоди Зариф, Гози Олим Юнусов, Мухаммад Исо Эрназар ўғли каби олим ва зиёлилар 33 номдаги асарларни ёзib олишган. Баҳши ҳақидаги мақолалар сони эса 200 га яқин. Ўзбек баҳшиларидан биронтаси Эргаш шоирдек 5 жилдлик асарлар тўпламини нашр килишга мушарраф бўлган эмас. Ўзбек халқи тарихидаги ёрқин саҳифалар акс этган “Ойсулув” достони ҳам Эргаш Жуманбулбул оғзидан эртак ҳолида ёзib олинган.

Эргаш шоирнинг машаққатли ҳаёти Қўргон қишлоғида яшаган ҳамкишлоклариникидан ўзгача эмас эди. “Кунларим” термасидаги уйланиш ва отаси ўлганидан кейин қарз эвазига бутун бор-йўғидан ажралиши тарихини эсланг. Унинг устига укалари ва синглесининг вафот этиши баҳшига руҳий таъсир килди. Эргаш Жуманбулбул ўғли укаси Абдухалил ўлими билан боғлиқ йигисида шундай дейди:

Эмранди танимда жоним,  
Хазонда бўлди гулистоним,  
Йиғлашиб ёр-ёроним,  
Бемаҳал куриб бўstonим,  
Қўлдан учди бўз тарлоним,  
Эшитинглар кадрдоним,  
Ёлғиз иним, суянганим,  
Шунқоримдан жудо бўлдим.

Тўгри, 20 ёшга кирган Абдухалил вафот этганида баҳини 30 ёшида эди. Ҳаёт тажрибасига эга бўлганига карамай навқирон инидан ажралиш шоирга ўз касрини ўтказмаслиги мумкин эмас эди.

Турмуш ташвишлари баҳшидан тинимсиз меҳнат қилишни талаб қилди. Самарқанд, Зарафшон атрофида кишин-ёзин тириклик дардида достон, термалар айтиш билан банд бўлди. Аммо иймонини йўқотмади, давлатмандларга қуллуқ килиб яшамади. Отаси Жуманбулбулга муносиб фарзанд бўлди. Устоз Ҳоди Зариф хотирасига кўра (Ҳоди Зариф баҳши Эргаш Жуманбулбул билан жуда яқин алокада бўлган. Ҳафталар давомида бирга яшашган. Эҳтимол, шу сабабдан баҳши отаси ҳаётидаги нозик воқеа тафсилотларини олим Ҳоди Зарифовга айтиб берган) Милтиқбой исмли бир золим амалдор Жуманбулбулга дуч келиб ўзини таърифлашни сўрабди. Мақтov эвазига қорабайир отини мукофотга беришини ҳам айтибди. Шунда Жуманбулбул:

Агар тую бўлганда жўн бўларинг,  
Отдан кейин эшакман тенг бўларинг.  
Қантар оғмай хариш бўп ағнаб ётиб,  
Қарға билан қузгунга ем бўларинг.

Агар йилки бўлганда ўтмас эдинг,  
Баҳонг қирқ беш-элликка етмас эдинг,  
Ҳар ким олса, ўзингни, айниб бериб,  
Чир айланиб овулдан кетмас эдинг<sup>88</sup> – деган экан.

Эргаш шоир отасидаги ҳақгўйликдан ғурурланган, фаҳрланган. Шунинг учун эл орасидаги ҳурматини юқори даражада сақлаш баҳти ҳаётидаги азиз тушунча хисобланган.

Эргаш шоир Бухоро мадрасаларида Алишер Навоий, Фузулий, Машраб ижоди билан яқиндан танишди. Бу фазилат, шубҳасиз, баҳшига ижро этилажак достонлар композицияси, сюжетининг бадиий мукаммал ишланишида фойда берди. “Равшан”, “Кунтуғмиш” достонлари “уч марта ҳайдалган”лиги билан ажралса, “Алпомиш”, “Кундуз билан Юлдуз”, “Далли”, “Хуш келди”, “Авазхон”, “Ҳасанхон”лар заминини ўз маҳорати билан ҳайдапшига

<sup>88</sup> Ҳоди Зариф. Улкан ҳалқ санъаткори Эргаш шоир ва унинг ўзбек достончилигига туғтан ўрни. – Т.: 1971. – Б. 17..

уринди. Фольклоршунослар Эргаш шоир ижросидаги асарларнинг пухта эканлигини алохидат таъкидлайдилар. Шоир достонларидан бирон лавҳани олиш ҳам, унга қўшиш ҳам мумкин эмас. Маълум бўладики, ҳар бир ишга ижодий ёндашишга ўрганганд шоир мадрасада олган билимларини халқ достонлари ижросига татбик этди ва бу жанр намуналарининг бадиий савиясини кўтаришга муносиб хисса қўшди. Устоз олим Ҳоди Зариф бу фикрни тасвир воситаларидан омоним сўзларни кўллашидаги шоир маҳоратини далиллаб қўйидагича кўрсатади: “Шу жиҳатдан қараганда биз билган ўзбек халқ шоирлари орасида сўзга бой Эргаш Жуманбулбул ўғлининг тажнислари дикқатни жалб этади. Биз унинг тажнисли тўртликларидан бир нечасини қайд этмоқчимиз:

Тоғнинг адиди ўради,  
Ўрага қўйлар ўради.  
Уч тол қилиб санамлар,  
Чочини майда ўради<sup>89</sup>.

Устоз биринчи мисрадаги “ўради” – тоғнинг адиди аста кўтарилади маъносини, иккинчи мисрадаги “ўради” – оралаб юришни, тўртинчи мисра – кизларнинг соч ўришини англатишни таъкидлайди. Бадиий санъатнинг бу тури адабиётшуносликда “тажнис” дейилади, яъни жинсдош – бир хил шаклдаги омоним сўзлар асосида санъат яратилади. Муҳими шундаки, Эргаш шоир тажнисли кофиядан факат терма яратишда эмас, кулай имконият келгани заҳоти достонларда ҳам фойдаланган. Масалан “Равшан” достонида Ҳасанхон Зулхуморни олиб келиш сафарига отланган ўғлига насиҳат қилишда шундай дейди:

Қўлингдан келганча чиқар яхши от,  
Яхшилик қил болам, ёмонликни от.  
Насиҳатим ёдингда тут, ёлғизим,  
Ёлғиз юрса, чанг чиқармас, яхши от<sup>90</sup>.

Эргаш шоир бутун ҳаёти давомида ўз ватанини, она юртини севди, эъзозлади. У калбидаги муҳаббатни ижро этаётган достонла-

<sup>89</sup> Ўша жойда. – Б. 26.

<sup>90</sup> Булбул тароналари. 2-том. – Т.: Фан, 1972. – Б.386.

ридаги каҳрамонлар хатти-харакатини кўрсатиш орқали ифодалади. У куйлаган Гўрўғли туркумидаги достонларида Гўрўғли, Юнус пари, Мисқол пари, Ҳасанхон, Авазхон кабилар мардлиги, ҳалоллиги, тўғрисўзлиги билан тингловчиларни ўзига мафтун этади. Одамлар ўзларининг янги туғилган фарзандларига ният қилиб, достондаги исмларни танлашиди. “Равшан” достонида Ҳасанхон дорга олиб келинаётган ўғлини шу заҳоти кутқармоқчи бўлганида, Жайнок масҳарабоз унга аввал Равшанни синаш кераклигини маслаҳат қиласди. Ҳасанхон рози бўлади. Корахон подшоҳнинг мулошимлари Равшанга ўз юртидан, Гўрўғлидан воз кечса, Зулхуморни унга беришларини, шу юртга – Ширвонга Равшанни подшоҳ, қилишларини айтадилар. Шунда ёш йигит дор остида туришига қарамай:

Сен айтган одаминг, золим, мен эмас,  
Бир нечалар ўз ҳолини тингламас,  
Мен ўлмасам, ўз элимдан кечмайман!  
Азиз бошинг оёғимга тенг эмас!<sup>91</sup>

– деб, таклифни рад этади.

Бундай мазмундаги мисралар достон ижро этилаётган худудлардаги юзлаб мард ўғлонлар тарбиясига таъсир килган. Шоир юрт меҳри ҳакида уларга ортиқча насиҳатлар килмай, юракларига она диёр киммати нақадар улуг эканини сингдириб кўя колади.

Профессор Ҳоди Зарифов шоир ҳәётининг сўнгги даври ҳакида ҳикоя килиб, баҳши ўз юртига бориб, бир қатор қўлёзмаларни топмоқчи бўлганини, янги-янги термалар, достонлар айтиб беришга ваъдалар қилганини ёзади. Бироқ оғир касалликдан Эргаш Жуманбулбул ўғли 1937 йил 12 май куни 69 ёшда вафот этади. Зукко баҳшидан қолган бадиий мерос бугунги кунда юртимиз келажаги учун хизмат килмоқда.

### Савол ва топшириклар:

1. Эргаш Жуманбулбул ўғли куйлаган достонлар бошқа баҳшиларнидан қандай фарқларга эга?
2. Баҳшининг қайси фазилати сизга маъқул бўлди?

<sup>91</sup> Ӯша жойда. – Б. 554.

3. Эргаш шоир куйлаган достонлардан ўқинг, құлланмадаги парчаларни ёд олинг.

#### Адабиётлар:

1. Эргаш шоир ва унинг достончиликдаги ўрни. Тадқиқотлар. 2-китоб. – Т.: Фан, 1971.
2. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – Москва: ОГИЗ, 1947. – С. 23-58.
3. Булбул тароналари. Беш томлик. – Т.: Фан, 1971.
4. Эргаш Жуманбулбул ўғли. Икки жылдлик. – Т.: 1971.





## ФОЗИЛ ЙҮЛДОШ ўғли

Бадиий адабиётда ижодкорнинг сўз санъати тараккиётига қўшган ҳиссаси яратган асарларининг сони, ҳажми билан ўлчаммайди. Бадиий адабиётнинг ривожланиш даражасини, аввало, маҳорат мезони белгилайди. Бу ўлчов, шубҳасиз, ҳалқ оғзаки ижоди намуналарига ҳам тааллуқлидир. XIX асрдан XX асргача ўзбек достончилигида юзлаб бахшилар ижод қилганлар, юзлаб достонларни айтганлар. Аммо бугунги кунда улардан бор-йўғи ўндан ортиқ бахшилар номи сақланиб қолган. Фозил Йўлдош ўғли номи эса энг таниклиларнинг таниклиси сифатида эъзозланади.

Ўзбек ҳалқ қаҳрамонлик эпоси ҳақида фикр юритилиганда, аввало, “Алномиш” достони тилга олинади. Бахшилардан бу достон 30 дан ортиқ варианtlарда тўлиқ ёки парчалар тарзида ёзib олинган. Аммо улар орасида энг машҳур ва мукаммал нусха 1928 йилда Махмуд Зарифов томонидан таникли олим Ҳоди Зариф раҳбарлигида ёзib олинди. Қизиги шундаки, достоннинг Ўғуз, Қипчок, Олтой, Қўнғирот версиялари орасида ҳам Фозил Йўлдош ўғли айтган нусха фольклоршунос олимлар томонидан энг мукаммали сифатида тан олинган.

Маълумки, 1952 йилда “Алномиш” достонига қарши сиёсий хужум уюштирилди. Бу пайтда Фозил Йўлдош ўғли тирик эди. Бизгача етиб келган хотиралардан биламизки, кекса бахши бу пайтда достонни қораловчи мажлисларда соатлаб ўтиришга мажбур бўлган экан, аммо қўйилаётган айбларни мутлақо тушуна олмаган экан, чунки саводсиз, ўқишини ҳам билмаган Фозил шоир ҳалқ қадриятларини тушуниш соҳасида танқидчи “олим”лардан тасаввур килиб бўлмайдиган даражада юкори турган.

Фозил Йўлдош ўғли 1872 йилда Самарканд вилояти Булунгур туманинга қарашли Бўдана ҳудудидаги Лойқа қишлоғида дехқон Йўлдош ака оиласида туғилади. 1873 йилда Лойқа қишлоқ аҳолиси Челак қишлоғи атрофига кўчишга мажбур бўлади. Аммо яшаш манзилининг ўзгариши оила маиший шароитида ижобий ўзгариш ясамади. Турмуш кийинчилигига чидай олмаган Йўлдош ака 1877 йилда вафот этади. Фозил оиласи янада оғир иктисодий аҳволда колди.

Фозил жуда ёш бўлишига қарамай Ғаллаорол қишлоғига бориб яшаш учун нон топиш илинжида оғир меҳнат қилишга мажбур бўлди. Бу ҳақда кейинчалик “Кунларим” термасида шундай дейди:

Олти ёшда қўмсаб-қўмсаб отамни,  
Оғир меҳнат эзи шўрли энамни.  
Эна-бала тополмадик бир нонни,  
Парча нон деб ўтган кунларим.

Етти ёшда ортди менинг кулфатим,  
Саккиз ёшда оғир меҳнат улфатим,  
Меҳнат учун синаб кўрдим кувватим,  
Тўққиз ёшга йиғлаб етган кунларим.

Тўққизимда бел боядим меҳнатга,  
Чўпон бўлдим, тушдим яна ғурбатга,  
Ишлаб едим, лекин қолдим миннатга,  
Парча нон деб миннат чеккан кунларим.

Дўмбирам куйлади менинг ҳолимни.  
Мен жўр бўлиб сўқдим бойни – золимни,  
Топдим, дўстлар, шунда дардкашларимни,  
Хақ-ноҳакни куйлаб чертган кунларим<sup>92</sup>.

Эътибор берган бўлсангиз, Фозилнинг ёшлиги мутлақо болалик қувончларидан маҳрум ҳолда ўтган. Ўртоқлари билан турли кўнгил очди ўйинлар ўрнига бир парча нонни гўдаклигидан меҳнат

<sup>92</sup> Фозил шоир / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. З-китоб. – Т.: Фан, 1973. – Б. 7.

билин топишга мажбур бўлди. “Кунларим” термаси эса унинг болалиги ҳақида бир асрдан ошган бугунги кунда тасаввур ҳосил килиш имконини беради, айни пайтда, ёшларимизни ота-боболарининг болалигидан ибрат олишга чакиради. Фозил Йўлдош ўғлида Эргаш шоирнинг ижодий муҳити бўлмаган. Фозил шоирнинг баҳшилар даврасига кириш жараёни анча мураккаб ўтган. Унинг достончилик сирларини ўзлаштириши турмуш ташвишларини бошидан кечириш билан уйғуналашган. Профессор Ҳоди Зарифовнинг маълумот беришича, Фозил шоир баҳшиликни ўзлаштиргунига қадар 19 ёшида ўз қишлоғига қайтиб, отасидан колган чорак таноб ерда дехқончилик килган, чорвачилик билан шуғулланган. Ҳатто Лойка кишлоғининг энг эпчил ўрокчиси номини олишга мусассар бўлади. Аммо ёшлигига ўрганган дўмбира машки унга тинчлик бермайди. Ҳавас йўлидаги харакатлари натижা бериб, ўз давридаги машҳур устоз баҳши Йўлдош булбул эътиборига тушади. Ўша пайтда Лойка кишлоғидан Йўлдош, Қўлдош, Суяр баҳшилар ўз устозлари анъаналарини давом эттираётган эдилар. Улар қаторидаги Йўлдош баҳши ўз даврида Йўлдош булбул даражасига етган баҳшига шогирдлик қилганди. Унинг Фозилга назари тушгани бўлаҗак “Алномиши” ижрочиси учун омад муҳри бўлиб қолди. Фозил шоирдаги иктидор, овоз, дўмбирачилик ишқи Йўлдош шоир маслаҳат ва кўрсатмалари заминида ривожланди. Охир-окибат 1897 йил атрофида 25-26 ёшларида Фозил таникли баҳшилар назарига тушди, Фозил шоир номини олди.

Халқ баҳхиси ҳамиша элининг дардини, аламини, замон ташвишларини ўз ижодида акс эттирган. Халқ ижтимоий ҳаётнинг энг оғир ва мусибатли даврларида айнан баҳши термаларидан тасалли тоғган, келажакка умид билан қараган. Бу масъулиятни Фозил шоир бутун вужуди билан хис килди. 1898-1908 йилларда Самарқанд вилояти экин майдонларини чигиртка офати босганида “Чигиртка” термасини яратди. Юртда қашшоқлик авжига чикқани сари баҳши ноласи ҳам авж олди:

Камбағалнинг ақли шошиб,  
Ўғил қизиман кенггашиб,  
Кеча-кундуз зор йиглашиб,  
Дўстлар, қадди камон бўлди<sup>93</sup>.

<sup>93</sup> Ўша жойда. – Б.16.

Аксига олиб чор ҳукуматининг маҳаллий ахоли бошига ёгдираётган зулми, адолатсизлиги ҳам кўпайди. Халқ фақат мутеъ ва қарам бўлишга мажбур эди. Норозилик билдирганлар шу захоти жазога тортилди. Айниқса, Жиззахда бош кўтарган ахолининг ваҳшийларча тўпга тутилиши дард устига чипқон даражасига етди. Фозил шоир бу давр воқеаларини “Маматкарим полвон”, “Жиззах кўзгалони” достонларида ифодалади. Бахши тажрибаси унга ўз даврида рўй берган воқеаларни ўта жонли лавҳаларда тасвиirlаши имконини яратди:

Ўз ҳолига кўймай халқни  
Кайта-кайта чиким солди,  
Урушда бўлган харажат  
Қайдан топиб бсрсин элат?  
Ҳамма бўлиб қолди ҳайрон,  
Нечовнинг ватани вайрон<sup>94</sup>.

“Жиззах кўзгалони” достонида солик ва ортиқча зулм устига ок подшоҳнинг Германия билан бўлаётган урушга мардикор юбориш хақидаги фармонига қарши халқнинг кўтарилиши ҳикоя килинади. Бахши нотиқларнинг нуткидан тортиб чор амалдорларининг талvasага тушгунига қадар хаёт лавҳаларини шундай баён қилдики, достонни эшитганлар ёки ўқиганлар ўзини ўша тарихий воқеалар иштирокчисидек ҳис қилди.

Фозил Йўлдош ўзбек фольклоршунослиги илмига 1922 йилдан маълум бўлди. Дастлаб, Фози Олим Юнусов, кейинчалик В.М.Жирмунский, Ходи Зарифов, Ҳамид Олимжон, Мақсад Шайхзода, Мухаммаднодир Саидов, Баҳодир Саримсоқов, бугунги кунда Тўра Мирзаев, Маматқул Жўраев, Абийр Мусақулов, Шомирза Турдимов, Жаббор Эшонқул каби олимлар бахши ижодини ўрганишда муҳим илмий тадқикотлар яратдилар.

“Алпомиш”, “Ёдгор”, “Ширин билан Шакар”. “Муродхон”, “Рустамхон”, “Малика айёр”, “Машриқ”, “Интизор”, “Балогардон”, “Нурали”, “Жаҳонгир”, “Фарҳод ва Ширин” каби кирққа яқин достонни Фозил Йўлдош ўғли истаган пайтда, исталган лавҳадан айтиб кетавериш салоҳиятига эга эди. Айниқса, “Алпомиш”ни куйлаш унинг учун алоҳида шараф ва хузур бағиши-

<sup>94</sup> Ўша жойда. – Б.19.

лар эди. Фозил Йўлдош ўғли қаҳрамонлик эпоси намунасини ижро этишда унинг достонини оддий одамлар тинглаётганини ёдидан чикармасди. Одамларнинг қалбини эса турли ҳис-туйгулар эгалла-ган бўлиши ҳам мумкин. Шунинг учун баҳши достонларида факат олий мезон билан ўлчанадиган жанг лавҳаларидан ташқари асар қаҳрамонларининг руҳий холатини ифодалашга ҳам диккат қиласди. “Алпомиш” достонидаги Барчиннинг Бойчиборга алам билан мурожаат қилиши бу фазилатнинг далили бўлишга арзигулиkdir:

“Курру-ё кур, ҳайт-а, тўрамнинг оти,  
Оқ тўшим яйловинг, сочим – шипиртки,  
Куйганимдан гапни гапга улайин,  
То ўлгунча сайисинг бўп юрайин.  
Эгам раҳм айласин қонли ёshima,  
Сабаб бўлиб қўшгин денги-дўshima,  
Олмосдай туёғинг қордай тўshima,  
Курру-ё кур, ҳайт-а, тўрамнинг оти!

Ўйилмай куймасин кулбаи хонам,  
Оҳ уриб ийғлайди мендайин санам,  
Қалмоқда колмасин гулдайин танам,  
Ўн икки ой сени Бойбури боқди,  
Гарданингга Қалдирғоч қўтос тақди.  
Ийғлатмагин Барчин гулдай бебаҳтди,  
Курру-ё кур, ҳайт-а, тўрамнинг оти”<sup>95</sup>.

Бу мурожаатни бефарқ эшитиш мумкин эмас. Уни тинглаганда, жуда бўлмаганда бир оз эътибор билан ўқиганда, инсон вужудида сеҳрли ўзгариш рўй бергандек туйилади. Ўзга юртда гарис бўлиб яшапидан чўчиган норасида қизнинг юрак дарди ифодаланган.

Фозил Йўлдош ўғлининг номи чиққан баҳшилар ўртасида муносиб ҳурматга эга бўлиши бежиз эмас, албатта. Бу ҳурмат тинимиз мөхнат, фавқулодда хотира эгаси бўлиш, ҳаёт тажрибасини айтилаётган асарга сингдириш, маҳорат ва букилмас ирода маҳсулни экани оддий ҳакиқатдир. Фозил Йўлдош ўғлининг ўнлаб достонлари халқ оғзаки ижоди туркумида юзлаб босма тобокларда

<sup>95</sup> Алпомиш. Ўзбек халқ қаҳрамонлик достони. Айтувчи: Фозил Йўлдош ўғли. – Т.: Шарқ НМАК, 1998. – Б. 153.

нашр этилди. Бугунги кунда бахшидан ёзиб олинган терма ва достонлар, унинг ижоди таҳлил қилинган китоб ва мақолалар сони 500 га етди.

Фозил Йўлдош ўғли 1955 йилда 83 ёшда ўз кишлоғида вафот этди.

Хуллас, Фозил Йўлдош ўғли ўзбек достончилигига машҳур ва улкан бахши сифатида шуҳрат топган халқимизнинг асл фарзандидир.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. *Фозил Йўлдош ўғлининг ўзбек халқ оғзаки ижоди ривожида тутганин ўрнини изоҳланг.*
2. *Бахши ижодидаги ижтиёмий ҳаёт ва бадиийлик тушунчаси қандай уйғунлашган.*
3. *Нима учун “Алпомиш” достони ҳақида мукаммал тасаввур ҳосил қилишида Фозил Йўлдош ўғли варианти муҳим хисобланади?*
4. *Барчиннинг Бойчуборга мурожсаатини ёки “Алпомиш” достонидан бошқа ўзингизга ёққан парчани ёд олинг.*

### **Адабиётлар:**

1. Ҳоди Зариф. Фозил шоир – машҳур достончи / Фозил шоир. – Т.: Фан, 1973. – Б. 5-29.
2. Мирзаев Т. Достонлар / Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 227-268.
3. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – Москва: ОГИЗ, 1947. – С. 23-58.
4. “Alpomish”. Doston. – Т.: Шарқ НМАК, 2010.



## МУҲАММАДҚУЛ ЖОНМУРОД ўғли ПЎЛКАН

Ўзбек достончилигига халқ эпоси намуналарини, мазкур санъат турини олий даражада ижро этган бахшилар жуда кўп бўлган. Ўнлаб улкан санъаткорлар асрлар давомида асл фарзандиар томонидан яратиб келинган достонларни меҳр билан айтиб маҳаллий аҳоли ўртасида шуҳрат топдилар. Уларни санъат муҳлислари бахши, шоир номлари билан эъзозладилар. Алоҳида маҳоратли бахшилар исми номига булбул сўзи қўшиб талаффуз қилинди. Аммо бахшилар куйлаган достонларга бир оз диққат билан назар ташласак, уларнинг ҳар бирида ўзига хос йўналиш, сўз танланш, куй ижро этиш усули борлигини сезамиз. Бу ҳақда баъзи фикрларни қайд қилганимиз ҳам. Хусусан, Фозил Йўлдош ўғли достонларни қаҳрамонли, Эргаш Жуманбулбул муҳаббатли қилиб айтишларини эслаганмиз. Бу жиҳатдан Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан айтган достонлар кўпроқ ўтмиш ҳақида ҳикоя қилиши билан ажralиб туради. Бахши ижро этган “Гўрўтлининг туғилиши”, “Юнуспари”, “Мисқол пари”, “Чамбил қамали” каби достонлар айнан “Равшан”, “Кунтуғмиш” достонларидан қадимийроқ турмуш воқеаларини баён қилиши билан фарқланади. Айнан ана шундай достонларни куйланш Пўлканга алоҳида завқ бағишлигар экан.

Муҳаммадқул Жонмурод ўғли Пўлкан 1874 йилда Самарқанд вилояти Хатирчи туманидаги Қатагон қишлоғида дехқон оиласида дунёга келади. Пўлкан Фозил шоирга ўхшаб ёшлигиданоқ етим қолади. У ҳам 10 ёшидан дехқончилик билан шуғулланади. Кўп ўтмай чўпонлик қила бошлайди. Шунинг учун подани маълум ўтлокка қўйганидан сўнг, уни назорат қилишдан бошқа иши бўлмайди. Натижада, дўмбира чертиб вакт ўтказишни одат қилади. Ўзича терма ва достонлардан парча айтишни ўрганади. Аммо

ундаги табиий иқтидор тез орада машхур баҳшиларнинг эътиборини ўзига жалб килди. Катта устозлик тажрибасига эга Жассок баҳши унга баҳшилик сирларини ўргатади. Муҳими, Жассок баҳши Пўлканнинг ўзига хос достон айтиш усулига тўсиқ бўлмай мустақил ижро қобилиятини ривожлантириди. Натижада, икки йил ўтар-ўтмай Пўлкан устоз баҳшилар синовидан муваффакиятли ўтиб, шоир номига муносиб топилади. Бу муваффакият Пўлканга ўз машқларига масъулият билан ёндашиб кераклигини таъкидлагандек бўлди. Жассок баҳшининг 4 йил у билан машқ килиши оқибатида баҳшилик тажрибасига эга бўлди. 25 ёшида синовдан ўтиб тахминан 1899-1900 йиллар атрофида номдор баҳши сифатида тилга тушди. Аммо у пайтда Муҳаммадкул баҳши деб аталган Пўлкан ўзига ўта талабчан инсон эди. Шунинг учун мустақил баҳшилар фаолият олиб бориш ҳуқуқига ва имкониятига эга бўлса-да, Жассок баҳшидан ажралмади. Устозининг ҳамма достонлари репертуарини тўлиқ ўзлаштиришга ҳаракат қилди, эшитган ва ўрганганларига муттасил янгиликлар киритиб борди. Лекин ҳаёт унга ўта мураккаб синов лавҳаларини тайёрлаб қўйган эди. Гап шундаки, 1914 йилда Муҳаммадкул Жонмурод ўғли 40 ёшда эканида чор Россияси подшоҳи фармонига биноан Туркистон ўлкасидан биринчи жаҳон урушида қора ишларни бажариш учун мардикорликка олинган маҳаллий ахоли қаторида она юртини ташлаб кетишга мажбур бўлди: қишлоғидаги Бўрибой исмли бир бадавлат одам мардикорликдан озод бўлиш маблағини тўлайди ва унинг ўрнига Муҳаммадкул мардикорликка олинади ва Россияяга жўнатилади. Бу сафар натижасида баҳшининг “Мардикор” достони вужудга келади. Унда оқ подшоҳ зулмига, ўзбек ҳалкига ҳеч қандай алокаси йўқ уруш ташвишларига бўлган норозилик ўзининг бадиий ифодасини топган. Пўлкан номи эса “полк” сўзидан олинган бўлиб, мардикор бўлиб юрган замонлардан хотира сифатида фронт оркасидаги полкда хизмат килгани учун унга тахаллус бўлиб колди.

Пўлкан ўтган асрнинг 20-йилларидан ўзбек фольклоршунос олимлари эътиборига тушди. Ҳоди Зариф, Буюк Каримов, Мансур Афзалов, кейинчалик ундан ёзиб олинган асарларни Охунжон Собиров, Муҳаммаднодир Саидов, Малик Муродов ўргандилар. Баҳши “Гўрўғлиниң туғилиши”, “Юнус пари”, “Гулнор пари”, “Авазхон” достонларини алоҳида маҳорат билан ижро этган. Шунингдек, “Ёдгор”, “Шайбонийхон”, “Қиронхон” “Кунтуғмиш”

достонларини ҳам ўзига хос усулда айтганлиги мәлум. Ўзбек фольклоршунослиги фани ривожига муносиб ҳисса күшган олимлар В.М.Жирмунский ва X.Т.Зарифов 1947 йилда нашр килинган “Ўзбек қаҳрамонлик эпоси” китобида Пўлкан ижросидаги “Қиронхон” достони 20000 мисра шеърдан иборат эканини алоҳида таъкидлаганлар<sup>96</sup>. Таникли олим Мансур Афзалов “Пўлкан шоир” китобида: “Пўлкан шоир чет эл босқинчиларининг айёрлик, кўркоклик сифатларини усталик билан кўрсатиб, душманлар образини ёрқин чизиб беради. “Райхон араб кўркувди”, “Ўлгандан кўрккан ёмон”, “Тиши тошдай уришиб” ва бошқалар...”<sup>97</sup>

Ҳар бир бахши ўз ҳалқини, ёш авлодини комил инсон сифатида тарбияланиши учун муносиб ҳисса кўшадиган асл инсондир. Пўлкан ўзининг устозидан Кўрғон достончилик мактабига хос усусларни мукаммал ўзлаштиргани учун бутун ижоди давомида ёшлиарни аждодларимиз қадриятларига нисбатан ҳурмат руҳида тарбиялашга алоҳида аҳамият билан қаради. Айниқса, “Гўрўғлиниг туғилиши” у ёддан билган 70 та достон орасида ўзининг воқеаларни аниқ ифодалаши, тилининг соддалиги, қадимги одатларни улуғлаб тасвирлашига кўра жуда ибратлидир. Хусусан, бахши яшаган ҳудудда Гўрўғлидек қаҳрамоннинг дунёга келиши ва тарихини билишга қизиқувчилар жуда кўп эди. Достонда эса Гўрўғлиниг Равшан синчи оиласида туғилиши, унинг ёшлиги, улгайиши ҳакида хикоя қилинади. Ҳалқ химоячиси ва ҳалоскори – Гўрўғли, Фирот қаҳрамонлигини элга танитиш эса ўзбекнинг ота-боболари нечоғлиқ мард, жасур эканликларини кўрсатиш воситаси эди. Ватанини мустакил асраш бахши достонларининг бош ғояси бўлди. Жумладан, “Чамбил қамали” достонидан қўйидаги парча фикримиз далилидир:

Ёвгарчилик бўлди энди ёронлар,  
Файрат қилинг, Чамбил элнинг хотини...  
Қовоқларни уйинглар,  
Киз-хотинни жийинглар,  
Пўпакни йигиб ташлаб,  
Сочни бошга туйинглар.  
Хотинликни қўйинглар,

<sup>96</sup> Жирмунский В.М , Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – Москва: ОГИЗ, 1947. – С. 47.

<sup>97</sup> Афзалов М. Пўлкан шоир. –Т.: Фан, 1955. - Б. 7.

Сарбо занжом кийинглар,  
Файрат қилинг, аёллар<sup>98</sup>.

Достон мазмунига кўра, Гўрўғли Воянганга кетганидан фойдаланиб душман Чамбилга хужум килади. Чамбил мудофаасига Юнус пари аёлларни сафарбар қилиб, Гўрўғлининг йўклигини билдирамайди. Гўрўғли душман ҳакида хабар топиб келгунига қадар Чамбилни химоя килади.

Мухаммадкул Жонмурод ўғли куйлаган достонлар факат мазмунан эмас, бадиий жихатдан ҳам мукаммал эди. Бахши ҳайратомуз муболағалар, чиройли сифатлашлар, ўхшатишларни кўллашда тенги йўқ санъаткор эди. Жумладан, халқ маколлари унинг шеърий мисраларига шундай сингиб кетар эдики, шоир маҳоратига қойил қолмаслик мумкин бўлмасди:

От бошига кун тушса,  
Сувлиқ билан сув ичар.  
Эр бошига кун тушса,  
Этиқ билан сув кечар<sup>99</sup>.

Мухаммадкул Жонмурод ўғли Пўлкандан ёзиб олинган ва нашр қилинган терма ва достонлар сони юздан ортиқ. Пўлкан устоз ва таникли баҳшилар қаторидан муносиб ўрин эгаллашга лойик ижоддир. У 1941 йилда вафот этган.

#### **Савол ва топшириклар:**

1. Пўлкан ҳаёти ва ижоди ҳақида сўзланг.
2. “Гўрўғлининг тугилиши” достонини ўқинг.
3. Пўлкан достонларидан парчалар ёдланг.

#### **Адабиётлар:**

1. Пўлкан шоир. Ўзбек халқ оғзаки ижоди бўйича тадқиқотлар. 4-китоб. – Т.: Фан, 1976.
2. Афзалов М. Пўлкан. – Т.: Фан, 1955. – Б. 10-14.
3. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – Москва: ОГИЗ, 1947. – С. 46-49.
4. Гўрўғлининг туғилиши. – Т., 1967.

<sup>98</sup> Уша жойда. – Б. 6.

<sup>99</sup> Уша жойда. – Б. 6.



## ИСЛОМ ШОИР НАЗАР ўғли

Бахши оддий ҳаётда қандай одам бўлганини билиш учун куйидаги лавхани эътиборингизга ҳавола қиласиз. Ёдгор бахши Исҳоқов сартарош дўсти Тиллаев ёрдамидан фойдаланиб, Ислом отага шогирд тушгани борганида мезбон унга:

Жуда соз, кидириб келдингми устоз? Лекин шоирлик қийин-да бир оз, агар шоир бўлсанг, бир ўлиб тирилишинг рост. Турқингта қарасам, ўзинг яхши, юзларинг қизил гулнинг нақши, сендан ҳам чиқиб колса эди-я бахши, ма, дўмбирани бир чертиб боқ-чи, Нарпай ариғидай бир шаркириб оқ-чи, – деб дўмбирани унга узатади.

Кунлардан бир куни Ёдгорнинг машқ шеърини ўқиб:

Шеърни бундай бўш килиб, қип-қизил гўшт килиб, думи юлинган қуш қилиб, шеър юрагини қиши қилиб ёзма! Шеърни соз килиб, коматини ғоз килиб, қулини дароз қилиб, келинчақдек серпардоз килиб, худди дор устида ўйин кўрсатаётган дорбоз қилиб, оҳангини дўмбирага мос килиб, ширасини кўп, сувини оз қилиб, шеър қўнглини баҳор-ёз қилиб, бургутдек баланд парвоз қилиб ёзгин, шеър кудугини юрак билан қазгин, – дейди<sup>100</sup>.

Биз – оддий одамларни ҳайратга соладиган тарафи шундаки, Ислом шоир тасодифий холатда, маҳсус тайёргарликсиз “соз, устоз, бир оз, рост; яхши, нақши, бахши; боқ-чи, оқ-чи” кофиясидаги сўзларни осонгина топган, ундан ҳам ажойиблиги бу қофиядош сўзларни шу заҳоти тузилган изчил жумлалар таркибиага жойлаган ва муайян мақсадни баён қилишга карата олган. Бахшилардаги яшин тезлигига фикрлаш, фикрни аксари қофияли сўзлар иштиро-

<sup>100</sup> Ёдгор бахши Исҳоқов. Устозим ҳақида / Ислом шоир замондошлари хотирасида. – Т.: 1981. – Б. 51-52.

кида гап тузилган ҳолда билдириш фазилати уларни оддий одам-лардан ажратиб туради. Чори бахши Ҳұжамбердиев, Қаҳхор бахши Раҳимов, Шомурод бахши Тогаев билан бўлган сұхбатларимизда бу вазиятни бир неча марта кузатганимиз, гувоҳ бўлганмиз. Шубҳасиз, Ислом отанинг сұхбати ўта нозик ва нафис иқтидор эгаси сифатида замондошлари хотирасида ўчмас таассурот қолдирган бўлиши табиий.

Ислом шоир Назар ўғли 1874 йилда Нарпай тумани Оқтош худудидаги Гала Қассоб кишлоғида камбағал чўпон оиласида туғилди. Оиладаги иқтисодий ноҷорлик оқибатида ёшлигидан ота-сининг ёнида ишлашта мажбур бўлди. 1884 йилдан Ислом чўпонликдан боҳбар инсон сифатида мустакил иш олиб бора олди. Бу касб Пўлканда бўлгани каби Исломни дўмбира чертиш заруратини пайдо килди. Унинг бетакрор ёқимли овози ҳамқишлоқларига маъқул бўлади ва кўп ўтмай дўмбирани турли қўшиқлар айтиб черта бошлайди. Ислом шоир ўзининг хотираларида шундай дейди: “Бир кун ўз кишлоғимда бир ўтиришда дўмбира чертиб, баланд товуш билан қўшиқ айтиб ўтирсан, Эрназар шоир ҳам келиб эшишиб ўтирган экан. Менинг товушим унга маъқул тушибди, шекилли, шоирликка бўлган ҳавасимни пайқаб, дарров отам қошига бориб, мени у кишидан сўрабди”<sup>101</sup>. Шу воқеа рўй беради-ю, Исломнинг ҳаваскорлик машқлари якунига етади. Эрназар шоир бутун хаёти давомида бахшилик санъати йўлида тўплаган тажрибасини, устозлик сирларини самимий нияти билан Исломга ўргата бошлади. Эрназар шоир Шаҳрисабз мактаби устозлари йўлини яхши биларди, аммо Қўрғон достончилиги вакили Жуманбулбулдан ҳам машқ олган эди. Шунинг учун Ислом шоир ижросида Шаҳрисабз ва Қўрғон бахшиларидағи энг ибратли хусусиятлар уйғунлашди.

Ислом Назар ўғли 26 ёшда мустакил бахши даражасига етишди. Бахши ўз хотираларида Жуманбулбул билан учрашганини эслайди. Улкан достончи Эрназар бахшига қараб: “Сиз шоигирдининг аслини топиб олибсиз, ишқивозлиги ҳам анча зўрга ўхшайди”<sup>102</sup>, – деган экан. Ҳақиқатан ҳам Ислом шоир, биринчидан, хотираси кучли ва бадиҳагўй эди; иккинчидан, овози ниҳоятда ёқимли ва эшитишли эди; учинчидан, ҳар сафар достон айтишдан олдин тингловчини дўмбира чертиб, сел қилиб олар экан, сознинг бу жўрлиги

<sup>101</sup> Ислом шоир Назар ўғли. Таңланган асарлар. – Т., 1953. – Б. 4.

<sup>102</sup> Ўша жойда. – Б. 4.

достон ижроси давомида ҳам даврага завқ бериб турар эди. Хулиас, Ислом шоирнинг достон айтиш махорати олимларнинг эслашига қараганда, мусиқийлиги, майнлиги, вокеаларнинг аниқ ва содда тарзда акс эттирилиши, бадиҳагўйлиги, ўрни келганда кулгили ифодаси билан ажралиб турар экан. Овознинг шираси достон файзига файз бағишилар экан. Шунинг учун Ислом шоир айтган 28 та достон ва сон-саноқсиз термаларини ҳамкишлоклари, қўшни худуддан келган ишқибозлар мароқ билан тинглаганлар.

Бахши ўз замондошларининг қалбларидағи фикр-мулоҳазаларини ошкор қилувчи сатрларни топа билмаса у машҳур бўлолмайди. Достон кечаларига йигилган муҳлислар факат достон ёки терма эшитиш учун келмайдилар. Тингловчи ҳамиша бахшидан дунёдаги вокеалар, қўшни вилоят, туман жуда бўлмагандаги қишлоклардаги янгиликларни билишга чанқоқ бўлади. Радио, телевидение, матбуотнинг бошқа турлари ривож топмаган пайтларда бахши ҳам журналист, ҳам нотиқ, ҳам бошловчи, ҳам сиёсий шархловчи, ҳам таникли устоз зиёли сифатида фаолият кўрсатган. Бир неча таникли устоз бахшилар иштирокидаги сұхбат кечалари ўзига хос оммавий ахборот воситалари вазифасини бажарган. Эргаш Жуманбулбул ўғли, Фозил Йўлдош ўғли, Муҳаммадкул Жонмурод ўғли Пўлкан, Ислом шоир каби иктидорли бахшилар эса матбуот марказининг иш юритувчилари бўлишган. Улар орасида Ислом шоирнинг муносиб ўрни бор. Чунки Ислом шоир “Орзигул”, “Гулихиромон”, “Зулфизар билан Аваз”, “Хирмондали”, “Кунтуғмиш”, “Соҳибқирон”, “Эрали ва Шерали”, “Тоҳир ва Зухра”, “Нигор ва Замон” каби ўнлаб достонларини айтиш жараённида юртдаги ижтимоий ўзгаришларни, янгиликларни, айrim шахслар ҳақидаги танқидий мулоҳазаларни ҳам баён этган. Ҳар бир хонанданинг алоҳида ўринли ашуласи, қўшиғи, шоирнинг шеъри бўлгани каби бахшиларда ҳам муҳаббат кўйган достонлари бўлади. Эргаш шоир “Равшан”, Фозил Йўлдош ўғли “Алпомиш”, Пўлкан “Гўрўғлининг туғилиши” достонларини киёмига етказиб айтишган. Ислом шоир Назар ўғлининг бундай гўзал ижро этадиган достони сифатида “Орзигул”ни кўрсатиш мумкин. Бу достонни Ислом шоир бошқача бир меҳр билан куйлаган. Достонда жаҳон адабиёти тарихида асрлар бўйи адиллар асарлариiga анъанавий мавзу ҳисобланган отанинг бехабар ҳолда ўз фарзанди – қизига ошик бўлиш вокеаси баён этилади. Орзигул совчи юборган шоҳ

ўзининг отаси эканини билгани заҳоти бокиб олган отаси Эрназар ёрдамида Хосхона мамлакатидан бош олиб чиқиб кетади. Достон марказида инсон маънавий дунёси поклиги, йўл қўйилган ҳар кандай хатонинг жазосиз қолмаслиги масаласи туради. Қарама-карши руҳий кечинмалар тасвирига бой бу достонда бахши тингловчи ёдида сакланиб коладиган бир катор образлар яратади. Айниқса, Орзигулнинг боғбон хонадонидан чиқиб кетиш лавҳасида ички кечинмалар ифодаси эътиборга лойик:

Жасадимда жоним бўлганди ғариф,  
Ўлганим яхшидир четларга бориб,  
Ушбу савдоларга жонимни бериб,  
Кетарман юртимдан, отадан кечиб.  
Пухта билгин, ота-эна, кетарман,  
Ўзга элдан бориб, макон тутарман.  
Кайтиб отам билан бирга туарман,  
Кулок солинг, Орзугулнинг зорига,  
Тургилик қилмади ушбу шаҳрига  
Кайтиб<sup>103</sup> ота лозим қизнинг бағрига?!<sup>104</sup>

Достонда инсон, ота, фарзанд, оила, бурч каби фалсафий масалалар оддий халқ нуқтаи назаридан таҳлил этилади, салбий хусусиятлар кораланади.

Ислом шоир Назар ўғли 1953 йилда 79 ёшида вафот этди. Унинг ҳаёти ва ижоди атоқли фольклоршунос олимлар Ҳоди Зарифов, Музайяна Алавия, Мансур Афзалов, Охунжон Собиров томонидан ўрганилган. Ислом шоирдан ёзигб олинган, нашр этилган бадиий асарлар, унинг ижодига бағишлаб нашр қилинган китоблар, мақолалар сони уч юздан кўп. Бахшидан мерос бўлиб колган достонларни халкимиз ҳамон севиб ўқимоқда.

### Савол ва топшириқлар:

1. Ислом шоир ҳақидаги Ёдгор бахши Исоқов хотирасини қисмларга бўлиб таҳлил қилинг.

<sup>103</sup> Кайтиб – қандай килиб.

<sup>104</sup> Орзигул. Достон. Айтувчи: Ислом шоир Назар ўғли. – Т.: Фан, 1956. – Б.12.

2. Бахши меҳр билан ижро қилган “Орзигул” достонини ўқинг.
3. Ислом шоирнинг ўзбек халқ бахшилари қаторидаги ўрнини изоҳланг.

### **Адабиётлар:**

1. Жирмунский В.М., Зарифов Х.Т. Узбекский народный героический эпос. – Москва: ОГИЗ, 1947. – С. 52-53.
2. Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни / Ўзбек халқ ижоди бўйича тадқиқотлар. – Т.: Фан, 1978.
3. Собиров О. Атоқли халқ шоири / Ислом шоир ва унинг халқ поэзиясида тутган ўрни. – Т.: Фан, 1978. Б. 3-9.
4. Афзалов М. Талантли куйчи / Ислом шоир Назар ўғли. Таъланган асарлар. – Т., 1953. – Б. 3-13.
5. Орзигул достони. – Т.: Фан, 1956.

---

## БОЛАЛАР ФОЛЬКЛОРИ

Болалар фольклори халкимиз оғзаки ижодининг таркибий кисмини ташкил этади. Унинг ўзи топишмоқ, тез айтиш, санамачоқ каби кўп жанрлардан ташкил топган. Катталар фольклоридаги кўшиқ, эртаклар болалар фольклорида фарзандларга мослаштирилган ҳолда яратилган бўлади. Аммо, достон, мақол, асқиялар мазмунан мураккаб ҳаётий муаммолар билан боғлиқ бўлгани сабаб болалар фольклорида учрамайди. Олимлар болалар фольклорини кимлар яратади, деган саволга жавоб беришга уринганлар. Ўзбек фольклоршунослигининг асосчиси Ҳоди Зарифов билан бир куни илмий сухбатда нима учун болалар фольклори ҳакида мақола ёзмаганларини сўрадик. Шунда устоз бу оғзаки ижод намуналари ўта сирли ва мураккаб эканини айтдилар ва мазкур асарлар ҳакида мақола ёзишга журъят этмасликларини тушунтирдилар. Уларнинг фикрича, айрим кўшиклардаги сирли ифодани изохлаш жуда мушкул экан. Масалан:

Чори чамбар  
Бори анбар.  
Она қиз қайда?  
Ола-була тоғда! –

кўшиғининг моҳият мазмуни аза билан боғлиққа ўхшайди. Биринчи ва иккинчи мисрада тобут тасвири бордек. “Чамбар” доира маъносини беради. Аммо чори чамбар деганда, тўрт бурчак ҳолда чегараланиш тушунилади. Бу эса тобутга алоқадор бўлиши мумкин. Энди “анбар”ни олайлик. Анбар “Эркаклар тобутининг тўрт бурчагида тик қоқилган таёкларга ўралган газлама, сурп; шунингдек, аёллар тобутининг тепасига ишком тарзида эгиб ўрнатилган тол ёғочлари устига ёпилган малла бўз”<sup>105</sup>. Кўшиқнинг 3 ва 4-мисраларида “Она қизи” сўраляпти ва “Ола-була тоғ” тилга олинмоқда. Бу эса устоз изоҳига кўра гўрни эслатади. “Хўш, – деган эдилар устоз, – бу кўшиқ харакат билан айтилади. Оҳангি шўх.

<sup>105</sup> Ўзбек тилининг изохли лугати. Беш жилдли. Биринчи жилд. - Т.: 2006. – Б. 82.

Унда одамни кўмиш билан боғлиқ мазмун нима қилиб юрибди. Буни изоҳлаш ўта мушкул”. Зеро, болалар фольклори юзасидан фикр юритганда, жуда эҳтиёткорлик билан ҳар бир сўз, ҳар бир ифоданинг моҳиятини хисобга олиш лозим. 1988 йилда Фарғона вилоятининг Бувайда туманига фольклор экспедициясига борганимизда талабаларимизнинг битта гурухи ниҳоятда гапга чечан 9-10 ёшлардаги бир бола билан учрашиб колган. Ундан қўшиқ, топишмоқ жанрларига мансуб матнлар ёзиб олишган. Суҳбатнинг охирда ўзи ўйлаб топган топишмоқни топишни сўраган. Топишмоқ қуйидаги матндан иборат эди: “Битта дараҳт. Дараҳтнинг тўққизта шоҳи бор. Ҳар бир шоҳнинг ўнг тарафида саккизта, чап тарафида саккизда барг бор – шуни топинг”. Талабалар дафтарларини назорат қилаётганда, шу топишмоқ ҳаммамизни ўйлашга мажбур килди. Охири топишмоқ матнидаги ракамларни ёзиб, уни топишга қарор қилдик. Рақамлар ёзилганда эса 1988 рақами аник кўринди ва жумбоқ жорий йил экани аник бўлди. Бунга ўхаш мисоллар экспедиция давомида тез-тез учраб туради. Айтмокчимизки, болалар фольклори матнини ижод қилишда бевосита ёшларнинг ўзи иштирок этиши инкор килинмайди. Лекин болалар фольклорининг салмоқли кисми асосан катталар томонидан яратилади. Бизнингча, ёзма адабиётда ўз асарларини болалар учун ёзадиган адиллар бор. Хусусан, Куддус Мухаммадий, Пўлат Мўмин, Худойберди Тўхтабоев, Анвар Обиджон, Ҳамза Имомбердиев каби шоир ва ёзувчиларнинг асарлари ўзбек болалар адабиёти ривожига муносиб хисса бўлиб қўшилган. Замон ўзгариб, китоблар нашр қилингани боис асарлар муалифлари ўз исмлари билан ёзган шеър, эртакнамо романлар, топишмоқларни нашр эттироқдалар. Китобларни нашр қилиш имкони йўқ қадим замонларда эса улар ёдга олинган ва авлоддан авлодга мерос бўлиб ўтган. Шундай қилиб, болалар фольклори деб аталаған сирли жавоҳирлар сандиги яратилган. Масалан, Тохир Муллабоевнинг битта топишмогини олайлик:

Ёғочдан силлик тани,  
Илма тешик бадани,  
Багридан ўтса ҳаво  
Таралар майин наво<sup>106</sup>.

<sup>106</sup> Муллабоев Т. Топишмоқлар. – Т.: Ғафур Гуломномидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 2001. – Б. 24.

Шоирнинг най – мусиқа асбобига бағишиланган топишмоғи болаларга маъқул бўлгани учун улар ёдлаган матнларини бир-бирларига айтадилар.

Ҳар ким ўз фарзандининг ақлий ва жисмоний жиҳатдан комил бўлиб етишишини хоҳлайди. Бола ёшлигидан эртак ва қўшиқлар таъсирида улғаяр экан, унинг маънавий қиёфаси шаклланади. Қувлашмачоқ, бекинмачоқ, чиллак, варрак учирин эса уни жисмонан чиниктиради. Бинобарин, асрлар давомида халқ болани ақл, фаросат, хотира машқлари ва турли жисмоний ҳаракатлар орқали балоғат ёшига етганида ҳаётга ҳар жиҳатдан етук инсонни тайёрлаш режаси асосида иш олиб борган. Ҳеч иккиланмай айтиш мумкинки, дунё илм-фани тараққиётига муносиб ҳисса кўшган ўнлаб алломаларнинг айнан бизнинг миллатимиз ва юртимиздан чиқишида болалар фольклоридаги қўшиқ, эртак, чандиши, топишмоқ, тез айтишлар хиссаси ҳам йўқ эмас.

Қадим замонларданоқ ҳаёт тажрибасини етук олимлардек тахлил қила олган халқимиз болалар фольклори асарларини жаҳон педагогикаси талаблари асосида яратишга эришди. Бу талабларнинг, энг муҳими, мазкур намуналар тилидаги соддалик, мазмундаги ёрқинлик билан белгиланган. Шунингдек, бу асарлар, албатта, тарбиявий аҳамият касб этгани ҳолда, болаларда халқига, ватанига, қадриятларга, аждодларига хурмат руҳини шакллантириши керак эди. Бола ҳаёт ҳақидаги дастлабки тажрибаларга эга бўлганидан уй хайвонларининг табиати ва хусусиятлари, ваҳший ҳайвонлардаги асосий белгилар билан эртаклар воситасида билиб олади. Айни пайтда, гўзаллик қадрига етиш, ҳис-туйғуларни ифодалай олиш йўлларини ўрганади.

Бола гўдаклигидан онасининг алласини эшигади. Севимли шоиримиз Чўлпон она алласидаги сехрли дунё ифодасини шундай таъриф этади: “Бир бола ухламаса, алла айтадилар. Бола тез ухлаб кетар. Чунки ул андин бир лаззат ҳис килур”. Бола руҳига қилинадиган таъсир, аввало, она меҳри, она қалбидаги муҳаббат билан йўғирлган бўлади. Кексаларимиз алладаги бола руҳига иймон, ватанга муҳаббат, халқига хурмат, ўзи туғилган оиласа иззат сингдириши фазилатини кўп қайд қилганлар. “Алла” лугавий жиҳатдан “чархпалак бўлмоқ”, “йиқилмоқ” маъносини ҳам беради. Айни пайтда бу сўзнинг “Аллоҳ”дан олингани ҳам олимлар томонидан қайд этилган. Халқ қўшиқларининг бу тури деярли ҳамма халқ оғ-

заки ижодида бор. Уни руслар “колыбельная”, грузинлар “нанина” деб аташади. Ҳатто Маҳмуд Кошғарийнинг “Девону луготи-турк” асарида “бешик” сўзи бор. Бешик бўлганидан сўнг мантиқан болани овутиш қўшигининг бўлишини табиий ҳол деб қабул килиш лозим.

Алла қўшиклари мазмунан бир неча кўринишда бўлиши мумкин:

1. Онанинг фарзанд кўрганига шукр қилиши.

2. Фарзандга баҳт тилаши, унинг келажагини Яратғандан сўраши.

3. Ёш онанинг хис-туйғуларини ифодалаши, баъзан турмушдан ҳасрат қилиши. Аммо алланинг мазмуни қандай маънони ифодалашидан қагъи назар онанинг фарзандига бўлган муҳаббати устуворлик қиласи.

Асрлар давомида миллиатимизнинг ижодкор вакиллари томонидан яратилган ҳалқ қадриятларидан бири бўлган алла момодан онага ўтаётган маънавий меросдир. Академик Ғафур Ғулом ҳазрат Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достони бешинчи бобидаги:

Бешик даврида чинию хитойи,  
Бўлиб юз нўш лаб дастонсаройи.  
Кўзининг нози элдин элтиб уйку,  
Анга уйку кетурмакка навоғ<sup>107</sup>.

байтларига: “Бешик атрофига чинликлар ва хитойликлар йигилиб, юз оҳанг билан алла айтар эдилар. Боланинг кўзидаги ноз бошқаларнинг кўзидан уйқусини кочирав ва улар Фарҳоднинг уйқусини келтириш учун алла айтар эдилар”<sup>108</sup> – деб изоҳ беради. Фарҳоднинг улғайганида буюк Навоий ҳавас қиласи даражада баркамол инсон бўлиб етишишида ана шу аллалар таъсирини ким инкор этади. Ахир дунё таниган олимларимиз, ғазалу достонлар битган адилларимиз гўдаклигига алла эшитиб улғайган-ку. Тиббиёт илмининг буюк алломаси Абу Али ибн Сино инсон соғлигига товуш ва оҳангнинг, алланинг жуда муҳим аҳамият касб этишини қайта-қайта таъкидлаган эди.

Аллани она жуда берилиб айтади. Баъзан аллани эшитган одам онанинг ўзи аллага айланиб кетди, шекилли, деб ўйлади. Аммо шу пайтда она боласининг аллани тушунмаслигини хаёлига ҳам

<sup>107</sup> Алишер Навоий. Фарҳод ва Ширин. – Т.: 1956. – Б. 78.

<sup>108</sup> Уша жойда. – Б. 79.

келтирмайды. Қолаверса, бунинг аҳамияти ҳам йүқ, чунки муайян лахзада она хаёллар оламида сайр киласынан бўлади. Бола учун эса бешикнинг бир маромда тебраниши ва алла куйи аҳамиятгидир.

Ўзбек болалар фольклори таникли олим Гани Жаҳонгиров ва профессор Охунжон Сафаров томонидан ўрганилган. Хусусан, О.Сафаров она айтадиган аллалар мазмун ва композиция жиҳатдан турларга бўлинишини кўрсатади: пароканда, воқеабанд, майший, тарихий аллалар мавжуд бўлиб, улар бир-биридан фарқ қилади. Ҳар бири мустақил мазмун билдирувчи тўртлик аллалар пароканда хисобланади:

Мен сени алла қиласай, алла,  
Кўтариб катта қиласай, алла.  
Алла жоннинг роҳати, алла,  
Уйку кўзнинг роҳати, алла.

Ўрик ёғоч бешигинг, алла,  
Ўргилиб кетсин онанг.  
Тут ёғочдан бешигинг, алла,  
Термулиб ўтсин онанг, алла.

Пароканда – тартибсиз, тарқатилган маъносини ифодалайди. Бинобарин, пароканда аллаларнинг ҳар бирини алоҳида айтиш мумкин.

Воқеабанд аллаларда мисралардаги мазмун бир-бирига боғланади, яъни воқеаси бандланган – боғланган бўлади. Уларни олдинмакейин айтиш мумкин эмас:

Паст-пастгина тепадан,  
Тойдим тушдим-о, алла.  
Қўлимга қайчи олиб-о,  
Сенга - қўғирчогим-о,  
Чопон бичдим-о, алла.

Енглари тор келмасин, деб  
Қўлингга қараб-о, алла.  
Чопон бичган қўлимни-ё,  
Менинг тойлоғим-о, алла,  
Ойи бордир-о, алла,  
Жоним болам-о, алла.

Маълум бўладики, воқеабанд аллаларнинг мазмунан бирлиги уларни аралаш ёки алмаштириб ижро этишга йўл кўймайди.

Маиший аллаларда лирик йўналиш етакчи бўлади. Агар аввалиги тур аллаларда она мақсади, асосан, алла айтишга қаратилган бўлса, маиший турда она энди алла айтишдан ҳам кўпроқ ўзининг ички ғамини, дард-ҳасратни ифодалайди. Энди алла фақат восита вазифасини ўтайди. Бош максад эса, ҳис-туйғуни ифодалашга қаратилган бўлади:

Шафтоли шохига зар, алла,  
Файноли баргига зар, алла.  
Мен дадангга интизор, алла,  
Кўз тикарман бекарор, алла.

Бу аллани кўпроқ эри урушга кетган, узоқ ва хавфли сафарларда қатнашаётган ва оила эркаксиз қийналаётган пайтларда айтишган. Улар лирик асарлар сифатида айтувчи ички кечинмаларини ифодалаган.

Тарихий аллалар нисбатан кам айтилган. Уларда муайян давр, воқеа-ходиса акс этган:

Афғонистон тоғлиги-ё, алла,  
Ялтиллайди балиғи-ё, алла.  
Кундан-кунга ортади-ё, алла,  
Амирликнинг солиги-ё, алла.

Шундай қилиб, болалар фольклорига нисбат бериладиган аллалар онанинг қалб қўшиги ҳисобланган. Бола алланинг сўзини тушуммаган, куйидан роҳат олган. Она бўлса, бир томондан, кувончини, иккинчидан, алами ва дардини айтиб кўнглини бўшатган. Натижада, ҳар икки тараф: она ҳам, бола ҳам ютуқда қолган.

Болалар фольклорининг яна бир жанри эртаклардир. Болаларга мўлжаллаб яратилган эртаклар сюжетдаги яхлитлик, тилдаги соддалик, воқеалар баёнидаги тақрорийлик хусусиятлари билан ажralиб туради. Матнлар ҳажми чекланган бўлади. Кўпроқ маърифий мазмундаги ҳайвонлар ҳақидаги эртаклардан ташкил топади. Лайлакнинг тумшуғи узунлиги, бургутнинг эркинлиги, бўрининг ваҳшийлиги, отнинг сезиги жонивор эканлиги ҳақида эртаклар

яратилади. Бола уларни эшитиш билан ҳам ҳаёт тажрибасини ўзлаштиради, ҳам сокин бир вазиятда уйқуга майиллик сезади. Кўпинча, бу тур эртакларда бир хил воқеанинг бироз фарқ билан тақорланиши кузатилади. Масалан: “Қарға билан қўзи” эртагида Қарға Кўзини емокчи бўлади. Кўзи Қарғага тумшуғини ҳалоллаш учун келади. Дарёдан сув олиш учун қўза кераклигини айтиб, уни кулолга жўнатади. Кулол қўза қилиш учун тупроқ олиб келишни айтади. Эртак давомида турли сабаблар билан қарғани кийикка, ит эгаси Пўлатвой акага, сигирга, Тошвой акага, ўтга, устага, кўмирга жўнатишади. Охири Қарға ўрокни олиб келаётганида, ўроқ қанотини кесиб кетади ва Қарға мақсадига ета олмайди. Аммо эртакнинг охиридаги Қарғанинг сўзлари бу ҳаётда ҳамма нарса бирбирига боғлиқ эканини тасдиқлайди. Унинг нутқи эртак мазмунини жуда бойитиб юборувчи монологдан иборат бўлиб қолади.

Қарға бу ердан ҳам учеби, ўшал кўмирчиларнинг олдига бориб:

– Кўмирчи ака, кўмирчи ака, беринг кўмир, қилсин ўроқ, ўрай куроқ, есин сигир, берсин сут, исчин този, қувсин кийик, ташласин шоҳ, казий тупроқ, қилсин қўза, олай сув, чайқай тумшук, семиз, аъло, ейман қўзи, – дебди.

Эртакдаги Қарға нутқига дикқат қилсак, қўзани кулол, ўрокни темирчи қилиши ҳакида маълумот оламиз. Айни пайтда, бутун эртак мазмуни шу жумлада мужассамлашган. Дарё, темирчи, кулол, кийик, дала – ҳаммаси қўзи тарафида. Кўзи эса эзгулик тимсоли. Қарға нима учун мақсадига ета олмагани эртак моҳиятидан англашилади.

Маълумки, “Моҳистара”, “Сув қизи” каби эртаклар, асосан, балоғат ёшига етганлар учун яратилган. Аммо бу эртаклар қаторидаги айрим намуналарни болалар учун ҳам айтилганлигини тахмин қилиш мумкин. Хусусан, биз бу ўринда “Уч оғайни ботирлар” мазмуни ва баён услубига ўхшаш асаларни назарда тутмоқдамиз. Чунки “Уч оғайни ботирлар”да асосий мақсад ёш фарзанддаги иродада, зехн, ақл, фаросат фазилатларини ривожлантиришга қаратилган. Отанинг насиҳатига дикқат қиласлийк:

1. Тўғри бўлинг – бехавотир бўласиз.
2. Мақтанчоқ бўлманг, уятга қолмайсиз.
3. Дангаса бўлманг, баҳтсиз бўлмайсиз.

Ота насиҳатида инсон ҳаётининг мазмуни мужассамлашган. Учта маслаҳатга амал килган фарзанд хавотирсиз яшаса, уятга қолмаса, баҳтсиз бўлмаса, унга яна нима керак? Яъни эртак бевосита болалар фольклорига мансуб бўлмаса ҳам уни моҳият ва бажариш вазифасига кўра бу тур қаторида тасаввур қилиш мумкин. Чунки бу эртак ниҳоятда ҳаётийлиги ва воеалар тизими ning самимийлиги билан эътиборимизни қозонган.

Болалар кўшиклари ҳам эртаклар каби муайян фаркларга эга. Аввало, болалар кўшиклари кўпинча ўйин ва жисмоний харакатлар билан айтилади. “Бойчечак”, “Офтоб чиқди оламга”, “Оқ теракми, кўк терак”, “Читтигул”, “Лайлак келди, ёз бўлди”, “Ёмғир ёғалоқ” каби ўнлаб кўшиқлар болалар ижроси репертуарини ташкил этади. Эътибор берган бўлсангиз, уларнинг деярли ҳаммаси йил фасллари билан боғликдир. Улар мазмунига кўра баҳор ва ёз кунлари айтилади. Хусусан, “Бойчечак” қиши бўйи кора қор остида совуқдан зериккан ернинг куёш нурларидан баҳра олиб бағридан чиқарган биринчи чечакка бағишланади. Уни бигта яккахон қўшиқчи бошлайди, болалар нақаротга қўшиладилар:

Бойчечагим бойланди,  
Козон тўла айронди.  
Айронингдан бермасанг,  
Козон-товоғинг вайронди.

Нақарот:

Қаттиқ ердан қақалаб чиққан бойчечак,  
Юмшок ердан юмалаб чиққан бойчечак.

Профессор О.Сафаров болалар фольклорининг таникли мутахассиси сифатида жуда кўп қўшиқ намуналарини ёзиб олган. Ана шу ёзилган асарлар қаторида куйидагилар қайд этилган:

Шафтоли пишди,  
Тагига тушди.  
Хомини уздим  
Дадам уришди.

ёки:

Лайлак келди, ёз бўлди,  
Қаноти когоз бўлди.

Лайлак боради токқа,  
Кулокларида ҳалқа.  
Ҳалқани оп кочайлик,  
Эл бошига сочайлик.  
Элнинг муроди кулсин,  
Лайлак баландроқ учсин.

Нисбатан кам бўлса-да, қиши фасли билан боғлиқ қўшиклар ҳам учрайди:

Кор ёғди гупиллатиб,  
Кор бува тўққиллатиб,  
Кириб келди мактабга  
Соколин селкиллатиб.

Болалар қўшиклари булбул, чумчук, киргий, қарга, каклик, мусича каби күшларга ва эчки, қўзи, қуён, ит каби ҳайвонларга атаб тўқилган лирик парчалардан иборатдир:

Ағам-бағам тишини кўрдим,  
Юргурганда тилини кўрдим.  
У чопарди дукур-дукур,  
Қуён экан харом ўлгур.

Шундай қилиб, оғзаки ижодимиздаги ҳалқ қўшикларининг таркибий кисмини ташкил қилувчи болалар қўшиклари кўпинча йил фаслларига, қуш ва ҳайвонларга, табиятдаги ўзгаришларга багишланган бўлиб, мазкур нарса-предметлар ва ватан манзараларига нисбатан муносабатларнинг бадиий ифодаси сифатида баҳоланади. Бу қўшиқлардаги мисралар бўғин сонига кўра 6-8 тадан ошмайди. Қўшиқдаги мисралар сони 6, 8, 10 тани ташкил этади. Бу хусусият уларни ўйнаб ижро этиш имконини беради.

Олимлар фикрича, тез айтишлар болалар фольклорига нисбатан кейин қўшилган жанр ҳисобланади. Улар аввал “тутал”, “чалғитув”, “чалиш”, “адашиш” атамалари билан машхур бўлган. “Тез айтиш” эса кейин қўлланган. Вакт ўтгани сари бу жанр катталардан болалар фольклорига ўтган. Қадимги қоидаларга биноан тез айтишни бир нафас олиш билан айтиш талаб қилинган.

Қадимги тез айтишларда эса талаффуз қилиш осон бўлмаган сўзлар сони кўп бўлган. Шунинг учун уларни авваллари катталар фольклорига мансуб берадилар. Ёш бола уларни бир нафасда айта олмаган. Ҳозирги кунда бундай намуналар болалардаги айрим товушларни талаффуз қилиш қийин эканига кўра танланади. Масалан, “р”, “л”, “с”, “ш”, “ч” товушларини аниқ айтиши мўлжалланган тез айтишлардан қўпроқ фойдаланилади:

Чархим чакалак,  
Таноби чархим чакалак,  
Чархимда гуноҳ йўғу.  
Ўзим ҳакалак.

“Р” товуши талаффузига бағишлиланган қуйидаги тез айтишга эътибор беринг:

“Бир туп тут. Бир туп турп.  
Бир туп тут, бир туп тутнинг тагида бир туп турп.  
Бир туп тут бир туп турпнинг томирини туртиб турибди.  
Бир туп турп бир туп тутнинг томирини туртиб турибди.  
Бир туп тутнинг томирини туртиб турган бир туп турпнинг томирини бир туп тутнинг томири туртиб турибди.

Бир туп турпнинг томирини туртиб турган бир туп тутнинг томирини бир туп турпнинг томири туртиб турибди”.

Биз юқорида тез айтиш катталар фольклорига мансуб бўлган деганимизда ана шу матнни назарда тутган эдик.

Бу жанр қўпроқ болалар ўргасида айтиладиган бўлганидан сўнг матн ҳажми кисқарган. Ҳусусан, қуйидаги кўринишларга эга бўлган:

Оқ чойнакка кўк қопқоқ,  
Кўк чойнакка ок қопқоқ.

Қишда кишиши пишмасмиш,  
Пишса кишиши, қишиши.

Баъзан тез айтишларда ўзига хос ширин кулгили вазиятлар ҳам акс этиши мумкин: “Намангандга бор экан бир уста Муса пуч пистапуруш. Ўша уста Муса пуч пистапурушнинг олтмиш қоп пуч

пистаси бор экан. Олтмиш коп пуч пистаси бўлса ҳам ўша уста Муса пуч пистапуруш. Олтмиш коп пуч пистаси бўлмаса ҳам ўша уста Муса пуч пистапуруш”.

Айтиш мумкинки, халқ ижодидаги тез айтиш шоирларимизга ҳам таъсир қилди. Кўп шоирларнинг тез айтишлари телевидение, радио, кичик синфлар учун тузилган дарслик ва қўлланмалардан ўрин олмоқда.

Ёш йигит-қизлар ўртасида *санамаларни билмайдиганлар* бўлмаса керак. Ёшлигимизда ўйнаган кувлашмачоқ, бекинмачоқ ва бошқа ўйинларда кимдир хизматда қолиши керак бўлган. Гурух иккига бўлинганда, холислик талаб қилинган. Ана шундай вазиятларда санамаларга мурожаат қилганимиз. Санамалар матнларида эса биз эътибор қилмаганимиз ҳолда бир неча мақсадлар назарда тутилган. Аввало, кичикроқ ёшда эканимизда санашибни ўрганганимиз. Ундан ташқари кофиялар, истиоралар, сифатлаплар ёдимиизда сақланиб қолган.

Олимларнинг маълумот беришича, санамалар турли халклар оғзаки ижодида кент таркалган жанрdir. Русларда “считалка”, тожикларда “шумурак”, туркманларда “санавоч”, татарларда “санашу” деб аталади. Улардаги умумийлик санашиб билан бобликлиқда ва матнларни кофияга риоя қилишда намоён бўлади. Бу хусусият уларни ёдлашда қўл келади:

Қовун палак,  
Гувак отди.  
Гувак эмас,  
Чувак отди.  
Чувак қовун  
Ширин экан,  
Сафдан чиқсин  
Кўлим теккан.

Ўзбек болалари фольклори тадқиқотчиси О.Сафаров маълумотига қараганда, 800 мисрага яқин ҳажмда 150 дан ортиқ санамалар аникланган. Юқоридаги ракамлардан ўзбек фольклорининг бу тури ҳам нақадар бой ва ранг-баранг экани маълум бўлади.

Болалар фольклоридаги яширин тил жанри ўн-ўн беш ўшдаги ўғил-қизларимизнинг ижод қилиш завқи қанчалар кучли эканини

далиллайди. Аввало, бу ёшда рухий жиҳатдан болада ҳаёт романтикаси тараккий этган кўринишда бўлишини таъкидлаш зарур.

Бу давр сирли имо-ишораларга, сирли саёҳатларга чиқиши режаларига, сирли келишувларга бой бўлади. Шулардан бир кўриниши ёки шакли сифатида сирли тиллашувни эсга олиш мумкин. Ҳақиқатан ҳам, одам ўйлаб кўрса, икки киши сўзлашса-ю, ҳеч ким уларнинг сұхбатини тушунмаса, қандай марокли. Абдулла Қодирий “Ўткан қунлар” романидаги “Кумуппнинг сўз ўйини” бобида Отабек билан Кумуш сұхбатини сирли парда остида тасвирлаган. Зайнаб Кумушнинг Отабекка айтган дил сўзларини мутлақо тушунмайди. Бу билан ёзувчи ўзбек табиатидаги яна бир гўзал фазилат ҳақидаги ўз тасаввурини китобхонга етказган эди. О.Сафаров томонидан “Яширин тил” деб шартли равишида номланган жанр ҳам ўзига хос кашфиётлардан бири сифатида баҳоланиши мумкин. Олимнинг таъкидлашича, яширин тилнинг вужудга келишида З йўналиш мавжуд:

1. Бўгиндан сўнг бўгин қўшиш орқали негизида сўзни сунъий равишида синдириган ҳолда чўзиши ҳисобига ҳосил қилинган яширин тиллар.

- Мазан Қозодизирнизи ўзортозофизим дезеяза озолмазаймазан.
- Незегаза?
- Хазабазарказашлизик қизилазадизи.
- (– Мен Қодирни ўртоғим дея олмайман.
- Нега?
- Хабаркашлик килади).

2. Бўгин ёки товуш олдидан товуш қўшиши асосида ҳосил қилинган яширин тиллар.

- Чмен чга чдаф чта чринг чни чбе чриб чтур.
- Чўз чимчга чкерчак.
- (– Менга дафтарингни бериб тур.
- Ўзимга керак).

3. Сўзни тескари айтиш.

- Инамирак имгнидрўк?
- Кўй.
- (– Каримани кўрдингми?
- Йўк)<sup>109</sup>.

<sup>109</sup> Сафаров О. Болаларнинг яширин тиллари / Фольклор – бебаҳо ҳазина. - Т.: Муҳаррир, 2010. – Б. 275-284.

Юқорида қайд қилингандар асосий усуулар ички келишилгандар тартиб билан бошқача қоидалар билан бойиши натижасида янги янги яширип тил кўринишларини касб этиши мумкин.

Болалар фольклори хақида аввалги сахифаларда юритилган муносабатлар халқимизнинг фарзанд тарбиясига, халқ ва юрт кела жагига ўта масъулият билан муносабатда бўлиш туйғуси қанчалар кучли эканини далиллайди. Иккинчи томондан, авлод ҳам вояга етганидан сўнг аждодлар хотирасига ҳурмат билан муносабатда бўлган. Чунки халқ қадриятларини эъзозлаш, тарихимизга эҳтиром билан муносабатда бўлиш алла оҳангидан жисмимизга сингиб кетган. Эртаклар, тез айтиш, топишмоқ, санамалар, кўшиклар билан овунганимиз. Охир-оқибат бу асарлар бизнинг рухан, табиатан ўзбек бўлиб вояга етишимизга хизмат килган.

### **Савол ва топшириқлар:**

1. *Болалар фольклорининг катталарап фольклоридан фарқ қилувчи ва ўхшаши жанрларини алоҳида-алоҳида айтинг, изоҳланг.*
2. *Болалар фольклорига мансуб асарлар қандай хусусиятларга эга бўлиши керак? Нима учун?*
3. *Бу жанрга оид асарлардан намуналар ёзаб олинг. Ёдланг.*

### **Адабиётлар:**

1. Жаҳонгиров F. Ўзбек болалар фольклори. – Т.: Ўқитувчи, 1975.
2. Сафаров О. Ўзбек болалар поэтик фольклори. – Т.: Ўқитувчи, 1985.
3. Сафаров О. Фольклор – бебаҳо бойлик. – Т.: Мухаррир, 2010. – Б. 231-284.
4. Бойчечак. Кўшиклар. – Т.: 1984.

## ЎЗБЕК МАРОСИМ ФОЛЬКЛОРИ

“Инсонга сиҳат-саломатлик тилаш, унинг турмушида тўкин-сочинлик, кундалик хаётида омад келтириш ёки инсон ҳаётининг муҳим нукталарини қайд этиш, нишонлаш маҳсадида маҳсус ўтказиладиган, ҳалк орасида қатъий анъанага айланаб қолган хатти-ҳаракатлар маросим”<sup>110</sup> – дейилади. Таниқли олим Баҳодир Саримсоқовнинг таърифидан маълум бўладики, маросим ҳалк орасида қатъий анъанага айланган тадбир хисобланар экан.

Инсон туғилганидан то ҳаётдан кўз юмгунига кадар ўнлаб маросимлар гувохига айланади. Гоҳида унинг марказий қаҳрамони, гоҳида иштирокчи, гоҳида оддий кузатувчи бўлади. Аммо маросимлар ҳаётнинг ажралмас кисми сифатида ҳамиша ҳамроҳликда содир бўлаверади.

Маросим араб тилидаги “марсум” (مرسوم) сўзидан олинган бўлиб, 1 – чизилган; 2 – расм қилинган; 3 – одат бўлган маъноларини англатади. Муайян қоидалар асосида чизилган, миллат томонидан расм қилинган ва одат тусига кирган тадбирларни эса шартли равишда уч турга бўлиш максадга мувофиқдир.

1. Оиласий маросимлар. Улар, одатда, бирор шахс ёки оила аъзоси ҳаётидаги муҳим воқеалар муносабати билан амалга оширилади. Оиласий маросимлар иштирокчилари қариндошлар, кудандалар, дўстлар, таниш-билишлар, кўшнилар ва маҳалладошлар иштирокида ўтади.

2. Табиатда рўй берган ўзгаришлар, муайян одат, расм-руsum билан алокадор ва маълум даражада зарурат оқибатида ташкил қилинадиган маросимлар. Бундай маросимлар баҳор, ёз, куз, қиш фаслларида уюштирилади. Уларда бирор кишлоқ, маҳалла, туман аҳолиси қатнашади. “Шоҳ мойлар”, “Суст хотин”, “Чой момо”, “Дарвишона” кабиларни шулар жумласига киритиш мумкин.

3. Умумхалқ байрамлари муносабати билан тантанали равишда ўтказиладиган маросимлар. Бундай маросимларга Мустакиллик байрами, Наврўз байрами, Ийди Рамазон, Ийди Курбон, Ҳосил байрамлари нисбат берилади. Умумхалқ байрамлари бутун мамлакат миқёсида нишонланади. Ҳар бир оила бундай маросимларга ўзининг хиссасини кўшишга ҳаракат қиласи.

<sup>110</sup> Саримсоқов Б. Маросим фольклори. Ўзбек ҳалқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 116.

**Оилавий маросимлар.** Халқ тажрибасидан ўтиб, анъанавий тус олган оилавий маросимлар, асосан, уч турдан иборат бўлади. Уларни тўй, мотам, бирор оила аъзоси ҳаётидаги муҳим воеа (касалдан тузалиш, илмий даража олиш, ҳаж сафарини бажо келтириш ва бошқалар)нинг рўй бериши муносабати билан ўтказиладиган йигинлар ташкил этади.

Одатда, янги оиласинг пайдо бўлиши никоҳ тўйлари билан бошланади. Қизни турмушга бериш ҳаракатини оиласига совчи келиш белгилаган. Махмуд Кошғарийнинг “Девону луготи-т-турк” асарида “сав” сўзининг хабар бериш маъноси борлиги кайд этилган. Шу маълумотга асосланиб “совчи” миллый тилимиздаги энг қадимги сўзлардан эмасмикан, деган фикрга бориш мумкин. Чунки совчи бўлажак келин оиласига куёв ҳақида, унинг шу қизга уйланиш нияти борлиги ҳақида, куёвга эса келиннинг рози, рози эмаслиги ҳақида хабар берувчи элчи ҳисобланади. Тўй маросими ҳам тўй олиб келиш, индовчи юбориш, зиёфат бериш, ёр-ёр айтиш, тортишмаочоқ, айрим вилоятларда кампир ўлди, қўл силатди каби катор кичик саҳнали маросимлардан иборат бўлади. Аслини олганда, ҳар бир тўй келин ва куёв яшайдиган ҳудуд аҳолиси томонидан йиллар давомида ўйлаб топилган саҳна – сценарий асосида ўтказилади. Унинг иштирокчиси бошқа бўлади, холос. Яъни иктисодий таъминланиш, эл-юргидаги ҳурмати, тўй ҳаражатига муносабати тўйнинг уюштирилиш сифатини белгилайди. Тўй маросимларининг шартлари ҳаётнинг ўтиши билан ўзгариб туради. Масалан, узоқ қадимги замонлар куёв бўлмиш йигит ўйланажак қизни жисмоний жиҳатдан енгиши лозим бўлган. Кейинчалик бу шарт қизга талаф чиқаётган йигитлар ўртасидаги курашга кўчган. Яна ҳам кейинроқ бу шартлар ҳам ўзгарган. Ҳар бир ҳаракатда сўз иштирокидаги удумлар бўлган. Ҳозир бу удумлар кўпроқ совчиларнинг сўзга усталиги билан келин тарафни кўндириш, куёв дўстларига сарполар бериш, қиз куёвниги келганида, янгаларнинг қизни куёв тарафга топшириш лавҳаларида сақланиб колган. Айрим ҳудудларда ёр-ёр, келин салом одатларидан ташкари ўлан айтишади. Қизлар бир тараф. йигитлар бир тараф бўлиб, лирик мазмундаги тортишув ўтади. Масалан, Тошкент вилоятининг Ангрен туманида ўлан айтиш одатига алоҳида эътибор берилади. Республика ўлан айтиш танловининг доимий ўтказилиши эса бу жанр ривожига туртки бўлди, дейиш мумкин.

Йигит:

Үйна туриб деганда, үйна туриб,  
Үртнаман – куюман сени кўриб,  
Үртнганда – куйганда сени кўриб,  
Эрмаклайсан – куласан, лабинг буриб.

Киз:

Кийган тўнинг ярашган бўйгинангга,  
Мен билмадим не сўз бор ўйгинангда,  
Эрмакласам эрмаклай лабим буриб,  
Индамасдан бориб ёт уйгинангга.

Тўй давомида келин гулхан атрофида айлантирилади. Бу удум пайти ёр-ёр айтиб турилади. Ёр-ёр тугагач, навбат келин саломга келади. Тошкент ва аирим бошқа ҳудудларда келин салом тўйнинг эртасига айтилади.

Оилавий маросимлар қаторидан ўрин олган яна бир тўй боланинг туғилиши билан боғланади ва бешик тўй деб юритилади. Одатда, бола тугилганидан кейин 7-21 кун орасида ақиқа маросими ўtkазилади. Ундан кейин бешик тўйи қилинади. Бешик тўйи янги туғилган фарзанднинг биринчи бешикка беланиши билан бошланади. Бешик тўйида сурнай, доира ва бошқа томошалар кўрсатилади. Кулок чўзди ўйинлари ўтказилади. Ҳамма томошалар тугаганидан сўнг кўп фарзанд кўрган, пири бадавлат кайвони она болани мақтайдиган, унга яхши тилак тилайдиган қўшиқ айтади. Бешик жиҳозлари тайёр бўлганида, кайвони она болани “шундай белаймизми?” деб тескари ёткизади. Ҳамма хотинлар “йўқ, йўқ” – деб жавоб берадилар. Шу йўсинда бола бир неча марта бешикка нобоп ёткизилади ва “шундай белаймизми?” деб сўралади ва яна “йўқ, йўқ” жавоби олинади. Охири “Ха” билан бу маросим тутгайди. Шундан сўнг болага оналик қилаётган аёл чақалоқни бешикка белаб туриб, қўшиқ айтади:

Коч-қоч бабаси,  
Келди бешикнинг эгаси.  
Ота-онанг гапиришса,  
Кичкиришса, яна кўрқма!

Қўшикнинг давомида ит, муплук, эшак ва бошқа ҳайвонлар овоз чикарса, кўрқмаслиги кераклиги айтилган. Бола беланиб бўл-

гандан сўнг бешик устидан сочқи сочилади ва исириқ тутатилади. Унинг айтими қуидагича:

Исириқ, исириқ,  
Чатнасин, исириқ,  
Тутасин исириқ.  
Боламга кўз тегмасин.  
Ким кўзимга кўз килса,  
Кўзлари оқиб тушсин.

Шундан кейин бешикдаги бола маҳсус хонага олиб чиқилади, меҳмонларга ош тарқатилади, хотинлар турли матолар, кийимликлар билан чорланади.

Ўзбекларда эсда қоладиган тўйлардан бири хатна (суннат) тўйи ҳисобланади. Бу тўй хатна, суннат, чупрон, чукрон, кўлини ҳалоллаш каби номлар билан атаб келинган.

Тўй эгасининг қўли очиқлиги, кўпинча, шу тўйда аникланган. Она тараф той ва куёв тарафни сарполар билан сийлаган. Ота тараф юртга ош берган, қариндош-урув ва танишларга дастурхон ёзган. Чорва билан шуғулланадиган худудларда, албатта, кўпкари, улоқ уюштирилган. Қадимги анъаналарга кўра, Хоразмда “Олтин қовоқ”, Андижон, Фарғонада “Қулок чўзма”, Тошкентда “Бола маст”лар ўтказилган. Масалан, Тошкентдаги одатга кўра тўй болага зарар қилмайдиган турли ичимликлар берилиб маст ҳолатга келтиришган. Шундан сўнг бола, тоғаси, амакиси ёки қўшни йигитлардан бирининг елкасига опичилган. Зиёфат тўйхонадан маълум масофада уюштирилган. Белгиланган вақтга болани уйга етказишдан аввал хонадонма-хонадон кириб чиқилган. Бу пайтда мана шундай қўшиқ айтилган:

Масжид бўлса, мадраса.  
Хо ялло, ялло, ялло.  
Бир одил пошшо бўлса,  
Хо ялло, ялло, ялло.  
Ҳар ким севганин олса,  
Хо ялло, ялло, ялло.

Профессор Б.Саримсоқовнинг ёзишича: “Чоркарсак хатна тўйининг энг қизиқ ва ҳал килувчи нуқтаси саналади. Тўй иштирок-

чилари катта доира шаклида турадилар. Ички қатордагилар тиз чўкишиб туришади. Ўртага бир ёки икки йигит тушиб чалинаётган карсак ритми асосида чорқарсакнинг биринчи (чакирик) бўлими “Яллама ёrim” кўшиғига ўйнашади.”<sup>111</sup>

Кўшиқ матни:

Бундан бордим, ётибсиз,  
Пар ёстикка ботибсиз.  
Пар ёстиқни кўтарсан,  
Гулдай тоза ётибсиз.

Нақарот:

Яллама ёrim, яллола,  
Яллолашайлик, яллолашайлик.  
Тўртта-бешта бир бўлиб,  
Ҳасратлашайлик.

Ҳасрат боғингдан,  
Куралай кўзингдан.  
Ўлдира берсанг, куйдира бер,  
Шаккар сўзингдан.

Ўзбекистонимизнинг вилоят, туманлари кўп. Ҳар бир ҳудуд тўй маросимларини ўtkазиша ўз удумларига эга. Шунинг учун уйланиш, киз узатиш, бешик, хатна тўйларида умумий миллий одатлар асос бўлса-да, улардаги кичик, жузъий тадбирларда бир қатор фарқларнинг кузатилиши табиийdir.

Халқ маросимлари қаторидаги мотамлар энг қадимиylаридан хисобланади. Яратилганига кариб 3000 йил бўлган “Авесто”да хам вафот этган одамни дағн қилиш бўйича маълумотлар бор. Махмуд Кошгариининг “Девону луготи-т-турк” асарида эса мотам маросимида айтиладиган кўшиқ – марсиялардан мисоллар келтирилган.

Ўзбек мотам маросимлари жуда кўп турли ҳажмда ўtkазила-диган йигинлардан иборат. Уч, етти, йигирма, кирк кунликлар; кор ёғди, гул, шир оши, қовоқ каби мовлияtlар шулар жумласидандир.

Марсияларда ҳаётдан кўз юмган одамнинг ҳаётлигидаги фазилатлари, унинг меҳрибонлиги, иймонли эканлиги эсга олинади:

<sup>111</sup> Саримсоков Б. Маросим фольклори. Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 116.

Баланд тоғлар паст бўлдими,вой отам,  
Ўлганингиз рост бўлдими,вой отам.  
Шамол келмай ўчди чироғим,вой отам,  
Куз келмай хазон бўлди боғим,вой отам.

Шу тарзда ота, она, бола, ака, укса, умуман, қариндош номлари тилга олинади. Амаки, тоға, хола, аммалар ҳам ота, она номи билан аталаверади. Бундай қўшиқлар *марсия* дейилади. “Марсия” араб тилидан олинган бўлиб (مرثیة), “мотам шеъри” маъносини англатади. Халқ орасида марсияни “айтиб йиғлаш” деб ҳам аташган. Завкийнинг “Юзингни кўрсатиб” сўзлари билан бошланадиган мухаммасида: “Сани дарди фирокинг айтиб-айтиб йиғлай ўлгунча” мисрасида ҳам айтиб йиғлаш маъноси йўқ эмас. Одатда, мотам маросими хаётдан кўз юмган шахс вафотига йиллик маъракалар ўтказиш билан яқунланган.

### Мавсумий маросим фольклори

Ўзбек халқи қадим замонлардан деҳқончилик, боғбонлик, чорвачилик билан шугулланган. Деҳқончилик ҳам, чорвачилик ҳам мутлақ табиат муруввати ва инжиқларни билан боғлиқdir. Эрта баҳордан кеч кузгача деҳқон далада меҳнат қиласи. Қишида эса ерга иложи борича кўпроқ нам сингдириш чораларини қураси. Чорвадор эса йил давомида чорвани семиртириш, кўпайтириш билан банд бўлади. Бинобарин, йил фаслларининг қулай келиши деҳқон хирмонига хирмон қўшади, чорвадор меҳнати самарасини рўёбга чиқаради. Шунинг учун оталар ва момолар ёмғир чакириш, ёмғир тўхтатиш, шамол чакириш ва тўхтатиш тажрибасини ипидан игнасигача кейинги авлодга мерос қилиб қолдиришга одатланган. Натижада, ўнлаб маросимлар кашф этилган. Маросимлар эса, албатта, сўзнинг сирли таъсири билан яшаган, амалга оширилган.

Професор Маматкул Жўраевнинг “Ўзбек мавсумий маросим фольклори”<sup>112</sup> китобини ўқиган китобхон ўзбекларда йилнинг 365 кунидаги деярли ҳар бир кун деҳқончилик, боғдорчилик, чорвачилик касби бўйича ўзининг маҳсус номи, маросим билан боғлиқ жиҳатлари борлигига ишонч ҳосил қиласи.

<sup>112</sup> Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Т., Фан, 2008.

Ўзбек мавсумий маросим фольклори йил фаслларида ўткази-  
ладиган маросимлардан иборат. Бахорги мавсум маросимлари лой  
тутиш, шох мойлаш, Наврўз, ёмғир чакириш, дарвишона; ёзги  
маросимлар чой момо; кузги маросимлар шамол чакириш; қиши  
маросимлар яс-юсунлардан иборатдир. Юкорида кайд этилганлар-  
дан ташкири ёзги тўқсон, чилла, қишики тўқсон, чилла, аямажуз,  
ҳут-ют деб номланадиган ўнлаб удумли муддатлар ҳам маълум  
даражада маросим кўринишларига эга.

Масалан, лой тутиш маросимида муайян ҳудудда яшайдиган  
аҳоли ариқларни тозалаш, далага сув чикаришни осонлаштириш  
учун ҳашарга чикади. Хотиралардан бирида бахши Бўра Ахмедов  
Шеробод туманида шундай маросим ўтказилаётганда, ҳашарчилар  
ёнидан ўтиб қолган. Унга лой тутишган. Шунда бахши:

Ҳожакам ҳажга кетди,  
Билмадим кужо кетди.  
Ўн икки жумуртқадан  
Қирқ саккиз жўжа кетди

топишмогини айтган. Ишлаётганлар бир йил, ўн икки ой, кирқ  
саккиз меҳнат ҳафтаси яширинган топишмоқни топа олмаганлар ва  
бахши ариқ тозалаш ишидан озод қолган. Шох мойлар маросими  
баҳорда кўш чиқариш билан боғлик бўлган. Дехконлар йил  
давомида экин-тикин мўл-ҳосил беришига умид килиб биринчи  
кўш хайдайдиган хўқиз шохига зигир мойи сургандар. Маросимда  
дехқончилик пири – бободеҳқондан мўл ҳосил бўлишини тиляб  
ният килишган.

Ёмғир чакириш маросими, асосан, баҳорда ёмғир ёғмаган йил-  
ларда ўтказилган. Қадимда мукаддас Яда тоши бўлган экан. Мана  
шу тош ёрдамида ёмғир чакиришган. Махмуд Кошғарий “Девону  
луготи-т-турк” асарида шахсан ўзи ёз қунларида ёнғин бўлганда,  
бу тош мўъжизаси билан ёмғир чакирилиб, ёнғин ўчирилганига  
гувоҳ бўлганини ёзади. Кейинчалик ёмғир чакириладиган ҳудуд-  
ларда “Суст хотин” маросими ўтказилган. Бу маросим бир жойда  
аёллар, бир жойда эркаклар иштироқида ўтказилган:

Суст хотин – султон хотин,  
Кўланкаси майдон хотин.

Сув хотин – сувсиз хотин,  
Кўйлаклари бўз хотин.

Хосиллар мўл бўлсин, сув хотин,  
Дехконнинг уйи тўлсин, сув хотин.  
Каззобнинг уйи куйсин, сув хотин,  
Сув хотин – сувсиз хотин.

Юқорида келтирилган матнга ўҳшаган кўшиклар ёрдамида кичик худудларда ёмғир чакириб лалми ерларда экилган буғдойларнинг униш ва ўсиши учун имкон яратишга уринилган.

Ёзги маросимлардан бири “Чой момо” бўлган. “Чой момо” бемаҳал кўтарилигандан шамолни тўхтатиш максадида ўtkазилган. Б.Саримсоқов бу маросимнинг Жанубий Қозогистонда яшовчи ўзбеклар орасида ўtkазилгани хақида ёзди. 2009 йил Қашқадарё вилоятидаги Қозок кишлогида ўtkазилган экспедиция давомида бу ерлик қариялар “Чой момо” маросимини эшитганларлари хақида маълумот топдик. Аммо бу янгиликни айтган қарияларимиз маросим тафсилотларини эслай олмадилар. Маросимда қуидаги матнли кўшиқ кўйланган:

Чой момо, чой момо,  
Чой момоси ўлибди.  
Ўғли етим қолибди.  
Боса-боса беринглар,  
Босилиб қолсин бу шамол.  
Уча-учча беринглар,  
Училиб қолсин кув шамол.  
Обло-ху, Обло-ху...

Б.Саримсоқовнинг маълумотига кўра, Сайрам атрофларида маросимни, асосан, кекса аёллар бошлаганлар. Иккита кампир эски уст-бош кийиб, юзларига қоракуя суртиб, қўлларига ҳасса олиб, биттадан калтакни ёғоч от килиб миниб, “Чой момо” кўшигини айтишиб, кишлоқ кўчалари бўйлаб юришади. Уларнинг ортидан бошларига кизил шолча ёпинглан бешта бўйи етган кизлар кўшикка жўр бўлиб боришади. Улардан кейинда эса етги-саккиз ёшлардаги бола эшакка миниб олиб, хонадонлардан берилган хайр-садақа-

ларни хуржунга солиб юради. Эшакда ўқлоқ, кели сопи ва супурги күшиб боғланган бўлади. Шу тариқа иштирокчилар қишлоқдаги барча кўчаларни айланиб қўшиқ айтишади<sup>113</sup>.

Кузги маросимларда шамол чақириш одати бор. Агар ёз фаслида етилган бугдойни ерга эгиб қўймасин учун шамол тўхтатилган бўлса, қузда донли экинларни шопириш учун шамол чақирилган:

Ҳайдар, ота-онанг ўлибдир,  
Моли сенга қолибдир.  
Боланг сувга окибдир,  
Шамолингни қўйвор.

Бу тўртликдаги Ҳайдар Ҳазрати Алининг номларидан бири деб белгиланган.

Кип фаслида Яс-юсун маросимлари ўтказилган. Унда маҳалла-даги йигитлар ёки улфатлар йигилишиб, қимизхўрлик, бўзахўрлик уюштирганлар. Маросимда бўза ичиш, даврада ўтириш, даврадан туриб кетиш, жўра боши (маросим бийи) буйругини сўзсиз бажариш қоидаларига риоя қилинган. Маросимда қимизни ёки бўзани косагул косага қўйиб тўрт мисрали қўшиқ айтган:

Алёр бўлсин-ай,  
Хўжам ёр бўлсин-ай.  
Хўжам берган бу давлатга  
Душман зор бўлсин-ай.

Қўшикка коса олган иштирокчи жавоб қайтарган:

Ойга ўхшайдир юзинг,  
Чўлпонга ўхшайдир кўзинг.  
Шунча ҳам яхши бўлурми,  
Халқ ичидা юлдузинг.

Ўзбек халқи ҳаёти билан яқицдан танишган одам мавсумий маросимларнинг жуда кўп кўринишларига эга эканига гувоҳ бўлади. Мавсумий маросимлар халқ ҳаётининг таркибий кисмини

<sup>113</sup> Саримсоқов Б. Маросим фольклори / Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 123.

ташкил қилиб, асрлар давомида ўзбекларда кўнгил очин, табиатга умид билан караш, яхшиликка интилиш ниятининг бадий ифодаси бўлиб келган.

## Байрам маросимлари

Ўзбек халқининг байрам маросимлари ҳам кўп. Уларда Ўзбекистонда яшовчи бутун аҳоли иштирок этади. Хусусан, умумхалқ байрамларининг энг азизи Мустақиллик байрамидир. 1991 йил 31 август куни Ўзбекистон мустакил давлат деб эълон қилинди. 1 сентябрь Мустақиллик куни деб белгиланди. 1991 йил 1 сентябрдан бошлаб ҳар йили бутун Ўзбекистон мустакил юрт сифатида ўзининг озодликка эришганини нишонлаб келмоқда. Мамлакатнинг пойтахти Тошкентда, Қорақалпоғистон пойтахти Нукусда, ҳамма вилоятлар марказларида, туманлар марказларида катта тантаналар уюштирилди. Тошкентда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов бутун ўзбек халқига, Ўзбекистонда яшовчи ҳамма миллат вакилларига қарата нутқ сўзлайди. Юртимиздаги бошқа худудларда ҳам маҳаллий раҳбарлар Ўзбекистон мустақиллиги шарафига нутқ сўзлайдилар. Катта байрам концерти уюштирилади. Бу концерtlарда ҳалқ қўшиклари, расм-руsumлари, достонлардан парчалар, асқиялар, ҳалқ рақслари, амалий санъат намуналари намойиш этилади. Кузги экинлар сайиллари ўтказилади. Ўзбекистон Миллий bogидаги тантаналар телевидение орқали бутун дунёга маълум қилинади.

Ўзбек халқининг энг қадимги байрамларидан бири Наврӯз ҳисобланади. Наврӯз – янги кун маъносини ифодалайди. Абу Райхон Беруний ўзининг “Қадимги халқлардан колган ёдгорликлар” асарида Наврӯз байрами Жамшиднинг таҳтга ўтирган кунидан бошлаб нишонлангани ҳакида маълумот беради. Баҳорги кун ва туннинг тенг келиш кунини 3-4 минг йил олдин кашф қилиш, 21 марта янги йил байрами сифатида тантанали нишонлашнинг ўзи юргизда илм тараққиёти қанчалар ривожлангани ҳакида маълумот беради. Күёшнинг ҳамал буржига киришини аниқ белгилаш астрономия фани каашфиёти ҳисобланади. Фирдавсийнинг “Шоҳнома”, Умар Хайёмнинг “Наврӯзнома”, Алишер Навоийнинг “Тарихи мулуки Ажам” асарларида байрамни ўтказиш тарихи, одатлари

ҳакида тафсилотлар бор. Масалан, Умар Хайём Наврӯз куни бош кохин подшоҳ олдига май тўла олтин жом, узук, дирҳам, динор, арпа ниҳоли, килич, ўқ-ёй, довот ва қаламдан иборат совға олиб келишини ва табриклар изҳор қилишини ёзди<sup>114</sup>.

Наврӯз куни, шу кун агрофида одамлар кўк сомса, кўк чучвара, кўк варақи – сомса, сумалак ва бошқа турли таомлар тайёрлаганлар. Тошкентда ҳалим пишириш одати бўлган. Наврӯзда маҳсус халқ қўшиқларини айтиш расм ҳисобланган. Улардан жарчилар қўшиғи, Наврӯз келди, ёз келди, Наврӯз ўланлари машҳур эди. Хусусан, “Наврӯз олқиши”да шундай дейилган:

Эски йил кетди,  
Янги йил келди.  
Дошқозонлар тизилсин,  
Сумалаклар сузилсин.  
Буғдойлар пишиб чош бўлсин,  
Еганимиз ош бўлсин.

Сумалак пиширишда эса бошқача қўшиқ айтилган:

Бахорнинг сен элчиси  
Яхшиликнинг белгиси,  
Наврӯзниң сен синглиси,  
Сумалакжон, сумалак.  
Сумалакжон, сумалак.  
Сумалакка йигилар,  
Катта-кичик, ҳамма ҳам,  
Пишиб чиқса, тотисанг,  
Кўнгиллар кувнар бираам.  
Сумалакжон, сумалак.  
Сумалакжон, сумалак.

Муҳаммад Ризо Огаҳий ўзининг лирик ижодида Наврӯз байрами ҳакида диккатга лойиқ маълумотлар беради. Хусусан, шоир Наврӯз куни тақдир оғир синовдан ўтказаётган, бетоб, гариб одамларни зиёрат қилиш савобли эканини таъкидлаган. Навоий ва Огаҳий анъанаси кейинчалик Муқимий, Фурқат, Чўлпон, Ойбек,

<sup>114</sup> Умар Хайём. Наврӯзнома. Таржимон Урфон Отажон. – Т.: Мехнат, 1990.

Ҳ.Олимжон ижодида давом эттирилди. Собиқ шўро тузумида Наврўз байрамига қайта-қайта ҳужумлар уюштирилган. Ҳаракатнинг энг оғир пайти 1986 йилга тўғри келди. Бу йили Наврўз байрами нишонланмаган. Ўзбекистоннинг мустакилликка ёришуви Наврўзга бўлган муносабатда аник кўринади. 1990 йилда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Наврўз умумхалк байрами сифатида кенг нишонланди. Шундан буён Наврўз байрами ўзбек халқининг орзиқиб кутадиган шодиёнасига айланди.

Умумхалқ байрамлари қаторидан муносаби ӯрин олганлари сифатида Рамазон ҳайити ва Курбон ҳайити байрамларини ҳам кўрсатиш мумкин. Юртимиз мустакил бўлганидан бери ислом дини билан боғлиқ бу икки байрам алоҳида нишонлана бошланди. Ҳар йили рамазон ойида ислом динига эътиқод килувчилар 30 кун давомида рўза тутишади. Оғиз очар пайти бўлганидан сўнг 30 кун ёш болалар рамазон айтишади. Кадим замонларда рамазон айтиш ўспирин йигитлар зиммасида бўлган. Кишлоқ ё шаҳар кўчасининг ўртасида яккахон қўшиқчи атрофида 5-6 та дўстлари билан рамазон айтган. Давранинг икки чеккасида хуржун – халта билан икки йигит эшик олдига бориб даврага қайтган. Хонадон эгалари рамазончиларга ҳадя – эхсонлар чиқариб беришган. Марғилон шахридаги қарияларнинг эсласича, бу маросимлар ўз вактида жуда файзли ва орзиқиб кутилган дақиқалардан иборат бўлган экан:

Рамазон айтиб келдик эшигингизга,  
Худойим ўғил берсин бешигингизга.  
Рамазон ё рамазон, май рамазон,  
Мухаммад умматига май рамазон.

Маккада бир ёғоч бор, боши кора,  
Худойим ўғил берсин, қоши кора.  
Рамазон ё рамазон, май рамазон,  
Мухаммад умматига май рамазон.

Одатда, рамазон ойи рамазон ҳайити билан якунланган. Аммо йил давомида рамазон айтувчилар ҳам бўлган. Тошкент вилояти Ангрен туманида яшаган марҳум Олтивой ота йил – ўн икки ой отда кишлоқма-қишлоқ рамазон айтган. Ҳар хил яхши ният килган одамлар унга совға-саломлар берганлар. Ота эҳсончига битта нон бериб, дуо қилиб кетаверган, рамазонни айтаверган.

Хуллас, ислом динимиз билан бөглиқ умумхалқ байрами йилига икки марта: Рамазон ва Курбон ҳайити сифатида нишонланган. Бу даврда курби етган одамлар иктиносидий қийналган юртдошлирига закот, фитр эхсонларини беришган.

Шундай қилиб, ўзбек халқи қадим замонлардан ўз ҳаёти давомида турли маросимлар ўтказган ва бу маросимларда Яратган Тангридан яхши орзу-истакларнинг рӯёбга чикишини сўраган. Маросимлар халқ ҳаётининг таркибий қисми сифатида миллий урф-одатлар каби кадрланган.

### **Савол ва топшириклар:**

1. *Маросимларнинг халқ ҳаётида тутган ўрни ҳақида гапиринг.*
2. *Маросимларнинг турлари, ўтказилиши қоидаларига изоҳ беринг.*
3. *Ўзингиз билган ва қатнашган маросимлар ҳақида гапиринг.*  
Уларнинг ўтказилиши тартибини қариялардан сўранг ва ёзib олинг.
4. *Бадиий адабиётда халқ маросимларининг ўрнини аниқланг.*

### **Адабиётлар:**

1. Саримсоков Б. Маросим фольклори / Ўзбек халқ оғзаки поэтик ижоди. – Т.: Ўқитувчи, 1990. – Б. 116-141.
2. Саримсоков Б. Ўзбек маросим фольколори. – Т.: Фан, 1986.
3. Жўраев М. Ўзбек мавсумий маросим фольклори. – Т.: Фан, 2008.
4. Жўраев М. Наврўз байрами. – Т.: Фан, 2009.
5. Шодиев Б. Наврўз байрами. – Т.: ЎзМЭ, 2001.
6. Корабоев У. Ўзбекистон байрамлари. – Т.: Ўқитувчи, 1991.
7. Наврўз (кўшиклар, афсоналар, одатлар ва иримлар). Тузувчилар: Т. Мирзаев, М. Жўраев. – Т.: Фан, 1992.
8. Safarov O. O'zbek xalq og'zaki ijodi. T.: Musiqa, 2010. – Б. 331-362.

## МУНДАРИЖА

<i>Муаллифдан</i> .....	3
<b>Кириш</b> .....	5
<b>Халқ оғзаки ижоди хақида умумий маълумот</b> .....	7
Халқ оғзаки ижоди – сўз санъати.....	8
<b>Халқ оғзаки ижоди ва қадриятлари давлат мақомида</b> .....	16
<b>Халқ оғзаки ижодининг ўзига хос хусусиятлари</b> .....	23
<b>Энг қадимги халқ оғзаки ижоди намуналари. Мифлар</b> .....	38
<b>Халқ оғзаки ижоди жанрлари</b> .....	50
Афсона ва ривоятлар.....	59
Маколлар.....	69
Топишмоклар.....	82
Аския.....	95
Латифа ва лофлар.....	102
Эртаклар.....	113
Халқ кўшиклари.....	129
Термалар.....	164
<b>Халқ достонлари</b> .....	170
“Алпомиш” достони.....	184
<b>Эргаш Жуманбулбул ўғли</b> .....	201
<b>Фозил Йўлдош ўғли</b> .....	207
<b>Мухаммадкул Жонмурод ўғли Пўлкан</b> .....	213
<b>Ислом Шоир Назар ўғли</b> .....	217
<b>Болалар фольклори</b> .....	222
<b>Ўзбек маросим фольклори</b> .....	235
<b>Байрам маросимлари</b> .....	240

## *Ўқув-услубий нашир*

Нашриёт мұхаррири: Маҳкам Маҳмудов  
Мусаххиха: Камола Болтабоева  
Техник мұхаррiri: Бекзод Болтабоев

«MUMTOZ SO'Z»  
масъулияти чекланган жамиияти  
нашиёти

Нашриёт лицензияси АI № 103. 15.07.2008  
Теришга берилди: 09.12.2010. Босишига рухсат этилди 21.02.2013  
Көфоз бичими 60x84 1/32. Оффсет көфози  
Times New Roman гарнитураси  
Хисоб-нашиёт тобоғи 14,5. Шартли босма тобоғи 15,0  
Адади: 500. Баҳоси келишилган нархда

Тошкент, Навоий қўчаси, 69.  
Тел: 241-60-33  
E-mail: mumtoz\_soz@mail.ru

«MUMTOZ SO'Z»  
масъулияти чекланган жамиятининг  
матбаа бўлимида чоп этилди.  
Манзил: Тошкеит, Навоий кўчаси, 69.  
Тел: 241-81-20